

ИСЛОМ ШОФУЛОМОВ

# ДИЛДА БОРИМНИ АЙТАМАН...

ЁХУД ДИЛБАНДЛАРИМ – НАБИРАЛАРИМГА МАКТУБЛАР

ТОШКЕНТ «МАЊНАВИЯТ» 2003

Азал-азалдан набиралар оталаридан кўра боболарига қалбан яқинроқ сирдош бўлишган. Мазкур китобда ҳам ана шу ҳолатни кузатиш мумкин. Ҳаётнинг аччиқ-чучутини тотган, катта тажриба тўплаган бобо ўз кечинмаларини, мулоҳазаларини набира билан суҳбат тарзида баён этган.

III 74

**Шогуломов, Ислом.**

Дилда боримни айтаман... Ёхуд дилбандларим — набираларимга мактублар. — Т.: «Маънавият», 2003. — 208 б.

10-29392/3  
92  
III 4702620204-41 5-02  
M 25/04/-03



ББК 84 (5У)

10

© «Маънавият», 2003

Ўғлым Алишернинг ёрқин хотирасига  
багишлайман.

*Муаллиф*

**Жигарим Шарофжон!** Кўз олдингга ёна-ёна сўниб бораётган лағча чўғни келтири. Атрофи бўм-бўш. Сукунат... Яқиндагина унинг алангасида исиниб, юzlари лов-лов ёнган кимсалар бугун қайлардадир сарсари кезишади. Гангур-тунгур сұхбатлар абас... Шошиб қолган совуқ эпкин чўғ юзига тортилаётган ҳарир кулни тўзғитмоқчи бўлади.

Аммо қаноти куйган капалакдек чирпирак бўлиб нари чекинади. Ахир, чўғ — чўғ-да, Шарофжон. Ҳали у мутлақо сўнгани йўқ. Ҳароратнинг қаймогини, алангадан ҳам зўрроқ қурратни бағрида асраб турибди. У зоҳиран — кўрар кўзлар учунгина сўнгандек. Ботинан — қалб кўзлари учун эса сўнмаган.

Билсанг, мен ҳам бамисоли худди ана шу чўғ янглиғ эдим. Болалик қилдингми, билмадим, ишқилиб ногаҳон тегиб кетдинг-у, қайта ловуллатиб юбординг мени. Кел энди, бу ўтга ўзинг каби жамики неваралар исинсинлар... Зора, меҳр-оқибатли, сабр-қаноатли, хуш феъли, сахий инсонлар бўлиб етишсалар. Шундагина ҳозир ҳам, кўп йиллар ўтгандан кейин ҳам кўрган баракали ва саховатли умримдан, болаларимдан, невара-эвараларимдан хурсанд, рози қоламан. Иншаоллоҳ, умидларим ижобат бўлғай!

## СУВ ЮЗИДАН САКРАБ ЎТГАН ТОШ

**III** арофжон, нима қилиб қўйдинг-а, болам? Балки ўзинг ҳам тушунмассан? Тушунтириш керакмикан-а?.. Балки тақдирингга битилгани шудир? Ҳа, энди кеч. Сен кетишига шайланиб бўлдинг. Эҳтимол кетмассан. Аммо сезиб турибман — чет эл шаҳарларини кўрмаган кўзларинг мен учун ҳам маълум бўлмаган сарҳадларни ке-зиб юрибди. Сенинг, шу ёшингда, ўзингни адоқсиз меҳр ва муҳаббат билан қуршаб турган оламни бирваракайига ташлаб кетгинг, мусо-фирликда яшагинг келиб қолди. Биламан, бу тасодифий хоҳишнинг сабаблари, илдизлари ўта чигал, чуқурдир. Ҳа, бўйлаб бўлмас — айни пайтда ечими ниҳоятда дилгир, ўйлаган саринг юрак-бағринг-ни эзадиган муаммодир. Буни ёлғиз яратган Эгаму сен ва мен била-миз. Бу кўнишишимиз лозим бўлган, абадий бедаво дарддир. Давоси бу дунёдан бевақт ўтиб, тупроқ бағрида абадий уйқуда ётибди, ҳа!

Тавба, бўй-бастинг, юриш-туришларинг десам — дабдурустдан бир қарорга келишинг ҳам адангга тортид-я. Албатта, аданг дилига келган гапни зумда тилига чиқарадиганлардан эмасди. Бир қараганда жавоблари шундоқ туйқусдан, кутилмагандек туюларди-ю, аслида, у узоқ, кўп ва хўп ўйланган бўларди. Ҳа, тарозуда тортилгандек, ма-ғизли ва маъноли жавоб аввалдан ўйлангандек туюларди. Буни мен ҳам, бошқалар ҳам кейинчалик тушуниб қолардик. Лекин сенинг қарорингни ўшандай тугал дея олмайман...

Биласанми, сенинг тутаётган ўйлинг нимага ўхшаб кетди... Сув бўйларига дам олгани чиққанимизда, сувга тош отиб сакратишни яхши кўрардинг-ку, шунга ўхшаб кетди. Гўё сен отган тош менинг юрагим устидан сакраб-сакраб ўтгандек бўлди. Ҳа, ҳаётим қандайдир осойишта, майда-чўйда ташвишларни ҳисобга олмаганда, бир маромда кеч-ётгандек эди. Гўё тинч оқар дарёдек. Сен отган тош дарё юзида сакраган-дек юрагимни жаз-жаз қилиб ўтди. Сенинг болаларча қилган қароринг-ни шунчаки бир ўйинга ўхшатганим учун хафа бўлмагин, болам.

Марҳум аданг суратини қўлингга олиб узоқ-узоқ термилиб қолган-ларингнинг гувоҳи бўлганман. Ҳа, адангга ўхшагинг, адангдек азамат йигит бўлгинг келади. Ажабо, ҳамма фарзандлар ҳам отасидек бўлишни орзу қилишармикин? Бошқаларни билмадим-у, лекин отанг раҳмат-лик менга ўхшашни жудаям орзу қиларди. Буни қаердан билгансиз ёки адамлар Сизга айтганимилар дейсанми? Йўқ, у бунақа иқрорларни ёқтирамасди. Атрофдагилардан, мендан ўзига ёққан, маъқул фазилат-ларни ўзига юқтириб олишга ҳаракат қиларди. Мен буни унинг баъзи

бир ҳолатларидан сезиб қолардим. Лекин у ҳеч кимга: «Сиз, ундоқ яхши одамсиз, Сиз бундоқ яхши одамсиз», деб гапирмас эди. Буни қандай-дир бачканалик, тилефламалик деб билса керак-да?! Кейин ўзини мақташларини ҳам сира хушламас эди. Шунақа мақтовлар бўлиб қолса ерга тикилганча, бошини иргаб: «Бўлди қила қолинг, жа-а оширвояп-сиз», дегандек бир ҳолга тушарди. Шунинг учун мен унинг ютуқларини ҳам сал-пал қоғозга ўраб гапирардим. Лекин аданг мен мақтаб обчиқиб қўйган баландликда тургиси келмасди; дарров пастга тушиб оларди. Нимагадир аданг, «Мақтов одамни ўлдиради» деган ақида деймизми, нақл деймизми, ишқилиб, шунга қаттиқ ишонарди.

«Бобожон, ўзингиз-чи, ўзингиз мақтовга қандоқ қарайсиз?!» — дейсанми? Тан олиб айтишим керак, ёмон қарамайман. Мақтов кимга ёқмайди дейсан. Мушукни тиззангга олиб силаб-сийпалашинг унга қанчалик ёқса, мақтов ҳам инсонга шунчалик ёқади. Ҳа, киши ўзини ёшликтан қўлга олмаса, бора-бора мақтовларга қул бўлиб елкасини тутадиган, мақтовсиз яшай олмайдиган, гўё бенуқсон одамга айланаб қолади. Инсоннинг маънавий инқирози шудир.

Бу гапларни мен қоғозга туширмаяпману, гўё сенга айтяпман. Нимагадир юзингга андек қизиллик югурулти. Шу, сал-пал мақтовга мойиллигинг бор-да. Шуни тан олгандексан. Аслида бу сенинг эмас, биз катталарнинг айбимиз. Аданг оламдан ўтгандан кейин ҳар доим кўнглингга қарайдиган бўлиб қолдик. Нима қилайлик, барибир кўнглинг ярим-да. Аданг бу ёруғ дунёдан кўз юмганда, сен ўн уч ёшда эдинг. Фожиани бутун вужудинг билан ҳис қиласардиг. Бизлар ҳаёт бўлсак-да, барибир етим бўлиб қолаётганингни юрак-юрагингдан ҳис қиласардиг. Шунинг учун ҳам сендаги баъзи болаларча хархашаларни яхши фазилатларинг билан суваб юборишга, яхши жиҳатларингни ўзингга ошириброқ кўрсатишга тиришдик. Ҳа, шунақа йўллар билан яримта қалбингни бутламоқчи бўлардик. Биз катталар сенинг яримта қалбингни ҳеч қачон бутлай олмаслигимизни сезган ҳолда шундай қиласардик. Ахир, ўтган одам қачон тирилганки, сенга ўхшаганларнинг қалби бутун бўлса... Ҳа, била туриб сени мақтовпаст қилиб қўйдик...

Дарвоқе гап нима ҳақда эди?.. Эсладим, гап боланинг отасига ўхшашни орзу қилиши ҳақида эди. Ўшанда, аданг, сенинг ёшингда, ўн икки-ўн уч ёшларда эди. Кўп китоб ўқирди. Шунданми, ўйчанроқ, одамовироқ бўлиб қўринарди. Бу мени ҳам, бувингни ҳам ташвишлантиради.

— Адаси, кутубхонангизни қулфлаб кетинг, Алишерингиз китобга берилиб, уйқусиз бўлиб қоляпти, — дерди бувинг куюниб.

Чиндан ҳам, у тенги болаларни кўчадан уйга обкириб бўлмасди. Алишерни эса, кўчага чиқариб бўлмасди. Биз унинг бирорвга қўшилмайдиган, одамови бўлиб қолишидан чўчирдик. Кейин бу ёшда мук тушиб китоб ўқийвериш ҳам одамни ялқов қилиб қўяди-да. Менга

сал таскин берадиган томони — Алишер ҳүшёр, зийрак эди. Эрта билан бадантарбия қиларди, совук сувда ювинарди. Жисмоний тарбиядан баҳолари «беш» эди... Шундоқ бўлсаям, «китоб жинниси»га айланиб қолишини мен ҳам, бувинг ҳам истамас эдик. Ахир, китоб — бошқа, ҳаёт — бошқа-да. Агарда дикқат қилсанг, ёзувчилар кўпроқ ҳавойи, эришиш қийин бўлган орзулар ҳақида ёзишади, эришиб бўладиган орзуларнинг эса на ёзувчига, на ўкувчига қизиги бор. Китоб орқали ҳаётни таниган одамга яшаш ҳамиша қийин бўлади. Айтишади-ку, ҳаёл — бошқа, ҳаёт — бошқа деб...

Бир куни кўнглимдан кечачётган гапларни адантга айтиб қўяй деб уйга барвақтроқ келдим. Алишер бадиий китобларни кўпроқ кундуз кунлари ўқирди. Кечкурун ва эрта саҳар дарс тайёрлашни ёқтиради. Бунақа пайтда у билан бафуржга гаплашиб бўлмасди.

Ҳойнаҳой, дарсхонасида китобга кўмилиб ўтирган бўлса керак деб шу томонга юрдим. Кирсам, Алишер йўқ. Стол устида Жюль Верннинг қайсиdir китоби орасига хатчўп қўйилганча турибди. Китобнинг ёнида қалин муқовали дафтар. Муқоваси ҳаворанг, қатлари эзилган. Мен бу дафтарни илгари ҳеч қачон кўрмаган эдим. Юрагим «жиз» этиб кетди, ўз вақтида бизнинг ҳам шунақа, ҳеч кимга кўрсатмайдиган дафтарларимиз бўларди. Унга шеърлар битардик. Газета ва журналларда чиққан кино юлдузларининг суратларини қирқиб ёпиштирадик. Бунақа дардкаш дафтар сенда ҳам бўлса ажаб эмас. Нимагадир, болалитим ёдимга тушдими, адантнинг батъи бир сирларидан воқиф бўлгим келдими, дафтар муқовасини шундоқ очдим. Очдиму, вужудимга иссиқ бир нарса юргандек бўлди. Ҳа, ишонасанми, тер қўйилиб кетди. Дафтарнинг бошқа варақларини очоммадим. Ҳозир Алишер кириб, гуноҳ устида қўлга тушиб қоладигандек, шошганимча кутубхонамга ўтиб кетдим. Креслога ўзимни ташлаганимча кўзларимни чирт юмиб олдим. Тавба, юрагим ёш боланикidek турс-турс урарли. Мен шу қўйи кўзимни очмай алламаҳалгача ўзимни ўзим имтиҳон қилиб ўтирам. Хонага бувинг ҳам, Алишер ҳам мўралаган бўлишди, мени оромкурсида ухлаб, дам оляптига йўйишиб чиқиб кетишли. Аслида, мен уйғоқ эдим. Ҳа, ўзимни ўзим имтиҳон қилардим. Дафтарнинг биринчи варагидаги сўзлар мени шу қўйга солиб қўйган эди. У пайтларда менинг отам, сенинг катта бобонг ҳаёт эдилар. Агарда у киши мени ёнларига ўтиргизиб, эллик кун панду насиҳат қилганларида ҳам мен бунчалик аҳволга тушмаган бўлардим. Мен йигит бўлиб, улфайиб, бош фарзандим ўн уч ёшга кирган бўлсада, ҳаётга бунчалик сергаклик билан боқмаган эдим. Ўшанда илк бор Оллоҳ таоло бу ёруғ оламни ниҳоятда заргарлик билан яратганига тан берган, билиб-билмай қилиб қўйган гуноҳларимга тавбалар қилган, ўтган йиллар воқеаларини бирма-бир эслаб, худди кинода кўраётгандек эдим.

Сизни бунчалар ўй-хаёлларига толдириган нарса нима дейсанми? Балки, кўзинг тушгандир. Ахир, адангнинг ёзганларини кунда-куно-ра титкилаб ўтирадиган одатинг бор-ку. Дарвоқе, у ёзув сени бунчалик ҳайратга солмаслиги ҳам мумкин. У болаларга эмас, оталарга тегишли гап.

**МЕНИНГ ФИКРУ ЁДИМ ОТАМДЕК БЎЛИШ...** Ҳа, унинг кундалик дафтари шундай сўзлар билан бошланарди. Сенга матъумки, бунақа дафтарлар кўпгина ёшларда бўлади. Унга улар отасига, онаси-га, ҳатто энг яқин жўрасига ҳам айтмайдиган сирларини битиб қўяди-лар. Ва бу дафтарларини ўз сирларини яширгандек яширадилар, ошкор бўлишини истамайдилар. Шунинг учун ҳам бу дафтарга фақат рост гаплар, энг эзгу орзу-ўйлар тушади. У ўша навқироннинг қалби-дек пок ва сирли бўлади.

Мен ўшанда фарзандларим менга қараб бўй чўзаётганини, ме-нинг юриш-туришларимга қараб қад ростлаётганини, гап-сўзларим-дан кўчирма олаётганикларини илк бор ҳис этдим. Ота фарзандлари учун бир қуёш янглиғ экан. Кунгабоқарлардек ундан нур эмиб ўси-шаркан. Ота қайси томонга оғса, фарзандлари ҳам шу тарафга оғар экан. Мен кечагина ота-онам назоратида бўлган бўлсам, энди бу назорат Оллоҳнинг қурдати билан фарзандларим кўзларига кўчгани-ни англадим. Ҳа, бу назорат биринчисидан кўра қаттиқроқ, нозик-роқ эди. Ота-онам қусурларимни юзимга айтиб, йўлга солишарди. Фарзандларим-чи, бундай қиломайдилар, аксинча, ўша қусурларни қандай бўлса, шундайлигича ўзларига кўчирадилар. Ана унда танбеҳ-ни ота-она эмас, ҳаётнинг ўзи беради. Тангри таоло, нима эккан бўлсанг шуни ўрасан, дейди.

Менинг саркаш неварам, бу сўзлар сенга сал ботмайроқ турганини сезяпман. Лекин сал кунда сен ҳам ота бўласан. Биз хоҳлаймиз-ми-хоҳламаймизми, таъсир доираниздан бир оз бўлса ҳам чиқиб кетасан. Лекин Оллоҳ берган буюк неъматлар — фарзандларинг назо-ратига тушишингни олдиндан сездириб кўймоқчиман. Болам, бу ме-нинг бурчим, ўз вақтида Алишерга, Фанишерга, Баҳромга, Гулнора-га ҳам отамдан олган сабоқларим ҳақида айтиб турардим.

Нимагадир, ўша кунги ҳолатдан кейин анчагина босиқ бўлиб қолдим. Ўртада шайтон бор-да, одамзод баъзан нима яхшию-нима ёмонлигиниям ажратолмай қолади. Ҳа, хом сут эмган инсон гуноҳ билан савобнинг фарқига боролмай қолади. Ўшандай пайтларда Али-шернинг «фикру ёдим отамдек бўлиш...» деган битиги лоп этиб кал-ламга келади-да, кўз олдим бир қоронгилашиб, кейин чараклаб очи-либ кетади. Беихтиёр кўп нарсаларга бор-э деб қўл силтаб юборгим келади. Кўриб турганлар эса тумшуғининг тагидаги насибасини кўрмайди-я, тайёр, пишиб турган ошдан қандай қилиб нафсини тийди экан деб, ҳайрон бўлишади.

## БОШ ФАРЗАНД – БОШ БИТИК

**Э**й, менинг ҳасрат сандигимни очиб юборган тиниб-тинчимас набирам, сенинг отант, менинг жигарпорам, бош фарзандим Алишерим эди. Сен ҳам боламнинг бош фарзандисан. Шундай дейишимдан мурод – бош фарзанд йўл очувчи бўлар экан. Ҳа, у Оллоҳнинг никоҳ ўқитиб эр-хотин бўлган бир ёш оиласа юборган дастури – битиги экан. Шундай, бизни яратган Қудрат эгаси ўз Каломидан ташқари фарзандлар орқали ҳам ўз ҳукмларини юборар экан. Буни бирор билар, бирор билмас экан. Билмаган баңдаларига Оллоҳ вақти-соати билан билдириб турар экан.

Оллоҳнинг иноятига шукроналар бўлсинки, 1955 йилнинг февраль ойида бош фарзандимиз Алишер дунёга келди. Ҳа, ўғилдир давлатнинг боши деганлариdek, орзуларимиз мўл-кўл, ниятларимиз холис эди. Биз ҳам пиру бадавлат оиласалардек яшасак, дердик. Замонавий уйлар қуриш, тўйлар қилиш орзусида эдик. Боз устига, дастурхонимиз тўкин, кийимлар ҳам башанг бўлишини истардик. Рост, ёш оиласаларда ўзи шунақанги эзгу ниятлар кўп бўлади. Гёё оила қурмайди, балки, дунёни қайта қура бошлайди. Қурганда ҳам ўзига мослаб, ўзига нишоблаб қургиси келиб қолади. Билмайдики, бу оламдаги барча орзу-ниятларнинг эгаси, яратгани бор. Бари ўлчовли. Баңдасининг эмас, Эгасининг айтгани бўлади. Беш қўлни оғизга тиқиб бўлмайди. Керагидан ортигини еб бўлмайди...

Биз бувинг билан ҳамма ёш оиласалардек гўзал нарсаларга ташнамиз. Улар эртаклардагидек кўз очиб-юмгунча бирданига муҳайё бўлиб қолишини хоҳлаймиз. Бунинг учун кечасию-кундузи уч сменада ишлашга ҳам розимиз. Каталакдек уйларда яшаб бўлмайди. Ўфил тўйлар қилиш керак...

Мен унда босмахонада бетиним ишлардим... Бувинг чақалоқни онасига қолдириб, дўхтирихонага ишга кетарди. У пайтларда ҳозиргидек фарзанд кўрган оналарга икки-уч йиллик дам олишлар йўқ эди. Бир ойгина имтиёз берилар эди, холос. Раҳматлик қайнонам Марямхон бувинг ҳам тиниб-тинчимайдиган тадбирли аёллардан эдилар. Иккита говумшдан соққан сутларини кувида пишиб, ёғ қилиб, қатиқ увитиб сотардилар. Шу ишлардан ортиб Алишерга ҳам қаарардилар. Алишер анча питрак бўлиб, эмаклаб қолган эди. Бир хил болалардек инжиқ, йиғлоқи эмасди. Қорни тўқ бўлса, ўйин-ъўқларга андармон бўлиб ўтираверарди. Жуда очқаб кетса, «хув-хув»-ковли ўртасидаги ҳовузчага ишора қиларди. Сабаби, бу ҳовузчиб қолмаслиги учун солиб қўйилган оқликлар сакланарди.

Ариқдан билакдек сув кириб, нариги ёгидан чиқиб тучер ейдиган ош-овқатлар ҳам шу ҳовузчада турарди. Чуваткичлар қайда, дейсан. Биз унинг ҳовузчага қараб ҳўлданиб кузатар, «Алишернинг ошхонаси» деб ку-

лардик. Аммо куни келиб тақдир бизнинг устимиздан кулиб қўйишини тасаввур ҳам қилолмасдик.

Бир куни қайнонам Алишерни ҳовли юзидаги шолчага ўтқазиб, ҳар доимгидек ўйинчоқларини олдига уйиб, сигир соғгани молхонага кириб кетибдилар. Челакни сутга тўлатиб чиқсалар, Алишер жойида йўқмиш. Челакни кўтариб ҳовузча тарафга юрган сари ҳовуздан би-қирлаган овоз чиқармиш. Югуриб келсалар, Алишер ҳовузчага тушиб, кувларга тирмашиб ётганмиш. Бола шўрлик қорни очгач, ҳовузча тарафга эмаклаб борган-да, тушиб кетган. Биз ишдан келганда бола ўзидан кетиб ётарди. У анча сув ютган, ажал чангалига тушиб чиққанлиги юз-кўзидан сезилиб турарди.

Шунда эр-хотин билдикки, болани дунёга келтиргандан кейин унга бепарволик билан қарамаслик керак экан. Биз эр-хотин тинимиз сиз ишлаб, ўттиз қилганимиз билан яратган Оллоҳ тўқиз қилиб қўйиши ҳеч гап эмас экан. Оллоҳ шундай фарзанд бердими, энди бойлик, яшаб қолиш учунмас, ўша бола учун яшаш, унинг соғлом, баркамол инсон бўлиши учун ота-она масъулият сезиши керак экан. Чеки-чегараси йўқ ҳою ҳавасларга, дабдабаларга, шайтоний нафсларга болани қурбон қиласлик керак экан. Отам раҳматлилар айтар эдилар: «Бола Оллоҳнинг неъмати, жаннатнинг гулидир» деб, сал бўлмаса гулимиз бевақт сўлиб қоларкан.

Ўша кунги нохуш воқеадан кейин бувинг ишини йифиштириди. Ҳа, бу тасодифдан сўнг кўзимиз мошдек очилди. Худо кўрсатмасин, бир гап бўлганда борми, кечасию-кундузи ишлаб топиб келаётганларимиз ҳам кўзимизга кўринармиди? Асло!

Демак, бу дунёда борига қаноат қилиб, йўғига сабр қилмоқ зарур экан. Пешонада бўлса, орзу-ҳаваслар вақт-соати билан кушоийш бўлавераркан. Оллоҳга шукроналар бўлсинки, мана энди нимаики зарур бўлса бари мавжуд.

Шу ўринда сен ҳам: «Хою ҳавасларга жудаям эрк бериб юбормаяпманми?» деб ўйласанг бўлармиди?! Орзу яхши нарса. Яхшилиги шундаки, у инсонни олдинга етаклади, икир-чикир, майда-чўйда ишлардан ҷалритади, шайтонга ҳай беради. Ёмонлиги шундаки, унинг чеки-чегараси йўқ. Назаримда, ўша чексизлик сенинг хаёлингни банд қилиб қўйгандек. Ҳа, осмонларда учишга ўрганиб қолгандексан. Ҳамиша шундай бўлади, деган қатъий ишонч бор сенда. Бунинг ҳам табиий сабаблари бор, билсанг. Сен адангдек қаттиқчиликнинг нонини еб ўсмадинг. Биз бир умр орзу қилган тўкинликнинг нонини еб катта бўлдинг. Ямоқли нарса киймадинг. Бўш дастурхонга термулиб қолмадинг. Зориқмадинг демоқчиман-да.

Бундан хулоса чиқариб, киши ҳаволаниб кетмаслиги учун, албатта, зориқиброқ ўсиши керак экан-да, деб ўйларсан.

Йўқ, Шарофжон, асло ундоқ эмас. Ўзи мўл-кўлчиликнинг заминида ҳамиша йўқчилик ётади. Йўқчилик инсоннинг ақлий ва жисмо-

ний имкониятларини ишга солади, меҳнатга чорлайди. Ҳа, одамзотда чексиз-чегарасиз имкониятлар борки, баъзан қилиб қўйган ишига ўзи маҳлиё бўлиб қолади. Бугунги ихтиrolарнинг бари ўша чексиз имкониятлар мевасидир. Бундан эллик йил муқаддам тошкентликлар қиши кунлари сандалда ўтириб жон сақлардилар. Ҳа, ота-боболаримиз бир умр шундоқ шароитда яшаб келганлар. Ҳозирда шундоқ яшаб бўладими? Темир қувурлар бўлмаганлиги сабабли ариқлардан сув ичишган. Ҳозирги баланд уйларнинг йигирманчи қаватларига челаклаб сув ташишни бир тасаввур қилгин. Ўша даврда умуман бунаقا баланд бинолар бўлмаган. Энг баланд бино икки ё тўрт қават бўлган. Ёки бўлмасам, бир кунда неча юз минг одам поезд, самолёт ва автобус, енгил машиналарда сафарларга чиқишиди. Пиёда йўлга чиқиши тасаввур қилиб кўр. Ахир, қадимда шундоқ бўлган... Отда, аравада йўлга чиқишиган.

Сен кўриб турган жамики техника, компьютерлар билан боғлиқ ақлли машиналарнинг бари инсон ақл-идроқи, тафаккури имкониятларининг меваси, Шарофжон!

Ҳамма гап кишининг янгиликларни ўз вақтида илғай олишида, қадрлашида, бундай ўта ақлли машиналар орасида кўзи тиниб, боши айланиб, ўзини йўқотиб қўймаслигига. Энг муҳими — бефарқ бўлмасликда. Одам бефарқ бўлдими, тамом, кўлга киритган бойликлари барбод бўлаверади, емирилаверади. Охир-оқибат яна йўқчиликка қараб юз тутади. Дунё дунё бўлгандан бери қанчадан-қанча ривожланишлар бўлгану, қанчадан-қанчаси юзтубан кетган. Ҳа, кишилар тайёрга айёр бўлиб қолганларидан кейин шундай бўлган. Билсанг, мавжуд бойликларни ардоқламай исроф қилишнинг оқибати инқирозга олиб келган, болам.

Биз ҳам, назаримда, сени қанчалик муҳаббат билан ўраб ардоқламайлик, меҳрнинг қадрига етишини қалбингга олиб киролмадик, шекилли. Шунданми, туғилиб-ўстан, киндик қонинг тўкилган жойлар сенга тордек кўриняпти. Ёки, сен, биздан кўра оламни кенгроқ кўряпсанми? Яхлитроқ тасаввур этяпсанми? Ватан деб унга ёпишиб олмайдиганлар сирасиданмисан? Ахир Тошкентдек шахри азимнинг ўзида минглаб турк, ҳинд, араб йигитлари, инглизлар, олмонлар, руслар ўқишияпти, ишлашияпти, тижорат ишлари билан машғул бўлишияпти. Уларнинг бари ватанлари номи билан иш кўрадилар. Топганларини жўнатиб киндик қонлари тўкилган ватанларини бойитиб ётидилар... Ҳали бу фазилатлар бизнинг ўшларимизга урф бўлганича йўқ. Ишбилармонларимиз ҳозирча чет элларда фирмалар, дўконлар очиб довруқ қозонишгани йўқ, бўлса ҳам жуда оз. Балки, сен, иншаоллоҳ, шундай қалдирғочлардан бири бўларсан-а, Шарофжон?!

— Ҳа, ана энди ўзингизга келяпсиз, бобоҷон, дейсанми?

Шукроналар бўлсинки, менинг ўзимдан кетиб, босар-тусаримни билмай қолишимга Оллоҳнинг ўзи ҳам йўл бермаган.

## ОТА ЎҚИГА НИШОН

**У**нда аданг беш ёшларда эди. Ниҳоят, югуриш-елишу ишхона-нинг хатлари, матбаачи деган касбимнинг шарофати билан Самарқанд дарвоза атрофидан ер участкаси беришди. Икки уй, бир даҳлизни амал-тақал билан битказдик ҳам. Бироқ томорқа ўралмаган, ҳаммаёқ бийдек дала. Девор олишга ҳали қурбимиз етмаган эди. Шоли курмаксиз бўлмайди деганларидек, атрофимизда кўли эгри кишилар кўп экан. Улар зўрга йигиб-териб келтирган материалларимизни кечалари «тую» қилиб кетишарди. Кўпинча газеталар кеч қоларди, шу сабабли биз ҳам уйга алламаҳалда борардик. Бир кун борсам, пешайвонга ўрнатиш учун ясаб қўйилган дераза ромларини «уриб» кетишибди. Яна бир куни анча-мунча бўёқни ўмаришибди. Битта биз эмас, янги қўчиб келган кўни-кўшнилар ҳам чирқираб қолишарди. Ёрдам кўлинин чўзиши шарт бўлган тартиб идораларга мурожаат этиш билан иш битмасди.

Кўни-кўшнилар келишиб, битта ов милтиғи сотиб олдик-да, навбат билан қўриқчилик қиласиган бўлдик. Кечалари ҳар замонда осмонга ўқ узиб қўямиз. Эгаси минг пойласин, ўғри бир пойласин деганларидек, ўғирлик давом этаверарди. Охири, еб турган катта идишдаги оқ ёғни ҳам ўғирлаб кетишгач, чидай олмадим. Ўғрининг пайига тушадиган бўлдим. Кўлга туширсам аямайман, отиб ташлайман деб участка мелисасини ҳам огоҳлантирдим.

Бир ёқда иш, бир ёқда ўғрини пойлаш, асаббузарлик одамни толиқтирган эди. Бу лаънати ўғрининг энди уйларга бостириб кириши қолган эди. Чунки ташқарида қўлга илинадиган ҳеч нарса қолмаган эди.

Кеч куз, кечалари аёз тушарди. Эшиклар янги қурилгани учумми, очилса ёпилмас, ёпилса очилмасди. Шунинг учун, кулф ҳам ўрнатилмаган эди. Ўғри эшикни бемалол очиб уйга киравериши, босқинчиликка ўтиши ҳам мумкин эди. Назаримда, ўша текинхўрликка ўргантган ўғри кечаси уйимизга бостириб кирарадигандек бўлаверди. Милтиқни сочма ўқ билан ўқлаб, эшик рўпарасига жойлашиб олиб пойлаб ётдим. Уйга ҳали электр тушмаган, шишли чироқдан фойдаланар эдик, шунинг учун кечалари чор-атроф зимистон бўлиб кетарди.

Тун яримлаб борарди, ўғридан эса дарак йўқ. Буёқда уйку хуруж қилар, тонг саҳар ишга жўнаш зарур. Қани эди, ҳаловатни ўғирлаган ўша ўғрини тутсам, бурдалаб ташлашга тайёр эдим. Иблисларнинг тунлари уйкуси келмайди, кундузи уйқуни уриб олишади-да. Тунда эса худди кундуздагидек «ов» қиласверишади. Кишиларни қачон фафлат уйкуси босишини улар яхши билишади. Бўлмасам, шунча кўни-кўшнидан биронтасига йўлиқмайдими, бу бебош маҳлуклар.

Шуларни ўйлаб деворга суюнганимча кўзим кетиб қопти. Аммо эшикнинг фижирлаб очилишидан дарров ўзимга келдиму милтиқни эшикка тўғриладим. Ўрининг гавдаси кўринса, бас, тепкини босаман. Нима бўлса бўлди. Ўладими-қоладими, таваккал. Милтиқнинг ўқи сочма-ку, қочиб кетолмас, ахир. Эшик очилди-ю, останова мен кутган дароз гавда эмас, мўъжазгина бир шарпа кўринди.

— Алишер?!

— Ҳа, ада...

Оҳ, ўша пайтдаги аҳволим фақат Оллоҳагина аён. Кўлимдан милтиқ тушиб кетди. Яхшиямки, тепки босилиб кетмади. Мени бир иссиқ, бир совуқ тер босади дегин. Аданг кичкиналигидан довюрак эди. Мен кўзим илингган паллада Алишернинг эшикка чиққанини пайқамай қолган эканман-да! Ҳовлига чиқдиму, милтиқни ерга уриб икки бўлак қилдим.

Ўйласам, мол аччиғи — жон аччиғи деб жаҳолатга берилиб кетган эканман. Сал бўлмаса, Алишерим ўз ўқимга нишон бўлай деди-я. Оллоҳга тавбалар қилдим. Шу воқеадан хушёр тортиб, Тангрига таваккал қилиб, ўғрисигаям, қароқчисигаям парво қилмай кўйдим.

Бу воқеаларга ҳам неча йиллар бўлди. Аданг сен билан синглинг Ширинни ёдгор қолдириб оламдан ўтиб кетди. Оҳ, «ўтиб кетди» дейиш менга қанчалик оғирлигини билсайдинг, болам. Ишқилиб, ота-она ўлмоғи мерос экану, ота-онадан олдин фарзанднинг кетиши жудаям оғир фожия экан. Ҳа, ҳеч ким «болам» деб бўзлаб, фарёд этмасин экан. Бу азобни фақат бошидан ўтказган бечора ота-оналаргина билади. Фотима онамиздан бошқа фарзандларини гўдаклигига ёқ тупроққа топширган пайғамбаримиз Мұҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам дардларини ичларига ютиб, Оллоҳга ибодат қилган эканлар... Биз эса у зоти шарифнинг умматларимиз.

Сал ҷалғиб кетдим шекилли... Ҳа, қачон бир нимадан аччиғлашиб, жаҳл отига минсан, ўша мудҳиш кунни ва милтиқни икки бўлак қилган кечани эслайман, эслайман-да, бўшашиб, ўзимга келиб қоламан... Ҳа, бутунлай ҳовримдан тушиб, Оллоҳга тавба-тазарру қиласман.

Биласанми, Шарофжон, инсон бир нарсанинг орқасидан жон-жаҳди билан қувмаслиги керак экан. Куткилаш ёмон нарса экан. Нега десанг, одамнинг фикру ёди ўша нарсада бўлиб қолади-да, атрофлаги ҳаёт қонунларини унутиб қўяди. Ҳатто бундек оёғининг тагига қарашга ҳам имкон топа олмайди. Бундай ҳолат ўша инсонни кўпинча фожия ёқасига олиб боради.

— Бундан чиқди, Сиз ўғрининг пайига тушмаслигингиз керак экан-да, — дессанми?

Халқимизда «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма!» деган ажойиб нақл бор. Дарҳақиқат, одам аввало ўзига эҳтиёт бўлиши керак. Ҳамма нарса бетона кўздан нари тургани дуруст. Бу ўринда

мен кўзга ташланиши зарур бўлмаган ашёларни айтяпман. Ўртада шайтон бор-да, оилага зарур бўлган нарсани сотиб олсангу, уни қаерга жойлаштиришни ўйламасанг, очиқ-сочиқ ташлаб кўйсанг, бу ҳам зарарли, ёмонгина эмас — увол! Инсон ўзини ўзи идора этиб турмаса, бора-бора шунаقا очиқ-сочиқдикка, бепарволикка одатланиб қолади. Қарабсанки, кўзи оч, қули эгри одамларнинг куни туғади. Агарда ҳамма ўзига ҳушёр бўлса, ландовур, бўшант бўлмаса, ҳеч қачон ўғри ва қароқчиларнинг куни туғмайди. Барисига инсоннинг ўзи сабабчи.

Демак, шаҳарнинг Охунгузар даҳасидан чиқиб, Самарқанд дарвозадан ўтиб, Оқтепанинг бир чеккасига участка қуриб, мол-мулкимизни ўғрига олдирган бўлсак, айб ўзимизда. Бу ерларнинг пасту баландини тўла билмаганимиз оқибати. Бу ер ҳам отамизнинг Хончорбоғдаги боғларига ўҳшаган жойлар деб ўйлаганмиз. Бўрилар ҳамиша поданинг ўртасида эмас, унинг атрофида изгиб юришини, подадан ажраб чиққанларининг шўрини қуритишини унутиб қўйганмиз. Баъзан сенинг наздингда майдалашиб, эзмалик қилаётган бўлсам, ранжима, Шарофжон. Аслида, сенинг кўзингга яхлит, маҳобатли, чиройли, бетакрор кўринаётган бу ҳаётнинг ўзи майда, ҳа, баъзан кўз илғамайдиган унсурлардан иборат. Бизнинг назаримизда, ўзининг чўққисига чиқиб кетган фан инсонда нечта суягу нечта қон томири ва нечта пай борлигини билади. Лекин тўқималар сонини ҳали-ҳанузгача билмайди. Тўқималарсиз танамиз ҳаракатга келмайди. Улар фақат овқатдангина қувват олмайди. Нурдан, ҳаводан, сувдан, ранглардан, турли-туман бўйлардан, нимаики бизни ўраб турган бўлса, баридан қувват, куч оладилар. Бир қарасанг, тўқималар хамирдек кўпчиб, ўтган йили кўрган одамингни бу йил танимай қоласан. Ёки аксинча, одам боласи бир тўлишади, бир ориқлаб кетади. Шундай, ҳаёт деганлари бир синоат, англаб бўлмас мўъжизадир, шунинг учун бўлса керакки, узоқ яшаган кишилар — буни умр дерлар, деб чуқур хўрсинадилар.

Яқинда кўзим бир манзарага тушиб қолди-ю, ҳайратдан «Ё, қудратингдан», деб юборибман. Сен, қиши кунлари қор ёғишини кузатганимисан? Ҳа, кузатгансан. Бир марта кўчада қорбўрон ўйнаб юриб, ҳаяжондан мени кўчага етаклаб чиққан эдинг. Ва осмондан тушаётган гулли қорни кўрсатиб, кўзларимга ҳайрат билан тикилган эдинг. Кап-катта одам мен ҳам бу синоатга биринчи марта эътибор берәётгандек завқланган эдим. Ўшанда сен болаларча қизиқиш билан:

- Қорни ким гулли қиласди? — деб сўраган эдинг.
- Оллоҳ, — деган эдим.
- Оллоҳ зўр экан. Қаранг, жудаем жажжи, жудаем чиройли, қандай қилиб қиласди, бунча гулни?
- Бунисиниям Оллоҳнинг ўзи билади, — деб ожизлигимни билдирган эдим.

Үшанды сен бир муддат осмонга тикилиб қолган, миллионлаб қор капалакларини поёnsiz оламга тушираётган Құдрат згасини күрмоқчидек, ҳайратингга жавоб топмоқчидек бир ҳолға тушган эдинг. Сенинг наздингда ҳамма нарсаны биладиган, билағон бобонгни ҳам унутган эдинг.

Рости, илгарилари мен ҳам қорнинг шунақа турли-туман шаклда ер бетига тушишига зътибор қилмаган эканман.

— Нима, болалигингизда қорбўрон ўйнамаганмисиз, дейсанми?

Ўйнаган бўлсак — ўйнагандирмизу... биласанми, дунёни мукаммал кўриш учун, завқланиш учун инсоннинг болалик даврида иккита нарса бадастир бўлиши керак. Қориннинг тўқлигию, устнинг бутунилиги. Устинг бут бўлсаю, қорнинг оч бўлса, тағин бўлмайди, қорнинг тўқ бўлсаю, яланғоч бўлсанг, яна бўлмайди. Биз болалигимизда шу икки нарса бут бўлиши учун курашар эдик. Нега десанг, бизнинг болалигимиз тарихда эллик миллион одамнинг ёстигини қурилган машъум иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Уруш дегани, бу — шайтоннинг беаёв васвасаси дегани. Оллоҳ шайтонни оловдан яратган. Оловнинг мақсадини биласан — ёндириш, жамики жонзодни кул қилиш. Машъум уруш ўшанды бутун борлиқни аёвсиз ўз домига торған эди. Унинг алантасида оталаримиз ҳам, ризқ-насибalarимиз ҳам, орзу-ўйларимиз ҳам — бари гуриллаб ёнарди.

Жўжабирдек жон эдик.. Киши бошига бир кунга 350 граммдан нон бериларди. Бу нон билан қорбўрон ўйнаш уёқда турсин, почапўстинга ўраниб, ўчоқнинг ичига кириб ўтиранг ҳам совуққа қотардинг. Чунки, олам қуёшсиз исимагандек, бағри ёришмаганидек, инсон ҳам овқатсиз исимайди, чиройи очилмайди. Жунжикиб, чоратрофга најот излаб тикилаверади. Ўшанды еттинчи синфни тугатган йигитча эдим.

Урушнинг энг оғир 1943 йили, мен ўқийдиган 14-мактабнинг юқори синфларини ёпиб, бизларни техника билим юртларига юбо-риш ҳақида миш-мишлар юриб қолди. Шу сабабли, бир куни ўртоқларимдан хунар ўрганиш билан бир қаторда қорин тўйиши мумкин бўлган жойнинг исини олиб қолдим. Нима эмиш, Эски Жўвадаги матбаачилар мактабида ҳарф териш, китобларни чоп этиш, муқовалаш касбига ўргатишармиш, ўқитармиш, озгина-озгина ишлатармиш ҳам. Энг зўри, бир кунга 600 грамм нон, икки маҳал овқат берармиш. Бунга етишиш бизга ўхшаганлар учун катта баҳт эди.

Тўғрисини айтиш керак, Шарофжон, ноширлик ва матбаачилик ҳақида менда ҳеч қанақа тасаввур йўқ эди. Ҳали бирон-бир касб-кор ҳақида ўйлақ кўришга ҳам улгурмаган эдим. Ахир, бор-йўғи еттинчи синфни тугатган эдим-да. Берадиган нонига умид қилиб, уйга оғиримни солмаслик, ўзимни ўзим эплаш мақсадида шу даргоҳга кириб келдим. Бу даргоҳга келганлар орасида менга ўхшаган ўқувчи-ёшлар анча-мунча эди. Шунда бўй-басти узун, тийрак, кўзи ўткир, билим-

донларни сарабаб олиши. Чунки, ҳарф терадиган кассалар баланд жойга ўрнатилган эди. Кўз хира бўлса, ҳарф терганда хатога йўл қўйиш хавфи бор эди. Ҳартугул, шу талабларга жавоб бера оладиган қоматимни кўриб, дарров ҳарф терувчилар гуруҳига қабул қилиши.

Ўшанда билим ютида бериладиган насибани анчагача ўша ерда пақъос тушириб юрдим. Лекин, айтишим керак, уйда ёзиладиган дастурхондаги улушимга кўз ташламасдим. Онам таклиф этсалар ҳам, қорним тўқ дер эдим. Ҳа, ўзимча энди қорни тўқ бойлардан бўлиб қолган эдим. Уйдагилар ҳам ўзимни ўзим эплаб қолганимдан хурсанд эдилар. Айниқса, онам менга хотиржам, хушҳол тикилар эдилар. Энди билсам, шу ёшда ҳам ишлаб, ҳам ўқишим, ўз аравамни ўзим тортишга уринаётганимга ачинар эканлару, мустақил ҳаракатларимдан кўнгиллари тўлар экан. Бундай болалар ҳаётда ўз йўлини топиб кетишига ота-она ишонар экан-да. Ҳа, Шароффжон, ота-онанинг кўз ўнгида боласи қанчалик оқ-қорани эрта таниса, шунча яхши, улар шунчалик хотиржам бўлишади. Ҳали бундай ҳолатлар сенинг ҳам бошингга тушади, бошингга тушганда мен қанчалик ҳақдигимни билиб, эслаб юрасан. Аччиқ сабоқлардан миннатдор бўлиб, тўғри йўлдан боришингга ишонаман, болам, буни ҳаёт сабоқлари дейдилар. Оллоҳ таоло раҳмат айлагур Саломатхон бувим, Сайданиса онам жуда меҳнаткаш, каттакон оиласиз ишларидан тиниб-тинчишмас эдилар. Ҳамиша уйда йўқ нарсаларни ҳам бордек кўрсатишга, бутун бўлмаса, эртанги кун албатта яхши бўлиб кетишига ишонардилар ва буни бизларга ҳам уқтирадилар. Биз ҳамиша эртанги куннинг орзусида яшардик. Онамиз ҳам, бувимиз, отамиз ҳам, Зикрилла акамиз оғирбосик, табассумли одил инсонлар эдилар.

Нима бўлди-ю, онам дардга чалиниб ётиб қолдилар. Уй ишлари бувим раҳматликка қолди. Мен болаларча фикрлаб, кимки касал бўлса, очликдан, қорни тўйиб нон емасликдан касал бўлади, деб ўйлардим ва бунга қаттиқ ишонардим. Шунинг учун ҳам онамизнинг дардларини етишмовчиликка йўйдим. Ваҳоланки, улар ҳақида ўйлайдиган, мендан катта акаларим, отам бор эдилар, онам ҳаммамизга бирдек меҳр-оқибатли эдилар.

Ўша куни билим ютида менга берилган нонни иккига бўлдим. Ярмини ейман-да, ярмини онамга олиб бораман, деб ўзимга ўзим сўз бердим. Қайда, бир оздан кейин онамга деб олиб қўйган ноннинг ҳам ярмини еб қўйдим. Лекин нон емадим, бамисоли тош едим. Ҳар луқмаси меъдамга оғир ботиб, томогимда туриб қолди. Ўзимдан ўзим нафратланиб кетдим. Иродасизлигимдан, нафсим устидан ғолиб келломаётганимдан жаҳлим чиқди.

Йўқ, иродамни қўлга олдим. Ўзим билан ўзим олишиб, нафсимга ҳай бердим. Нонни рўмолчага ўрадиму, қўйнимга жойладим. Қани энди, уйга тезроқ ета қолсам. Қўйнимдаги насибани онажонимга тута қолсам. Ўйласам, умримда биринчи марта онамга насиба илинишим

экан. Ҳа, ўзимдан ортиб, онамни ўйлашим экан. Сен ҳам онангга бирон нарса илинганимисан? Онамнинг мен келтирган насибага зорлик жойлари йўқ, деб куляпсан-ми? Лекин, билиб қўй, минг қўйи бор ота боласидан жилла курса битта қўй кутади. Минг тиллалик она боласидан бир мисқол бўлсаям совға кутади. Ҳа, отанинг уйида қопқоп унию, дастурхони нечоғли тўкин бўлмасин, барибир боласидан икки дона иссиқ нон кутади. Гап қўйдаям, олтиндаям, емишдаям-мас, меҳр-оқибатда. Ана шуларнинг тагида ота-онага иззат-хурмат, меҳр-муҳаббат ётади. Ота-она фарзанди олиб келган нон-туз, қимматли кийимликларни эмас, чироқдек ёнган меҳр-оқибатни кўради. Олиб келибдими, илинибдими, ўзидан ортирибдими, демак, менга нисбатан болам оқибатли экан деб суюнади. Меҳр-муҳаббати бор экан, дейди. Чунки, инсон ош-овқат билангира катта бўлмайди, меҳр-муҳаббат туфайли ўсиб-улғаяди. Меҳр-оқибат, иззат-хурмат бўлмаса инсоннинг ҳайвондан фарқи қолмайди...

Демак, мен онамга бир тишлам насиба илинибманми, бу меҳр-оқибатнинг меваси. Тўғрироғи, онамнинг менга бўлган меҳрининг акс-садоси эди...

Ҳа, учеб-қўниб уйга кириб бордим. Онам ҳамон тўшакда ётар, ёnlарида бувижоним ўтирадилар. Саломатхон бувим файзли, зийрак аёл эдилар. Юзларидан нур ёғилиб турарди. Умуман, бувиларнинг ҳаммалари ҳам улуг инсонлар бўлса керак-а, Шарофжон? Мана, сенинг бувижонларинг Сонияхон, Зарифахонлар ҳам сени, Ширинни еру кўкка ишонмайдилар-ку. Узоқ юртга кетишингни эшитиб қандоқ чидаб юришибдийкин, билмадим!

Ҳа, мен уйга киришим билан бувижоним ярқ этиб менга қарадилар. Онам ҳам мендан бир хушхабар кутгандек, илинж билан кўз тикдилар. Кўринишим шунаقا шоду хуррам, кайфиятим чоғ бўлса керак-да.

— Ҳа, болам, бирор хушхабар обкелганга ўхшайсан, уруш тутабдими? — сўрадилар бувим тоқатсизланиб.

— Билмасам...

— Намунча терга ботибсан, тинчликми, ахир?

— Тинчлик...

Шундай дейману, нуқул қўйнимни кавлаштираман. Ҳадеганда рўмолчага ўралган нонни топа олмайман. Оҳ, тушириб қўйган бўлсам-а... Эҳ, шу ишниям эплай олмадимми-а! Вужудимни муздек тер босди. Аламимдан йиглаворай дедим.

— Ҳа, нимани қидириниб қолдинг? — сўрадилар бувим.

— Э-э-э... — дея жаҳл билан костюмимни тутмаларини ечиб юбордим. Ҳайрият, нон қўйнимда экан, гиламга тушаётганда уни илиб олдим-да, рўмолчанинг қатини ёзиб, ичидаги ҳиди ёқимли қора нонни онамнинг қўлларига тутдим:

— Олинг, ойижон, енг...

Нимагадир ойимларнинг юзларига дув қизиллик югурди. Оғриқлари қаёққадир чекинди шекилли, кўзлари чараклаб очилиб, чехраларига табассум ёйилди. Эҳ, бу очиқ табассумни биз қанчадан бери йўқотиб кўйган эдик. Онам кулсалар, хурсанд бўлсалар, жудаям чиройли бўлиб кетардилар. Оқ-сариқдан келганликлари учунми, ҳар бир ўзгариш зумда юзларига қалқиб чиқарди.

Онам нимагадир нонни олишга шошилмасдилар, ўша иссиқ, ёқимли табассум билан нонга эмас, менга қараб турадилар.

— Олақол, олмайсанми, болант сенга илинибди, — дедилар бувим.

Онам нонни оҳиста қўлларига олдилар-да, бувимга қарадилар.

— Е, — дедилар бувим, — ният қилиб е, илоҳи, гўшангага күёв бўлгандаги ошини ҳам егин...

Онам нондан бир ушоқни оғзиларига беҳолгина солдилар-да:

— Сиз ҳам енг, — деб бувимга узатдилар.

— Ейман, нимага емас эканман, неварагинамнинг нонини, шундогам дуо қилиб ейки... Эй яратган Эгам, шу гўдаккина насибасини биз билан бўлишибдими, унинг насибасини ҳамиша бутун қил, саҳий инсон қилиб, қўлини шундай очиқ қил, меҳрини сочиқ қил, омийн, ё Раббил оламийн.

Мен қачон дастурхон ёнига ўтирас эканман, ҳали-ҳануз бувижонимнинг ўша дуолари қулогим остида жаранглаб тураверади. Билсанг, жамики ёпилган нонларнинг юзи чиройли бўлади. Унинг туси қорами, оқми, қатъи назар. Қаҳратон совуқ кунлари нон кўзга, айниқса, иссиқ кўринади. Мен қачонки нонни кўрсам онамни, бувимни, отамни ҳам, ўша иссиқ юзларини худди 1943 йилдагидек кўргандайин бўламан. Нега десанг, уларнинг юзлари ҳам нондек иссиқ, ёқимли эди-да! Бунинг боиси бор. Ўша улуғ инсонлар нимагадир бугунги одамларга ўхшамасди. Уларнинг тилидан Оллоҳ каломи тушмас эди. Бардошли, сабрли, тоқатли эдилар. Урушнинг энг даҳшатли кунларида ҳам нолиганларини, зорланганларини эшитмаганман. Бари Оллоҳдан! Ёмон кун яхши бўлади, лекин ёмон одамдан Худо асрасин, дейишарди.

Мана, сенга қор баҳона шунча гапларни айтиб бердим. Ҳаётинг сени ҳайратга солган қор зарралариdek тиник, маъноли, чиройли, бетакрор, мазмунли бўлишини истайман, болам.

## ИСМНИНГ МАҲНОСИ

**Ш**арофжон, сен ўзга юртга кетяпсан, борадиган жойинглаги кишиларнинг тили ҳам бошқа, дини ҳам. Албатта, улар сенга бефарқ қарашмайди. Ватанинг ҳақида, халқинг ҳақида, эътиқодларимиз ҳақида қизиқиб суриштиришади. Сен бу борада анча-мунча



маълумотга эга эканлигингдан кўнглим тўқ. Юртимиз ҳақида ҳикоя қилувчи китобларни чамадонингта жойлаб кўйибсан. Кўриб, бу ишингдан кувондим. Насиб қилса, ўзим ҳам янги китоблардан жўнатиб турман, насиб этса, ёнингга бораман.

Сенга кўпдан бери бир нарсани айтишим зарурлигини кўнглимга туғиб юрардим. Буни қараки, мавридини тополмаган эканман. Иймоним комил, ўша ажнабий юртда бўлганинг сенинг исминг билан ҳам, отангнинг исми билан ҳам ва бобонгнинг исми билан ҳам ўзбеклар удумидан хабардор тенгдошларинг муқаррар қизиқадилар. Чунки у юртнинг одамлари шунаقا нарсаларга қизиқувчан бўлишади. Аввало, Шароф деган исминг маъноси билан қизиқишлари ҳам мумкин.

Бундан 20 йил муқаддам менинг ҳаётимда камдан-кам учрайдиган воқеа содир бўлган эди. У пайтларда газета биноси учун янги қурилиш иншоотини бошлаб юборган эдик. Даромадга яраша буромад деганлариdek, маблағ етарли бўлгани учун ишлаб чиқариш билан боғлиқ бино ҳам тездагина битди. Германияга бориб ўзим кўрган ва шундай машиналар бизда ҳам бўлишини орзу қилган ажойиб техникалар ҳам бирин-кетин кела бошлаган кунлар эди. Шунда мен ишдан қайтаётиб, бир нарсани ўйлаб қолдим. Газеталар янги цехда босиладиган бўлса, унинг ижодкорлари — ноширлар, таҳририятларнинг жамоалари қаерда жойлашадилар? Ноширлар билан газета чиқадиган комбинатнинг ораси бир-биридан тахминан 500 метрлар чамаси узоқда эди. Ходимларнинг ана шу масофада бўзчининг мокисидек қатнаш муаммоси кўндаланг туриб қолганди. Бу қатнов ишчиларни толиқтиришидан ташқари, газеталар саҳифалаш ва чоп этиш жараёнларини узайтириб, анчагина ноёб вақтни ўғирлар эди. Биласан, вақт ноширлар ва таҳририятлар учун ҳамма нарсадан қимматли. Бундан ташқари, иш жараёнимиз биз нашр этаётган газета ва журналларни ўқувчиларга етказувчи самолётлар, поездлар ва автобусларнинг жўнаш вақти билан ҳисоблашишни тақозо этар эди. Агарда газета бир соатга кечикадиган бўлса, ўз ўқувчисининг қўлига бир кундан кейин етиб бориши аниқ. Бу кечирилмас ҳолдир. Чунки кечаги маълумот бир кундан кейин эскиради. Совуган ошдек ўзининг шифоли таъсирини йўқотади.

Ўйлаб қарасам, ўша биз қурган газета чоп этадиган ишлаб чиқариш корпуси ёнида катта бир идоранинг маблағи етмаганлиги сабабли чала қолиб кетган биноси кўққайиб турарди. Бу бино маъмурий бино эди. Диққат қилсан, таҳририятларни ана шу бинога жойлаштириш мумкин. Шунда таҳририятлар билан газеталар чоп этиладиган бинолар деярли бир ҳовлида ёнма-ён бўлиб, газеталарни тайёрлаш жараёнлари тезлашади. Хўш, буни ким тушунади? Бу муаммони ечишда ким малҳам бўла олади?

У пайтда юртимизга Шароф Рашилов раҳбар эди. Рост, сен ҳам у киши ҳақида анча-мунча тарихий ҳикояларни биласан. У киши ҳам улкан ёзувчи, ҳам таниқли давлат арбоби эдилар. Китобларини қизиқиб ўқигансан. Шу десанг, таваккал қилдим. Ўйлаганларимнинг ҳам-масини қоғозга тушириб, у кишининг ҳузурига кирдим.

Шароф ака фикр-ўйларим билан атрофлича қизиқилар, юз-кўзларидан билдимки, менинг таклифим маъқул. Ахир, мен ўзим учун, ўз манфаатим учун эмас, балки умум ишнинг фойдасини мўлжаллаб, юрт келажагини ўйлаб у кишининг ёнига комил ишонч билан чиққан эдим-да! Назаримда, бундай аниқ ва ижобий таклиф ҳар қандай бошлиқقا ҳам ёқса керак. Ўзимдан қиёс. Ёнимга бир кунда қанча-қанча одамлар келишади. Уларнинг ичидаги ўзинимас, кўпчиликни, корхонани ё бирорни ўйлаб илтимос билан келган кишилар ўнтадан битта ёки нари борса, иккита бўлади. Бундай одамлар билан учрашганингда қалбинг ёришади, ўзинг билан ҳам-маслак кишилар атрофингда борлигини кўриб, суюниб кетасан. Бундай жонкуярлар билан мириқиб гаплашгинг, отамлашгинг кела-ди. Чунки бундай дили пок, жонкуяр, одил кишиларга шахсий манфаат, ғаразгўйлик, тамагирлик, ҳасадчилик каби иллатлар ёт бўлади.

Шундай ҳолатни Шароф аканинг юз-кўзларидан кўриб турардим. У киши оқ-сариқдан келган, мулоҳазали, жуда салобатли устоз эдилар. Юзларидан доимо самимият ва нур ёғилиб турарди. Оллоҳ у кишини раҳматига олган бўлсин. Шароф ака ниманидир айтмоқчи бўларди-ю, лекин истиҳола қилгандек дам қўлларидаги қоғозга, дам менга, дам ташқарига қараб қўярдилар. Ахийри, юзларида нимтабас-сум билан:

— Биласизми, Ислом Шомуродович, — дедилар мулойим оҳангда, — бино эгалари Сизни қўйнаб қўйишлари мумкин. Сиз айтиётган маъмурий бино Тошкан вилояти ижроқўмининг биноси-я! Уни битиришга қўллари калталик қилиб турганига қарамай, бинони осонликча беришмайди.

— Мен ҳаммасини тарозида тортиб кўрдим, Шароф Рашидович. Бу таклиф газеталар мұхаррирларига ҳам маъқул бўлди. Шундан кейин юрак ютиб ёнингизга киришга журъат қилдим. Матбаамиз технологияси ҳам бу биноларнинг бир-бирига яқин бўлишини тақозо эта-ди. Кўпгина жараёнлар автоматлаштирилади, бундай тизимларда га-зеталар тезкорлик билан чоп этилибгина қолмай, ижро сифати ҳам ошади.

Шароф Рашидов хатни О. Салимов, А. Хўжаевларга топшириб: «Карор лойиҳасини тайёрлаб, бюро мұхокамасига киритишингизни сўрайман», деб қўл қўйиб бердилар.

Шарофжон, ўша ондаги кувончларим чексизлигини сен тасав-вур ҳам қилолмайсан. Юқори лавозимдаги раҳбарларнинг ёнига ки-

риб илтимосини маъқуллатиб чиқиш, бу, инсон боласининг Хизр бобога дуч келиши билан баробардир. Ҳукуматнинг биносидан чиқиб, тўғри уйга бордим. Ичкарига киришим билан уйда эр хотин кудаларимиз, бувинг Зарифаҳон ва буванг Умаржон aka ҳам ўтиришган экан!

— Ҳа, эшитдингизми? Биз сиздан суюнчи оламиз деб ўтирибмиз, — дейишиди.

Мен эса: «Қайси чаққон етказа қолди?» — деб сўрадим. Назаримда, ўша онда юз-кўзимдан севинч ва кулгу аримаган бўлса керак-да. Ҳа, мен ёш боладек жуда-жуда хурсанд эдим. Айни пайтда қувноқ эдим. Ана шу ҳолни кўриб, уйдагилар менга бениҳоя хурсанд бўлиб, дил сўзларини айтишаётган эди. Шу палла мен уларнинг ҳам чехрасида худди ўзимдагидек ёруғлик ва бетакрор хурсандчилик тўлқинини ҳис этиб турардим.

— Бугун зўр кун бўлди, — дедим уларга. — Билсангизлар, шу келишда Шароф Рашидовнинг ҳузуридан келяпман. Заб иш бўлди-да!

— Муборак бўлсин! Тинчликми? Олдин Сизни суюнчингизни эшитайлик? Кейин биздан эшитасиз.

Мен бор гапни уйдагиларга айтиб бердим. Назаримда, мен учун бугунги воқеа энг улуғ суюнчикдек, энг катта бойлик ва бисотдек кўринар эди. Шундан кейин мен уйдагиларга қарадим-да:

— Хўш, энди сизлардан эшитайлик? Нима янгилик бор? — дегандек уларга тикилдим.

— Невара муборак бўлсин! Алишерингиз билан қизимиз Нафисахон фарзандлик бўлишиди. Ўғил!

— Ё Оллоҳ! — дедиму, севинчимдан чапак чалиб юборибман. Оллоҳ, бир кунда мени иккита улуғ мукофот билан тақдирлаган эди.

— Биз ҳозир Сиз келгунингизча, неварага қандай исм қўйсак экан, деб ўйлаб ўтирган эдик. Мана энди, бобо бўлиб Сиз ҳам бир исмни айтинг, — деб қолишиди уйдагилар.

— Шароф бўлсин! Шароф Рашидовдек етук инсон бўлсин менинг неварам! — деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

— Вой, қандоқ яхши, қандай муборак исм! Бугунга тўғри келганини қаранг. Бу ҳам Оллоҳнинг иродаси. У Яратганинг қудратига тасанно, тасанно. Тақдирга шукроналар бўлсин, — дейишиди ўтирганлар бараварига.

Шундай қилиб, сен ана шу улуғ инсон билан адаш бўлдинг. Инсон исмига тортади, деган гаплар бор. Одам боласи исмига лойиқ бўлмоғи керак, Шарофжон. Бу гаплар бежиз айтилмаган. Ота-она-нинг ўғил олдида учта вазифаси бор. Бири, тугилганда чиройли исм қўйиш, иккинчиси, унинг қўлини ҳалоллаб қўйиш, учинчиси, вояга етганда уйлантириш. Шунинг учун ҳам биз сенга яхши исм, айни

пайтда эл-юрт эътиборидаги кишининг исминиң кўйган эдик. Ўз исмингга муносиб бўлишингта ишончим комил ва ҳамиша буни Оллоҳдан сўрайман.

Энди отангнинг исмига келсак, бу ҳам бежиз эмас. Улуғ Алишер Навоий бобомизга ҳавас қилиб қўйган эдик бу исмни. Даҳо мутафаккир ҳақида сен анча-мунча нарсалар биласан. Отанг раҳматлик ўз исмига тортиб бораётган эди. Надоматлар бўлсинким, бошлаган қўпгина қиссалари, кино асарлари ярим йўлда қолиб кетди. Иншаоллоҳ, ўқишиларингни битиргач, сен уларни ёзиб тугатсанг, шояд, отанг руҳини шод этардинг. Бу ният ҳам менинг холис орзуимдир, иншаоллоҳ вақти келиб, ижобат бўлса болам.

Энди сенинг бобонг — отамнинг исм-шарифларига келсак. Ҳа, сендан буни ҳам сўрашади. Шоғулом дегани нима дегани? «Шо» дегани, бу — улуғ, катта дегани. «Ғулом» эса қул дегани. «Қул» сўзи кечаги қизил империя тушунтирган қул сўзидан тамоман фарқ қиласди. Мен ҳам Баҳром амакингнинг бош фарзанди Ғуломга эзгу ният билан отамнинг исмларини қўйганман. Оллоҳ ҳамиша буюк, ҳамиша улуғдир. Инсон эса унинг ожиз бир қулидир. Бизнинг аждод-авлодларимиз ҳамиша буюк Оллоҳ олдида қулчиликни бажо этиб келганлар. Бизнинг номимиз ана шундай катта уруғ шажарасидан. Уларни тўла билиб олишинг керак, ҳаёт талаби шу, бунга риоя этсанг, ҳаёtingда ҳеч ёмонлик кўрмайсан.

Яна сендан дининг, эътиқодинг ҳақида ҳам сўрашади. Шу жиҳатдан сал кўнглим тўлмай турибди-да, Шарофжон. У ердагилар, сенинг мусулмонлигинги билишади, албатта. Сен уларнинг кўз ўнгидаги мусулмонлик фазилатларинг билан ҳам алоҳида қўриниб туришинг керак. Хўш, у қандай фазилатлар? Шунаقا хусусиятлар менда борми? Бўлса, қайсилари? Кутимаганда шундай деб мени саволга тутиб қолишинг мумкин.

Кел, яхшиси, ўшлигинги ҳисобга олиб, сенданғи бундай аломатларни тафтиш қилмай қўяқолай-да, аданг раҳматлидаги шундай фазилатларни сенга айтиб берай. Хабаринг бор, аданг рус тили мактабида ўқиган эди. Унинг рус болалардан ҳам, бошқа миллат вакилларидан ҳам дўстлари кўп эди. Даставвал бу мактабга бораётганида мен уни руслашиб кетмасмikan, деган андишага борган эдим.

Адангнинг хатти-ҳаракатларида, юриш-туришларида, иш тутимларида мени ҳамиша суюнтирадиган ёқимли бир ҳолат бор эди. У нимаики иш қиладиган бўлса, комил ният билан бисмиллоҳдан бошлар эди. Бу сўзни дилдан ёки шундай пичирлаб айтиб қўймас эди, балки, «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» деб баралла айтарди. Ўша даҳрийлик балоси авжига чиқсан даврда бу сўзлар, хусусан, Оллоҳнинг улуғ исми кимларгадир гайритабиий қўрингани билан мен учун ва уйдагилар учун фоятда табиий, ёқимли эди.

Бир куни уйимизга мәҳмөн бўлиб келган рус ўртоқларига, қани, олинглар, таомга қаранглар, деди. Албатта, бу сўзларни у ўрисчалаб айтди. Ўзи эса «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» деб, дастурхонга қўл чўзди.

— Алишер, бу нима деганинг? — деб сўраб қолди ўртоқларидан бири. — Таржима қилиб бер.

— Наҳотки, шуни ҳам тушунмасанг? «Во имя Аллаха» деяпман, — деда тушунтириди Алишер.

— Бизда бундай сўз фақат черковлардагина айтилади. Кейин қасам ичилганда, ибодат қилган пайтда айтилади, — деди ўртоғи.

— Бизда ҳар қачон эрта билан уйқудан тургандан то тунда уйқуга ётгунгача айтилади. Бисмиллоҳ сўзини айтиб бошланган иш албатта яхшилик билан тугайди, — деб уқтириди Алишер.

— Сен буни қаердан биласан?

— Аввало, бобомлар ўргатганлар, отам уқтирганлар, қолаверса ҳаётий тажрибамдан ўтказганинан. Қайси ишим юришмай қолса, уни бебисмиллоҳ бошлаганлигим маълум бўлиб қолган, шунинг учун ҳам бисмиллоҳни дилимга жо этганинан.

Аданг раҳматлик ана шунаقا синчков, эътиқодли инсон эди. У комсомоллар ташкилотида ишласа ҳам Оллоҳга ишонарди, ҳар бир ишни Оллоҳ номи билан бошларди. Мен кейинчалик юртимизда мустақиллик шабадалари эсиб, дин эркинлиги пайдо бўлиб, Куръон ва Ҳадис таржималари чоп этилгандан кейин сездимки, Алишер мутлақо ҳақ экан. Чунки Пайғамбаримизнинг ҳадисларидан бирида: «Бисмиллоҳсиз бошланган ишнинг охири кесикдир», дейилган. Кейин мен яна китоблардан ўқиб билдимки, инсон боласи таомга бисмиллосиз қўл чўзса, унинг овқатига шайтон шерик бўлар экан. Шайтон шерик бўлган таом эса макруҳ бўлиб қолар экан. Сўзсиз, Оллоҳнинг исмисиз бошланган бирон-бир ишга ҳам шайтон аралашади ва бу иш охирига етмай, аро йўлда қолиб кетади ёки яхшилик билан тугамайди. Сен ҳам ўзга юртларда юрар экансан, мана шу тамойилларни ўйлаб иш тут, ўғлим.

Аданг раҳматликнинг яна бир одати, қўл ювгандан баъзи бир жўраларига ўхшаб бармоқларини силкимас эди. Қайтанга, қўлинин силкиган оғайниларига танбех берганини, қўлинг ювуқсиз бўлди, бошқатдан юв, силкитма, мана, сочиққа арт, деб уларни тартибиға чақирганини кўриб кўп хурсанд бўлганман.

Дарҳақиқат, қўлни ювиб силташни Пайғамбаримиз ўз ҳадисларидан ман этганилар. Албатта, Алишер у пайтларда ҳадис китобларни ўқимаган эди. Аммо бу одатларни, ўзи айтгандек, бобоси раҳматликтан, мендан кўриб ўрганиб юраркан.

Бир куни Алишердан атайлаб шу ҳақда сўрадим. Алишер менинг саволимга ўйланиброк жавоб берди.

— Инсон қўлини поклаш учун ювали, қўлини силташ бу ўзимиз покланаётган сувга нисбатан хурматсизликдир, — деганди ўшанда.

Аданг раҳматлик одатларимизни ана шундай ўзича таҳлил қилиб, яхши томонларини этгиларди.

Дарҳақиқат, қўлни сочиққа артгач, сочиқни бир томонга отиб юборилмайди-ку! Ёки дастурхон йигиштирилганда ҳам шундай қилинмайди-ку! Одатда сочиқни авайлаб-асраб бир чеккага илиб қўйилади. Инсонни поклайдиган идиш-товоқлар ҳам эҳтиётланади. Унга эъзоз кўзи билан қаралади. Модомики шундай экан, ҳамма нарсани покловчи сувга ҳам ана шундай муносабатда бўлганга нима етсин?

Аданг раҳматлик эрта билан турар экан, биринчи навбатда, ҳеч нарсага чалғимай юз-қўлини ювар эди. Биз катталарга қўлини кўксига қўйиб, эҳтиром билан салом берарди. У бундай пайтларда мен китобларда ўқиган ғоятда мулозаматли муллаваччаларга ўхшаб кетарди. Баъзан ғашим келарди. Кейин у бундай одобни отам раҳматликдан ўрганганигини, отам ҳамиша уни кўрганда катта бошини кичик қилиб, эгилиб гўдак болага «Шоаҳмат, омонмисан», деб салом берардилар (отам Алишернинг исмини Шоаҳмат қўймоқчи эканлар, биз шошилиб туғруқхонада Алишер деб ҳужжат олиб қўйганимиз учун розилик берган эдилар). Бундай тавозеъ билан саломлашиш унга болалигидаёқ сингиб қолганди. У ҳар сафар салом берганида мен отам раҳматликни кўргандек бўлардим. Кейин билсан, отамиз гўдакларни кўрганда биринчи бўлиб салом бериш одатини Пайғамбаримиз Мұҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан ўқиб, билган эканлар. Ҳа, Пайғамбаримиз каттадур, кичикдур кишини кўрганларида ҳар доим улардан олдин салом беришга ултурған эканлар. Бизнинг ота-боболаримиз Куръон, Ҳадис илмини яхши билганлар. Қайси одобники ўз фарзандлари, невараларига сингдирган бўлсалар, бари Пайғамбаримизнинг гўзал ва азим хулқлари бўлган.

Умуман, Шарофжон, исломда, мусулмончиликда сохта нарса йўқ. Барчаси ҳам илмий, ҳам амалий томондан тўла-тўқис баркамол яратилган. Чунки улар Оллоҳнинг каломи Куръони каримга асосланган.

Мен адангнинг баъзи бир фазилатлари ҳақида сенга ҳикоя қилиб бердим. Сен ана шу ҳикоятларга қараб ўзингни бир имтиҳон қилиб ол, инشاоллоҳ, отангдек мусулмони комиллик, илм-маърифат, одобахлоқ сенга ҳамиша ёр бўлгай.

Балки «Яна айтиб беринг, адамнинг тағин қанақа фазилатлари бор?» — деб сўрашинг табиий. Жуда яхши, бажонидил. Қулоқ сол бўлмаса.

## ЖУРНАЛИСТ БҮЛМОҚЧИМАН!

**Р**аҳматлик адант болаликда бир оз шўх бўлгани билан кейинчалик тезда қуюлиб, босиқ тортиб, ўзини ўзи бошқара оладиган бўлиб қолган эди. Бир қараганда, сал одамовига ҳам ўхшарди. Бирон нарса сўралса, ўйлаб, катталардек мулоҳаза юритиб жавоб беришга ҳаракат қиласади. Ундаги бу фазилат ўзимдан ўтган бўлса ажаб эмас. Чунки, ўзим «етти ўлчаб бир кесиш»ни яхши кўраман. Албатта, мендаги бу хислат ҳаётнинг ўзига хос қийинчиликлари, меҳнатда тобланишлар туфайли вужудга келган эди. Бироқ, Алишернинг ҳаёти менинг ҳаётимдан тубдан фарқ қиласади. У ҳеч нарсага муҳтоҷлик сизмай вояж етарди. Унинг тақдирига бир бурда нон излашдек, иссиқроқ бирор кийим ахтаришдек қайгулар ёт эди. Маҳалламиизда бизникида ҳонадоёнлар кўп эди. Мен Алишерни ана шу оиласарнинг фарзандлари билан қиёслар эдим. Бу оиласардаги болаларнинг кўпчилиги босар-тусарини билмай, бетартиб, дангаса бўлиб ўсишарди. Оғизларидан мотороллер, мопед, енгил машина тушмас, ҳар бир сўзларида ундоқ қивораман, бундоқ қивораман, деган болаларга хос бўлмаган катта гапларни эшишиб қолардим. Албатта, улар нимаики дейишича ва нимаики орзу қилишса, катта тапиришса, ота-оналарига ишониб шундай дейишарди. Мен Алишерда бундай беодобликни кузатмаганимдан беҳад хурсанд бўлардим.

Балки, қаттиққўлроқ бўлганим учун, оиласадаги ейиш-ичишдан тортиб кийинишгача режага туширганим сабабли шундай бўлиб ўсаётгандир, деган хаёлга ҳам борардим. Шарофжон, сен, бу гапларни шунчаки ўқима, балки, қалбингга жойлаб ол. Чунки сен ҳам яқин келажакда, иншооллоҳ, ота бўласан.

Оиласадаги гурмушни маҳалламиизга, қўни-қўшниларимизга қиёслаб муҳит яратишга ҳаракат қолардим. Қўни-қўшниларимнинг боласи нима еб, нима ичаётган бўлса, менинг ҳам болаларим шундай яشاши керак, деган ўй бор эди менда. Ахир, ўзинг ўйлаб кўр, қўшнининг боласи қаттиқ нон еса-ю, менинг болам пирожний еб ўтиrsa. Билсанг, бола ҳалқи бегубор бўлади. Улар кўчада ўйнашар экан, оиласадаги ҳамма гапни бир-бирига айтишади. Ким камбағал, ким бой деган айирмачиликлар нима еб, нима ичишу нима кийишлардан бошланади, ўзи.

Элдан ошириб, мўллиқда яшаш одамни эл қаторидан чиқариб қўяди. Биз шундаймиз, улар ундай леган айрича гапларни келтириб чиқаради. Ана шу томонларига мен эҳтиётлик билан қаардим. Сен ҳам эҳтиёт бўл, Шарофжон.

Шундай қилиб, адант раҳматлик босиқдик, сермулоҳазаликдан ўзига либос бичиб, аста-секин улғайиб борарди. Нимагадир, мен тарбияси, одоби бобида Алишердан кўнглим тўқ эди. Ўртоқларим орасида «Ўғлим жуда шўх чиқди-да, ўқитувчиси ҳафтада олти марта

чақыртириб туради. Нима қылсам экан?» деб нолийдиганлари ҳам бўларди. Шукрки, биз бундай чақиравлардан холи эдик. Шундоқ бўлса ҳам, мактабга бориб, ўқитувчилари билан учрашиб туришга вақт топардим. Қанийди, дерди ўқитувчиси мамнун хўрсиниб, ҳамма болалар Алишердек зийрак, билимдон бўлса. Устоzinинг бундай содда ва самимий сўзларидан бошим осмонга етарди. Бирор нимадан юрагим сиқилиб турган бўлса, оғриқ дарров тарқар эди. Бироқ, бирон марта ҳам Алишерга ўқитувчинг шундай деди, баракалла ўғлим, деб айтмаганман. Чунки, шундай дейиш ҳам болага ортиқчалик қилишидан чўчирдим. Боиси Алишер юқорида айтганимдек, ортиқча мақтоларни ёқтирамасди. Мақтов эшитай деб бирон-бир ишга қўл урганини ҳам эслолмайман. У ҳамиша буюрилган ишларни вазифам деб, бурчим деб холисанлиллоҳ адо этишга одатланган эди. У дабдабозликини ёқтирас, ҳар қандай шароитда ҳам пухталикни, аниқликни хуш кўради.

Буни қараки, ҳаш-паш дегунча орадан йиллар ўтиб, Алишер ҳам юқори синф ўқувчиси бўлиб қолибди. Мен унинг бўйлари чўзилиб, ўспиринлик мўйлари сабза урганидан воқиф бўлдим. Товонимдан бошимгача иссиқ бир ҳарорат зингиллаб ўтгандек бўлди. Ажабо, Алишер катта бўлиб қолибди-ку! Унинг келажакда ким бўлиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабман-ку?! Бундоқ мулоҳаза қылсам, чиндан ҳам Алишер билан бирон-бир касб ҳақида жиддий фикрлашиб кўрмаган эканмиз. Тўгри, йўл-йўлакай орзу-ниятга ўхшаган гаплар бўлиб турар эди. Лекин Алишер мен фалончига ўхшайман, фалон касбни ёқтираман деган гапни дадил айтмаганлиги учун, ҳали эрта бўлса керак деб, масалани унча чукурлаштиргаган эдим. Сездимки, вақт етибди. Бу ҳаётий масалани ортиқча орқага суриб бўлмас, шу сабабли гаплашиб олиш лозим эди.

Ўша куни Алишер дарсларини тайёрлаб бўлгач, унинг хонасига кутубхонамдаги ўрни бўшаб қолган китобни сўраб кириб қолдим. Ҳа, мен кутубхонамдаги китобларни энг катта бойликдай сақлар эдим, орасидан битта китоб олинса ҳам худди суғурилган тишдек сезилар ва мен ўша китобни қидириб қолардим. Хонага кирсам, Алишер ўша китобни ўқиб ўтиради. Эсимда, у китоб Лев Толстойнинг таъланган асарларининг ўн тўққизинчи жилди эди. Алишер уни берилиб ўқирди. Ҳайрон бўлдим. У бадиий асар бўлмай, балки, ёзувчининг диний ва педагогик қарашларига оид илмий мақолалари жамланган китоб эди. Разм солсам, анчагина қалин бўлган бу китоб охирлаб қолибди.

— Қизиқ эканми?.. — дедим Алишерга. Менинг бу саволимда бадиий китоблар бундан кўра саргузаштироқ-ку, деган қочирим бор эди.

— Ҳа, — деди Алишер ўйчанлик билан. — Толстой ўрис бўлса ҳам Шарқ педагогикасини, мусулмончиликни яхши кўрган экан.

— Сен мутолаани асарлар тўпламининг ўн тўққизинчисидан бошлабсанми? — сўрадим ундан.

— Йўқ, — деди у. — Энди ўн тўққизинчисига келдим, яна уч томи қолди.

Ишонасанми, Шарофжон, мен ўз ўғлим олдида ноқулай бир ҳолда қолган эдим. Чунки, ҳали менинг ўзим ҳам бўш вақтим бўлмаганидан, бирон-бир ёзувчининг тўла асарлар тўпламини бир чеккадан ўқишга қунт қилмаган эдим-да. Менинг ҳали 10-синфни тутатмаган ўғлим... Шундагина билдимки, Алишердаги ўйчанлик, сермулоҳазалилик ҳам, болаларга ярашмаганроқ кўринадиган катталарга хос босиқлик ҳам мана шу китоблардан олинган таассуротлар орқали ўтган экан. Энди қаршимда бола эмас, ҳаётни анча-мунча таниб қолган билимдон бир йигит ўтирганилигини ва у билан тенгма-тенг сұхбат қуриш мумкинлигини ҳис этдим-да, секингина:

— Мактабдаги ўқишинг ҳам охирлаб боряпти, ўғлим, эртанги кун ҳақида бирон-бир қарорга келиб қўйгандирсан. Агарда шундай бўлса, истак-орзуингни айтиб мени ҳам хотиржам қилиб қўй, орзуниятингни билсам фойдадан холи бўлмас, — деб унинг кўзларига тикилдим.

У менга ҳамишагидек ҳурмат ва ҳавас билан қаради-да:

— Отажон, изингиздан юриб, журналист бўлмоқчиман! — деди.

Бу сўзларни ниҳоятда қатъий, комил ишонч билан айтди. Ҳайрон бўлдим. Бу беҳаловат, мураккаб касбни эгаллаш унинг эсига қаердан кела қолди экан? Ҳайрон бўлиб қараб турганимни кўрган Алишер тортмасидаги қалин муқовали дафтарни олди-да, стол устига қўйиб вараклар экан, деди:

— Мен еттинчи синфдан бери Сизнинг ёзган мақолаларингизни йиғиб юрибман. Биринчи марта қоғозга битганингиздан тортиб, қайта таҳрир этганингизгача, ҳатто 10 марта қайта ёзганингизни ҳам бир-бирига қиёслаб кўрганман. Кейин газета-журналларда чоп этилиб чиққанлари билан солиширганман, Сизникуга ўхшатиб мақола ёзганман, — дэя ҳалиги дафтарни қўнимга тутқазди. Унда мактабдаги синфдошлари, маҳалламиздаги одамлар ҳақида ажойиб-гаройиб мақолачалар бор эди. Уларни ўқиб кўнглим ёришиб кетди. Чунки Алишер ижод қилишни аллақачоноқ бошлаб юборган экан.

— Маъқул, — дедим мен. — Ёзгандарингни болалар газеталарига олиб бордингми?

— Олиб борсам бўладими? — деди саволимга савол билан.

— Бўлади, нега бўлмасин.

Мен бу гапларни шунчаки эмас, қатъий бир ишонч билан айтганимни кўриб:

— Бўпти, олиб бораман, — деди.

Шундан кейин болалар газеталарида бирин-кетин Алишернинг мақолалари чиқа бошлади. У анча вақтгача кимнинг ўғли эканлигини

таҳририятдагилардан яшириб юрган экан. Тасодифан билиб қолдим. Болалар газетасининг Владимир Тюриков деган муҳаррири бор эди. Бир куни у билан бир даврада учрашиб қолдик. Мен ундан бизнинг ўғилни ёзганлари қалай, журналист чиқадими, деб сўрадим. У ҳайрон бўлиб: «Ким у, сизнинг ўғлингиз?» — дегандек менга қаради. Шундан билдимки, Алишер менинг ўғлим эканлигини айтмаган. Ўзи мустақил ҳаракат қилган. Унинг бу камтарлиги мени жуда ҳам қувонтиради. Кейин муҳаррирга ҳам, яхиси, билмаганингиз маъқул, деб қўя қолдим.

Адангда болаликдан ана шундай камтарлик билан бирга ўз кучига ишониш, ота-онасига, яқин кишиларига орқа қилиб, ўз ишларини битирмаслик фазилати бор эди. Бу бизни ниҳоятда қувонтирас, турли гап-сўзлардан холи эдик.

Тўғри-да, фарзанди болалигидан ўз йўлини ўзи топишга ҳаракат қиласа, ота-онага юк бўлишидан ўзини тийса, бу қайси ота-онага ёқмайди? Чунки ота-онани ҳеч қачон фарзандга боғлаб қўймаган. Ота-онасига суюниб қолган фарзандлар қаттиқ шамолда тирговичсиз қолган дараҳтдек синиб кетадилар. Ўзларини ношуд ва қўчада қолган бир гадодек ҳис қиласилар. Ҳаётда бундан ёмони бўлмайди, ўғлим.

Алишер ўрта мактабни тамомлади, ўзи орзу қилган журналистика факультетига ўқишига кирди. Ишонасанми, мен унинг ўқишига кириши билан боғлик ҳеч қандай муаммога дуч келмадим. Ота-она учун бирорвинг олдига бориб, фалон ишда ёрдам бер, дейишдан оғироқ, ориятни қўзғатувчи ташвиш йўқ. Бу ҳар қандай кишининг ҳам бўйини қисиб қўяди. Қолаверса, қўлнинг калта бўлиб қолиши, сиздан — угина, биздан — бугина деган гаплар, пораҳўрликлар ана шу ношуд болаларнинг ўртасига тушишдан бошланади. Ота-она фарзандимни ўқишига киритаман деб елиб-югуради. Айрим ҳолларда фарзандим деб жиноятга қўл уради. Шўрлик ота-она умрида оёқ босмаган остоналарга қуллук қиласи, умрида ёқтиримаган ишни қилишга мажбур бўлади ва ҳоказо. Хуллас, бу ҳаёт катталар ва болалардан иборат бўлгани учун ҳам ҳамма яхши ва ёмон ташвишлар катталарга болалар туфайли етади. Агарда болалар ўз ота-оналарини ана шундай ноўрин ишларга саргардон қилиб қўйишмаса, жамият ҳам саргардонликка, парокандаликка юз тутмайди. Энди, Шарофжон, мен айтиётган бу гаплар жуда ҳам тишинг ўтмайдиган ҳаётий гаплардир, вақт-соати келиб буларни ўзинг ҳам англаб оларсан, ўғлим. Сен ҳам вақти етганда, оила қуриб ота бўлар экансан, шунчаки оила қуряпман деб ўйлама, балки, жамият қуряпман деб фикр юритгин. Ҳа, ҳамма фарзандлар шундай ўйласинлар: ота-оналарини беҳад баҳтиёр этиб, уларда ўзига нисбатан меҳр-муҳаббат, комил ишонч орттирадилар. Бу хислат-фазилатлар ўзларига ҳам баҳт-саодат олиб келиши аниқ.

## ДҮСТИНГНИ КҮРИБ, КИМЛИГИНГНИ АЙТАМАН

**И** нсон дүстсиз яшай олмайди. Каттадир-кичикдир, яхшидир-ёмондир, у одамнинг атрофида дўстлари, биродарлари, ҳамфирлари бўлади. Алишернинг ҳам дўстлари кўп эди. У ўрис мактабида ўқиганлиги учунми, ўртоқлари орасида ўрис, татар, армани, корейс, яхудий болалар ҳам бор эди. Нимагадир, уларнинг қайсицидир жиҳатлари Алишерга ўхшаб кетарди. Чамамда, босиқликлари, ўта мулоҳазакорликлари ўхшарди, шекилли. Улар бирга дарс тайёрлашар, ўзларича алланарсаларни баҳслашиб ўтиришар, мусиқа эшлишишарди.

Бир куни ана шу дўстлари орасида янгиси пайдо бўлиб қолди. Мен бу болани илгари кўрмаган эдим. Унга эътибор беришим ҳам бежиз эмас. У уйимизга келадиган болалар ичиде серсаломлиги, сертакаллуфлиги, ўта мулоҳзамати билан ажралиб турарди. Балки унинг юмшоқ ва «ноёб» муомалалари менинг эътиборимни тортгандир. Баъзан, шу болани кўрганимда нега бошқалари мана шунаقا мулоҳзаматни жойига қўймайди, деган хаёлга ҳам борар эдим. Нега десанг, Алишернинг оғир-босиқ, одамнинг юзига дадил қаравшга ийманиброқ турадиган дўстларига ўрганиб қолган эдим-да. Бу боланинг кўзлари ҳам бошқача эди. У саломлашар ва менга бирон хизматингиз йўқми дегандек қараб турарди. Балки менга унинг ана шу жиҳатлари ёқкандир.

Нима бўлди-ю, ҳалиги бола кейинчалик кам келадиган бўлиб қолди. Унинг камнамо бўлиб қолгани ҳам дарров сезилди. Алишернинг бошқа дўстлари қайси бири келяпти-ю, қайси бири келмаётганлиги билан қизиқмаганим ҳолда бу ўртоғи билан қизиқиб қолдим.

— Анови ўртоғинг кўринмай қолдими? — сўрадим Алишердан.

— Ҳа, — деди-ю, Алишер аниқ жавобдан ўзини олиб қочди.

Ўша куни якшанба эди. Дарвоза қўнғироғи жиринглаб қолди. Алишер хонасидан чиқди-да, онасига илтимос қилди.

— Жон ойижон, минг бора узр. Агарда анови, «юмшоқ супурги» келган бўлса, мени уйда йўқ деб айтинг. Хўпми?

Чиндан ҳам дарвоза қўнғирогини босган ўша бола экан. Шундан кейин билдимки, Алишер билан уларнинг ўртасида қандайдир гап ўтган. Лекин шундай бўлса ҳам, ўша бола дарвоза қоқиб келибдими, демак, айб ундан ўтганга ўхшайди.

Алишер у ёки бу нарсанинг кетига тушишни ёқтирумас, бошқалар ҳам шундай қилса ранжиб қоларди. Мен ўша куни нима учун ўртоғини қабул қилмаётганлигини шу заҳоти сўрашим мумкин эди, лекин унинг кайфиятини бузмаслик учун бу ишни орқага ташладим. Орадан бир-икки кун ўтгач, ота-бола гаплашиб ўтириб, ўша воқеанинг сабабини сўрадим.

— Э, — деди у құл силтаб. — Ўғил бола — ўғил бола бўлиши керак-да! Нуқул қийшанглайды, ўқитувчимиз уни шатакка олгин, деб менга топшириб қўйган. Унинг фикру хаёли музикада, кинода, сигарет чекишини, қизлар ёнида олифтагарчилигини қўймайди. То-вусдек товланади. Менга унинг енгилтак одатлари ёқмайди.

— Ахир ўқитувчинг сенга топширган бўлса, сен уни ана шу томонларини инобатга олиб тартибга чақиришинг керак эди. Ўқитувчинг ишониб топширган вазифани тўла уддалаш ўрнига ўзингни четга олиб қочибсан-да, болам, бундай ноўрин иш қилма.

— Ўзингиз айтасиз-ку гапни гапир уққанга деб. У сираям ўқишни хоҳламайди. Қайтанга мени, ўртоқларимни дарсдан чалғитади. У билим олишни хоҳламайди, жудаям енгилтак, дангаса.

— Жа унчаликмасдир?

— У нуқул отасига ишонади. Отаси каттакон универмагда директор. Кунора-кунда мактабимизга келиб туради. Келганда ҳам қуруқ келмайди. Ўша бола нуқул мен мактабни «Олтин медаль» билан битираман, деб керилади.

— Қандай қилиб? Ўзи яхши ўқимаса-ю, олтин медаль олса?

— Ҳамма гап шундаки... У биз билан дарс тайёрлаш учун ўртоқ бўлмаганлигини сезиб қолдик.

— Шунақами? Унда нима учун ўртоқ бўлган экан? — деб ҳайратим ошди менинг.

— Агарда у олтин медалга тавсия этилса, биз ўртоғимиз деб халақит бермаслигимиз, жанжал кўтармаслигимиз керак экан. Уёғини отасининг ўзи тўғрилаб қўяркан.

Ана шу гапдан кейин ҳалиги боладан менинг ҳам ихлосим қайтди. Очиги, боладан эмас, ота-онасидан ранжидим. Бир қараганда, болада айб йўқдек. Уни шу кўйга солиб қўйган бойвачча ва ҳамма масалани пул билан ўлчайдиган, олтин медални ҳам, инсоф ва диёнатни ҳам пулга сотиб олиш мумкин деб ўйладидиган енгилтабиатли отасидан ранжидим.

Алишер болалигиданоқ шунақанги енгилтаклар билан келиша олмайдиган йигит эди. У шундай бўлиб ўсади. Иншооллоҳ, мен сенда ҳам отангнинг бундай фазилатларини ора-чора бўлса-да, кўриб қоламан. Кўрганимда қувонаман, уларнинг қалбингта янада чукурроқ ўрнашишига, ҳаётинг фақат гўзал фазилатлар билан бойишига ишонаман. Гоҳо ўйинқароқлигингни кўриб ўйга толаман-да, ўтиб кетар деган далда билан ўзимни тинчлантираман.

Шарофжон, сен, адангнинг бундай фазилатлари билан гуурлашишинг, ҳаётда бўладиган у ёки бу тўсиқларни ана шу ўлчамлар мезонида туриб ўлчаб яшашинг, енгилтакликдан йироқлашишинг келажагинг учун жуда муҳимдир, ўслим.

Адангнинг болалигига бу фазилатлари менга аён ва равшан бўлганлиги учун сенга ибрат — мактаб бўлсин деб айтяпман, неварам.

Уларни тушуниб, англаб турган бўлсанг керак? Дарвоқе, баъзидаги сенданда қўнимсизликни кўраман-да, бошим қотади.

Илоё, ҳаётдан сабот ва ибрат олгувчи бўлиб, камтарин, хушумо-мала, билимдон, инсонпарвар, интизомли, одобли инсонларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлиб етишгин!

## ЖАННАТНИНГ ТАЪМИ

Э сиз, тақдир экан болам, аданг раҳматлик бу дунёдан бевақт ўтиб, кетди. Ҳа, жуда ёш кетди. Қирқقا ҳам кирмаган эди. Етук адиб, ёзувчи бўлармиди. Бу гапни дадил айтишимнинг сабаби бор, Шарофжон. Ҳа, Алишер деганимда юракларим армонга тўлади. Аданг университетда ўқиш даврининг биринчи йилидаёқ ёзги амалий машғулотларини Москвадаги нашрлардан бирида ўтказмоқчи бўлди. Ҳайрон бўлдим. Очиги, Алишернинг ҳалитдан катта охурга интилиши менга деярли ёқмаётган эди. Ахир, Москва бошқа олам. Ўзи ёш бўлса, унинг дунёқарашини ўзгартириб юбориши мумкин эди-да! Яширмайман, мен ота сифатида уни узокларга юборищдан хавфсирап эдим. Доим ёнимда бўлса, кўриб турсам дердим. Одатда, олма дарахтининг меваси тагидан нарига, ўзга жойга тушмайди. Ҳал-қимизда шундай гап бор. Инсон ҳам баъзан дарахтга ўхшаб худбинлашиб кетади. Меваси шохлари етган жойгача тушса-ю, нарига ўтмаса... Минг афсуски, биз инсонмиз. Инсоннинг ризқ-насибасини Оллоҳ қаерга сочган бўлса, ўша ердан териб ейди.

— Ўзимизда ҳам газета-журналлар кўп-ку? Нима, бу ергагиларни ҳалитдан назар-писанд қилмай қўйдингми? Бирданига Москвани кўзлаб қолибсан, — дедим киноя билан.

Алишер ерга қаради. Ниманидир менга тушунтироқчи бўлар эди-ю, лекин ичидагини ботиниб айттолмас эди. Шунинг учун анчагача жимиб қолди.

— Бас қил хом хаёлларни! Ўзимиздаги хоҳлаган таҳририятингга бор. Уч ой ўтади-кетади. Москвани қўй, — дедим.

— Ҳафа бўлманту, ада, — деди у ҳамон менинг юзимга қарамай, — мен бу ерда ўзим ўйлаганчалик мақсаддага эриша олмайманни деб кўрқаман.

— Ўҳ-ҳў, жуда катта кетвормаяпсанми? Нима, бу ергагиларнинг савияси паст деб ўйляяпсанми? Яхшимас. У ерлар катта охур... Бўйинг етмай қолмасин тағин.

Мен баъзан аданг билан ҳам, амакиларинг билан ҳам мана шунақа жиддий гаплашиб қўяр эдим. Ҳа, шу йўсун мен уларнинг танобини тортиб, ақл-хушини киритиб турардим. Алишернинг юзига нимагадир самимий бир табассум ёйилди. Ҳа, жаҳли чиқмади. Бола хатосини тушунди шекилли, деб ўйладим. Алишер деди:

— Адажон, менинг орзуларим билан боғлиқ масалани анча чукурлаштирвордингиз, мен бу ердаги журналистларни, устозларни жудаям хурмат қиласман, ҳар бирига шогирд тушишга тайёрман. Лекин битта нозик тарафи бор. Нашриётимиз тизимидағи мұхаррирлар ҳаммаси мени Сизнинг ўғлингиз эканлыгимни билишади. Шундай бўлгач, мени аяшлари, пишиб етилмаган мақолаларимни қайтариш ўрнига ўзлари тузатиб чоп этаверишлари мумкин. Уларнинг олдида Сизнинг обрўйингиз жуда юқори. Мен отамнинг хурмат-обрўси соясида қолиб кетишдан кўрқяпман. Бу ёғи ўзбекчилик. Ўзингиз биласиз... оқибатини ўйламасам, натижа мўрт ёғочдек бўлиши мумкин!

Ҳозиргина жаҳл ўтида ловиллаб турган вужудимга муздек шамол нафаси уфургандек бўлди. Узоқ вақт хаёл дарёсига чўмиб қолдим. Алишернинг бу жиддий мулоҳазаси менинг нозик жойимдан олган эди. Тавба, нега мен, оқ-қорани кўрган, аччиқ-чучукни уқсан ва туйған киши ҳаётнинг бундай нозик томонларини олдин ўйлаб кўриш зарурлигини ҳисобга олмабман.

— Яна ўзингиз айтгансиз, — деди Алишер менинг жим бўлиб қолганим сабабларини ўзича мулоҳаза қилиб, — одам боласи мусо-фир бўлмагунча мусулмон бўлмайди, деб. Москва тарафларда мени суюйдиган ҳеч кимим йўқ. Ўз кўмочимга ўзим кул тортаман. Қийналаман, азобланаман, лекин керакли билимни оламан. Меҳнат қилишни ўрганаман. Мени ана шу номаълум олам, ана шу ҳаётий синовлар ўзига тортяпти. Журналист бўламан деган киши енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юрмаслиги керак деб, ҳар доим эслатиб турасиз-ку, адажон.

Не қилайки, бу борада Алишер юз бора ҳақ эди. Мен одатимга содик бўлганим сабабли бирданига ён бергим келмади.

Бу мулоҳазалардан кейин бошқа гап ошиқча туюларди. Шу сабабли бўлса керак:

— Болам, гапингда мантиқ борга ўхшайди. Билганингни қил, — дейишдан нарига ўтолмадим.

Орадан бир ой ўтгач, Алишер Москвадан қайтиб келди. У анча ўзини олдирган, озиб қолган эди. Лекин кўриниши тетик, ўқтам, пишиқкан юз-кўзларида мумтоз бир ишнинг ҳаракати ва оқибатлари сезилиб турарди.

— Хўш, — дедим, — мусофиричиллик нонининг мазаси қанақа экан?

— Жудаям қаттиқ экан-ку, лекин ширин экан, — деб кулди Алишер.

— Бўлдими? Мусофиричилликнинг нонини еб, мазасини туйиб бўлдингми?

Мен Алишернинг Москвада чиқадиган «Неделя» ҳафтномасида ўқув тажрибасини ўтаётганидан хабардор эдим. У ўша даврдаги газе-

таларнинг энг нуфузли ҳафтаномаларидан бири эди. Мен ўзимча, «Неделя»даги журналистлар етуклигини сезиб, Алишер бу газетада бор-йўғи югурдак бўлиб қолиши мумкин деган хаёлга борган эдим.

Кутилмаганда Алишер мағруона жилмайиб, менга тушунтири-моқчи бўлгандек:

— Йўқ, Москвага яна бораман. Мени Ўзбекистонга ижодий ко-  
мандировкага юбориши, — деди у севинч билан.

— Қанақасига?.. Ахир, у газетанинг Ўзбекистонда ўз мухбири  
бор-ку? Сен қиласидиган ишни у бажара олмас эканми?

— Буям қизиқ бўлди, ада, — деди у. — Мен Москвага боргач,  
мева бозорларини айланиб, турли-туман мевалардан сотиб олиб еб  
кўрдим. Назаримда, болгарларнинг олмалари, узумлари, Кримдан  
олиб келинган мевалар, Россиянинг жанубида етиширилган тарвуз-  
лар, хуллас, бизда қандай мева, полиз экинлари бўлса, у томонлар-  
да ҳам ўшанақа хиллари ўсар экан. Лекин бирортасининг таъми биз-  
нинг меваларникига ўхшамайди. Аввалига бу мевалар ҳам ширин  
бўлса керагу, ўзимизникига ўхшата олмаяпман шекилли, деган хаёл-  
га бордим. Бироқ, бундай кузатсан, москваликлар ҳам нуқул Ўзбекис-  
тондан келтирилган меваларни харид қилишаркан. Ўзбекистонда яшаб  
кетган собиқ юртдошларимиз ҳам навбатда туриб харид қилишяпти.  
Бир-иккитасидан ҳазиллашиб, бу мевалар бундан арzon-ку, Ўзбекис-  
тонники қўмматроқ десам, Ўзбекистоннинг мевалари жаннат мева-  
ларига ўхшайди, уларда жаннатнинг таъми бор, биз у ерда яшаган-  
миз, биламиз деган гапларни эшитдим. Фурурим шундай ортди, шун-  
дай хурсанд бўлдимки! Бу гап кейинчалик таҳририятда йигитлар билан  
ўтирганимизда ҳам кўтарилиб қолди. Мева мевага ўхшайди. Қуёш  
ҳамма ерга баробар нур сочади. Агарда нур сочмаганда, бошқа ўлка-  
лардан олиб келинаётган мевалар пишмас эди-ку. Лекин, нима учун-  
дир Ўзбекистонда пишиб етишадиган меваларнинг таъми ўзгача? Са-  
волга даврадагилардан ҳеч ким жавоб бера олмади. Шу жумладан,  
ўзбекистонлик бўлган ўзим ҳам аниқ бир сўз айттолмадим, шу сабаб-  
ли ҳазил-ҳазил билан бу нарсани ўрганиб, мақола ёзиш менга топ-  
ширилди. Шунинг учун Тошкентга келдим, ада.

Алишернинг гапи мен учун шунчаки бир гапдек туюлди. «Тавба,  
Ўзбекистонда етиладиган мевалар ширинроқдур, Болгарияда нор-  
донроқдур, Кавказ томонларда ўртачароқдур, хўш, нима бўпти?» —  
деган фикр хаёлимдан ўтди-ю, индамадим.

Орадан уч кун ўтгач Алишер ҳаяжонланиб уйга кириб келди.

— Топдим, ада, топдим! — деди у болаларча қувониб.

Мен унга нимани топди экан, деган маънода қараб қолдим. Жан-  
нэттатъмли мевалар ҳақидаги сұхбатимиз менинг ёдимдан кўтарилган  
екан, шунинг учун савол беришга шошилмадим.

— Академияга бордим, сўнг энг катта боғбон, академик, узум-  
чилик илмий текшириш институтининг бош директори Маҳмуд Мир-

заев билан учрашдим. Маҳмуд ака мен билан ўз ўғлидек мириқиб гаплашдилар.

— Академик Маҳмуд Мирзаев дейсанми? Маҳмуд аканинг ҳузурига бордингми? Сен билан гаплашишга у кишининг фурсати бўлдилими?

— Фурсатлари йўқ экан. Лекин менинг саволим у кишини ҳам қизиқтириб қўйди. Шу пайтгача у кишига бундай савол билан ҳеч ким мурожаат қилмаган экан-да. Шунинг учун мени ишхонада эмас, кечқурун уйларида қабул қилдилар.

«Наҳотки, бу оддий савол академик учун диққатга арзигулик бўлиб туюлган бўлса? Яна невараси тенги йигитни уйига чақириб отамлашган, саволларига жавоб берган бўлса?» — деб ўйлардим:

— Маҳмуд акага мени айтдингми? У киши мени жуда яхши танийдилар, — дедим.

— Айтдим. Суҳбатлашиб бўлгандан кейин, хайрлашаётганда айтдим. Сизга салом дедилар.

— Шундай дегин? Хўш, академик билан қандай қарорга келдинглар?

— Жуда зўр қарорга келдик. Биласизми, ада, Ўзбекистондагидек иқлим дунёнинг ҳеч қайси бурчагида йўқ экан. Фақат Ўзбекистондагина фасллар тенгма-тенг алмашинар экан. Уч ой қиш, уч ой ёз, уч ой баҳор, уч ой куз деганларидек. Шунинг учун биздаги мевалар, полиз маҳсулотлари жуда ширин ҳам эмас, жуда бемаза ҳам эмас, мўътадил, инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали бўлиб етишар экан. Агарда, дедилар домла, Ўзбекистоннинг мевалари, улардан тайёрланадиган шарбатлар, қоқилар дунё юзини кўрадиган бўлса, одамлар фақат шу меваларнигина қидириб топиб ейишарди. Бизнинг ўлкамиз Оллоҳнинг қудрати билан яратилган мўъжизакор бир макон. Шу нақа, бу борада яратилган жуда кўп янги тадқиқотлар ҳақида батафсил менга тапириб бердилар. Мавжуд мўъжизаларнинг ҳаммаси жаннатий иқлимга боғлиқ экан.

Мен ўсимликшунос олим, академик Маҳмуд Мирзаевнинг кўлгини китобларини ўқиганман. Ўзбекистон набототи бўйича қимматли китоблар ёзган бу олимнинг Алишер билан суҳбатлашиш учун вақт ажратганлигининг боисини энди англаб етган эдим. Суҳбатимиз сўнгиди Алишер нимагадир хомуш тортиб қолди.

— Шу, — деди сал чайналиб, — шундай билимдон олимнинг кўнгиллари ярим экан-да, бу, албатта, ишларига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

— Билдингми болам, сабабини? Нимадан камчиликлари бор экан? — қизиқиб сўрадим ундан. Лекин қалбимнинг бир чеккасида, наҳотки, шундай бир катта олим Алишерга бирон-бир масалада арз қилган бўлса? Ёки бирор одамдан ранжиган бўлса, дардини тўкиб солдимикан?

— У кишининг умр йўлдошлари оламдан ўтган экан, икки йил бўлибди. Анча шаштлари паст, руҳиятлари сўник. Ундан аёл дунёга қайтиб келмайди, деб айтдилар.

— Ажаб, ҳаётнинг бу тарафларигача гаплашган бўлсаларинг, роса отамлашибисизларда, Маҳмуд ака ҳам юракларини ёзадиган инсон қидириб юрган эканларда?

Алишер менинг нима демоқчи эканлигимни, ҳа, сендан бошқа дардкаш тополмабдиларда, деган кинояни тушуниб етди.

— Йўқ, Сиз ўйлаганчалик эмас, — деди Алишер босиқдик билан. — Суҳбат давомида мен у кишининг юзидағи маъюслик, қўзларидаги ички бир ғамгинликни сезиб турдим. У киши назаримда ҳаммага ўхшаб нафас олмас, балки, нуқул хўрсинаётганга ўхшайлар. Хўрсинишларида бир олов бор эди. Мен суҳбатимиз давомида уларнинг қалбида чукур бир армон, учиреб бўлмайдиган ўт борлигини англаб ўтирдим. Охири, уларга шу савонни берган эдим, бир хўрсиниб турмуш ўртоқлари ҳақида ўзлари гапириб қолдилар. Биз ота-болалардек гаплашдик. Икки соатлик суҳбатимиз давомида мен мухбирлигимни, у киши олимликларини унтиб қўйиб, гаплашдик.

Эртасига Алишер Москвага жўнаб кетди. Орадан бир ҳафталар ўтди шекилли, Маҳмуд ака уйимизга кечқурун қўнфироқ қилиб қолдилар.

— Сизга ҳавасим келди, Исломжон. Баракалла, ажойиб ўғил тарбиялабсиз. Умри узоқ бўлсин, зўр билим соҳиби эканлигини кўриб қувондим. У мен билан худди тенгдошдек гаплашди. Шу, Сиздан илтимос, мен Алишернинг Москвадаги телефонини билмайман. Иложи бўлса, унга айтсангиз, шу, сал чегарадан чиқиб марҳум келинойингиз ҳақидаги дардларимни очиқроқ айтиб юборибман. Илтимос, бу гапларни мақоласида ёзмай қўя қолсин. Бошқаларга бунинг нима алоқаси бор. Ахир, бу Худонинг иши-ку?

Мен эртасигаётқ Алишерга қўнфироқ қилиб Маҳмуд Мирзаевнинг илтимосини етказдим.

— Ажабо, академикнинг дарди мен ёзган очеркнинг юраги бўлиб турибди-ку. Ҳозир матн терилиб чиқди. Эрта-индин макетга қўйишмоқчи. Очеркнинг юрагини олиб ташласам, унда у очерк бўлмайди-ку, адажон. Маҳмуд акага айтинг, очерк жуда ҳам таъсирили чиққан. Ахир, у кишининг академиклик даражасига етишишларига улкан хисса қўшган одам бир четда қолиб кетиши мумкинми? Қолаверса, Маҳмуд аканинг ўзлари хотинларини эслаб «Бир умр менинг ташвишмда юрарди, менинг ишларим, тадқиқотларимнинг яратилиши жараёнларига умрини бағишилади. Болаларимни ўстирди, замонавий инсонлар қилиб тарбиялади», деб армон билан эсласалару, ана шундай аёл ҳақида ёзмай бўладими? Маҳмуд акага айтинг, Худо хоҳласа, ёзганимни ўқисалар, ишончим комил, хурсанд бўладилар. Ҳа, юрак-

ларидаги ўша чигиллик бирмунча ёзилади, — деб мени ҳайратда қолдирди Алишер.

Мен Маҳмуд акага Алишер иккаламиз ўртамиизда бўлган гапларни тугал айтмасам-да, илтимосини бажо этганилигимни қўнгироқ қилиб етказиб қўйдим. Орадан бир ҳафта ўтгач, «Неделя» ҳафтномасида академик ҳақидаги очерк босилиб чиқди. Ажабо, у икки бет, ҳа, газетанинг қўш саҳифасини тўлдириб турарди. Қалбимни улкан бир ҳаяжон қоплаб, кўзларимга севинч ёшлари тўлди. Чунки, шу ёшга етиб, кўпгина ошна-оғайним бўлиб, шунча ёзиб, ҳали менинг мана шундай маҳобатли марказий нашрни тўлдириб чиққан мақолам босилмаган эди-да. Бу менинг фарзандим, мевамнинг бир шингили эди. Очеркни шошиб ўқиб чиқдим. Борган сари ҳаяжоним ошди. Ўзбекнинг шундай бир етук академиги, тағин ўзи энг камтар, самимий, меҳнат ва ижод қилиб толмайдиган, фидокор кишининг портрети жуда моҳирлик билан чизилган эди. У кишининг марҳума аёли ҳақидаги гаплар чиндан ҳам очеркнинг дардига айланган эди.

Мен бир қўнглим Маҳмуд акага қўнгироқ қилиб қўймоқчи ҳам бўлдим. Бироқ, мақтанчоқлик бўлмасин, деган андишада ўзимни тийдим. У кишига очерк маъқул бўлса, ўзлари қўнгироқ қиласлар, деб ўйладим. Қўнгироқ қилмасалар — маъқул бўлмагани деган хаёл ҳам қўнглимдан ўтди.

Маҳмуд ака кечқурун уйга қўнгироқ қилдилар.

— Исломжон, — дедилар у киши хурсанд бир овозда, — ўғлингизни шу ёшида сўзга ҳассослигини, тилининг нозик ишораларга бойлиги, етук журналистлигини билмаган эканман. Боласи тушмагур-ей... Ишқилиб, Оллоҳ ёмон кўздан асрасин. Умрингиздан бара-ка топинг. Ёзганлари менинг қалбимга жойлашиб, азиз мулким бўлиб қолади. Алишерга номимдан миннатдорчилик билдириб қўйинг, ука. Айтинг Алишерга айниқса илиқ сўzlари билан келин-нойисини шод этибди. Унга минг раҳмат. Сизгаям, умид билан ўстирган ўғлингизгаям минг тасанно.

Маҳмуд акадек таббарук олимдан эшигтан миннатдорчиликдан кувондим. Адангга бўлган меҳрим минг чандон ошди. Минг афсуски, Шарофжон, адангга кўз тегди. Ҳа, бир дақиқалик фалокатга учраб оламдан кўз юмиб кетди. Қанчадан-қанча очерклар, кино-сценарийлар, қиссалар ўксик қолиб кетди. У шунаقا, ўзи учун ўзи йўл очишга ҳаракат қиладиган уринчоқ, куйинчоқ бола эди. Сен ҳам ҳаётда ўз сўқмоғингни очиш, ўз кучинг, ақл-идроқинг билан ўз дунёингни яратиш учун курашадиганлардан бўлиб стишсанг, дейман. Шунда сенинг томирингда отангнинг қони оқаёттанилиги билиниб туради.

Биламан, сен отланган хорижий юртларда сен истаган ва истамаган нарсалар мўл-кўл топилади. Сенинг хорижни ихтиёр қилиб

кетишиңг худди мархұм отанғнинг уч ойлик ўқув тажрибасини Москвада ўтказиб келишига ўшшагандек туюляпти менга. Ҳа, мусофир бўлмагунча одам мусулмон бўлмайди. Ишинг ўнгидан келсин, деб дуо қилиб тураман. Иншооллоҳ, билимдан бўлиб қайтасан, болам.

## ОНАЛИ ЕТИМ — ГУЛ ЕТИМ

**Б** аъзи-баъзида, сен ҳақингда ўйлаганимда жуда оширвормаяпманми, деган хаёлга бораман. Биз катталар шунақамиз ўзи. Болаларимиз, невараларимизнинг ҳәёти, келажаги ҳақида доим ҳавотирда яшаймиз.

Уларни тасодиф — ёмонлар таъсиридан ҳимоя қилмоқчи бўламиз, юриш-туришларини кузатамиз, ҳаёт сўқмоқлари кўзимизга ола-бўжи бўлиб кўринади. Хуллас, биз катталар доно-ю, болаларимиз ва невараларимиз ёши улғайиб бирорвга ақл берадиган даражага етиб қолсалар ҳам гўдак кўринаверадилар. Ҳеч қачон уларнинг қалбida кечайтган бўронларни тушунишни хоҳламаймиз. Аслида эса, бу одат минг йиллар давомида ҳам инсонларга, айниқса, ота-оналарга хос бўлган «касал»дир.

Яқинда шундай бир ҳолат юз берди. Сен уни сезмай ҳам қолдинг. Аммо менинг вужудим оғир зарбадан силкингандек бўлди. Қайгуларим чуқурлашгандек, қалбимга аёвсиз бир наштар ботгандек бўлди. Ўша куни сен уйга кириб келдинг-да... Ҳа, мен у пайт қўшни хонада газеталарни кўздан кечириб ўтирадим. Кираверишда Гулнора аммангнинг 9 ёшлик қизаси Зиёдахон билан 6 ёшлик ўйилчаси Диёржонлар ўйнаб ўтиришарди. Мен уларнинг хатти-ҳаракатларини ҳар замон-ҳар замонда эшик ойнасига тушиб турган аксларидан кузатган бўлиб ўтирадим. Сен уйда ҳеч ким йўқ деб ўйладинг шекилли, жиянчаларингга «Ассалому алайкум» дединг баланд овозда. Аммо қўшни хонанинг эшиги очиқ турганлигини кўриб, бирдан сергак тортдинг. Ўзингга интилган, чапак чалиб, қувноқ овозда саломингта алик олган жиянларингни ҳам унутиб, хонага бўйладинг ва мени кўриб, келиб сўрашдинг. Бандлигимни кўриб, изингга қайтдинг ва ўзингга талпинган жиянларингни суйиб бағрингга олдинг. Мен буни эшик кўзгусида аксланаётган суратингдан яққол кўриб турадим. Қара, каттагина йигит бўлиб қолибсан, ҳа, бола кўтарсанг қўлингга ярашиб турибди. Балки, шундай масъуд дақиқалар узоқ эмасдир. Сенинг шу туришинг, шу ҳолатинг отанг раҳматликни эслатиб юборди. У қўпинча ишдан келарди-да, сенга ва синглингта худди мана шундай чўк тушиб бағрини очар эди. Мен газета ўқиши ҳам йиғиштириб қўйиб, худди телезэкранда томоша кўраётгандек эшикка тикилиб қолдим. Кичик жиянчанг турли ўйин-чоқлардан ўзича бир нима ясаган ва сенга уларни кўрсатиб, алла-

нарсалар деб чулдиради. Аммо бўйнингдан маҳкам қучганча қўйиб юбормасди. Унинг бу ҳолати ҳам юрак-бағримни эзib юборди. Бола бечора туғилибдики, эркак кишини кўрди дегунча дарров унга кучоқ очиб талпинади. У қўмсаётган одам унинг отаси эканлигини мен дил-дилимдан ҳис этардим. У ота меҳрига, унинг эркалашларига зор бўлиб ўсарди. Бола туғилибдики, касалхонадан чиқмайди. Аммангнинг турмуши бузилган, борди-келди узилган, бола отасини деярли кўрмай ўсаётган эди.

Сен ҳам бу можароларни кўриб ҳис қилиб юардинг. Шунгами, жиянчаларинг бизникига келганда улар билан кўпроқ машғул бўлгинг келарди. Йигитлик қалбинг уларнинг қалбларидаги кемтикликни тушунса керак-да?! Нега тушунмасин, ахир, сен отага зор бўлиб ўсяпсан, сенинг отанг бу ёруғ оламда йўқ. Буларнинг отаси эса ҳаёт — шу шаҳарда. Болалари йигласа эшитиладиган жойда яшайди. Лекин болалари уни бир кўришга, меҳр-шафқатига зор, отаси эса ҳеч нима бўлмагандек, айшини суриб юриди.

Ҳа, ҳаёт ана шунаقا, бирорни отасидан ўлдириб айриб қўяди, бирорни эса тириклайн айиради. Инсонмиз, тақдирга тан бермай иложимиз қанча.

Яна айбни ҳаётга юклаяпман. Ҳаёт ўзи нима? Уни қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўладими? Ёки уни шуҳрат супасига чиқарип томоша қилиш мумкинми? Ниҳоят курсисига ўтқазиб жазолашчи? Шуниси аёнки, унисида ҳам, бунисида ҳам биз ўзимизни ўзимиз кўрамиз. Ҳаёт бу ўзимиздир, одамлардир, ўзи кимлигини тушунган ва айни пайтда тушуна олмай ўтиб бораётган инсонлардир.

Мен хонамда ўтирад эканман, худди сеҳрлангандек сен ва икки жиянинг — сизларнинг қанчалик бир-бирларингизни тушуниб, битта одамга айланганликларингизни кўриб турибман. Сен жиянларинг билан андармон бўлиб мени ҳам унутиб қўйдинг. Ўйинчоқларни у ёқдан бу ёққа отиб, болалардек ўйнаганинг уларни ҳам кувонтириб юборди. Ҳа, шу фурсатда сен йигитча бўлиб, уйланиш ёшига келиб қолган, ўспирин йигит эмас, балки, кичкина Шарофжонга айланган эдинг. Шу пайт кутилмаган воқеа содир бўлди. Ҳа, сенинг оғзингдан шундай бир сўз чиқдиди, бу сўз мени алғов-далғов қилиб юборди.

— Адангни кўргинг келадими?

Сен бу саволни дабдурустдан Диёржонга бердинг. Ўйнаб турган бола бирдан ҳушёр тортиди. Худди кимнидир излагандек атрофга аланглади. Кейин сенга тикилди-да, «Йўқ» дегандек бошини сарак-сарак қилди. Бола бечора адасини тузукроқ кўрмаган, унинг бағрида эркаланиб яйрамаган бўлса, қандоқ ҳам соғинсин?

— Сен-чи? — дея катта жиянинг Зиёдахонга қарадинг.

У бир зумгина ерга қараб турди-да, оғир хўрсинди. «Кўргим келади», деди ва сенга гина аралаш қараб қўйди. Унинг қарашида: «Кўргим келса кўрсатасизми? Кўлингиздан келадими? Йўқ! Барибир

Қўлингиздан келмайди, бўлмаса нега сўрайсиз била туриб?» деган болаларча бир гинахонлик балқиб турарди. Ҳа, менинг тирик етим невараларим бола бўлсалар ҳам ҳалитдан катта ёшлик одамнинг ҳолига тушиб боришарди. Чунки биз катталар уларнинг олдида тақдирлари билан боғлиқ бўлар-бўлмас гапларни ошкора гапираверамиз-да! Албатта, амманг болаларига ўз дард-армонларини баъзида истар-истамас сездириб қўйса ажаб эмас.

Сен ўшанда бу саволни нима учун жиянларингга берганлигинги мен биламан. Сен ҳар соат, ҳар куни, ҳар дақиқада отангни соғинасан. Унинг эркалашларини, қўлингдан етаклаб югуртиришларини қўмсайсан. Лекин, болам, иложинг қанча. Бу болаларнинг эса ишонч-иложлари бор. Оталари тирик! Сен ўртадаги ана шу икки фарқни ажратолмай қўйналасан.

Биласанми, Шарофжон, йигит киши ҳамиша йигит бўлиб қолмоги керак. У, модомики, никоҳ фотиҳаси билан уйланибди, фарзанд кўрибдими, демак, энди фақат ўз роҳат-фарогатини ўйлашдан тийилиши керак. Дунёга келтирган болалари тарбиясини оиланинг икир-чикирларидан устун қўйиши керак. Ҳа, болалардан отани Оллоҳ айирмагунча болалардан сабабсиз тириклайн айрилиш ота учун ўта гуноҳdir. Инсон, аввало, ота шунга масъул ва жавобгар шахсdir. Норасида гўдакларни етим қилиб, на ейиши-ичиши, на нафақаси ҳақида ўйламай заифа аёл кишига ташлаб кетиш, бу ҳеч бир адолатли қонун-қоидага, мусулмонлик одобига тўғри келмайди.

Сени келажакда қандай тақдирлар кутяпти, буни фақат Оллоҳ билади. Лекин ниятинг ҳамиша пок бўлсин. Фарзанд кўрсанг, фақат фарзандларинг ҳақида ўйла. Уларни жиянларинг каби йўлингга мўлтиратиб қўйма. Келишдикми? Омон бўл, қаерда бўлсанг ҳам, бошинг тошдан бўлсин.

## ШИРИНА

**Б**у хаста юрагимни ич-ичидан кемирган яна бир нарса бу — синглинг Ширина бўлди, Шарофжон. Сен адангни бу ёруғ дунёдан абадий кетганини билтан ва биладиган ёшда эдинг. Ширина билмасди. У нималар бўлаётганини тушунмасди. Нуқул кўзлари жовдираб, одамлар орасидан адасини изларди. Нимага ҳамма бору унинг адаси йўқ? Адасини сўраса нимага ҳамма жим? Нимага ҳамманинг кўзига ёш келади? Мурғак гўдак бу ёруғ дунёда фалокат деган, ўлим деган фожиалар борлигини тушунмасди.

Ширинанинг хархашалари кечқурунлари авжга чиқарди. Нимага деганда у қўпинча Алишернинг эртакларини эшишиб, уйқуга кетарди. Ота-бала анчагача чулдирашиб ўтиришарди. Аданг раҳматлик табиатни, жониворларни яхши кўтарди ва яхши биларди. Бу соҳада

билими чукур эди. У қайси жонивор ҳақида эртак айтса ўшанинг суратларини китоблардан, журналлардан эринмай кўрсатарди. Адангнинг болажонлиги ўзимга тортган эди.

Шунинг учун ҳам Ширина уйқу олдидан ўз эртак айтувчисини қўмсаб, инъижлик қиласарди. Мен минг бир азоб билан набирамга эртак айтган бўлардим. У бир оз жим турарди-да, қадрдон овозни тополмаётганидан аламзада бўлиб, кўрпаларини тепиб ташларди. Дод соларди. Маржон-маржон кўз ёшлари тўла жаҳл билан менга тикиларди. «Нимага сиз, адам-чи?»

Ўзимни қўйишга жой тополмай қоламан. Ҳайвонот олами ҳақидағи китобларни қўлимга оламан. Варақлар орасида Алишер қўйган хатчўплар. Баттар эзиламан. Алишер тенги баъзи ёшлар кўз олдимга келади. Болага бепарволари-да. Ҳа, эрта кетиб, кеч келадиганлар. Маишатдан, зиёфатдан бўшамайдиганлар. Болалари катта бўлиб қолишганини ҳам билмай қоладиганлар. Алишер ҳам шунаقا бепарвороқ бўлганда нима қиласарди-я, деб ичимдан эзиламан. Йўқ, у унақа эмас эди. Иши тутадими, иложи борича уйга, болаларини олдига ошиқарди. Сен ҳам худди шундай бўл, Шарофжон.

Шуларни ўйлаб, Ширинани тинчлантириш учун китобларни варақлар эканман, бир қораламага кўзим тушди. Ҳазина топгандек суюниб кетдим. Алишеримнинг, жигарбандимнинг қўлёзмаси. У қолдирган ҳар бир хотира, ҳар бир чизиқ мен учун қанчалар азиз эканлигини билсанг эди, Шарофжон.

Қўлёzmани овоз чиқариб, Ширина га ўқий бошладим:

— Бир бор экан, Ширина исмли қиз бор экан. Бир куни у акаси Шарофжон, ойиси Нафисахон ва адаси билан ҳайвонот боғига борибди. У ерда Ширинанинг кўзи касалга ўхшаб ётган Оқайиқча тушибди.

— Ассалому алайкум, ҳой Оқайиқ, сенга нима бўлди? — сўрабди Ширина.

— Қорним оч, — депти Оқайиқ.

— Музқаймоқ ейсанми? — сўрабди Ширина.

— Йўқ, емайман.

— Асалли пирожний-чи?

— Унгаям ҳушим йўқ. Балиқ бўлса, қанийди?

— Вой, менда балиқ йўқ-да.

— Биламан, балиқ дарёда бўлади.

Ширина дарё бўйига борибди. Унинг суви тагида жилдираб оқаётган экан. Дарёга ҳам салом берибди ва депти:

— Дарё, дарё, эшитяпсанми мени?

— Юз-қўлларини ўзи ювадиган, оппоқ, покиза қизларни мен яхши кўраман. Гапир, нима юмуш билан келдинг?

— Балиғингдан бермасанг бўлмайди. Оқайиқнинг қорни оч.

— Кўриб турибсан, мениям қорним оч. Сувим жилдираб оқяпти.  
Менга сув бер.

— Вой менда сув йўқ-да, — депти Ширина.

— Сув ҳов баланд тоғларда бўлади, — депти Дарё.

Ширина олисдан кўриниб турган тоғлар томон юриб кетибди. У тоғлар этагида миттигина бўлиб қолибди.

— Ассалому алайкум, ҳой баланд тоғлар, — деб бақирибди Ширина.

— Ва алайкум ассалом, ширин қиз. Нима дейсан?

— Сизлар дарёга сув беринглар. Дарё менга балиқ беради, балиқни мен Оқайиққа бераман...

— Ўзидан катталарга салом берадиган қизларни биз яхши кўрамиз. Лекин иложимиз йўқ. Булутлар ёғмаса, сув беролмаймиз.

Ширина қараса оппоқ булутлар тоғлар устида сузид юрган экан.

— Ассалому алайкум, ҳой булутлар, — бақирибди Ширина.

— Нима дейсан эй, ширин қиз?

— Тоғларга ёмғир бўлиб ёғинглар. Тоғлар дарёга сув берсин. Дарё менга балиқ берсин. Мен балиқни Оқайиққа берай. Уни қорни оч.

Бирдан момақалдироқ бўлиб, ҳаммаёққа ёмғир ёға бошлабди. Тоғлар сувларни йигиб, дарёга қўйибди. Дарё тўлиб оқа бошлабди. Ширинага кўтарганича балиқ берибди. Ширина Оқайиқни меҳмон қипти. Оқайиқ хурсанд бўлиб, Ширинага оппоқ пўстин совфа қипти...

Ширина бу эртакни киприк қоқмай эшилди. Кейин ўксик юраги сал бўлса ҳам таскин топди шекилли, ухлаб қолди...

Алишер Ширинага эртаклар айтар экан, мультиколор учун эртаклар ёзиш ҳақида кўп ўйларди. Уни, буни қоралаган бўларди. Бу унинг азбаройи болажонлигидан, болаларни яхши кўришидан эди. Шу десант, яхши одамлар болажон бўладими дейман-да, Шарофжон. Назаримда бугунни эмас, эртани ўйлайдиган одамлар шунаقا бўлсалар керак... Болалар эртанги кунимиз-да!

## ТЎҚ ФИКР – ЎҚ ФИКР

**Ш**арофжон ўғлим, биз одамлар шундаймизки, бор нарсани боридамас, йўғида қадрлашга одатланиб қолганмиз. Бу одам зотта хос бўлган энг ярамас иллатлардандир. Буни қараки, мен адангнинг сўзлаганида баъзиларга ўхшаб узоқдан айланиб юрмасдан, йўлни кесиб чиқишини, бошқалар учта сўздан гап ясаганда, у иккита сўздан, баъзизда битта сўздан гап ясашини фаҳмлаб қолдим. Ҳа, адант раҳматлик тўқ фикрларди. Гаплашган одам маза қиларди. Сўзлари, ташбехлари, таклифлари, эътиrozлари тўқ мағизни эслатарди. Кўпинча

түк мәғиз эгиз бўлганидек, унинг фикрлари ҳам этиз эканлиги сези-либ турарди.

— Мен-чи, мен адамга ўхшаб ўйлайманми, мен ҳақимдаям бош-қа кишилар шунаقا баҳо бера оладими? Масалан, ўзингиз? Ахир, менинг кўпинча эркалатиб, менинг Алишергинам, ўғлим ўлмаган, мана, олдимда юрибди, дейсиз-ку. Билсангиз, бундоқ вақтларда шунақанги хурсанд бўлиб кетаманки. Нега десангиз, адамлар Сизга ўхшашни қанчалар орзу қўлган бўлсалар, менинг ҳам адамларга ўхшаган одоб-ли, ижодкор, иқтидорли ўғлингиз бўлгим келади-да.

Сен ҳақсан, Шарофжон! Ростини айтсан, адангга ўхшаб фикр-лайсанми, сўзларингда сув кўпми, маъноми, бу ҳақда ўйлаб кўрмаган, жиддийроқ мулоҳаза юритмаган эканман. Тўхта-тўхта, мен сенга бирор марта «сергап бўлма, гапларинг оғзингдан тушиб кетяпти, нимага чайналасан», деб танбех бердимми? Мен эслолмаяпман...

Ўйлаб кўрсам, аданг раҳматлик ҳеч ҳам дудмал гап қилмаган экан. Болалигидаёқ шу нарса бор экан унда. Албатта, ота-онанинг боласи билан энг кўп учрашадиган вақти дастурхон атрофида бўлади. Биз бувинг икковимиз болаларимизнинг ёлчиб овқатланишини, оч-наҳор қолмаслигини ўйлаб, овқат сузиб келтирилгач, ҳаммаларига бирдек «ол-ол» қиласардик. Амманг, амакиларинг «тўйиб қолдик» деган сўзни кўп ишлатишарди. Нимагадир Алишер «тўйдим» ёки «бўлдим» деб дастурхондан қўлини тортарди. Мана, ўзинг ўйлаб кўр, «тўйиб қолдим» билан «тўйдим»нинг орасида фарқ борми? Бор-а?! «Тўйиб қолдим»нинг таг-замира иде яна озроқ ейишим мумкин деган эҳтимол ётибди, тўгрими? Шунинг учун биз Алишерни овқат ейишга зўрламас эканмиз. Бошқаларни «ол, яхшилаб тўйиб ол» деб мажбурлар эканмиз! Кейин аданг бирор билан бирор ишни аҳдлашган ва ўша иш битиши керак бўлган бўлса, фалон иш нима бўлди деб сўрамасди. Бўлдими, деб сўради. Ўйлаб кўргин-а, «Нима бўлди?» билан «Бўлдими?»нинг орасида фарқ борми? Бундоқ қараганда, йўққа ўхшайди. Аслида эса, бор. «Нима бўлди» деганда ўша ишнинг бўлмаслик эҳтимоли борлиги, шунчаки таваккал иш эканлиги, бўлмаган тақдирда ҳам ҳеч нарса йўқотилмаслиги англашилиб турибди. Аввалио, аданг ҳеч қаҷон шубҳали, мубҳам ишларга аралашмасди. Бу бора-да бирор билан аҳдлашмасди ҳам. Бўладиган ишга бел боғларди.

Бирга туғилмоқ бор, бирга турмоқ йўқ деганларидек, улғайишгач аданг ҳам, амакиларинг ҳам бўлак бўлиб чиқиб кетишиди. Албатта, дастлаб тез-тез, кейинчалик ора-сира бирон-бир муносабат билан келадиган бўлишиди. Шу қатори сенинг аданг ҳам.

Бир куни ишдан келсан, бувинг хафа бўлиб ўтирибди: «Шу каттамни бўлак қилиб чиқармаслигим керак эди. Бегоналашиб қоляпти. Ҳовлига оёғи кирмай, боши чиқаман дейди».

— Бошқалари-чи? — дедим.

— Бошқалари келишсаям, кетишсаям құзимга қараб туришади. Кетадиган бўлишса ҳам, минг марта атрофимда айланиб кейин жавоб сўрашади. Алишер эса...

Ҳа, аданг унақа эмасди. Келарди, ҳол-аҳволни биларди, оч келган бўлса қорнини тўйдиради. Кейин менга қандок юмушларингиз бор, деб сўрарди. Ишимиз бўлса айтардик. Айтганда ҳам, бўладиган, аданг уддасидан чиқадиган ишни айтардик. Бўлмаса, «бу иш менинг қўлимдан келмайди» деган (бу жавоб ота-она учун қанчалик оғир ботмасин) жавобни ҳам эшишишга тайёр туардик. Қизиги шундаки, «ўйлаб кўраман, ҳаракат қиласман» деган сўзлар унинг луғатида йўқ эди.

Шунда мен Алишернинг ҳолатини кўз олдимга келтирдим-да кулиб:

— Бўпти, менга жавоб, Оллоҳу акбар, дегандир-да?! — дедим.

— Ҳа, худли ўзи бўлдингиз, шунақа тап топиб олибди. Унга бирон ишимиз бўлса келади-ю, бўлмаса келмайдими. «Менга жавобмиш», худди етти ёт бегонага ўхшаб. Қайси болангта меҳр қўйсанг, ўшаниси бемеҳр бўлади ўзи.

Йўқ, Шарофжон, аданг бемеҳр эмасди. Меҳри тўлиб-тошиб ётарди. Унинг менга, бувингга, қариндош-урӯғ ва биродарларига, ўз оиласига бўлган меҳри чексиз эди. Фақат у ўз меҳрини намойиш қилмасликни дуруст деб биларди. Албатта, у ясама равишда бунга ҳаракат қилмасди. Ундаги бу ҳолларнинг бари табиий кечарди. Унинг меҳри сиртдан қараган одамга қудуқ тубида йилтиллаб қўринаётган мусаффо сувга ўхшарди. Одатда, бундай қудуқларнинг суви ширин, соф, муздек, айни пайтда шифобахш ҳам бўлади. Бундай қудуқнинг сувини тортиб адo қилиб бўлмайди. Қишин-ёзин иссанг ҳам, барibir тутамайди. Унинг мусаффолигига на совуқ, на иссиқ ва на довуллар таъсир кўрсата олади. Чунки унинг сув йигиладиган найчалари она ер бағридаги ерости дарёларига туташган бўлади. Адангнинг бизга бўлган, биродарларига бўлган меҳри ана шу шифобахш, тугамас қудуққа ўхшарди. Сен ҳамиша сел каби баҳорда бир марта тошадиган меҳри дарё одамлардан кўрқ. Ҳа, бундай кишилар йилда бир марта тошадилар. Қўриб, қараб турган кўз борки, барига ўз меҳр ва муҳаббатини кўз-кўз этиб намойиш қиласилар. Бундай меҳри дарёларга кўпларимиз алданиб қоламиз. Бошимизга бирон-бир иш тушганда меҳр-оқибат излаб борамизу, унинг кимлигини билиб оламиз. Шунинг учун ҳам дехқонлар баҳор кезлари тошиб, ёз чилласида қуриб қоладиган дарёлар бўйида дехқончилик қилмаганлар. Ўз меҳрини кўз-кўз қилишга одатланганлар ана шунақантি алдамчи дарёларга ўхшашади. Аданг раҳматлик ундейлардан ҳазар қиласарди. Унинг қалби ҳамиша меҳрга тўла эди. Аммо у бўлар-бўлмас, бехуда ўзанларга оқмас эди.

Бир хил одамлар меҳрни бирорвлар гирдида айланиб-ўргилишдан, отам бўласизу, акам бўласиз қабилидаги тутуриқсиз гаплардан

иборат деб биладилар. Тўй-матракаларда югуриб-елишдан иборат деб биладилар. Бундай одамлар кўплар томонидан «фалончига етадигани йўқ, бебаҳо» деган унвонларни ҳам олволишган...

Аданг, сўзниг мухтасарини яхши кўрарди, сергапликни ёқтирамасди. Сўзга хасис эди дейиш билан, меҳр-оқибатда ҳам шунаقا эди демоқчи эмасман. Асло, меҳр ва оқибатни қачон, қай пайтда ва қандай намоён этишни биларди, демоқчиман-да. Ҳамма нарса ўз ўрнида қимматлидир. Узук кўзидек ўз ўрнига тушмаса — бекор. Сув — чанқаганингда ширин, кўрпа — совқотганингда жонроҳати.

Бир куни қизиқ бўлган. Ўшанда ҳали аданг уйланмаган, энди йўлини топиб, газета ва журнallарга ёзиб чўнтағига уч-тўрт сўм туша бошлаган эди. Биз бувинг билан сал холи қолдикми, болаларимизнинг бизга, қўни-қўшиларга, биродарларимизга бўлган муносабатлари, ахлоқ ва одоблари ҳақида қайғурардик. Болалар қуюшқондан чиқадиган бирон иш қилиб қўйишса, қандай қилиб уларни жазолаш ва бу қусур уларда қаердан пайдо бўлганини мұхокама қилиб ўтирадик. Шундай бир сұхбат асносида Алишер жамғарган пулига, очиги, ўн беш кунлик қалам ҳақига менга битта шим олиб, кўтариб кириб қолди.

— Алишерингиз Сизга қолганда жа меҳрибон-да, — деди бувинг шунчаки гина қилган бўлиб. — Ўзи киймай, Сиззи ўйлади.

— Меҳрибонлик учун олмадим бу шимни, — деди Алишер бирдан ҳафсаламизни пир қилиб.

Эр-хотин унга тикилдик: «Нима учун олдинг бўлмаса?»

— Бу янгича материал, лавсан дейилади. Дазмоли узоқ ва яхши сақланади. Адамларнинг ишига шунақаси маъкул, шунинг учун олдим.

— Гина қилмасанг ҳам бўлар экан, онаси, — дедим мен бувингга қараб. — Ўғлимиз мендан кўра сени кўпроқ ўйлади. Кунора, кунда шим дазмоллашлан қутулибсан.

— Ҳа, — деди Алишер, — бу тарафиниям ўйлаганим рост...

Бундан чиқди, адам ҳаёт бўлганларида, мана ман деган тадбиркор одамлардан бўларканлар-да, дерсан?! Сени тушундим, невараги нам, сен тижоратни, ишибилармонликни назарда тутяпсан. Аданг, сен ўйлаганчалик бўлмаса-да, умуман, ҳаётда, турмушда ижодкор, тадбиркор етук инсон бўлиб қоларди...

## САЛОМГА ЯРАША АЛИК...

**Б**иламан Шарофжон, мен сени ўзим хоҳламаган ҳолда тез-тез хафа қилиб қўяман. Ҳаддан зиёд тергавораман шекилли-да, болам. Нима қилай, ахир сенда бус-бутун ўғлим Алишерни — отангни кўргим келади-да. Биламан, буни сирайм иложи йўқ. Отанг раҳмат-

лик бағри бутунликда — мен ва бувижонингни қанотида улғайды. Сен эса... Ҳа, сенинг бағринг бутун эмас... Баҳтинг ярим. Отасиз бўп қолишдан Ҳудо сақласин. Биз минг марта атрофингда айланиб, ўргилайлик, барибир отангни ўрнини босолмаймиз. Бу — аниқ. Лекин сенинг ютуқларингдан ҳам, камчиликларингдан ҳам адангни излайверсам нима қиласай. Баъзан сен ҳеч керак бўлмаган пайтда катталарнинг гап-сўзига, ишларига аралашиб қўясан. Катталар ҳам, ҳа энди кўнгли ярим деб сени қайтаришмайди. Бу ўринда аданг бошқача эди. Одоб сақларди. Умуман катталар сұхбатидан сал нарида бўлишга ҳаракат қиласарди. Иложсиз қолганда бошқа бир нарса билан машғул бўлгандек, жим ўтиради. Үндаги бу ҳолат улғайиб, болачақали бўлганда ҳам сақланиб қолди.

Бир куни тоғанг Исломжонни уйлантириш билан боғлиқ маслаҳат устига аданг билан ойинг келиб қолишиди. Аданг, «давом этаверинглар», дегандек бир чеккадаги креслога бориб ўтириди-да, журнал ўқишига берилди.

Биз тўйни ҳовлида ўтказсак қандай бўлади-ю, урфга айланиб қолган ресторанда ўтказсак қандай бўлади, унга қанча одам айтиш керак, икки ўртадаги сарф-харажатлар ҳақида зўр бериб тортишар, бир-бirimизга фикримизни ўтказмоқчи бўлардик. Ҳа, деганда галимиз бир жойдан чиқмаётган эди. Шу пайт адангга қайнота бўлмиш эркак қудам Алишерга қаради-да:

— Ўғлим сизам бирон нарса денг, — деб қолди. — Ё, гапларимизни эшитмадингизми?

Алишер ярқ этиб ўтирганиларга қаради. Юзида самимий бирifo да ўйнарди.

— Нимага энди, ҳаммасини эшитиб ўтирибман. Кенгашли тўй тарқамас дейишади. Кенгашган яхши-да.

— Бош ғовлаб кетди ўғлим, бир тўхтамга келолмаялмиз, ҳалидан бери.

— Ҳаммаси ҳамёнга тақалгач шундай бўляпти, — деди Алишер кулиб.

— Шундай, шундай! — дея бош ирғади қайнотаси.

— Адамлар, — дея кулиб туриб менга қаради Алишер. — «Кўрпангга қараб оёқ узат»ни кўп айтадилар. Ҳозир шундай бўляпти. Кўрпани бошга тортса оёқ очилиб қоляпти, оёққа тортса бош. Ресторан бўлмайди. Жой, идиш-товоқ, хизмат ҳақини ўзига битта катта тўй қилса бўлади. Ҳовли яхши. Идиш-товоқ маҳалладан, ластурхонни ўзимиз тўлдирамиз, хизматниям ўзимиз қиласиз.

— Ҳовли торлик қилади-да ўғлим.

— Шунга яраша одам айтилади-да, ала. Бирор айб қилмайди. Бунинг устига ҳовлини файзи бошқача бўлади. Ресторан ё пули кўпларники, ё иложсизларники. Ҳовлиси бор одам ресторанда тўй

қылса ҳовлиси йиғлаб қолаётганга ўхшайды, мени назаримда. Кузатишмача тўйда кўп бўлса кетар экан, оз бўлса етар экан.

— Эй, ўлманг, ўғлим яшанг, умрингиз узун бўлсин. Бўлди, ҳовлида ўтказамиз ҳовлида, тамом-вассалом.

Шундай қилиб харажатлар ярмига қисқарди. Чиройли, ширингина, файзли тўй бўлди.

Буни нима учун эсладим Шарофжон? Бошқалар ишига аралашув сенга эҳтиёж сезилгандагина азиз. Шунла сенинг маслаҳатларинг қимматли, бебаҳо тус олади. Кенгашли ишларда мурожаат қилмагунларича одоб сақлаган яхши. Бўлмаса одам бўлар-бўлмасга бурнини тиқадиган, маҳмадона, маддоҳга айланниб қолади. Мен сени шунақсан демоқчи эмасман болам. Асло, шунақа одам бўлиб қолишидан эҳтиёт бўл демоқчиман. Аданг ўтиб кетди. Бироқ унинг ноёб фазилатлари ҳали-ҳануз яшаб келяпти. Буни саломга яраша алик дейдилар, Шарофжон.

## ҚАТИҚНИНГ ПУЛИ ЁНГА ҚОЛДИ

**А**данг ҳаёт пайтларида «қайта қуриш» деган таплар бўлиб, «ишбилармон» деган сўз кўштириноқдан чиқиб, ўзининг ҳақиқий маънодаги умрини яшай бошлаган эди. Илгари ишбилармон деса, фақат ўзининг фойдасини кўзловчи фирибгар, қаллоб, хасис нусхалар тушуниларди. Кимгаки «ишбилармон» деган тамға ёпиширилган бўлса, у яхши одамлар қаторига киритилмасди.

Адангнинг кўпгина ўртоқлари юртимизнинг мустақиллиги зълон қилингандан кейин ўзларини тижорат ишларига уришиди. Бироқ, аданг бу соҳага ўзини заррача ҳам чоғламади. Ижодий ишлари, ёзув-чизувлари, киносценарийлари билан овора эди. Мени ажаблантиргани шунда эдикি, оғайнилари, Фанишер, Баҳром амакиларинг, қариндошлар келиб ундан маслаҳат олишар, тижорат ишларida унинг фикрларига таянишарди. Ўтириб олишиб «брокер», «менежмент», «маркетинг» деган сўзларни луғат китобларидан қараб ўрганишарди. Баҳслashiшарди...

Якшанба кунларининг бирида мен ҳам уларнинг сұхбатига қўшилиб қолдим. Тўғрироғи, ёшлар мендан битта корхонанинг раҳбари сифатида янги бозор иқтисодига ўтиш даврида орттирган баъзи тажрибалар натижаларини сўраб, бу соҳадаги фикрларини равшанлаштириб олмоқчи бўлишиди. Эсимда, улар бир молга иккинчи молни алмашлаб олиш — бартернинг советлар даврида қанақа усувлари бор эди, умуман, бунақа нарсага рухсат этилармиди, этилмаса нима учун, деб сўраб қолишиди.

Анча фикрлашдик. Ўзимизча хулосалар чиқардик. Менга кўпроқ Алишернинг аниқ хулосалари маъкул эди. Шунда мен унга:

— Алишер, замонавий тижорат ишларини дурусттина билимдөни бўлиб қолибсан, битта тижорат фирмаси очиб қўяқол, — дедим.

— Биз жуда кўп айтаямиз, Алишер биздан кўра тижоратчиликка минг марта тайёр, у тадбиркор бўлиб туғилган аслида. Нега бошқа кўчаларда адашиб юрибди? — деб қолишди ўртоқлари ҳам.

Алишер маъноли қилиб қулиб қўйди-да, ўрнидан туриб жавондан битта китобни адашмай топиб, жойига ўтириди. Олдиндан белгилаб қўйган эканми, ўша жойни очди. Китобни танидим: «Калила ва Димна». У битта ривоятни эринмай ўқиб берди. Баҳслардан сал толиқдан эканмизми, жон деб қулоқ тутдик.

Ривоятда бир қатиқфуруш бўлади. Унинг қиладиган иши қўни-кўшнилардан сут йигишу қатиқ уйитиб сотишдан иборат эди. У ҳар кунги топган фойдасидан орттириб битта тилла сотиб оларкан-да, қора кунимга деб ҳамёнга ташлаб қўяркан. У ҳамёнини ҳеч кимга ишонмас экан. Доимо белига боғлаб юрар экан. Бир куни бозордан қайтаётса одамлар дарёда маза қилиб чўмилишаётганмиш. Кун ҳам роса забтига олган палла экан. Қатиқфурушнинг ҳам чўмилгиси келибди. Бироқ ҳамёнини ўйлаб туриб қопти. Ахир, у сувга тушганида ҳамёнини ўйирлаб қўйишса нима қиласди? Шунча йил тўплаган бойлиги сувга оқади-ку. Бундок атрофга қараса, бу юпун қатиқфуруш билан ҳеч кимнинг иши йўқмиш. Э, депти у ўзига-ўзи, менинг бойлик йигиб юрганим ёлғиз Оллоҳгагина аён, ҳатто уйдаги хотиним ҳам билмайди, бу ердагилар қаердан билсин... Шундай деб, у ечинибди-да, ҳар эҳтимолга қарши ҳамёнини қумга кўмиб, устига кийимларини ташлаб қўйибди. Кийимлариям жулдуровоқи экан.

Қатиқфуруш сувга бир марта шўнғиб, бундоқ қараса, не кўз билан кўрсинки, бир маймун унинг ҳамёнини кўтариб кетаётганмиш. Орқасидан ҳай-ҳайлаб чопибди. Маймун бўлса ҳаш-паш дегунча бир сакраб дарё бўйида ўстган улкан дарахтнинг шохига чиқиб кетибди.

— Ҳой, яхшилар, ёрдам беринглар, маймуннинг қўлидаги ҳамёнда юз тилла олтиним бор, — деб ёлворибди қатиқфуруш. Одамлар бўлса, унинг гапига ишонишмапти. Ахир, қатиқфурушда бунча бойлик нима қилсан?

Маймун дарахтнинг учига чиқиб олибди-да, аста ҳамённинг оғзи-ни титкилабди. Битта олтинни еб бўлармикан деб тишига босибди. Ёқманти, бу сарик нарсада ҳеч бир маза-матра сезмабди. Ниҳоят, қўлидаги олтинни қулочкашлаб сувга отибди.

— Менга от, менга, сувгамас, — деб қичқирибди қатиқфуруш. Олтин эгаси пастда туриб жинни бўлай дермиш, атрофдагилар бу томошани завқ билан кузатишармиш.

Маймун қўлига иккинчи олтинни олибди ва униям тишига босиб қўрибди. Яна афтини бужмайтирибди. Лекин, бунисини дарахт тагида иргишилаётган қатиқфурушга отибди. Шундай қилиб, маймун

битта тиллани сувга, битта тиллани қатиқфурушга отиб ўйнаб ўтирибди. Охири, ҳамённинг ўзи қопти. Қатиқфуруш эллик тилладан ажраб, эллик тиллага эга бўлиб қопти. Шунда у ўз айбига икрор бўлибди-да, ушбу воқеанинг сирини ўзи ечибди. У одамлардан сутни оларкан-да, тенгма-тeng сув қўшиб, қатиқ уйитиб сотаркан. Шунда у сувнинг пули сувга кетди, қатиқнинг пули ёнга қолди. Фирромлигим учун мени Оллоҳ жазолади, деган экан.

Ривоятнинг мазмуни тахминан шундай эди. Уни эшишиб ҳамма бирдан сув қўйгандек жимиб қолди. Шу билан аданг ўз кўнглидаги гапларни айтиб бўлган эди. Аммо дўстлари орасида бу ривоятни тушуниб етмаганлари ҳам бўлди.

— Э, бу шунчаки бир ривоят-да... Бунақаси бўлиши мумкинмас. Маймун бир онгиз махлуқ бўлса...

— Бу ҳаёт қонунларини мукаммал билган, билармон бир диндорнинг панд-насиҳати...

— Мен бўлсам, — деди Алишер, — ҳамма афсонаю ривоятларга ишонаман. Кейин, тижорат иши барака келтирувчи иш. Уни Худонинг ўзи бошқариб туради. Қатиқчини маймун орқали ўзи жазолаган.

— Ол-а, жа оширвординг-ку.

— Истайсизми-истамайсизми, шундай. Ҳозирги тижоратчиларнинг кўпчилиги Оллоҳга, унинг илоҳий қурдатига ишонмайди, қонунларни билмайдими, демак, жазодан ҳам қўрқмайди. Шунинг учун бу даргоҳга бошимниям сукмайман.

Ўшанда Алишернинг сўзларини эшиштириб, беихтиёр отам раҳматликини эслаб кетдим. У киши ҳам савдо-сотиқ билан овниб юрардилар. Асосан боғимизда етиширилган меваларни бозорда сотардилар. Илгари Қумлоқ, Ҳончорбог тарафларда катта-катта мевазор боғелар бўларди. Бизнинг ҳам каттагина боғимиз бор эди. Отам раҳматлик қишки мевалар — олма, нашвати, нок, узумларни сақлашга, эрта баҳоргача янгидек олиб чиқишга устаси фаранг эдилар. Шунинг учун кўпчилик қишки меваларни хоҳланг сотиб олинг, хоҳланг пулини сотганингиздан сўнг беринг деб ташлаб кетишарди. У киши меваларни эринмай битталаб тахта токчаларга териб чиқардилар. Осадиганларини биттадан шифтга боғлаб осардилар. Узумлар элакка ўхшаган идишларда сақланарди. Мева сақланадиган хонага кум тўкилган бўларди. У киши ҳар куни бир марта кумга қараб хонадаги ҳолатни мўътадил қиласардилар. Бу усул ҳам жуда осон эди. Хонага кирадилар-да, бир сиқим кумни ўнг қўлларида чангллаганларича олиб чиқардилар, кейин худди суви чиққудек қилиб қисардилар-да, кафтларини оҳиста ёзардилар. Кум бармоқлар очилиши баробарида ёйилиб кетса, «яхши» дегандек бош иргаб қўярдилар. Агарда кум ёзилмай «тўплитича» тураверса, ўша заҳоти хонани шамолларатдилар. Демак, хонада намлик ошган, баъзан кум куруқшаб кетса, дарров ичкарига иккита челякда сув обкириб қўярдилар. Шуниси қизиқки, челякдаги сувлар турган жойида ўз-

ўзидан тойиб бўлиб қоларди. Энди билсан, қум чеълакдаги сувни буғлатиб ўзига тортиб оларкан. Қара, қанчалар содда ва оддий хонаки усуллар. На музлаткич, на ҳавоҳайдагич керак. Биз оиласиз билан қиш бўйи мева еб чиқардик. Ҳар икки кунда ярим тогора-ярим тогора мева чириги чиқарди. Улар бирам ширин бўларди. Айниқса, тош нокларнинг чириги. Пўсти бутун турарди-ю, ичи қорайиб, илиқдек ҳил-ҳил бўлиб кетарди. Бирам хуштаъм, ейишли бўларди.

— Ўзи мевани чиритиб сийиш керак, ҳа, мазасини биламан деган одам шундай қилади. Кон тизимини кучайтиради. Мева шарбати тайёр қон-да. Ошқозонга иш қолмайди, ўзиям баданга ҳолвайтардек ёқади, — дердилар отам раҳматлик, меваларни саралаб, сархилларини бозорга сотишга тайёрлаганда. Биз ҳам ярим чириганларини токчага олиб кўярдик. Отам бир кунда икки-уч марта мева сақланадиган ертўлани оралардилар. Меванинг биттаси чириса, унинг замбуруғи бошқалари га ёйилиб кетади, дердилар. Ҳа, мевани сотишдан уни асраш машақ-қатлироқ эди.

Биласанми, Шарофжон, савдо-сотиқ деймизми, тижорат деймизми, бундан қатъи назар, ҳаммасининг мана шунаقا мешақати бор. Пештахтага қўйиб сотиш — бу бир ҳузур, узоқ чекилган мешақ-қатларнинг меваси, ҳордиги, мукофоти деса бўлади. Майли-да, у шакар бўладими, қанд бўладими ёки газлама бўладими, ўзига яраша мешақати бор. Бу беҳаловат меҳнатнинг мешақатига чидаган одам тижоратчи бўлади.

Ундан кейин сотиладиган молга нарх қўйиш ҳам энг нозик иш. Албатта, нархни бозор белгилаб беради. Лекин инсофли тижоратчи ҳамиша бозор белгилаганидан ҳам арzon сотади. Чунки, у молнинг тахминий баҳосини ўзи билади. Бундай одамлар қатиқфурушнинг куннига тушиб қолишдан чўчишади.

## БОЗОРНИНГ «СИР»И

**О** там раҳматлик шу гапни кўп гапирадилар. Энди билсан, Ҳадис-да бор экан. Шунинг учун кўпинча мева кўтаришиб бозорга борганимда, дарвозасидан «бисмиллоҳ»ни айтиб ўнг оёғинг билан кир, леб тайинлардилар. Бозорга кирганимиздан кейин «Мен айтгандек қўлдингми?» деб сўраб қолардилар.

«Бунда қандай сир бор», дейсанми?

Сен ҳали мана шунаقا томонларимизни билмайсан-да, шунинг учун ҳам бегона юртларда улоқиб юришингни истамаяпман. Бозор деганлари ер юзининг ҳамма нуқтасида бор. Бироқ, бунаقا маданият, ҳа, бозор маданияти фақат мусулмон оламида бўлса керак. Оллоҳ исмини айтиб, ўнг оёқни босиб кирган кишининг бозори ўнгидан келади. Нега десанг, бундай одамнинг ишига бозорга уя

қурган шайтонлар аралаша олмайды. Оллоҳнинг исми уларни нарига суриб, макр ва ҳийлаларини бекор қилиб ташлайди. Инсоннинг ўнг оёқ билан кириши эса, ўз йўлини ўзи поклаб боради. Бундай одамнинг молини ўзига ўхшаган — бозорга Оллоҳнинг исмини айтиб, ўнг оёқ билан кирган кишилар харид қиласди.

Мен жуда кўп марта кузатганман. Отам раҳматликнинг молини харидорлар пештахтага кўйишини кутиб туришарди. Харидорлар бир зумда талатўп бўлиб кетишарди. Йўқса, шундоққина ёнимиздаги меванинг бизнидан асло қолишадиган ери йўқ эди. Баъзи бирорвлар азза-базза келиб сўрашарди:

— Шоғулом ота, бозорингиз бароридан келишининг сабабини айтиб беринг, бош-оёқ сарупо биздан.

— Олдин атаган сарупоингни олиб ке, кейин гаплашамиз, — дердилар отам жилмайиб.

— Сиз сирини айтаверинг, сарупога яраша савдо бўлиши керакми, ахир?

— Сен бу сирни тагига барибир етолмайсан.

— Нимага энди?

— Нимагаки, ичасан.

— Олинг, ана, ичмаганим бўлсин.

— Унда бозорга таҳоратли бўлиб, дарвозадан «бисмилло»ни айтиб, ўнг оёғинг билан кириб келгин, намоз ўқигин.

Отам раҳматлик билан пештахта атрофидаги одамларнинг бунаقا суҳбатлари кўп бўлган. Баъзилар отахон, амакижон, шундоқ молимга назар ташлаб беринг ёки қўл уриб беринг, зора, бозорим юришиб кетса, деб қистовга олишарди. Бу ишлар ярим ҳазил, ярим жиддий, кунда, кунора бўлиб турарди. Бозорда отамни кўролмайдиган ғанимлари ҳам йўқ эмасди. У киши келиши билан «уф» тортишарди-да, «Энди бизга бозор йўқ, бу сеҳргар киши ҳозир ҳамма харидорнинг кўзини боғлаб, ўзига қаратиб олади», леганларини ҳам эшитардим. Бир хиллари бу кишининг моли тугамагунча меникига навбат тегмайди, деб молининг устини ёпиб ҳам қўярди.

Бир куни бурнининг учи қизариб, ширакайф юрадиган киши намойишкорона сарупо кўтариб келди. Ҳа, оқ яктак, оқ кўйлак, битта чорси, кўк дўппи, амиркон ковуш.

— Мана, акахоним, — деди у тантана билан, — йигитнинг сўзи битта бўлади. Сиз айтган йўлдан юриб кам бўлмаяпман. Ичкиликни ташладим, савдо-сотигимга барака кирди.

Қара, Шарофжон, бозорнинг ҳаёти қизиқ-да. Ҳудди кинога ўхшайди. Қани энди, буларни бир четдан қоғозга тушириб ёзиб қўйсанг. Ё бир чеккада кинога олаверсанг. Нега бу гапларни Алишерга айтмаган эканман? Балки, бозор ҳаётига бағишлиланган кино олармиди?

Ҳа, ҳалиги сарупо берган киши бир куни яна кепқолди. Шашти паст. Отам унинг авзойига қарадилар-да:

- Ҳа, ичиб қўйдингми? — дедилар.
- Йўғ-е, Худо сақласин. Энди у йўлга қайтиш йўқ. Беш вақт намозни канда қилмаяпман. Фақат ишим юришмайроқ турибди. Худди олдинги ичиб юрган пайтларимдагидек, орқага кетяпти.
- Нима бало, молингта ҳаром аралашиб қолдими?
- Э, нима деялпиз? Яна билмадим...
- Яқин орада нотаниш одамдан мол сотиб олмаганимидинг? Арzon-гаровга. Бунақа мол албатта ўғирланган, етим-есирники бўлади. Бунақа мол хонумонингни кўйдириб кетади-я!

Бирорларнинг бозорда ўтириб сотишга вақти йўқ, ёки эртасига қайтиб келишига арзимайдиган моли қолган бўлса, молини арзонроқ қилиб ташлаб кетардилар. Отам ана шунақа молларга ишора қилаётган эдилар.

— Йўқ, унақа ишлар бўлгани йўқ, ўзимам анча ҳушёр бўлиб қолганман. Ҳаром-харишни яқинлаштирамайман.

— Унда пулингга ҳаром аралашган! Ўшанинг касофати бўлса ажабланма.

— Э, қизиқсиз, молга аралашмаган, пулга қаттан аралашади? Илгаридек қарз кўтаришлар ҳам йўқ бўлиб кетган.

— Кечгачан савдо қиласан-ку, ахир?

— Қилсан, нима қипти? Заб гапларни айтасиз-да. Тийинини тийини билан қайтараман. Тарозини тўғри тортаман...

— Бу ишларингга шубҳам йўқ, локин ҳамёнингта тушаётган ақчанинг қай бири пешона тери билан топилган, қай бири қимордан, қай бири кисавурники билмайсан-ку, ўзинг.

— Э, уни сизам билмасангиз керак, мана ман деган валломатиям билмаса керак...

— Гапинг тўғри, ҳеч ким билолмайди. Ўғрими, тўғрими молингни сотуврасан. Бироқ, ўша ғаламислар тўлаган пулининг касофати уради. Ишингтаям, пулингтаям. Шунийчун кечга бориб дўконни ёпдингми, савдо пулининг орасидан беш-олти сўмни олиб садақа қилиб юбор. Ўша садақа ҳалиги касофатдан олган пулингни ҳалоллайди. Ана ундан кейин хотиржам ўтириб, пулингни ҳисоб-китоб қиласанг бошқа гап.

— Ие, буёгини айтмаган экансиз-да... яна сарупо қарз бўлиб қолдим-ку Сиздан.

— Айтсанг айтмасанг, аввалги олиб келган сарупонг эскириб, тўзиб бўлди.

Роса кулги бўлди. Отам раҳматлик жиддий одам эдилару, ҳар замон-ҳар замонда мана шунақанги тагдор ҳазил-мутойибаларга ҳам мойил эдилар.

Шу йўсиндаги ҳазил-хузуллар билан у кишининг ҳам кўнглини кўтариб қўйдилар.

## БОЗОР КҮТАРЯПТИМИ, СОТАВЕР, БИРОҚ...

**Ү**шанда баҳор кунлари эди. Отамнинг омборхоналари бўшаб қолган, бозорга чиқмай қўйган эдилар. Уззукун боғда ишлардилар. Мевалар бири довучча туғиб, иккинчиси гуллаб ётарди. Мен ҳам ўқишимдан, босмахона ишларидан сал бўшадим дегунча отамга қараашаман. Шундай кунларнинг бирида отамни ўзига пир қилиб олган ўша киши келиб қолди. Кўринишидан шошиб турарди. Отам эндингина бир пиёла яхна чойни қўйиб ичмоқчи бўлиб турувдилар. Салом-аликдан кейин отам унга қўлларидаги яхна чойни узатдилар:

- Ма, сени насибанг экан, чанқаган кўринасан.
- Мен рози, ичаверинг, шошиб турибман. Молни шундоқ ташлаб келганман.
- Ол, насибангни ич, шошма, мўминнинг молини Оллоҳнинг ўзи кўриқлади.

Келган киши яхна чойни бир деганда симириди. Отам чойнакнинг куйқасини силқитиб ҳўплади-да:

- Гапир, яна нима бўлди? Ё яна сарупо оберадиган бўп қолдингми? — дедилар.

— Саруподан қочиролмайсиз мени!  
— Биламан, писандা қилмасанг ҳам.  
— Маслаҳатингиз керак, устоз. Бугун байрам эмасми, нарх осмонга чиқиб кетибди. Бозор кўтарганга сотворай десам, Худодан кўрқяпман. Тушириброқ сотай десам, бозорчилар еб ташлашади, нархни бузяпсан деб. Ўзиям заб тош ноклар... Сарфайиб новвот бўп кетган. Бозорнинг олди моли.

— Бозордаги нархни бузишга ҳаққинг йўқ. Қимматга сотоверасан.  
— Нималар деяпсиз? Шу гаплар Сиздан чиқяптими, устоз. Ахир, ҳар килоси устида бир сўмдан ортиқаси бор-а. Аслида, ўша пул менга ҳаром-ку? Фойдахўрлик хонавайрон қилмайдими мени?

— Биби Ҳожарни куни түққан экан!  
— Тушунмадим?  
— Биби Ҳожарнинг уйида бугун байрам бўлади деяпман сенга.  
— Нима бўлди, устоз, Сизга, мен нима деяпману, Сиз нима деяпсиз.

Биби Ҳожар деганларини билардим. Эри урушда ўлиб, бир уй боласи етим қолган эди. Отам қўпинча садақа пулларини мендан шу хонадонга киритиб юборардилар.

— Бозор кўтарган нархда сотгин-да, ўзинтга тегишлисини ол. Қолтанига бозор қилгин-да, саватни Кумлоқдаги Биби Ҳожарникига киритвор. Буни савобига нима етсин.

\* \* \*

Шарофжон ўғлим, бундай хотираларни ёзаверсанг, битта китоб бўлади. Мана шу айтганларимнинг ўзидан сенга кўп нарсалар англашилди-ёв. Энди нима учун адант тижорат йўлини танламаганини тушуна бошлагандирсан? Ўша бобонг ўйлагандек замонлар бўлиб, савдо-сотиқ ишлари ўшандоқ бўлганда, адангдан жуда катта тижоратчи чиқарди. Минг афсуски, ўртага бошқа замонлар тушиб қолди. Инсоннинг инсондек яшами билан боғлиқ қадриятлар оёқости қилинди.

Ҳаёт ростлик, ҳалоллик пойдеворига қурилмас экан, у сал кунда вайрон бўлаверади. Эътибор бердингми, мевафурушлик билан ҳаёти ўтган катта бобонг, баҳор ва ёз ойларини фақат боғда — меҳнат билан кечирган эдилар. Кузда меваларни териб, омборхонага жойлар эдилар. Раҳматлик меваларни узишни биз ёшларга ишонмасдилар. Улар ҳар битта олма ва нокни битталаб узиб олардилар. Узганда ҳам уни шундоқ авайлаб ушлардилар-да, лампочкани бурагандек қилиб ўнг тарафга қараб бурадилар. Аллақаёқлардан икки йиллик шоли похолларини топиб келардилар-да (қанча эски бўлса, шунча юмшоқ бўларди-да), ўшанга ўрадилар. Мева уч ҳатлаганда дастурхонда бўлиши керак, дердилар. Бу детанлари, бир ҳатлагани саватга тушгани, икки ҳатлагани омборхонага жойлашгани эди. Учинчи ҳатлаши энди бозор пештахтаси бўларди. Яна бир марта меванинг оёғи ерга тегса, унинг мевалиги қолмайди дердилар...

Хуллас, куз мева ғамлаш билан ўтарди. Қишида — уч ой савдо қиласман деган киши тўқиз ой меҳнат қилиши керак.

Инсонлар ишлайдиган ҳамма соҳалардаям меҳнат тарзи худди шунақа бўлиши керак.

Бизнинг бугунги тижоратчиларимиз кимга ўхшайди? Нақ чай-қовчининг ўзи. Ҳа, чет элларнинг ўзида ўтмаётган бўлар-бўлмас маҳсулотларни сотиб берадиган мардикорлар йил ўн икки ой арзимаган чойчақа учун ишлашади. Улар умрим йўлда бефойда ўтияти-ку, шу олиб келаётган нарсаларни ўзимизда ишлаб чиқариш ҳақида ўйлаб кўрсам бўлмайдими, деб бош қотирмайдилар. Боз устига, дўконлар ўша чет элларнинг ўзида бозори касод молларини сотишга хизмат қилади. Оддий ҳақиқат — ўз боғингга мева экмагунча мевага тўймайсан. «Кўлдан берганга қуш тўймас», дейди халқимиз. Баъзи мамлакатларнинг маҳсулотлари сифатсиз, усти ялтироқ, ичи қалтироқ эканлигини одамлар сезишади-ю, олмай қўйишади.

Ҳеч қачон ташқаридан мол олиб келиб, ҳеч бир мамлакат ҳам, ҳатто оддий бир кичик хонадон ҳам бойимаган, бири икки бўлмаган, Шарофжон. Сабаби — келаётган нарсаларнинг бир кун келиб тортилиб қолиши ҳам бор. Ташқаридан мол олиб келишга ўрганган киши, худди ўша ташқарига қул, қарам бўлиб қолади. Бу билан ҳеч

нарса олиб келмаслик керак демоқчи эмасман. Олиб келиш керак, лекин ўзиям күплаб маҳсулот ишлаб чиқариши керак-да. Олувчиликни билган одамнинг қўлидан ўзи тайёрлаган маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳам келиши керак.

Мана, Япония давлати, ҳамма ҳом ашёни ташқаридан олиб келади, бу мамлакатда қазилма бойликлар, йирик-йирик ер майдонлари ҳам йўқ. Лекин ташқи бозордан олиб келадиганидан кўпроқ, сифатлироқ тайёр маҳсулотларни четга чиқарали. Ташқи бозорга чиққани учун уни бутун дунё танийди.

Биламан, сенинг хаёлингда ҳам тижорат билан шуғулланишдек орзу-ният бор. Бу ҳозир ёшлар орасида бир урфга айланиб қолди. Яхшилаб ўйлаб кўргин, деган ниятда шу гапларни айтаяпман сенга, болам!

## ДАРВОҚЕ, СЕНИНГ КИМ БЎЛИШИНГ ҲАҚИДА

**Б**у инсон ҳаётидаги муҳим муаммоларнинг биттасидир, Шарофон. Ҳаётда шундай кишилар учрайдики, ёши бир ерга бориб қолганда ҳам бир ишнинг бошини тутмай аросатда юради. Бунақа одамларни мен кўпроқ бегона юртларда адашиб юрган дайдиларга ўхшатаман. Ҳар бири атрофдагиларга ожиз ва нотавон бир таҳлитда мўлтилаб қараётгандек бўлаверади, ўзи мурувватсиз бўлган ҳолда бошқалардан мурувват кутиб яшайди. Нимаики ишга қўл урса, ўшанинг пачавасини чиқарали. Ҳа, қош қўяман деб, кўз чиқаранеради бундайлар. Тобелик оқибатида нафақат ўзларини, балки хотин, бола-чақалариниям қийнаб юборишади.

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деганларидек, бунақа кишиларнинг кўпчилиги ўта фирибгар ҳам бўлишади. Ўзларини бағоят иш билармон, куйди-пишиди қилиб кўрсата оладиган устамон бўладилар. Худди шундай қаллобликлар уларга қўл келади-ю, ҳалол одамларга панд беради. Ҳаётда ҳамма ишни боплаб ташлайман деганлардан нари юргин. Одатда, дўйндириб ташлаш қўлидан келмайдиганлар бу сўзни кўп ишлатишида. Қўлидан иш келадиганлар эса, уддасидан чиқолмай қизарип қолишдан қўрқадилар. Бу ғуур-андиша ўзига хос, камтарин, ички дунёси тоза, туйғулари мақтанишга йўл қўймайдиган одобли инсонларга хос фазилатдир. Албатта, мақтанчоқлар, қўлидан иш келмайдиганлар, фалон нарсани мундоқ қотириб юбораман деганда, ўзларига ишонмайдилар, атрофдаги соддадил, меҳнаткаш одамларни лақиллатиб, амалдор суюнчиқларига орқа қилиб шундай дейишади. Бундайлар бирорвларнинг ишини ўзиники қилиб кўрсатишга уста бўладилар. Ва нима қилиб бўлсаям, икки-уч кишига раҳбар бўлиш учун курашадилар. Қўл остида ишлайдиганлар тилсиз-забонсиз, андишали бўлса, бундайларга қўл келади, уялмай-нетмай «мен, мен»лаб қола-

дилар. Гүё фақат улар ишлайди-ю, бошқалар қўл қовуштириб ўтиради. Улар мумалада ҳам, раҳбарларга тилёғламаликни жойига қўйишда ҳам устаси фаранг бўладилар. Айниқса, ўз раҳбарининг «акахон»лари, ошна-оғайнилари билан борди-келдини ўрнига қўяди. Улар икки хил ҳолатда ҳам ўзларини кўрсата оладилар ва шу дамни орзиқиб кутадилар. Булар тўй, маърака ёки бетоб бўлиб, боши ёстиққа тегиб қолганда ҳеч кутилмагандага ғалати совға билан керакли одамнинг маъракасида пайдо бўлиб қоладилар. Маърака этаси ундан шундай оқибат кутмагани учун ҳам алоҳида эътибор беради. Боши ёстиққа текканда бир оёғи касалхонада бўпқолади. Бемор бўлмиш раҳбарга ҳам ундан ҳол сўрашга келаётган казо-казолар кўринмайди, ўшалардан бирининг келиши бошқача таъсир қиласди. Обдон таъсир қилмагандага ҳам, у ҳақда ўйлайдиган бўлиб қолади. Меҳнаткашу аммо тўғрисиз, чўрткесар, ўзига ишонадиган, паҳта қўйишни билмайдиган ходимларини калондимоғликда айблаб, кўнгилга яқин бўлиб қолган устамонларни эса уларнинг ўрнига қўйиси келади.

Бунақа кимсалар ўзи учун фақат юқори доиралардагина эмас, қўйида ҳам, ўзи билан ишлаб юрганлар орасида ўзига мос «об-ҳаво» яратадилар.

«Фалончи акамнинг тўйига борган эдим, бошлари осмонга етди, қўлимни самимий сиқиб қўйдилар. Тўёна маъқул кўринган шекилинида. Фалончи, писмадончи акам билан кеча бирга эдик, заб Худо ярлақаган одам-да ўзлариям». Ёки бўлмасам, кўпчиликнинг ёнида хотинига қўнғироқ қиласди: «Хоним, фалончи акахонимиз касалхонага тушиб қолибдилар, бирор тансикроқ таом тайёрлаб қўйинг, ишдан кейин ўтиб келайлик...»

Бу гапларни эшигтан содда кишилар унинг қармогига катталар, раҳбарлар лаққа тушгандек, ҳай-ҳайлаб бош силкиб қўйишади. Ўзи бу юқорининг одами экан, бекорга бизга бошлиқ бўлиб келмагандада. Ҳа, илдизи бақувват экан. Огоҳ бўлиш керак экан, деб бир-бирларига уқтиришиади.

Шарофжон, Оллоҳ сени шунақа фирибгарлардан асрасин, улардан нари тутсин. Илоҳи, уларнинг мингдан бир турқ-қиёфасига ҳам яқинлашиб қолищдан ўзи асрасин.

Бу гапларни ёзишимдан мақсад, ўтган йиллар давомида бунақаларнинг кўпини кўрдим. Айримларидан панд еганим ҳам рост. Шулаар туфайли юрак хасталикларини орттирганим ҳам ўзимга аён. Баъзида била туриб алдандим. Сен ҳам уларга албатта дуч келасан. Шайтон қиёматгача яшар экан, бундай қаллоб дилозорлар ҳам кўпчиликни лақиллатиб яшайверадилар. Негаки, илоннинг боласи илон, чаённинг боласи чаён деганларидек, фирибгарларнинг болалари ҳам ўзларидан нари бўлмайдилар. Ахир, шунақа бемаъни яшашнинг оқибати қандай натижаларга олиб келиши маълум-ку? Бундайлар кун кўришни меҳнат деб бўлмайдилар, мўлтонилик, ик-

киюзламачиликнинг нонини еб катта бўлган фирибгарлар энди бу одатдан ўлгунча қутуломайдилар.

Бу гапларни минг изтиробу юрагимнинг баъзи битиб кетган яраларини тирнаш ҳисобига бўлсаям, айтишга мажбурман бугун. Ахир, сен сафарга отганиб турибсан. Бундан ташқари, сен тунов куни бир гап айтдингки, ўшанда эътибор бермаган эканман, кейинчалик ўйлаб қолдим. Ўзи бир хил сўзлар мағизли бўлади. Улар инсон вужудига экиласди-ю, аста-секин амал олиб уна бошлайди. Ҳа, барг ёзади. Салда ўзини намоён этади. Сенинг айтган сўзинг ҳам худди шунаقا бўлди, Шарофжон.

Аданг ҳам бир вақтлар шунга ўхшаш бир сўзни айтмаганда, қайдам, сенинг гапларингта эътибор бермаган бўлармидим. Нима дегандилар адам, дейсанми? Ҳов, кундалиқдаги сўзларини эсла. Аданг раҳматлик кундалигининг биринчи варагида нима деб ёзиб қўйган эди? «Бутун орзуйим отамдек бўлиш!» Сен нима дединг? Кел, айнан эслашайлик:

«Шарофжон ўғлим, шу чет элга бориб ўқишни қўя турсанг бўларди-да.

— Нимага энди шунаقا дейсиз?

— Ҳали анча хомсан-да, болам.

— Бормасам бўлмайди, мен ўшағда ўқиб келишим керак, ҳеч бўлмаса инглиз тили ўқитадиган бир йиллик коллежда.

— Қизиқ гапларни айтасан, мамлакатимиз институтларида ўқиётганларнинг «айб»лари нимада?

— Улар боролмайди. Эътиборли, сахий боболари йўқ. Сиз бардамлигинизда ўқиб олишим керак. Ўзингиз айтасиз-ку, Шарофжон, мен саломат эканман, ўқиб олгин деб. Биласизми, сиздақа обрули раҳбар бўлиш учун, чет элда ўқиб билимдон бўлиб етишсам дейман, бобожон.

— Э-ҳа, мендақа билимдон мутахассис раҳбар бўлмоқчимисан, Оллоҳ қўлласин унда сени, болажоним.

— Мана, кўрасиз, Худо насиб этса, албатта, бўламан...»

Ростини айтсам, Алишер раҳматлик менга ўхшашни орзу қиласа фурурланган, ўзимни бир газ ўсгандек ҳис қилган эдим. Бироқ, сенинг гапларинг менга эриш туюлди. Ҳа, сенинг орзу-ўйларингдан кўнглим ўсмади, болам, балки, чўкиб кетди. Ахир, адангнинг орзуси билан сенинг орзу-ўйларинг ўртасида осмон билан ерча фарқ бор-да. У менга ўхшашни орзу қилган эди. Сенинг эса эгаллаб турган лавозимимга ҳавасинг келяпти. Одам бирор-бир идорага раҳбар бўлиш учун ўқимаслиги керак. Инсон, аввало, билимдон одам бўлиш учун ўқиши, қасб-хунар орттириши зарур. Раҳбарлик баланд бир ҳашамдор уй бўлса, ўқиш, малака ўша уйга олиб чиқадиган нарвондир. Аданг раҳматлик сендалигигидаёқ, балки, сендан ҳам кичик пайтидаёқ раҳбар бўлиш ҳақида эмас, аввало, билимдон одам бўлиш ҳақида ўйлаган ва бу мақсадига етишган ҳам эди.

Ёдимда, 1958—1964 йилларда катта ёшдаги бола-чақали кишилар университетнинг журналистика факультетида сиртдан ўқырдик. Сессия пайтларида чойхонада ўтиришиб қолардик. Биттаси бор эди. «Айбим — дипломим йўқлигига, қўлга киритиб олай, ўша куниёқ фалон нашрнинг бош муҳаррири бўламан», деб чиранарди.

— Ўзинг битта жумланинг кифтини келиштириб, хабар ёзолмайсан-ку, қандоқ қилиб, бутун бошли ёзувчи-ю, манаман деган нашрга раҳбар бўласан? — деб башарасига аччиқ ҳақиқатни айтардик.

— Кўрасизлар, бир кунмас бир кун бош муҳаррир бўламан, — дерди.

Шу тариқа керилган улфатимизнинг ростданам юқорида ишонган одами бор эди. У ўша кишининг олдига бир-икки борган, бўлимга ўtkазиб кўйинг деб, у бўлса диплом олгин, ўша куниёқ сени бош муҳаррир қилиб қўяман, деган ваъдан берган экан. Ўша кезларда қўлидан иш келадими-йўқми, қуйидан юқорига сиёsat учун кўтариш урф бўлган эди.

Унинг бош муҳаррир бўлишига биз ҳам унчалик шубҳа қилмас эдик. Лекин бу билимсиз одам бош муҳаррир бўлгач, таҳририятдаги билимдонлар орасида қай аҳволга тушиб қолишини нега ўйламайди, деб ҳайрон бўлардик.

Яна бир жўрамиз бор эди. Журналда корректор бўлиб ишларди. Аслида унинг учун институтни тамомлаш шарт эмас эди. Ўрта мактабни тамомлаганлар ҳам шу вазифада ишлайверарди. Бирор уларга нега олий маълумотинг йўқ, деб писанда қилмас эди. Ботинар-ботинмай, кўрқа-писа у-бу нарсалар ёзиб, эълон қилиб турарди.

Бир куни шундай баҳсларнинг бирида сен нимага бошингни қотириб ўқиб юрибсан, ё сенам каттакон бўлмоқчимисан деб ҳазиллашдик. У бўлса бош муҳаррир бўламан деган оғайнимизни кўрсатиб:

— Манови бош муҳаррирликни эплай олмай ишдан урилгандан кейин, ўрнимни эгаллаб олмасин деб шу билан бирга ўқияпманди, — деди.

Ўшанда роса кулишган, ҳазиллашган эдик. Ҳа, бундай давраларда ўзим ҳақимда ҳам гаплар бўлиб турарди. Нега десанг, мен нашриёт босмахонасида директор мувонини бўлиб ишлардим. Оддий ишчи, ҳарф терувчиликдан директор мувонини даражасига кўтарилган эдим. Шунинг учун бўлса керак гап орасида:

— Сиз, нима қилиб журналистикада юрибсиз, бу сизга нон бермайди-ку, Москвага бориб матбаачилик соҳангизда ўқиб келмайсизми? Эрта бир кун шу соҳанинг дипломини олган киши келса, курсини бўшатишга мажбур бўпқоласиз, — қабилидаги ҳазил гаплар ҳам бўларди.

— Мен курсида ўтираманми-йўқми, бундан қатъи назар бир умр сиздек ёзувчи, шоирларнинг асарларини чоп этишда иштирок эта-ман. Шундай бўлгач, сизларга бўлган камоли эҳтиром учун бу оламни ҳам билиб қўйишим керак-да. Ўз соҳамда ўқиш бўлса, уям қочиб кетмас, матбаа билим юртини тамомлаганман, техникавий маълумо-тим тўғрисида дипломим бор, — дер эдим.

Мана, орадан йигирма-ўтгиз йил ҳам ўтди-кетди. Тақдирни қара-ки, бош муҳаррир бўламан деган жўрамизнинг ишонган одами у дипломни кўлига олмасданоқ ишдан кетди. Танбал курсдошимизнинг дарди ичидаги қолди. Бечора талвасада ўзини ўёққа урди, буёққа урди. Бирорларга мақола ёздириб, ўз номидан чиқарди. Унинг хаёлида юқори лавозимга ўтириб, ҳукуматнинг хизмат машинасида гашт қилиб, савлат тўкиб юриш мақсади бор эди. Бўлмади, кўзлаганига етолмади, бўлимларда ишлаш ўёқда турсин, корректорликка ҳам ярамади. Охири, журналистикадан йироқ бўлган бошқа соҳага ўтиб кетди.

Камтарин биродаримиз эса, аста-секинлик билан бош муҳаррирлик даражасига кўтарилиди. Китоблар ёзди. Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси бўлди. Ҳозир унинг номи етук адилларимиз қаторида тилга олинади. Асарлари севиб ўқиласди.

Энди, ўзимга келсак, авваллари ўз соҳам бўйича китоблар ёздим. Аста-секин бадиий очерклар, рисолалар, сатирик ҳикоя, миниатю-ралар машқ қилдим. Бирин-кетин матбуот ва матбаачиликка оид ки-тобларим, «Галибон бўламан», «Дараҳтдан тушган уста» номли са-тирик китобларим чиқди.

Халқимизда «Гапни катта гапиргунча, нонни катта тишла», деган нақл бор. Катта гапириш нонни катта тишлишдек хунук ишдан ҳам ёмон. Оллоҳ севган бандаларини катта гапириш, манмансираш, мўмин-мусулмонларга нисбатан беписандликдан қайтарган. Умуман, Шарофф-жон, катталик, улуғлик, буюклик сифатлари фақат Яратганга хосдир. Кимки, бу сифатлар билан ўзини зўрма-зўраки бежамоқчи бўлса, охи-ривойдир. Аслида эса, ҳаётдаги ҳамма ҳодисалар илоҳий меъёр билан чегараланган. Шу жумладан, инсон имкониятлари ҳам. Масалан, бугун фалон-фалон деб катта-катта вайдалар бериб қўйган инсон эртага дунё-дан ўтиб кетиши мумкин. Ҳа, базъзан инсон бирданига ҳаётдан кўз юма-ди. Ҳеч кимга кафолат берилмаган. Кўрдингми, одам ўлмай қолишига ваъда беролмас экан. Чунки, унинг жони, имконияти Яратувчининг қўлидадир, бундан ҳамма огоҳ бўлмоғи, ҳар бир ишни Оллоҳнинг номи билан бошламоғи ва Ўзигагина боғламоғи лозим.

Мен шу ёшга кириб, катта гапириб иши юришган кишиларни кўрмадим. Аксинча, уларнинг беобрў бўлиб, ўзини қайга уришни билмай юрганларини кўп кўрдим. Шуниси аёнки, танбалларнинг ак-сарияти шарманда бўлиб, таъзирини ейди. Энди тавба қиласар деб ўйласанг, қайди, сал ўзини тутиб олгач, кўрган азоблари унутилгач, яна ўша собиқ қилиқларини қўмсаб, эски ашуласини айта бошлайди.

Үндоқ қиладурман, бундоқ қиладурман, фалончи ким бўлти ва ҳоказо... қуруқ галларни давом эттираверади.

Тутуриқсиз, асоссиз кўпиртириб тагиришнинг гуноҳлиги шундаки, кўпчиликнинг эътибори айрим давраларда асоссиз равища ўша одам изн-ихтиёрида бўлиб қолади. Очиги, ўша одам ясама ваъдалар, ясама дабдабалар, йўқ фазилатларни бор қилиб кўрсатиб бошқалардан ўзини ажратиб олади. Баъзилар унинг қуруқ ваъдаларига эргашадилар ва охир-оқибат пешоналари тошга текканда, алданишганда кўзлари очилади.

Мана, сенга битта ҳаётий мисол. Владимир Ленин асрнинг бошларида энг катта гапирган кимсалардан бўлиб чиқди. Қанчадан-қанча қон тўкишлар, сургунлар, қулоқ қилишлар, дин ва миллий қадриятларни топташ эвазига коммунизм деган жамият курмоқчи бўлди. Ўз орқасидан бутун-бутун давлатлар, қавмлар, элатларни эргашишга мажбур қилди. Охири нима бўлди? Унинг катта гап сиёсати етмиш йил яшади. У шунча йил давомида кўғирчоқ доҳий бўлиб турди. Кишилар унинг қабрига бориб сифиндилар. Ўтган ота-оналарининг қабрини зиёрат қилмадилар, ҳа, тирик ота-онасини ҳам қадрламаганлар Москвага бориб, ясама доҳийнинг мўмиёланган мурдасини зиёрат қилиб келдилар. Бу ўжарлар Оллоҳнинг буюрганини ижобат қилиш ўрнига доҳий айтган шаккокликларга амал қилдилар. Кўр-кўронга таълимотга ишониб, Оллоҳнинг ягоналигига шак келтирдилар. Дин — афъюн, оғу дейищдан ҳам тоймадилар.

Шаккоклиknинг оқибати нима бўлди? Ўша тузум ва унинг катта оғиз доҳийлари ҳеч ким бўлолмаган тутуриқсиз одамларга айланиб қолдилар. Фиръавнинг куни бошларига тушди. Аммо, одамларнинг тасаввури чалкашиб кетди. Ҳалол билан ҳаромни, гуноҳ билан савобнинг фарқига бормайдиган, айрим пайтларда иймонли инсон билан эътиқодсиз кимсани бир-биридан ажратадиган бўлиб қолишиди.

Мана энди, ҳаммаси аста-секин ўз изига туша бошлади. Ҳақ жойида қарор топа бошлади. Илоҳо, бу ёғига энди кўз тегмасин. Энди, Шарофжон, сен орзу қилган янги замона бошланяпти...

## ИШДАН ҚОЧМА, БАРИБИР У СЕНИ ҚУВМАЙДИ

**Б**ир куни аданг раҳматлик менга савол бериб қолди:

— Ада, қандай қилиб одам сурункасига ўн икки соатлаб ишлаши мумкин? Одам дегани ишга шунчалар бериладими? Мен-ку ёшман, айни кучга тўлган пайтим. Лекин Сиз ўзингизни уринтирмасдан, дам олиб, секин, озорқ ишланг.

Мен ўшанда кулиб қўя қолган эдим. Кейин бир мавриди келганда бафуржа фикрлашармиз, деб ўйлаган эдим. Афсуски, бу сұхбатимиз амалга ошмай қолди.

Хўш, сен ҳам бирор кишининг ишига, меҳнатига, майли-да, у ким бўлишидан қатъи назар, ҳайратланиб қараганмисан? Айниқса, бундай қизиқиш сенинг ёшингдагиларда кўпроқ учрайди. Бу ёшда одам боласининг хаёлан бирдан катта киши бўлиб қолгиси, тарихда ҳеч ким қилолмаган ишларни қильвогриси, атрофдагиларнинг эътиборини тортиб, қойил қолдиргиси келади. Ўспиринлик йиллари инсоннинг авжи хәёлпарамастлик даври бўлади. Тўғри, сенинг ёшингдагиларда куч ҳам, ғайрат ҳам етарли бўлади, бироқ, ҳаётий тажриба етишмайди. Шунинг учун ҳам бир ишга қўл урадиган бўлса, қовун тушириб қўйганини сезмай қолади. Баъзан қулгига қолади, баъзан изза бўлади. Натижада, у ёки бу ишдан қўнгли совийди. Гўё унинг шунаقا шарманда бўлиб қолишига ўша иш сабаб бўлгандек туюлади. Аслида эса, ҳаёт тажрибаси ортиб борган инсонгина ҳар қандай иш оқибатини олдиндан идрок этадиган бўлади.

Хўш, иш нима ўзи? Иш — касб, бу — ўзи панада туриб, эгасини кўрсатувчи бир сирли жараёндир. Ҳа, ўзи кўринмайди. Тасаввур қил, бир уюм шағал, фишт, яна аллақанча қурилиш материаллари сочилиб ётибди. Бир неча кундан кейин кўрасанки, шу ерда бир уй ёки бир иншоот пайдо бўлади. Чиройли қилиб қурган бўлса, устасига балли, дейсан. Бордию қинғир-қийшиқ қурилса-чи? Эҳ, шундоқ материал исроф бўлибди-я, қўлидан келмас экан нима қиларди уннаб, деган гап-сўзлар ўз-ўзидан тилга кўчади. Кўряпсанми, қурилишнинг кўнгилдагидек чиқмаслигига материаллар айбдор эмас, устаси айбдор. Шунинг учун ҳеч қачон ҳадисини ололмаган, кўлингдан келмайдиган ишга уринма, болам. Ҳадисини ололмай йиқилган курашчига ўхшаб, кўпчилик ўртасида носиринг синиб қолади. Ҳа, ҳа, айнан курашчига ўхшаб. Кел, сен ҳамиша қизиқиб томоша қиладиган боксчига ўхшаб дея қолай. Ҳар қандай иш инсон учун бир рақиб, рингта чиққан ҳарифдек гап. Инсон умр бўйи касбдан келиб чиқадиган иш билан олишиб яшайди. Олишиш майдонини ҳақиқий рингта ўхшатса бўлади. Томошабинлар эса ҳамиша бисёр. Биз топширган иш ёки вазифани қай даражада удаларкин, деб раҳбарларинг қараб туришади. Бизни боши берк кўчага олиб кириб қўймасмикан, деб қўл остингда ишлайдиганлар ҳадиксираб туришади. Агарда сен ишдан ғолиб келиб, худди энг забардаст, кучли чапдаст спортчидек юрсанг, сенинг ишларингни кўрган одамлар ҳузур қилишади. Фахрланишади, сенга эргашишади, устозларнинг қўнгли тўқ бўлади.

Бундай ишончни қозониш учун эса, киши сен суратларини олиб юрадиган Брюс Ли, Майк Тайсон, Мұхаммад Али, Марадоналардек чиниққан бўлиши керак. Қайси футболчи ўйинда чарчамайди? Кўпроқ машқ пайтида ўйин пайтидагидан кўпроқ ютурган, аъзоларини чиниқтириш йўлида машаққат тортган бўлса, ўша ҳар доим ютуқ, эгаси бўлади.

Бирор-бир ишнинг бошидан тутиш ҳам, бирор-бир жамоани, у каттами-кичикми, фарқи йўқ, бошқариш ҳам худди ана шунаقا чиниқиши, машаққат чекишни талаб қиласди. Ишда чиниқиши, изла-нишдан, билимни, савияни оширишдан, ўзини кўпроқ нималарга қодир ёки қодир эмаслигини танқидий мулоҳаза билан англаб бо-ришдан иборат бўлади. Киши ўзининг заиф томонларини нечоғли англа-бурса, бошқаларнинг афзаллик жиҳатларини ҳам теран анг-лайди. Бундай пайтда менда шунаقا қобилият йўқ, унда бор деб пинҳона бўлсаям ҳасад қилмаслик керак. Сабаби, беш қўл баробар эмас. Кишилар қобилияти ҳам турлича бўлади. Кўпгина майда ва катта тўс-тўполонлар ўзини англа-масликдан, ўзига ортиқча баҳо бе-риб юборишлардан келиб чиқади.

Мен ўз ҳаётимда, минглаб балки, ундан ҳам кўпроқдир, ажрим ишларида қатнашганман. Жамоага раҳбар бўлганингдан кейин можа-ро охир-оқибат сенинг ажримингга келиб тақалади. Одатда, жанжал-лашиб қолган ҳар икки тараф ҳам ўзини ҳақ деб билади. Қайса-рлик қилиб ер тепиниб тураверади. Одамзот жудаям нозик, мураккаб мўъжи-задир. Бир оғиз ноўрин сўз билан эътиқоди синиб, динига ҳам шак келтириши мумкин. Одил, комил инсоннинг бир оғиз сўзи билан кофир мусулмон бўлиши мумкин. Фақат ҳамма гап ана шу бир оғиз сўзни айтишда ва уни ақл-заковат билан ўз ўрнига қўйиб айтишда қолади.

Бир куни корхонамиздаги бир раҳбар билан цехдаги кичик раҳ-барча тортишиб қопти, дегин. Иккови баравар олдимга кириб «ё у ишласин, ё мен», деб турибди-да. Иккаласиям қобилияти ходим. Каттасини чиқариб юбордим-да, кичигини олиб қолдим. Бундай пайтда масала яккама-якка ҳал қилиниши керак. Акс ҳолда, кап-катта одам-лар жўжахўроздек тиккама-тикка олишаверишади. Сен томошабин бўлиб тураверасан, бундай ҳодиса низомга зиддир.

— Хўш, — дедим кичкина раҳбарга, — Худо берган болалардан нечта?

У бўлса, тўмтайиб бу можаронинг болаларимга нима алоқаси бор дегандек менга қаради.

Мен шунчаки эмас, жиддий сўраётганимни билдириш учун унга тикилдим.

- Учта.
- Яна ният борми?
- Оллоҳ берса, ҳа, — дея беихтиёр жилмайди у.
- Бошлиғингизнинг нечта боласи борлигини биласизми?
- Биламан, битта.
- Хотини бошқа туғолмаслигиниям биласиз-а?
- Биламан, битта бола кўрган, кейин...
- Шу туришда ким баҳтиёроқ, Сизми, уми?
- Алҳамдуиллоҳ, мен-да...

— Нимага ундан хафа бўлаётганингизда, ёч бўлмаса, шу томонларини тарозига солиб кўрмадингиз. Бир кунда бошлиғингиз ўйига неча бор қўнғироқ қилади, биласизми? Худди ҳамма фалокат шу битта боласининг бошида айлангаётгандек. Ёлиз бола ёвдан ёмон деганлари шу бўлади. Унинг асаби таранг бўлмай, менини бўлсинми? Устига-устак, буёқда иш. Бўшатворсам, битта боласини ҳар қанақа қилиб ҳам боқиб олади. Қайтанга хотиржамроқ бўлади. Сиздақалар билан уришиб юрмайди, ишнинг оғирлигидан, менинг қош-қовоғимдан эзилмайди.

— Э, қўйинг, ишлайверсинглар. Жаҳл чиққанда айтувдим-да, бунақа тарафларини ким ўйлабди. Мени афв этинг.

У чиқиб кетгач, каттасини чақирдим.

— Рўзғорингизда ҳамма нарса бутми? — дедим унга.

У ҳам гап тамомила бошқа ёққа қараб кетганидан ҳайрон бўлиб менга қаради ва деди:

— Бут, бизга нимаям керак эди. Ўзингиз биласиз-ку.

— Ёрдамчингиз неча жонлигини биласизми?

— Ҳа, етти жон. Кекса ота-онасиям бирга туроди, — дея ерга қаради.

— Шундай бўлгач, у асабийлашмай, мен асабийлашайми? Кўрпани бошига тортса, оёғига етмаса керак. Ўзи ёмон ходиммас шекилли?

— Йўқ, яхши, шу сал...

— Ўша сиз айтиётган «сал»нинг боисини айтдим-ку. Ё бўшатворақоламизми?

— Йўғ-е, жўжабирдек жон... Ўзи ўткир, ишбилармон, уста одам.

— Нимага боя ё у ишласин, ё мен деганда шу томонларини ўйламадингиз, энди асаблар тиниқиб, уни мақтаяпсиз?

— Ҳа, энди жаҳл чиққанда биласиз-ку... ярашиб оламиз. Ҳозир ҳаммага қийин, қабулхонада ўтирганимда одамларнинг кинояли қарашларидан ҳам сезгандим.

— Сиз билан менга қараганда унга қийинроқ.

— Сиз ҳақсиз, бундай воқеа иккинчи такрорланмайди, ваъдамни инобатга олинг, илтимос, мен чиқай...

Мен ишчилар, ходимлар орасидаги можароларни деярли ана шундай ҳал қиласман. Корхона раҳбари ҳар қандай шароитда ҳам ҳар бир инсондан меҳр ва шафқат нуқталарни излаши керак. Иzlаса, албатта, ўша нуқталарни топади. Табиатан асл инсонда қаҳрдан кўра меҳрга мойиллик устун бўлади. Хоҳ бой бўлсин, хоҳ камбағал, хоҳ катта раҳбар, хоҳ оддий ходим, барча баб-баравар эзгулик, меҳр-оқибатга мойил бўлади.

Бир гал ишлаб чиқариш бошлиқларидан бири энг яхши ходими устидан шикоят қилиб кириб қолди. Бўлмаса, яқиндагина унинг ёнини олиб, уй беришда жонбозлик қилиб юрувди. Айтишича, у бошқа

ердан дурустроқ иш топибди. Гапнинг рости, уй масаласи уни бизнинг ишхонамизда ушлаб турган экан. Уй олгач, ниятини айтиб, кўпроқ пул ишлайдиган жойга кетиш хоҳишини билдириб, раҳбарини ранжитиди.

— Хўш, нима қил дейсиз? — дедим цех бошлиғига.

— Уйни тортиб олиш керак, кетса садқаи сар... Уй берамиз десак, унданам зўр мутахассислар келади.

Очиғи, бир пайтлар ишхона ҳисобига қурилган уй бўлса, ишдан сабабсиз бўшайдиганлардан тортиб олинсин деган ҳукуқларимиз ҳам бор эди шартномада. Лекин жуда кўп одамлар бошқа ишга ўтиб кетишгану, бирортасининг ҳам уйи тортиб олинмаган эди. Шу жиҳатдан ҳам ишхонамизнинг обрўйи баланд турари. Одамлар кетишиша ҳам, шу идора туфайли уйли-жойли бўлганман, деб гапириб юришарди.

Бир кўнглим цех бошлиғининг гапига кириб, уйни олгач кетиб қолишларга чек қўйишни ҳам ўйладим. Дарҳақиқат, яхши ходим биздан уйлик бўлсин-да, уни бошқа бир идора илиб кетсин! Бу инсофдан эмас деган гаплар ҳам хаёлдан ўтиб турарди.

Ана шундай пайтларда қалбни кенг қилиш керак, Шарофжон ўғлим. Ахир, кимдир қаердандир уйлик, жойлик бўлиши керак-ку. Бир одам туз ичган ерига беписанд бўлса, бу унинг ожизлигидир. Унинг бундан бўлак иложи йўқ. Уйлик-жойлик бўлди, энди ундан ҳам яхшироқ яшамоқчи, бораётган жойида бизнидан кўра маоши кўпроқ. Унинг ҳам фаровон яшашга ҳаққи бор-ку, ахир?! Кейин уйни олиб бошқа сайёрага учиб кетмаяпти-ку. Юртимизда яшайди-ку...

Бундек қарасам, кетишга ариза ёзган киши билан цех бошлиғи қизариб-бўзариб ўтиришибди. Уйни олиб қўямиз десам, қолиб ишлашдан ўзга чора йўқ. Мен ундай демадим:

— Бизнинг ишхона одамларни қул қилиб ишлатадиган даргоҳ эмас, бизни лақиллатиб уйлик бўптими, қандини урсин. Аризасига қўл қўйиб бераверинг... иложимиз қанча...

Ишонасанми, Шарофжон, ўша киши кетмади. Мен бунақа ишхонанинг қадрига етмасам кўр бўламан, деб аризасини йиртиб ташлади.

Эътибор қиляпсанми, бафрикенглик, одамийлик, асл фазилатdir. У йўлдан озган одамларни кўпинча одил йўлга солиб юборади.

## АТРОФИНГДА ЯХШИ ОДАМЛАР

**Б**у ёруғ дунёда яхши одамлар кўп Шарофжон. Улар ҳақида қанча гапирсанг, қанча ёсанг — шунча оз. Тунов куни бир одам чунонам асабимни қақшатдики, уйга боргандан кейин ҳам анча вақт ўзимга келолмадим.

— Ким эди у бобожон?

— Э, кимлигининг аҳамияти йўқ, одам қиёфасидаги бир маҳлукда. Гап бошқа ёқда. Шу куни дори-дармон билан ёстиққа бош қўйдим. Қара, тушимга ким кирибди? Олияхон опа. У киши меҳри-боинлик билан: «Асабингни асрар Исломжон... ҳаёт шундоғам сени ўтдан олиб сувга солди, сувдан олиб ўтга солди... Кўй у одам билан ўчакишма... ҳа арзимайди, сатқайи сар...»

Тавба дейман паришон бўлиб. Олияхон опанинг бу ёруғ дунёдан ўтганлари қачонлар эди-ю. Худди тирикдек парвона бўлиб ётибдилар.

— Мен нимагадир у опани танимаяпман, бобожон.

— Ҳа, сенинг танимаслигинг табиий. Биз тенгилар у кишини яхши билишади. Бир вақтлар Олияхон Султонова дейишса барча тошкентликларнинг юзига табассум югуради. У киши шаҳардаги З-рақамли туғуруқхонанинг бош врачи эди, раҳматли. Олияхон опа учун шу туғуруқхонада дунёга келган ҳар бир гўдак унинг боласи эди. «Ҳамма бир одам, бегонаси йўқ, битта ота ва онадан тарқаган», дерди. Одам Ато ва момо Ҳавога ишора қилиб. Олияхон опа янги туғилган чақалоқларни туғуруқхона дарвозасигача кузатмас эди. Балки кейин ҳам уйма-уй юриб, соғлигини кузатар, ёш оналарга маслаҳатлар берарди. Шу фазилат опани машҳур қилиб юборган эди.

Олияхон опа аданг Алишерга ҳам доялик қилган. Амакинг Фанишер ҳам шу опанинг қўлида дунёга келди. Мен иккинчи фарзандим ҳам ўғил бўлганидан бошим осмонга етиб, Алишерни етаклаганча туғуруқхонага бордим. Алишер эндиғина юра бошлаган, анчайин қизиқувчан, шўх эди. Нима бўлди-ю, Алишер скамейкадан боши билан ерга йиқилиб тушди. Чириллаб йиглади. Уни қўлимга олиб, юз-қўзларини силаб, овутмоқчи бўлдим. Шу пайт Олияхон опа пайдо бўлиб қолдилар.

— Сиз эркакларга болаларни ишониб бўлмайди, — деб Алишерни қўлимдан олди.

— Ҳа, энди, бола йиқилиб, катта бўлади-да, опа, — дедим кулиб.

— Тўғри, йиқилиб катта бўлади, лекин йиқитибмас, — деди опа ҳиқиллаётган Алишернинг пешонасини диққат билан кузатиб. Кейин менга иддао қилган бўлдилар:

— Бор, хотинингдан ҳол-аҳвол сўра, чақалоққа исм қидир. Алишер мени хонамда бўлади.

Анчадан кейин Алишерни олгани опанинг хонасига кирсам, Алишер диванда ухлаб ётибди, пешонаси дока билан боғланган.

— Ҳа, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Айтдинг-ку, йиқилиб катта бўлади, деб яхшитина йиқилган экан. Бола бечоранинг гўштига мошдек тош ҳам кириб кетибди. Миясиям чайқалибди, уч-тўрт кун қимирламай ётсин, онасига айтма, сути қочиб кетади. Боланинг чириллашидан кўнглим сезувди...

Шу воқеадан кейин Олияхон опанинг бошқаларга ўхшамайдиган инсон эканлигини сезган эдим, Шароффжон. Ҳа, одамлар бекордан-бекорга бирорга меҳр қўймайди. Бирор бекордан-бекор бирон-бир жамоага бошлиқ бўлмайди. Фалончи деб оғизга тушмайди. Бари меҳрнинг, фидойиликнинг меваси.

Бир куни Олияхон опа уйимизга кириб келдилар. Дам олиш куни — уйда эдим.

Салом-аликдан кейин «тинчликми опа?» деган сўз тилимга келиб қопти.

- Ҳа, — дедилар кулиб. — Нима уйингга кемайми?
- Йўғе, уйимизни тўри сизники, — дедим қизариб-бўзариб.

Шунаقا, — деди опа қувноқ кайфиятда. — Биз дўхтирларни кўрсанглар шошиб қоласизлар. Алишер билан Фанишерни бир кўриб кўяй дедим. Онаси дўхтиру, лекин биззи кўзимиз бошқа-да.

Шу пайт ичкаридан Алишер пилдираб чиқиб қолди ва опани кўриб таққа тўхтади.

— Ассалом, — деди опа унга қўл чўзиб. Алишер ҳам «Ассалом» дея опанинг кафтига қўлчасини қўйди.

- Айтчи, мен кимман?
- Дўхтири, — деди Алишер жилмайиб.

Опа катта мукофот олгандек қувониб Алишерни бағрига босди. Шунаقا Олияхон опа ҳақиқий доктор эди. У киши учун дам олиш кунлари йўқ эди. Умрини соат билан ўлчамас эди. Опа билан ишлайдиган яна бир фидойи аёл бор эдилар. Уларни Ҳури опа дейишарди. Бугун фарзандларим Алишер, Фанишер, Баҳром, амманг Гулнора ва сиз набираларимни ўйлаганимда ана шу камтарин, кечаю кундуз иш учун туғилган Олияхон, Ҳурихон опалар бир-бир кўз олдимдан ўтадилар. Уларнинг фазилатларини ҳозирги ёшлар — замондошларимдан ахтарган бўламан. Баъзан топаман, баъзан топмай қийналаман, Шароффжон.

## ОДИЛЛИК БОР ЖОЙДА...

**Б**иласанми, Шароффжон, ишхоналар қачон чинакам ишхона бўлади? Қачонки, у ерга эътиқодли инсонлар жам бўлса. Акс ҳолда, ишхона гурбатхона бўлади. Мехнатсевар, эътиқодли одамлар қандай жам бўладилар? Ҳа, ҳамма гап ана шунда! Ҳеч кимнинг пешонасига ёки таржима ҳолига бу яхши, бу ёмон деб ёзиб қўйилмаган. Бундай одамларнинг бўлиши кўпроқ шу жойдаги бошлиқ ва бошлиқчаларга боғлиқ десам, ҳайрон бўлма. Мана бир кичкина мисол: сен уйда зиёфат берсанг, торроқ доирада демоқчиман-да, ўзинга яқин, маъқул одамларни айтасан, тўғрими? Чунки, бу тўй ёки худойи эмас. Зиёфатингда ўтирган одамлар камида бир-бирини тушу-

нишлари керак. Шунда зиёфат ширин, күнгилдагидек ўтади. Бўлмаса, учта киши тўпланган ерда тўртинчиси шайтон бўлади. У нима қилиб бўлса-да, бирор кўнгилсизлик чиқаришга уринади. Бир-бировларини билган одамлар эса, ҳазилниям, қаттиқ-куруқ гапниям кўтариб кетаворди.

Дикқат қиласанг, ишхоналардаги жамоалар ҳам бир-бирини англаш билан жамланади. Агарда катта ва кичик раҳбарлар инсофли, бировнинг ҳақидан кўрқадиган, амалини суистеъмол этиб, турлитуман йўллар билан кўпчиликнинг нонини түя қилмайдиган бўлишса, атрофига ўзи каби инсофли кишилар тортилаверади. Тўғрироғи, ана шунаقا одамлар бундай оқиқ ишхона билан тақдирларини бир умрга боғлайдилар ва бу ерга иш сўраб келаверадилар. Сабаби, бунаقا муҳитда давлат қонунлари бузилмайди, шахс ҳукуқлари поймол этилмайди. Иш фақат олдинга қараб силжийди. Жамоа аъзолари эса, пировардида бир ота-онанинг фарзандларига айланишади. Ишхона инсон умрининг катта қисми, кучи ва қуввати сарф бўладиган жойдир. Кимки ўз ишхонасига шошиб келиб, ишхонаси ҳақида тилидан бол томиб сўзлабди, бу ходим энг баҳти одамдир. Ишхона эса энг истиқболли жамоа, хонадон ва маскандир.

Мен бир куни бир одам билан тасодифан учрашиб қолдим. У мени таниркан, мен уни танимасдим. У бизнинг ишхонамизни жуда мақтаб гапирди. Иш жойини сўрасам, айтди. У ишлайдиган корхона ҳам ҳар қалай бизнидан қолишмайдиган, нуфузли, анчайин таникли эди.

— Сизларниям зўр, — дедим гап орасида.

— Шунаقا — раҳбарларимиз зўр қилиб кўрсатишга устаси франг, аслида ичидан чириб ётибди. Бошлиқ ва бошлиқчалар шунчалар торта-тортга берилиб кетишганки...

— Пияниста денг...

— Йўқ, ташмачиликда бир-бири билан пойга қўйишади. Эсиз шу ерда ўтган умрим. Шу охирги командировкам, боргандан кейин ариза бериб кетаман.

— Наҳотки, бу қарорга олдинроқ келмадингиз? Ё дастреб мухит ҳам, ишлар ҳам дурустмиди?

— Биласизми, пастдагиларга раҳбарнинг кимлигини билиш кўпинча қийин бўлади. Чунки сиз у киши билан доимо бақамти келавермайсиз. Ўртада об-ҳаво яратувчи раҳбарчалар бор-да. Айни пайтда улар шундай бир жонли қўрғонки, улардан ошиб катта раҳбарга етиб бўпсиз, етганингизда ҳам олдиндан «ахборот» бериб қўйишади, оқибатда ҳақ бўп туриб, фикрингизни ўтказа олмайсиз.

— Мени бошқа корхоналарнинг ички сири қизиқтирмайди, — дедим аста-секин гийбатга айланиб бораётган гапга чек қўйиш учун.

Уям бир қизариб-бўзарди-да:

— Ҳа-я, дарвоқе, — деди-да жим бўп қўя қолди.

Бироқ ўзимнинг бу қўпоплигимдан ичимда ранжидим. У менга арз қилмаялти-ку, арз қилгандайм қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Буни унинг ўзиям тушуниб турибди-ку? Ёш бола эмас. Кап-катта одам! Шунчаки бир дилини ёрмоқчи, кўнглини бўшатмоқчи бўлса-ю, мен томондан такаббурлик бўлмадимилик? Нимага уни «охир»гача эшитмадим? Балки, масала у ўйлаганчалик мураккаб эмасдир. Балки, у раҳбарларининг иш услубини тушунтираётгандир. Хуллас, мен унга узримни айтиб, сухбатни қайта тикладим.

Ха, Шарофжон, қаердаки бўлма, сен ёлғиз қолмайсан. Кимдир сенга ҳамроҳ бўлади. Унинг ҳақ сўзларини эшитишга ўзингда чидам, сабр-тоқат топа билгин. Эшитиб бўлгач, у ҳақ бўлса, ҳақлигини айт, тўғри йўлга йўналтириб, одилона маслаҳат бер. Ноҳақ бўлса, унисини айт, токи у эс-хушини йигиб олсин. Сабаби, сен сухбатдошингга нисбатан холис одамсан. Шунинг учун ҳам у сенга ўз дардидан сўз очади. Сенинг фикр ва ўйларинг, маслаҳатларинг ўша киши учун аҳамиятсиздек туюлгани билан, барибир, аслида бафоят муҳимдир. Чунки, сен жабрланувчиниям яхши билмайсан. Сен учун ҳар икки тараф ҳам бирдек. Шу боис у сенинг мулоҳазаларингдан холоса чиқариб, ўз қараашларини аниқлаб олиши табийи ҳолдир. Чунончи, ҳар бир инсон ўз фикрини у ҳақми, ноҳақми қатъи назар аниқлаб олишга мойиллик сезиб яшайди.

Хўш кейин нима бўлди дейсанми?

— Э, бу Сиз ўйлаганчалик сир эмас, — деди ҳамсуҳбатим истеҳзоли кулиб. — Шунчаки инсоннинг ички дунёсини билиш қийин эканлигини айтмоқчиман-да.

Шарофжон, инсоннинг улуғлигини ҳам, файриинсоний пасткаш томонларини ҳам баъзан арзимасдек туюлган воқеа ва тўқнашувлар фош этади. Шу десанг, сухбатдошим кўпқаватли уйда турар экан-у, бир парча ерга зор экан. Очиги, ерда меҳнат қилишни яхши кўраркан. Болалигига далада ўстган, жисмоний меҳнатни соғинар экан. Буни сезиб қолган ишхонасининг раҳбари ўзига теккан боғховлисини унга инъом қипти. Лекин қонунлаштириб, хатлатиб бермапти. Буни талаб қилишга ходимнинг юзи чидамапти. Албатта, идораларга бериладиган боғ-ховлилар шаҳар ташқарисидан, кўпроқ истеъмолдан чиқсан, ўзлаштириш қийин бўлган ерлардан берилади. Токи одамлар ўз кучи билан шу жойларни обод қилишсин. Бечора ҳалиги одам ерни тез кунда шундай гўзал боғ қиптики, кўрганинг оғзи очилармиш. Экилган дараҳтлар етилиб, турли-туман мевалар нишона бера бошлабди. Бу орада у бирон қурилиш қилсан леб тайёргарлик ҳам кўриб юрган экан. Бу ҳақда раҳбарга гап очибди. Раҳбар марҳамат, қураверинг депти. Бироқ қурилиш ишларини бошлашга хотини унамапти. Ерни ҳужжатлаштириб олинг, кейин қурилиш қиласиз. Шундоғам умрингиз, дам олиш кунларингиз ўша ерда ўтди, депти.

У хотинининг гапи билан раҳбарнинг ёнига яна кирибди. Ҳужжатлаштириш масаласида гап очибди. Раҳбар сал турланибди-да, касаба уюшмасига қароримни айтаман депти. Ҳар қалай «хўп» деган жавобни қилмапти. Орадан бир ҳафта ўтгач, касаба уюшмаси ер бошлиқники эканлигини таъкидлаб, уни олдин рози қилиш кераклигини айтибди. Албатта, бирорнинг ерини рози қилиб олмасам, менга насиб қилмайди деб мўлжалини айтибди. Уюшма раҳбари хоҳолаб кулиб юборибди. Кимсан Фалончиевнинг баҳоси шу бўлдими, у киши ниҳоятда сахий киши, сиз айтган пулни бирорвга садақа қилишдан ҳам уялади.

Ўртадаги киши шундоқ катта нархни айтибди, бечора боғ қилган одамнинг иситмаси чиқиб, бир ҳафта уйда кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди. Меҳнатларига, кетган умрига ачинибди бечора. Қара, болам, ҳаётда шунаقا нокаслар борки, улар кишиларнинг ўз меҳнатлари мевасини ўзларига сотадилар. Ернинг нархи тахминан минг сўм бўлса, энди у меҳнат билан юз минг сўмлик даражадаги қийматга эга бўлди. Уни ким қилди? Куруқ ерни шу баҳога ким олиб чиқди? Бир шўринг курғур, содда, меҳнаткаш, ҳаммани ўзидек инсофли деб биладиган инсон.

Чиндан ҳам боғ-ҳовли ҳозирги туришда унинг этаси қўяётган нархга арзийди. Сотадиган бўлса, шу нархни, албатта, кўтаради. Лекин эгалик қилаётган кимса унга қўлининг учиниям урмади-ку?! Ҳатто шунча йил давомида бир маротаба боғни бориб кўрмаган эди. Бунақанг бойлик орттиришни қандай тушуниш, нима деб айтиш мумкин ва қайси қуюшқонга сифади бу иш?!

Балки ҳалиги кишида шунча жамғарма бўлганда, ҳеч иккиланмай сотиб ҳам олган бўлармиди. Чунки ерга унинг меҳри тушиб қолган, ҳар бир кўчатни боласидек парваришлаб ўстирган эди. Бундай ишнинг азобиу лаззатини меҳнати синган одамгина билади. Та-биатни севган инсонгина тушунади. Бошлиқ унинг ана шу нозик томонларини, айни пайтда унда шунча пул йўқлигини ҳам билган, албатта. Ундан ҳам қимматроқقا бошқа бир одамга пуллашни ҳам мўлжаллаган. Шу билан бирга меҳнаткаш одам мард бўлишини ҳам, шунча йиллик меҳнат ҳақимни бер демаслигини ҳам тўла билган.

Шарофжон, сен мабодо шундай одамларнинг қўлига тушиб қолсанг, у ерда бир кун ҳам ишлама. Ўз қадрини билган инсонга бундайлар билан бирга ишлаш ўёқда турсин, бир ҳаводан нафас олиш ҳам маҳол. Бундай кишилар шунчалар устамон бўладиларки, қўл остидаги раҳбарчаларнинг ўзига мослашадиганларидан танлайдилар-у, қора меҳнат билан банд бўладиган ходимларни елкаси яғир бўлиб ишлайдиган, содда, жўмард, меҳнаткаш одамлардан саралайдилар. Одатда, шайтони лаъин одамларнинг заиф ва кучли томонларини яхши билади, шунга қараб уларни ўз йўлига солмоқчи бўлади.

Ановилар ана шундай шайтонсифат одамлардир. Керак бўлиб қолса, шайтонга дарс беришга ҳам уриниб кўришади.

Кейин нима бўлди дейсанми? Айтдим-ку, бунақа раҳбарлар ўз атрофига ўзига ўхшаган раҳбарчаларни олиб келади, деб. «Биламан, — депти касаба уюшмасининг раҳбари, — Сизда бунча пул йўқ. Лекин менда бор, қарз бериб туришим мумкин. Мен ҳам боғ-ҳовлига қурилиш қилмоқчидим. Бу йилча сабр қилиб турман. Майли, Сизнинг ишингиз олдинроқ битсин». Диққат қил, Шароффжон, наздингда, бу одам анови раҳбарига сираям ўхшамайди-а? Қара, қанчалик меҳрибон, қарз бериб турман, бу йилги қурилишимни бир йил орқага сурман, деяпти-я? Биринчидан, қўли катта пул кўрмаган, меҳнаткаш одамлар қарздан кўрқадилар. Бирордан қарз бўлиб қолишиша, ётганда уйқулари келмайди. Касаба уюшмаси раисининг ходим пулни олмаслигига кўзи етиб турибди. Мабодо олмаса ҳам, энди ундан меҳрибон, ундан ғамхўр одам йўқ. Шундай дегандим, олмади деб гапириб юради. Олмаган одам ҳам шунча пулни қарзга бермоқчи бўлди-я, дуруст одам экан деган таассуротда қолади. Борди-ю, олди ҳам дейлик, унда: «Мен бериб турдим, натижада сизнинг чўнтағингизга жарак-жарақ пул тушди», деб катта раҳбари олдида тили узун бўлади. Кейин бундай одамлар бирор ойни бир амаллаб ўтказишади, бир нимани баҳона қилиб қарзини қистай бошлашади. Уй-жойини гаровга қўйдирib бўлсаям пулини ундириб оладилар. Мен бундай олчоқларни — ҳаёт дарёси устидаги омонат кўпикларни кўп кўрдим.

Шундай қилиб, ҳалиги содда, фақир биродаримиз миннатдорчилик билдириб, қарз олишдан воз кечибди. У эса меҳрибонликни яням авж олдирибди.

— Эшитишимча, кўлингиз гул экан. Ҳозирги касбингиздан ташқари яна бир касбингиз бор экан, ҳайрон қолдим. Фишт теришни биларкансиз-а?

— Ҳа институтга киргунча қурилишда ишлаган эдим. Бешинчи разряд ҳам беришувди.

— Ёшликда олган билим ва ҳунар ҳечам эсдан чиқмайди, тўғри эмасми?

— Шундоқ.

— Гапнинг очиги, ўша сизга қарзга берадиган пул фишт терувчининг пули. Отпускангизда бир гайрат қилмайсизми, а? Ёнингизга иккита бақувват жиянимни қўшиб кўяман. Лекин шарт шу: пулни иш битгандан кейин оласиз. Унгача пулни бир-икки айлантириб оламан. Қарабосизки, ерлик ҳам бўласиз, қарор чиқариб берамиз, менинг иморатим тикка бўлқолади.

— Яхши...

Шундай қилиб, раҳбарчанинг уйи бир ойда қад кўтарибди. Аммо ваъда қилинган пулдан дарак бўлавермалти. Раҳбарча тижорат қиламан деб катта зараргачув тушиб қолганмиш. Бунинг устига иккита

одамни чақирибди-да, бу одам мени деворимни тиклашта қарашди, бундан күз юммайман, энди бу киши ҳам ерлик бўлиб қурилиш қилса, деворини қўтариб беришни бўйнимга оламан, сизлар шу гапга гувоҳ бўлинглар, депти.

Ана сенга фирибгарлик, мана сенга учига чиққан устамонлик, шайтонга дарс беришлиқ. Бир марта куйган одамни иккинчи марта кўйдириш.

Шунчалар ҳам лақма бўласизми деб, ҳалиги кишини уришиб ташладим. Бечора ёш боладек индамай ерга қарайди дегин. Аслида-ку бундайлар лақма эмас, иймонли, тўғри одамлар. Уларда гумон, ҳадиксираш, иккиланиш, шубҳа деган нарсалар бўлмайди. Ҳаммани ўзидек деб билади. Ўзи бирорвнинг ҳақини емайди. Фириб бериб қақшатмайди. Аслида, шунақа одамлар борки, ҳаётимиз чиройли бўлиб, ўрнида турибди. Агарда ҳамма ановилардек бўлганда борми, ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетарди. Тарихда бутун бошли қавмлар — Лут, Од, Самуд қавмлари бошига қўлмишларига ярана ана шунақантги оғир балолар ёғилган, оқибатда улардан бирортаси ҳам тирик қолмаган. Ер ютган, сув босган, шамол тилкалаган. Ўликлари дengиз тагида қолиб кетган, сув остидан дўппидек бўлиб чиқиб турган, ҳатто йўловчи қушлар ҳам кўнишга ҳазар қиласиган оролча борлиги бундайларга бир мисолдир. Бу беҳаёлик, ўта бемазалик касалига гирифтор бўлиб яшаган Лут қавми оролидир.

## ЎЗИМ БЎЛАЙ ДЕГАН ОДАМДАН ҚОЧ!

**Х**а, Шарофжон, атрофимизда, Худога шукрким, яхши инсонлар кўп, ҳаётимиз ўшалар билан чарофон. Мен ўз ишига пишиқ, ҳар нарсага бош суқавермайдиган, камсуқум бир одамни танирдим. У бизнинг ишхонада иш бошлаган ва шу ердан уй-жойлик бўлган эди. Ишлаётганларнинг бир қанчаси ўттиз Йил давомида уйларини кенгайтиришди, қўшимча уйлар қуришди. Ўғил-қиз детандек, ўзига яраша ташвишлари бор-да. Лекин шу киши кўпболалик бўлишига қарамай, бирор марта ҳузуримга зорланиб кирмаган эди. Тўққиз киши уч хоналик уйда туришганда ҳам фиrint демаган. Шу одам қурилишлар қисқариб, дўппи тор келиб қолганда, бир хонага бўлсаям уй-жойини кенгайтиришта ёрдам беришимни сўраб кириб қолди.

— Шунча кунлардан бери қаёқда эдингиз? — дедим ўпкаланган бўлиб.

— Ҳа, энди борига шукр қилиб юрувдик. Ёш бир ерга боргач одам тинчликни хоҳлаб қоларкан. Неваралар билан жудаям сиқилишиб қолдик.

Ўйланиб қолдим, Шарофжон. Борида ёрдам бериш ҳамманинг кўлидан келади. Кўлингдан келса, улласидан чиқсанг, энди ёрдам

бер. Вақтида келмадингиз, дегандан не фойда? Ҳар қалай бундай жавоб билан ҳожати битмайды-ку? Борида бирор эшикдан зорланиб келса, бериб юбораверасан, йүғидаям, насибангни қирқиб, ҳа, битта нонингни яримта қилиб бериб күр-чи? Оллоҳ одамни шу тариқа дастини қисқа қилиб қўйиб синайди.

— Иложи бўлмаса, хижолат бўлманг, шунча ўтган кун буёғигаям ўтар, — деди у мени нокулай аҳволга солиб қўйганидан бир оз хижолат чекиб.

— Биламан, — дедим, — пичоқ суюкка етгандан кейин ноилож келгансиз.

— Топдингиз, мабодо бўлса девдим-да, мана йўқ экан, хотиржам бўлдим. Чанқаган одамнинг кўзига сароб ҳам сув бўлиб кўринганидек, бир илинжда келувдим-да, биламан аҳволни, ҳозир...

У шундай деб ўрнидан қўзғала бошлади.

— Тўхтанг, — дедим-да, уй-жой билан шуғулланадиган ёрдамчим билан боғланниб, кечаги охирги тақсимланган уйни шу кишига ажратишни ўйлаб кўришини айтдим. Бу кишининг номини эшитган ёрдамчим ҳам: «Жуда яхши бўлади, улардан кўра булар ҳақлироқ», деб қолди. Уй сўраб келган одам хурсанд бўлиб, ҳозиргина турган ўрнига қайта ўтириди.

— Ана, Сизга насиб қилган экан. Биз у кишига ҳали айтиб ултурганимиз йўқ эди. Айтиб қўйганимизда иложимиз қолмасиди.

— Йўқ, — деди у жилмайиб, — уйни ўша одамга беринг. Рости, номини эшитиб қувониб кетдим. Унинг аҳволи меникидан ҳам баттар. Иккита келини бир-бири билан сираям чиқишмайди. Ҳамма жанжал қайнотасининг бошида бўлади. Қолаверса, у кишига Сизнинг олдингизга киринг, деб маслаҳат берган ҳам ўзимман. Икки марта уй олганман, учинчи мартасида уяламан, деган эди. Ўша биродаримизга беринг, мен олгандекман...

— Сиз қизиқ одам экансиз-ку? — дедим.

— Умрингиздан барака топинг, мен Сизнинг олдингизга кирмадим, Сиз мени эшитмадингиз, гап тамом, вассалом, — деб турибди жилмайиб.

Кўрлингми, Шарофжон, баъзи кишиларни бир-бирлари билан таққосласанг, бундай одамлар афсонавий кишиларга ўхшайди. Ким еб турган овқатини бирорга холисанлиллоҳ тутади? Кимки Оллоҳ таолони бутун вужуди билан севган бўлса.

Мен бундай пайтларда бир умр атрофимда шунаقا одамлар билан ишлаганимдан фаҳрланиб кетаман. Иймон-эътиқоди мустаҳкам инсонлар шайтонсифатларнинг жамоага яқинлашишига йўл қўймайдилар. Бундай одамлар бор жамоага ундейларнинг ўзи ҳам қадам босолмайди. Чунки, тегирмонлари сувсиз қолишини яхши билишади. Ўслим, қаттиқ дарахтга қурт тушмайди.

Университетни туталлаб, бирор жойда ишлайдиган бўлсанг, мана

шунаقا диёнатли инсонларнинг этагидан тут. Агарда раҳбар бўлиб қолсанг, уларнинг қадрига ет. Билиб қўй, бундай одамлар ҳамиша раҳбарнинг кўзига тушмасликка ҳаракат қилишади. Билимдон, зукко бошлиқ балчиқнинг ичидан гавҳарни ўзи топиб олади.

## БИР КАЛЛА ЯХШИ, ИККИСИ УНДАН ҲАМ АЪЛО

**Б**олагинам Шарофжон, сенда жамоа ишига тааллуқли бирон-бир янгилик, янги фикр пайдо бўлса ҳеч қачон уни қатъий йўсинда ўртага ташлама. Шундай қылсак, қандоқ бўларкин қабилида сўзла. Шунда сен хоҳлаётган янгилик бошқаларнинг қалбида фикр қўзғайди. Мушоҳада қила бошлайдилар. Натижада, сен кутмаган ва сенинг хаёлингга келмаган жиҳатлар пайдо бўла бошлайди. Аслида, таклиф сендан чиқади-ю, ижроси кўпчилик билан бўлади. Сен топган янгиликка катта-кичик ҳам ўз улушкини кўшгани билан ўзини баҳтиёр сезади. Тез кунда сен ўйлаб топган янгилик ўз афзаллигини кўрсата бошлайди.

Бундай қарасанг, бу янгилик сенинг foянг, лекин у умумжамоа фикрига айланиб кетди, натижада корхонага сезиларли фойда келтира бошлади. Янгиликнинг эгаси бўла туриб сенинг маошинг ошгани йўқ, ҳамма қатори ҳақ оляпсан. Бир қараашда, ҳақиқат қарор топмаётгандек, аслида эса...

Кўпчилик ёшлар, ишбилармонлар худди шу нуқтада янглишадилар. Худбинлик бош кўтариб, «ақллилик» балосига мубтало бўлиб қоладилар. Бундай вазиятда сен маошга қарама. Одамларнинг юзига, кўзига қара. Улар сенга қанчалар меҳр ва муҳаббат билан, самимий ҳурмат ила қарашияпти. Сўзларига эътибор бер, улар ҳам сенга ўз таклифлари билан мурожаат қилишяпти. Оғзингдан чиқсан ҳар бир сўзга диққат билан кулоқ осишяпти. Шунинг ўзи сенга катта мукофот эмасми? Одамлар пул сарфлаб бунақа обрў-эътибор қозона олмайдилар-ку. Шуни эсингдан чиқарма, болам. Уйни ҳеч қачон битта одам қурмайди. Курган тақдирда ҳам бузилиб кетади. Foяларни жамлаш ҳам уй қуришдек гап.

Мен нимаики каттаю-кичик иш қилтан бўлсам, худди шу йўсинда иш тутдим. Эришилган ютуқларни ҳеч қачон меники демадим, жамоанини дедим. Аслида ҳам шундай. Иш жараёнида, эртадан кечгача каллада мингта foя туғилиши мумкин. Хаёл суреб, гўё калававанинг учини топган бўласан, лекин уни ечиш, чиройли тарзда чуватиб ундан бир нималар бичиб, тикиш кўпчиликнинг иши бўлади!

Шу йўлни тутсанг, қарабсанки, бир йўла мукофот сенга бошқа тарафдан келиб қолади. Ўша сенга меҳр билан тикилган кўзлар сени қатъий ишонч ва тантана билан ўзларига бошлиқ этиб тайинлайди-

лар. Мукофот деганда ойлигинг ошишини, тагингда машина бўлишини айтмаяпман. Сенга билдирилган ишончни айтяпман. Жамоа ишхонадаги ўз тақдирини сенга ишониб топшираётганини, бошла, сен билан қайга бўлса ҳам бораверамиз дейишганини айтмоқчиман. Шунинг ўзи катта мукофот эмасми, болам?

Раҳбар бўлдингми, шу кундан бошлаб шайтон атрофингга кўргон кура бошлайди. Бу кўргон шайтоний кибр-ҳаво, манманлик, ўзига бино қўйишдир. Ҳа, бу деворнинг қурилиш жиҳозлари мурт ашёлардан иборат бўлади. Албатта, бу кўргонни шайтон қурмайди, балки уни ўз лашкарларига қурдиради. Лашкарлари атрофингда гирдикапалак бўлиб, соянгга кўрпача соладиган кишилардир. Охир-оқибат шайтони лаъин ўшаларнинг ўзини сенинг атрофингга жонли девор қилиб қўяди. Қаерга борсанг, ўша одамлар ҳозири нозир бўлиб туришади. Мўлжалдаги жойга ҳали сен бормаган бўласан, лекин улар сендан один бориб, хўжайн келяпти, уни ундоқ қил, буни бундоқ қил деб сунъий об-ҳаво яратиб туришади. Сени у ердагиларга олабўжи қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Ҳа, улар борган жойларида сен боргунча камчиликлар ҳам топиб қўйишади. Одамлар билан бундоқ дилдан гаплашишга ҳам қўйишмайди. Ҳатто гаплашиладиган бўлса, уларга нималар ҳақида фикрлашиш кераклигини ҳам ўргатиб қўйишади. Айниқса, бунақа лўттибоз, тулки одамлар кечаги шўро даврида шунчалик урчиб кетишлини, улар ҳали бир неча авлодларга етиб ортадилар.

Шу десанг, бир куни, ҳали ёш раҳбармасманми, уйда бирон кўнгилхиралик бўлгандими, эсимда йўқ, ёки ишхона билан боғлиқ бирон нохуш гапми, ишқилиб, табиатим жиндай хира эди. Иш столига ўтиредингми, телефонбозлик бошланади. Ҳа, гўё сен ишламайсан, сенинг ўрнингга телефон гўшаклари ишлайди. Баъзан юзма-юз келганда айттолмайдиган гапларни телефон орқали айтиб юбораверасан.

Иш билан бўлиб тушлик ҳам яқинлашиб қопти. Бундоқ қарасам, кун бўйи ўринбосарларни ҳисобламаганда, ишхонадан бирор-бир ходим хонамга кирмабди. Бўлмаса, тушгача цехда бирга ишлаганлардан беш-олтига киши кириб айрим масалаларни ҳал этишар, таклифларни айтишар, билмаганларини сўрашарди.

Котибани чақириб суриштирсам, ўша жонли «девор»лардан биттаси котибага: «Бугун хўжайнинг кайфияти йўқ, аризачилар келса киритманг, кайфиятини баттар бузишади», деб тайинлабди.

Ўша куниёқ бемаза «фамхўрим»нинг баҳридан ўтдим. Қара-я, душманлик ҳам шунчалик бўладими?

Иложини топса, раҳбар одам иш юзасидан сўраган ходимларни ҳар вақт қабул қиласериши керак, кўчадаем, уйдаем, умуман, кишилар илтимосига кулоқ солиши зарур. Чунки бугунги хатони эртага тузатиб бўлмайди, уни шу бугуннинг ўзида бартараф этиш лозим.

Бугунги дардга эртаси қўйилган малҳам бефойда бўлиб қолиши табиийдир. Ахир, ўз қасамига содик бўлган виждонли шифокорлар касални ишхонада кўраман, бугун иш вақтим тугади, уйингизга бормайман ёки уйимга нимага келдингиз демайди-ку? Тезда қўлидан келган ёрдамини кўрсатиб, беморни даволашга уринади-ку?

Одил, одамохун раҳбар ҳам худди шунаقا бўлиши керак. Албатта, раҳбар бирорнинг томи босиб қолган бўлса, бориб тиклаб бермайди. Ишхонада бирор-бир ускуна синган бўлса, уни енг шимариб таъмиrlаб қўймайди. Бирор-бир ишчининг соғлиғи ёмонлашган бўлса, у дўхтири эмаски тузатиб қўйса. Лекин унинг сўзи, буйруғи, жиринглайдиган телефони ҳар қандай масалани ҳал этишга қодир. Эгаллаган лавозими туфайли унга шунаقا ҳуқук берилган.

Агарда раҳбарнинг ҳузурига кирувчилар эмин-эркинлик сезмаса, ўзи маълумот, хабарлардан бехабар қолса, мавжуд бўлган камчиликларнинг олди олинмайди, фисқу фасоднинг уруғи илдиз отиб учриб кетаверади. Шайтон девори шунчалар юқори кўтариладики, ишхонадаги ҳақиқий ҳаётни кўрмай қоласан. Ва охир-оқибат ўша деворнинг тагида қолиб кетасан, у сени асфаласофилинга жўнатади.

Бунга йўл қўйган раҳбар одам бир урилдими, қайта ўнгланмайди. Лекин энг ачинарли томони шундаки, деворлар ўзини у ёқقا, буёққа уради-да, бир иложини топиб, сени ёмонотлиққа чиқаради-ю, ўша жойини сақлаб қолади. Абдулла Орифнинг бир шеъри бор: одатда Ҳажга борганилар Мино деган жойда шайтонга тош отишади. Ҳа, неча миллион одам бўлса, бари шайтонга қарата уч марта тош отишади. Буни шоир шундай таърифлайди:

*Минода шайтонни қилдик тошбўрон,  
Лаънатга кўмиди бадбаҳт у лаъин.  
Дедик, шунча юкнинг остида шайтон  
Минг йиллар чиқолмай ётмоғи тайин.  
Шодумон йўл олдик Ватанга қараб,  
Шайтон қолди дея чуқурда-чоҳда.  
Манзилга қайтгандик, шайтон, во ажаб.  
Бизни кутиб олди тайёрагоҳда.*

Шайтонсифат одамлар янги раҳбарни ҳам иззату мақомини жойига қўйиб кутиб олишади. Бунингдек шайтоний деворлар ҳамиша бўлган. Бекорга қадимги халқ эртакларида подшолар тунлари ҳеч ким танимайдиган кийимларни кийиб олиб, бошпана сўраган бўлиб уймай юрмаганлар. Ўша даврда ҳаётни аниқ англашнинг бошқа йўли қолмаган.

Шундай қилиб, Шарофжон, бир калла яхши — икки калла ундан ҳам аъло деган нақлимизга келсак, сен ўз бошингни ҳамиша кўпчиликка қўш, анови каллаларга яқин борма.

## ҲАҚ РОҲАТИНИ, НОҲАҚ ЖАЗОСИНИ ТОПАДИ

**Б**у мавзуни тутатишини истаяпман-ку, лекин ўйлар изидан ўйлар пайдар-пай босиб келяпти-да... Тағин Абдулла Орифнинг тўрт қатор шеърини эсладим. Шоир дейди:

*Шайтоннинг ҳунари чиндан ранг-баранг,  
Саллани пайтава қилиб ўратгай.  
Агар сидқидилдан кўрсатса найранг,  
Нодонни шоҳ қилиб, юртни сўратгай.*

Айтгин-айтгин, Ўзи асрасин, шундай нодонлар юртни сўраб қолса, фуқаронинг шўри қуригани. Шундай бўлганди-да бизда. «Пахта иши» деб йигирма беш минг одамнинг аъмол дафтарига қора тамға босилди. Уларнинг хотин, бола-чақаси. Во, дариф... Қандай азобларга дош бердилар.

Бир куни ўша пайтавани салла қилиб олган кимсалар ўжар бир инсоннинг тақдирини ҳал қилишга киришдилар. У одам уларнинг бошидаги салла ҳақиқий эмас, пайтава эканлигини яхши биларди. Шу боис бу учар шайтонларнинг айтганларига кўпда юравермасди. Табиийки, бундай ўжарлик зўравонларга ёқмасдан асабларини қўзғатарди.

Камомад топиб ғалва чиқариш ниятида ўжарнинг ишхонасига катта тафтиш гурӯҳи ташлашди. Ҳеч вақо топиша олмади. Маиший томондан бирор ҳид топиш ниятида барча ярамас, кўланса жойларга тумшуқларини тиқиб кўришди. Тағин натижা чиқмади. Ошна-оғайнитарчилик, маҳаллийчилик деб кир қидиришди. Буям натижা бермади. Ўйга қўнғироқлар уюштириб, турли туҳматларни «холис»лар номидан айтишни ҳам кўллаб кўришди.

Охири, юқорининг айтганини хоҳласа бажаради, хоҳламаса йўқ деб ишдан олмоқчи бўлдилар.

— Тўғри, — деди у, — эътиқодимга, қонунга мос бўлса ҳар қандай топшириқни бажараман. Мос келмаса йўқ.

— Қанақа эътиқод экан у, билсак бўладими? — дағдага бўлди юқоридан.

— Ҳалолликка, тўғрилийка, қонунга асосланган эътиқод.

— Яхши, биз Сизга эътиқодингизга мосроқ иш топиб берамиз. Фалончига учранг, Сизга ўшанақа иш топиб беради.

— Мен эътиқодсиз одамлар кўлидан садақа олгандек, иш олмайман, ундейларнинг садақаси ҳам ҳаром... Худо берган инсоний фазилатни, билим-хунаримни ҳеч ким тортиб ололмайди, мен хайр-садақа сўраб эмас, меҳнатим билан кун кечириб келяпман, — деди у.

Шундан кейин «фармони олий» бўлди:

— Бу одам бола-чақаси, уруғ-аймоғи, ошна-оғайнилари билан күвғин қилинсін!

Шунда ҳал қилувчи овозга эга бўлган одамлардан бири юрак ютиб ўрнидан турди ва бунақа ўз ишига фидойи мутахассис шаҳарда камлигини айтиб жазони юмшатиш кераклигини сўради.

Хайрият, шунчанинг ичидан битта бўлсаям марди топилди. Шундай жойда оқил — ҳақгўй кишининг топилиши ҳам Оллоҳнинг марҳамати эди, Шарофжон.

— Сизнинг ҳам паймонангиз тўлибди, — деди Каттакон, Ҳақиқатчи одамга қараб, — тайёрланиб туринг, эртага ўрнингизга янги, Москвадан келган ишбилармонни тайинлаймиз.

Сўнг маъносиз илжайди.

Шундай қилиб, ўжарни бошқа ҳимоя қилувчилар топилмади. У уларга бўйин эгмай, мағрур чиқиб кетди. Остонага боргандা, уларнинг юзига эшикни қаттиқ ёпмоқчи бўлди. Бироқ, Раҳмон уни тўхтатди. Эшикда нима айб, ундан не-не фариштали инсонлар кириб чиқмаган. Кирар эшикни қаттиқ ёпма! Айбни зўравонларнинг бузуқ эътиқодидан излаш керак.

Ўша ўжар одам сенинг бобонг бўлади. Тўрт ярим йиллик қувиндан кейин яна ўша эшикни очиб кирдим ва эътиқодли инсонлар хоҳиши ва талаби асосида сайлов йўли билан яна ўша севган ишимга қайта тикландим. Шунинг учун ҳам ўша 1989 йили июль ойида Москвада чиқадиган «Советская культура» газетасида менинг ҳақимда шу нашр муҳбири Омонулла Ниёзматовнинг «Эски ва янги директор» деган мақоласи ҳам босилган эди. Ана шундай зўравонликларнинг таг-томири билан кесиб ташлайдиган вақт келганига минг бора шукроналар бўлсин дейман, болам Шарофжон.

## ИШХОНА РАҲБАРНИНГ ИККИНЧИ УЙИ

**А**ланг раҳматлик нимага ўн икки, ўн беш соатлаб ишлаб чарча-майсиз, деб сўраганда раҳбарлик ўзи нима, кўпга бошчилик қилиш, уларнинг етакчиси бўлишми, каби саволларга ҳали ҳаётдан жавоб толмаган эди. Шунинг учун ҳам, раҳматлик болам қўлидаги соатини ходимларнинг маоши учун гаровга қўйганини эшишиб, унинг тантлиги, мардлигидан фаҳранган эдим.

Кимки бирон жамоада оддий ишчи бўлиб ишлар экан, у учун ўша жой ишхона. У шартнома бўйича ё олти соат, ё саккиз соат ишлайди. Шунга яраша маошини олади. Раҳбар бўлган киши эса бунақа белгиланган вақт доирасида иш юритмайди. Иш куни тугади деб, ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб кетолмайди. Чунки у бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараённида иштирок этмайди. Унинг иши бир кунда қанча маҳсулот ёки нечта машина ишлаб чиқарилгани

билинг ўлчанмайды. Балки бутун корхонанинг бугуни, эртанги, индинги ҳаёти қандай бўлиши, жамоа ва ишхонанинг қандай нафас олаётгани билан ўлчанади.

Чинакам раҳбар учун ишхона ҳам пирхона, ҳам дарсхонадир. Унинг вужуди, қон томирлари шу ишхонанинг жисми-жонига туташиб кетмоғи керак. Шунинг учун ҳам юқоридан тайинланган раҳбар билан қўйидан, шу корхонанинг ўзидан етишиб чиққан раҳбарнинг орасида осмон билан ерча фарқ бўлади. Бундай раҳбар ишхонада эмас, худди ўзининг уйидагидек бетиним ишлайверади. Жамоадаги ходимлар ўз туғишганларига айланиб қолади. Кейин у корхонанинг қайси қон томири қандай ураётганини билиб, сезиб туради. Унинг муаммоси ва ҳал этиш давосини ҳам топа олади. Ишчилар ҳам бундай раҳбарнинг олдида ўзини ўёқ-буёқقا ташламасдан вижданан ишлайди. Бундай билимдоннинг олдига «похол» ташлаб бўлмайди. Бу раҳбар корхона ишларини миридан-сиригача билади. Шу сабабли унинг сўзи билан иши ўртасида ҳеч қандай тафовут сезилмайди. Гўё асл соатдек аниқ юради.

Кейин бундай раҳбар ҳамиша эртани кўриб, индинни ўйлаб иш тутади. Бу эртага ҳам шу лавозимда ўтирай деган маънода эмас. Йўқ, янгилик, тараққиётдан орқада қолмай дейди. Ускуналарнинг ҳам арzon баҳосини эмас, кўп ва узоқ ишлайдиганига, қимматига харидор бўлади. Мен қурилиш ишлари битмасдан туриб, тупроқقا кўмилиб кетган бир корхонани эслаб қолганман. Унга арzon деб чет элдан энг расво, сафдан чиққан техникани сотиб олиб келишган эди. Бу машиналар бир кун ҳам иш бермай, турган жойида эскирди. Сабаби, қурилиш чўзилганлиги оқибатида улардан фойдаланиб улгурмай, бу техникадан афзалроқ бўлган янгиси чиққан эди. Бошқа корхоналар тезлик билан қурилганлиги сабабли ўша янгисига мослаштирилган эди. Олдингисида нима бўлди-ю, давлат пули олғирлар, шайтонлар қўлига тушиб қолди. Бунинг айни сабаби — корхонанинг ҳақиқий раҳбари ўз вақтида тайинланмагани туфайли «ўзи йўқнинг кўзи йўқ» лигидан олғирлар фойдаланишган эди.

Кимларнингдир укувсизлиги оқибатида мана шунақа йўллар билан давлат хазинасига путур етказилди. Кўпларнинг косаси оқармай, насибаси кесилди.

## ЭЪТИҚОДЛИ БЎЛИШ – ЎЗДАН КЕЧИПДИР

**III** ароффон, мен сенда болаларга хос бир нарсани кўпдан кузатиб юраман. Бу — катталарга ҳавас билан қараш. Бу яхши одат. Ўзи болаликда шунақа бўлади. Бирданига катта бўлгинг, ҳамма ишларни бошқаргинг, кимларгадир ақл ўргатгинг кепқолади. Амалдор бўлишу машинада юриш, эҳ-ҳе, бунақа орзу-ҳавасларнинг чеки

бўлмайди. Сенда ҳам шунақа орзу-ҳавас, интилиш борлиги табий.

Лекин мен сенда бошқачароқ ҳолларни кузатгандек бўламан. Нима экан дейсанми? Шу... айтавераман-да энди... сенда ўқиш, меҳнатдаги қийинчиликсиз хоҳлаган бойликка эга бўлиш ҳиссиёти кучлига ўхшайди. Ҳартугул, гоҳо менга шундай туюлгандек бўлади. Қайдам, янглишаётгандирман. Аслида, бу ҳам табиий ҳолдир. Ахир бола оиласига ниманидир ўз қўлидан беришини хоҳларкан, ўзи истаган қайси орзу-сидан кечиши мумкин? Орзудан бошқа ҳеч вақоси бўлмаса, иложи қанча.

Шундай дейман-у, яна аданг раҳматликни ўйлаб кетаман. Аданг оламдан ўтиб кетди-ю, лекин у менга бир андоза бўлиб қолди. Мен шу ёшимда ва ҳаётий тажрибаларим бисёрлигига қарамай, ён-атрофга адангнинг теран нигоҳи билан қарайдиган бўлиб қолдим. Ахир, мен сени ва сенга ўҳшаган болаларни айблаётганим — бу кусурни адангда кўрмаган эдим-да. Тўғри, амакиларинг менинг хизмат машинамга қизиқиб, унинг атрофида кўп ўралашибарди. Бу эшигидан кириб, наригисидан тушишарди. Шоғёрдан маҳаллани бир айлантириб келишини сўраб уни ўз ҳолига қўйишмасди. Аданг бўлса, ёшлигида ҳам укаларининг ўйхлигини ҳавас билан кузатиб турарди.

Бир куни хизмат машинамни ҳайдаб юрадиган Файзулла амакинг, у кишиям раҳматлик бўлиб кетди, гапириб қолди:

— Катта ўғлингиз бошқача-да, Ислом ака!

— Қайси маънода? — ҳадиксираброқ сўрадим ундан.

— Яхши, зўр маънода-да. Кўчага чиққанини кўриб, қани энди, машинага яқин келса дейман, мен билан илиқ сўрашади-ю, машинанинг ёнига келмайди. Укаларига ўхшаб ёпишмайди. Ўтири, сениям айлантириб келаман дейман, кулади-ю, раҳмат, Файзулла ака, деб нари кетади. Бўлмаса уям бола-ку ҳали...

— Адасининг машинаси билан мақтандиси келмаса керак-да, — дейман кулиб.

— Йў-ў-ўқ, бу ерда бошқа гап бор, шу ўғлингиз Сизниям, ҳатто машинангизният хурмат қилади. Жуда-жуда хурмат қилади. Менга шунақа туюлади. Исмига муносиб, хушфеъл йигит Алишер. Унинг шундайлиги хуш муомаласидан, гўзал одобидан сезилиб туради. Менгина эмас, бошқа ҳамкасб йигитларимиз ҳам унинг одобига, одамийлигига ҳавас қилишади.

Ўшанда мен — бу эътибор берадиган муҳим гап эмас деб қўя қолган эдим. Аслида, жудаям эътибор берилиши зарур бўлган масала экан. Файзулла ака одоб тарозисининг тошини тўғри қўйган экан. Мен ҳали-ҳануз бошқа фарзандларим Фанишер, Баҳром, Гулнорани ҳам акаларининг йўлига мослашга уринмаганимдан афсусланаман. Қайтага Алишердан кўра уларни кўпроқ эркалатордим. Улар билан кўпроқ андармон бўлардим. Алишернинг укалари одамга ёлишавери-

шади, у бўлса ўзини бетараф тутиб, андиша сақларди. Ўзи, ота-она-ю, болалар ўртасида қандайdir кўзга кўринмас чегара бўлгани ҳам дуруст экан, бундай ҳақиқат ҳаётда кўзга кўринмаса ҳам ўзини сездириб тураркан.

Бир сўз билан айтганда, орзу бошқаю, ҳаёт бошқа экан-да. Бирорвга ҳавас билан қараган инсон бирдан ўшанга ўхшаб қолмайди. Бунинг учун нималардандир воз кечиш керак. Ҳамма гап ана шу воз кечча олишида қолган. Аданг раҳматлик болалигидан ҳаётнинг мана шунаقا нозик тарафларини ҳис этиб улғайган экан, энди билсан. Бунақа хислатлар қондан-қонга ўтган бўлса ҳам ажаб эмас. Туфма бўлса керак. Қайсиdir ота-бобомиздаги гўзал хислатларнинг Алишер хулқида юз кўрсатиши бўлса керак. Айтишади-ку, инсон танасида етти ота-онанинг қони айланади деб. Бу ҳақ сўз, ўелим.

Алишер ҳамиша, ҳамма ерда «ўз» бўлишга тиришарди. Ўз — деганим манманлик, ўзини намоён этиш маъносида эмас. Аксинча, бирор-бир ишни мустақил бажариш, ўша ишда ўз ўрнини топишига интилиш. Демак, ҳар бир ишга эътиқод, ишонч билан киришарди. Биласанми, Шарофжон, бунақа комил одамнинг атрофида одил инсонлар анча тез уюша қолишади. Чунки адангга ўхшаган инсонлар ишнинг энг қийин жойини танлаб маҳкам ушлаган бўладилар-да. Ҳа, билимдон одамлар ишнинг нозик жойидан тутиб олишни аниқ била-дилар. Бошқалар учун эса, муҳим ишнинг қийинлиги сезилмай қолади. Иккиланиш, кўркув, хавотир дегани ортга чекинади. Аслида, инсон кўпчилик ишончига ана шундай йўл билан сазовор бўлиши мумкин. Бунинг учун инсон молиданам, зарур бўлса, ўзиданам кечиши керак.

Бир вақтлар ҳеч ақлга сифмайдиган иш бўлган, Шарофжон. Юртимиз мустақил бўлиб, оёқ-қўлларни боғлаб турган кўпгина занжирлар узиб ташланди. Янги-янги фирмалар, тижорат дўконлари, хусусий корхоналар очила бошлади. Аданг ҳам бир ишга бош қўшли. Тўғриси, ҳозир онанг бошқараётган «Дийдор» фирмасини ташкил қилди. Албатта, дастлаб ҳамма нарса осон кўчмайди. Ўша даврда Алишердан сўрадим:

- Тадбиркорлик ишларинг нима бўляпти?
- Ўртача.
- Ишингда бирон етишмовчилик борми?
- Ҳозирча йўқ.
- Бирон муаммо туғилиб қолса айт, биласан — ошна-оғайнилар бор, ёрдамлашишади.
- Хўп... раҳмат, адажон, — деб қулиб қўйган эди.

Аданг эзилиб гаплашишни ёқтирамасди. Аввало, аниқ ва тиник фикрлашга ҳамда қисқа сўзлашга ҳаракат қиласарди. Ўртамиизда бўлиб ўтган сұхбатдан кўнглим сал тўлмаган эди. Сабаби, ҳамма ишлари яхши эканлигига ишонмаётган эдим-да. Нега десанг, мустақиллик

бўлиб, эркинлик берилди-ю, лекин эркинликни ўз чўнтағига ишлатувчи олғирлар ҳам пайдо бўлди. Улар кимлар дейсанми? Биласан, амалга ошириладиган ҳар бир иш қонун йўли билан хужжатлашибилишини талаб қиласди. Бунинг учун турли-туман идораларга танда қўйиб, елиб-югуриш керак. Бири қўрсатма, бири рухсат беради, яна бири муҳр босади дегандек. Ҳаммаси бўлмаса ҳам, барибир ораларида тўралари пайдо бўлди. Мақсадига етмай туриб, ишингни олдинга силжитмайди. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ унга ниманидир беришинг керак. Бўлмаса, қофозингга қўл қўймайди, безрайиб тураверади. Минг асабийлаш, юз марта тушунтир — бефойда. Ҳа, бизда шунақалар — давлатни эмас, ўз ҳамёнини ўйлайдиганлар хурликини, мустақиллик берган имкониятларни пулга соатидиганлар ҳам учраб туради.

Айнан шуларни ўйлардим-да, наҳотки, Алишернинг ишлари хамирдан қил суургандек осон кечаетган бўлса, деган ўйга борардим. Аслида, Алишердан ҳол-аҳвол сўрашимнинг боиси ҳам шунда эди.

Ана шундай кунларнинг бирида нотаниш бир жойдан қўнфироқ бўпқолди уйимиизга. Бувинг гаплашди-ю, ҳеч нарсага тушунмадим дегандек гўшакни менга берди. Ажабо, қимматбаҳо нарсалар гаровга қўйиладиган дўкондан қўнфироқ бўлаётган экан. Маълум бўлишича, Алишер тилла соатини гаровга қўйиб, пул олган, лекин гаров муддати тугаганлиги учун соат дўкон фойдасига ўтказилганлигини билдириб қўйишаётган экан.

Гўшакни жойига қўйдим-у, бир оз ўйланиб, ҳайрон бўлиб қолдим, яхшиямки, бувинг эътибор бермай ҳовлига чиқиб кетган. Бўлмаса, менинг ҳозирги аҳволимни қўриб, ваҳимага тушарди. Шу онда хаёл ҳар қаёқларга олиб кетди, билсанг. Биз у тилла соатни адангнинг туғилган кунига совға қилган эдик. Бундай соат ўша даврда ҳам анча-мунча пул турарди. Қизиқ, совғани гаровга қўйган бўлса... Нимага мендан пул сўрамади? Сўрамаптими, демак, масала нозик... Унда нега тўлов муддатини ўтказиб юбордийкин, наҳотки, гаровга қўйилган шундоқ қимматли соатни ёдидан чиқарган бўлса? Уни гаровга қўйишга нима мажбур қилди экан?.. Ишқилиб, хаёлларим минг тарафга тўзғиб кетди. Рекетга учраб қолдимикин деб ўйладим, ҳа, шунақа замонавий қароқчилар ҳам пайдо бўпқолган эди ўша пайтларда. Қиморгами?.. Йўқ, Худо сақласин!..

То адангни топиб гаплашганимча ҳушим ўзимда бўлмади. Аданг эса, кулиб:

— Фирмадагиларга маош тополмай қолдим, шунга... Ахир, йигитларнинг қора қозони қайнаши керак-ку, адажон?! — деди. — Уларнинг болалари бор-да, шуни ўйлаб соат пулини ходимларга бўлиб бердим, бу матаҳ топилади, бўлмаса, соатларингиздан бирини тақаман-да.

— Мен сўраганимда ҳаммаси жойида деган эдинг-ку?!

— Ҳалиям жойида, бу арзимаган нарсалар-ку, гаровга құядиган бошқа нарса бүлмаганда, сизге мурожаат қилардим. Муаммоларни мустақил ҳал этишга ундаисиз-ку!..

Мана, сенинг аданг, менинг ўғлим, шундай беозор инсон эди! У охирги дақықағача имкониятни ўзидан қидирап эди. Бундай пайтларда ёдимга нимагадир адангнинг қўлида тез-тез кўриб турадиган «Робинзон Крузо» ва «Чол ва денгиз» китоблари тушарди. Ҳа, аданг бу китобларни қўлидан қўймасди. Назаримда, у кишилар орасида яшарди-ю, лекин Робинзондек ҳаракат қиласарди. Курукликда яшарди-ю, гўё балиқчи чолга ўхшаб, денгиз бағрида ҳаёт билан курашарди.

Аслида, Шароффжон, ҳаётнинг ўзи — шу! Мен номларини келтирган, аданг севиб ўқийдиган юзлаб китоблар ва шунга ўхшаган жуда кўп бошқа асарларнинг ҳам фалсафаси, айтмоқчи бўлган гапи шу — кураш! Одам бундай китобларни оддий бир саргузашт воқеани ўқигандек ўқийди-ю, асл мақсад эса, ҳалигидака. Ҳаёт бамисоли кимсасиз орол — унда тугилган ҳар бир инсон унинг яшаш қонунларини тўла ўрганиши керак. Ўзлигини билиш учун доим изланиши керак. Инсон боласи ҳар қандай шароитда ҳам тушкунликка берилмай, ўзининг ақл-идроқи, билимини, ҳам нималарга қодирлигини намойиш қила олиши керак. Ўзлигини топа олиши ва ўзини ўзидек намоён эта олиши шарт. Агарда шундай қила олмаса, киши отонасига: уларнинг Кучита, ёрдамига таянадиган, кўпчиликнинг қўзига мўлтираб қарайдиган нотавонга айланиб қолиши мумкин. Инсонни бунақа абгор ҳолга тушиб қолишдан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Энди соат масаласига қайтсан. Ким ўзи учун азиз бўлган, ноёб бир нарсани пулга алмашиб, ходимларга тақсимлаб беради? Борми шундай мард! Билмадим, мен шу ёшга етиб, бирор севган мулкини сотиб кўл остида ишлаётганларга маош қилиб тарқатиб берган валломатни кўрганим, эшигтаним йўқ. Бунақа воқеалар ўзимнинг ҳаётимда ҳам бўлган, лекин менам бунақа иш қилолмаганман, бунга тан бермай бўлмайди.

Хўш, менинг азиз неварам, сен шундоқ қилишта қодирмисан?

Мен ўшанда Алишердан сўрадим:

— Бу тантлигингни кўл остингдагилар сезишилми?  
— Нимага энди сезишилари керак? — дея менга савол назари билан қаради Алишер.

Мен ўзим берган саволимдан ўзим сесканиб кетдим. Унда миннат бўп қолади-ку. Билиб кўйинглар — соатимни гаровга қўйиб, сизларга маош тўлаяпман дейиш қанчалар кулгили туюлади. Унда ходимлар маош эмас, чўнтакларига бошлиқнинг «минннати»ни — бир ҳовуч «олов»ни солиб кетадилар-ку.

Шундай катта-кичик раҳбарлар бор, давлатнинг пулини одамларга миннат қилиб беришади. Сенинг аданг ҳаёт бўлганда, бунақа раҳбарлардан бўлмас эди. Кўпинча «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш

керак» деган шиорни эсласам ёки у ер, бу ерда шу шиорга күзим түшсі — Алишерни ёллайман. Менинг болам тирик бұлғанда, шунақа инсон бўларди...

Эсиз... дейману, сени эслаб, Оллоҳга шукронда айтиб, давомчи фарзандлари борлигидан тинчланиб, сени бўй-бастингни кўриб, бир оз таскин топаман. Қоматинг худди отангникидек келишган, илоҳим, одобинг, ақлинг, билиминг, меҳнатсеварлигинг ҳам отангга тортсин, болажоним. Бу фазилатлар сенга ҳам насиб этсин, ўғлим.

Синглинг Шириной адантдек ижодга, билимга жуда чанқоқ, отасининг қизи-да, омон бўлсин!

## 1956 ЙИЛ, 9 СЕНТЯБР

**Ш**арофжон, бу дунёдаги ҳамма нарса омонатдир. Сен билан биз кўриб турган, кўравериб кўзларимиз ўрганиб қолган жамики яратиқларни айтаман-да. Бундоқ ўйлаб қарасанг, инсон зоти ҳаммасидан ҳам омонатроқ кўринади. Ахир бир бино минг йил савлат тўкиб турганда, битта одам қанча умр кўради? Битта дарахт икки юз, беш юз йил яшаганда-чи? Нафақат инсоннинг умри, унга берилган нон-насибаю бойлик ҳам омонатдир. Фақат биз инсонлар буни ўз вақтида англаб етавермаймиз. Яратган Эгам эса буни ҳар дақиқада, ҳар хил ҳолатда бизга эслатиб, кўзимизга кўрсатиб туради. Биз инсонлар эса, саркашлик қиласми. Қўлимиз кўймагунча, тишимиз синмагунча, пешонамиз тақиллаб деворга тегмагунча, ўзимизни ўёқдан бўёққа ураверамиз.

Уша куни менинг оталик қувончларим ер билан битта бўлган кун эди. Бир кун олдин 1956 йил 9 сентябр куни эса мендан баҳтиёрроқ, қади тикроқ, мағруроқ одам йўқ эди. Табассумдан оғзимни йигишириб ололмасдим. Нега десанг, танишларим мени кўрди дегандан истиқболимга жилмайганча келишар, қутлашар, «ювасан» леб қўйишмасди. Ахир, менинг ҳаётимда бошқаларнидидан ўзгачароқ, ҳамма одамдаям учрамайдиганроқ воқеа юз берган эди. Мен эгизак фарзанд кўрган эдим. Шунга оёғим ерга тегмас, учиб юрардим. Ёш ота учун бу қанчалар севинчли воқеа эканлигини бошидан ўтказган инсонгина англаб етади.

Лекин орадан бир ҳафта ўтиб, Фотима ҳам, Зухра ҳам кетма-кет ўлиб қолишиди. Эшилдим-у, худди ерга қулаб тушгандек, бамисоли учеб юрган эдим дедим-ку, сенга, бу нохушликдан кўзим ярқ этиб очилди. Шунда ҳаётда «барчаси омонат» деган ўй миямга урилди.

Кечаги қувончлару учеб юришлар бир зумда сўнди. Ўйласам, ҳаддан зиёд қувонган эканман. Ҳатто шундай бир неъматни берган Тангрини ҳам унугиб қўйиш даражасида севинган эканман. Омонатни берган Эгасига мундоқ ўрнига кўйиб шукроналар келтиришни ҳам унугаётган эканман. Отам эгизак невара кўрганларини эшилган-

ларида нимтабассум билан: «Оллоқ ризқи билан, умри билан берган бўлсин», деб дуо қилган эдилар, онам қўл кўтариб, иншооллоҳ, деб юзларига фотиҳа тортгандилар. Отамнинг бу дуо-тилакларини шунчаки бир орзу деб, ўзимча ҳайрон ҳам бўлган эдим. «Тавба, «берган бўлсин» деганларига ҳайронман, эгизаклар туғилгандан кейин ризқ-рўзи, умри билан туғилади-да», деб ўйлагандим. Биз, инсонлар шунақамиз, мевасини еймиз-у, боғини суриштирмаймиз, боғонни эслаб, бир оғиз миннатдорчилигимизни кўнгил учун бўлсаям вақтида айтиб кўймаймиз. «Барака топсин, қўли дард кўрмасин» деган калима ўз ўрнида тилимизга кела қолмайди. Ҳа, нафс деган бало шукрони неъмат йўлини тўсади. Ҳалқимиз орасида юрадиган «Узумини енгу боғини суриштирманг» деган нақлни қандай бўлса шундайлиги-ча тушунамиз. Аслида, бу ҳалқимизнинг шунақа суриштирмайдигандар устидан кулиш бобидаги ўткир киноясидир.

Оллоҳ улуғ боғондир! Жамики мавжудотнинг яратгувчисидир. Шундай экан, у бераётган ҳар бир неъматга шукrona келтириш, қуллуқ қилишдек хур, гўзал одат бизни ҳеч қачон тарк этмаслигига интилишимиз керак.

Биз бандалар Оллоҳ берган неъматни ёш боладек ўзимизни қилиб оламиз, қизғанамиз, минг бир ковакка беркитамиз, босартусаримизни билмай қоламиз. Натижада, мулк Эгаси бир дақиқада ўзини бизга эслатиб қўядики, «э, ҳа...» деганча, ожизлигимизни се-зив қоламиз.

Шундай қилиб, бу нохуш воқеадан сўнг, бойлигини бой бериб кўйган одамдек, шалвираб ишга жўнадим. Отам раҳматлик: «Сен ишингга боравер, мен ўзим жанозаларини ўқиб, қабристонга элтиб, қўмаман», дедилар. Ишга келсан, зудлик билан директор йўқлаётганини айтиб қолиши. Ҳарф терувчиликдан энди газета, журналлар таҳририятлари билан ҳамкорликда ишлайдиган бўлим мудирлиги вазифасига тайинлашган эди. Шундан кейин ҳам бир оёғим цехда, териладиган материаллар кўпайиб кетса, ҳашарга тушиб турардим. Ундан қутулсан, ёшлар шўбасидаги ишлар кутарди.

Директор яна «цехдаги ишларга қарашиб юбор» деса керак-да, деган хаёлда қабулхонага кирдим. Кирдим-у, тишимга оғриқ киргандек миям лўқиллаб кетди. Ўчми, аламми, шунга ўхшаш бир нарса вужудимда ғимирлаб қолди. Бунга боис қабулхонада директор ҳузурига кириш учун навбат кутиб турган бир одам эди. Бехосдан ўзим билмаган ҳолда унга тикилиб қолибман. У бўлса менга қаради-ю, танимади. Ҳа дегандек бош иргаб қўйди. Шундагина ўзимга келдим.

Э, Худойим-эй, ўзи эзилиб турганда, бу одамга рўбарў келганим-чи? Тавба, салом ҳам бермадимми, кимлигидан қатъи назар ёши улуғ-ку, қолаверса оғир кунларда бағрига олган, касб ўргатган бир даргоҳнинг кишиси-ку. Отам нуқул: «Кечиримли бўл, кечиримли бўлиш мўминнинг ҳусни. Пайғамбаримиз жонларига қасд қилганлар-

ни ҳам кечирғанлар, устиларидан кулғанларни уйларининг түрига ўтказғанлар, бадарға қылғанларни бағирларига тортғанлар», дердилар. Наҳотки, гина-кудурат ва аламзадалик, ўтган ишга қўл силтай олмаслиқ, қосос деганлари менда бўлса?! Бор экан-да! Бўлмаса, нимага бу одамнинг рўпарасида без бўлиб турибман. Салом берсам тилим қисиқ бўлиб қолмайди-ку.

Ҳа, Шарофжон, ўзимдан ўзим ранжиб асабийлашиб кетдим. Бемаҳал келган ҳиссиётдан одамзот ичидан нималар туғён уриб, қандай фикрлар пишиб етилаётганини билавермайди. Шайтони лаъин инсон қонига кириб олиб, шундай бир «совғаларни» ҳозирлайдики, у мана шунақа пайтларда ўзини намоён қиласди. Мен қаршимда турган одамга базўр салом бердим. Уям ҳеч нарсага тушунмай, совуққина алик олиб кўя қолди.

Навбати келиб, у киши директоримизнинг ҳузурига кириб кетди. Назаримда, қабулхона бирдан кенгайгандек, енгил нафас олгандек бўлдим.

— Ким эди у одам, ораларингизда қандай гап ўтган эди, — дейсанми?

Мен унда ҳам ҳарф терувчиilar билим юртида ўқиб, ҳам 2-босмахонада ишлардим. Урушдан кейинги йиллар, таъминот масаласи ёмонлиги сабабли ишчиларнинг аҳволи жудаям тант эди. Одамларни битта нарса суюб турарди. Ҳа, урушнинг тугашию, оддинда кутаётган тинч ва осойишта тўқчилик кунлар орзуси. Урушдан тўкилиб чиққан юракларга яккаю ягона тиргак шу эди. Босмахонада З-сменада ишлаётгандарга бир ойда бир марта олти юз грамм пахта ёфи, икки кило гуруч бериларди. Биз шу ҳисобдан уйда бир ойда бир марта палов ер эдик. Худойи, тугилган кунларимизни, шодиёналарни шу кунга тўғрилардик. Озиқ-овқатни босмахона дўконидан олиш ҳар ойнинг тўққизинчи қунига тўғри келарди. Шундай қилиб, 9 сентябрь куни урушда бедарак кетган қариндошларимизга атаб эҳсон қилиш ниятимиз бор эди. Домлага ҳам айтиб қўйган эдик.

Ишдан кейин мен одатдагидек дўконга келиб гуруч билан пахта ёғига навбатга турдим. Аммо рўйхатда менинг номим йўқ эди. Ўзимча, идорадагиларнинг эсларидан чиқиб, рўйхатдан тушириб қолдиришгандир десам, аслида мени маҳсулот берилмайдигандар рўйхатига тушириб қўйишган экан. Бу рўйхатни кўриб, устимдан бир челяк сув қўйилгандек мулзам бўлдим. Биласанми, Шарофжон, шу пайт кўз олдимга ким келди? Мехрибоним, онагинам. Ҳа, сабзи-пиёзни тўғраб, ўчоққа ўтин қалаб, тиқ этса эшикка қараб турган онагинам. У киши қўлимдан ёғни олардилар-у, «Азиз авлиёларнинг руҳларига, урушда шаҳид кетганларнинг арвоҳларига тегсин», деб қозонга энгашардилар. Куйганда қора қозонимизнинг теграсига айлантириб қуяр эдилар. Кейин гуручни тозалашга тушардилар. Гуручнинг ярми курмак бўларди. Курмаги терилмасди, тоши териларди. Гуруч қозонга

тушгунча курмагиям уйисин, гуруч билан баробар пишсин деб қайноқ сувга увитиб қўйиларди.

Шошиб қолдим. Озиқ-овқат рўйхатини тасдиқлайдиган бошлиқнинг ёнига кирдим. У мени кўрди-ю:

— Шоғуломов, сенга йўқ, — деди гапни қисқа қилиб. Одатда, сифатсиз маҳсулот чиқаралиганлар, ишга кечикиб келадиганлар, дангасалар бундай жазога лойик кўриларди.

— Қайси гуноҳим учун?

— Гуноҳинг йўқ, зўр йигитсан!

— Бўлмаса, нимага?

— Нимагалигини билмайсанми?

— Йўқ!

— Сўққабошсан, мана, нимага. Бундан буёғига оиласиларга берилади. Пажалуйста, бугун уйлан, эртага оласан.

— Ахир, мен энди ўн еттига киряпман.

— Менга нима, кирсанг?

— Ҳеч бўлмаса шу гал беринг, ўртоқ бошлиқ, — деда йифлагудек бўлдим.

— Яна бир оғиз гапириб жонимга тегсанг ишдан кетасан бола, хонани бўшат, — деди.

Унинг важоҳатидан қўрқулик эди. Ҳайрон бўлиб уйга кетдим.

Шу куни уйимиизда қозон қайнамади. Эҳсонимиз сабил кетди. Онамлар ҳам ишхонамдагилардан астойдил хафа бўлдилар. Отам бўлсалар: «Насиба узилиби-да, келса хўл-хўл, келмай қолса талатўпми?» дедилар. Мен эсам, айбордек бўйнимни қисиб турардим. Жила курса, бир ҳафта олдин билганимдаям, бирордан қарз олиб бўлса-да, бугунги маросимни ўрнига қўйиб ўтказган бўлардим. Келиб-келиб бугун айтадими бефаҳм бошлиқ, деда мени юпатган бўлдилар отам.

Орадан кўп ўтмай, ўша бағритошни қўполлиги учун ишдан бўшатишиди.

Ҳа, Шарофжон, мени кўрган, таъбимни тирриқ қилган одам ўша киши эди. Бундан чиқди, у ҳозир бошқа жойда ишлар экан-да, босмахонамизнинг янги директори ёнига келибди-ку, бирор иши бўлса керак. Шу пайт ҳалиги одам чиқиб кетмасидан директоримиз хонасидан туриб мени чақириб қолди, хонасига оҳистагина кирдим.

У мени илиққина қулиб қарши олди-да, стол оша қўл чўзди:

— Табриклайман. Нимага суюнчилаб кирмайсан, жуда яхши, маладес, мана бу қоғозни ол-да, кассага бориб, суюнчига ажратилган пулингни ол, — деб менга буйруқни узатди.

Мен нима дейишими билмай ерга қарадим. Аммо қоғозни қўлимга олдим. Директор эса ўзига яқинроқ столда ўтирган ҳалиги одамга мени мақтай кетди:

— Мана шу йигитни яхшилаб таниб ол, босмахонанинг бўлажак хўжайини. Ҳа, соҳамиздаги ўзбеклардан чиқадиган биринчи директор

шу бўлади. Босмахона жамоаси ичидан шу кўкариб чиқяпти. Ишларни беш қўллек билади. Ҳозир бўлим мудири.

Мен директорга ташаккур айтиб, қофозда ёзилган пулни ололмаслигимни айтдим.

— Нимага? — ҳайрон бўлди директор. — Олавер, аслида, эгизакларга атаб мукофот берилади, қонун бор...

— Иккаласиям нобуд бўлди...

— Э, аттанг... шундай дегин... ха, майли ҳаммаси олдинда ҳали... шундай бўлсаям олавер, буйруқ чиқиб бўлган.

— Йўқ, ололмайман, — дедим қатъий ва қофозни директорнинг столи устига кўйдим.

— Кўряпсизми, бу шунаقا йигит, — дея директоримиз ёнидаги одамга қараб кўйди.

— Эй йигит, берганда олавер-да... — деди ҳалиги одам ҳайрон бўлиб.

— Мен ололмайман, — дедим қатъий, гўё «Сиз олишингиз мумкиндир», деган оҳангда.

Директор менга бир қараб кўйди. Мен узримни айтиб чиқиб кетдим.

Халқимиз доно, Шарофжон! Ҳамма гапни олдиндан айтиб кўйган. «Бир ёмоннинг бир яхши томони бўлади» деган гапни эшитганмисан? Ўша одамнинг ўшандай бир ҳолатда менга йўлиққани бир ҳисобда яхши бўлди. Мен ўша кундан бошлаб ўзим билан ўзим кураша бошладим. Яна халқимизда «Ўтган ишга салавот» деган ибора ҳам бор. Ҳа, яхшиликларни эслаб, ёмонликларни орқага ташлаш керак. Яъни бировга нисбатан кек сақламаслик, гина, қасодан холи бўлиш...

Менда шундай бир шайтоний қусур ғимирлай бошлаганини ўша киши билан учрашгандан кейингина билиб қолдим. Ўзи, бу қусур инсоннинг қонида бўлади. Унинг инсон вужудида ўрнашиб, илдиз отиши одамнинг ўзигагина боғлиқ бўлади. Инсон зоти бу қусур билан курашмас экан, у саратон касалидек аъзои-баданини қоплаб олгандан кейин, бедаво дардга айланади. Бундай одам мусулмон санаатни билан кечиримли бўла олмайди, сабр-қаноати суст, кибрҳавоси камтарликдан устун келиб уни асабийлаштиради.

Бўлмаса, қирқ бешинчи йил, сентябрда бўлган воқеадан сўнг неча йиллар ўтиб кетди. Куни ва йили билан эсда қолганини қара. Демак, ўша мени насибадан маҳрум қилган, ишдан ҳайдаб бир бурда қора нондан ҳам маҳрум этмоқчи бўлган одам қиёфаси кечагидек ёдимда сақланиб қолипти. Уни кўриш билан ўша беаёв алам азоби яна ўзини кўрсатди. Мен у пайтда қанчалар кучсиз, најотсиз эдим. Энди эса унинг гирибонидан тутишга кучим ҳам, жасоратим ҳам етиб турарди. У мени танимаганидан суюндим. Шундай бўлса-да, менинг фикримча, у ғалати таассуротда қолди.

Кутылмаганда юз берган ўша воқеадан кейин ўйлай бошладим, Шарофжон, юрагимда яна кимларга нисбатан мана шунаقا гина-кудурат бор?

Бир пайлар катта газеталардан бирининг масъул котиби бўлар эди. Бир куни ўша билан айтишиб қолдик. Нуқул қўлэзмаларни терув цехига хатоси билан топширади. Кимнинг шўри — ҳарф терувчи-нинг шўри, бир марта терадиган матнни уч марта териш керак бўларди. У пайдада ҳозиргидек компьютерлар йўқ эди. Ҳарфлар қўрошиндан куйиларди. Қўрошин эса инсон саломатлигига зарарли. Шунинг учун цехимиз «зараарли» цех ҳисобланар, бизга эса ҳар куни бепул сут бериларди.

Бир куни матнларни термайман деб қайтариб юбордим. Хатоси-ни тузатиб олиб тушсин, дедим. Бу масъул котибнинг иззат-нафсига теккан, албатта. Бир маҳал у ёнимда пайдо бўлиб қолди: «Сенинг ишинг берган матнни териш, хато текшириш эмас, ким бўлдинг, бунаقا гапларни айтасан?»

— Мен сизга мол эмасман, олдимга ташлаган нарсани кавшайдиган, матнни бехато туширсангиз, териб бераман, бўлмаса йўқ, — дедим бўш келмай.

Шу воқеадан сўнг масъул котиб билан бир-биримизга ёвқарашиб қилиб юрардик. Мен ўзимни ҳақ деб билардим, у эса ноҳақлигини тан олгиси келмасди. Тўғри, матнларни бехато туширадиган бўлишиди, шунинг ўзи унинг айбини тан олгани, албатта. Лекин ўрталаги гинахонлик кўтаришмай келаётган эди. Мен биринчи бўлиб муносабатни юмшатишга ўзимни чоғладим ва масъул котибнинг ёнига кириб бордим. У «яна нима гап» дегандек хавотирлик билан менга қаради. У билан кулиб, самимий саломлашдим-да, тушаётган матнларнинг сифатли бўлиб қолганини, хатолари камлигини айтиб, миннатдорчилик билдиргани кирганимни айтдим. Ўшанда иккимиз сал қизишворибмиз, дедим.

Хурпайиб турган масъул котиб хурсанд бўлиб, бирдан чиройи очилиб кетди.

— Ростини айтайми, ука, Сиз ҳақсиз, қанийди, ҳаммамиз ишни бир-биримиздан худди мана шундай талаб қиласак. Ўшандан кейин мен бўлим мудирию, корректорларгача қовуриб ташладим. Босмахонанинг ҳарф терувчи мутахассисича саводларинг йўқми, бизга уят, дедим. Узрни аслида мен Сизга айтишим керак эди... Шу, куриб кеткур сал қалондимоғлигимиз бор-да!..

Кўрдингми, Шарофжон, кечиримли бўлиш қандай гўзал фазилат. Мукофоти ёнида — доимий дилхушлик, ички ҳаловат. Ўзингча душман деб юрган одамингга ҳам кечиримли бўлсанг, сенга дўст бўлиб қолади. Айбини тан олиб, дилини ёради. Ўзимнинг ҳам дилим ёришганини айтмайсанми. Елкамдан бир оғир юқ ағдарилгандек бўлди. Олдин шу кишини цехда кўриб қолмай деб четлаб юрардим. Мана

энди бир оғиз шириң сўз билан олам гулистон бўлди-қолди. Орадаги низо кўтарилди.

Ўйлаб қарасам, бир бош муҳаррир билан ҳам сал тескари бўлиб қолган эканман. Аслида, бунда ҳам мен ҳақ эдим... Босмахонадан, яъни ҳарф терувчиликдан бошқармага кўтаришганда газета ва журнallарнинг чоп этилиши графиги ва қалам ҳақларини назорат қилиш менга юклатилган эди. Қалам ҳақини тўлашда ўттизу етмиш, қирқ олтмиш деган чеклашлар бўларди. Бу дегани ўттиз ёки қирқ фоиз қалам ҳақини таҳририят ходимлари ишлаши мумкин бўлса, қолган етмиш ёки олтмиш фоизини ташқи муаллифлар олиши керак бўларди. Бир журнал таҳририятида ана шу тартиб бузилган эди. Текширувда аниқланишича, ички муаллифлик ҳақи кўпайиб кетган эди. Бу ўз-ўзидан қонунга зид ҳисобланар эди. Натижада, қалам ҳақининг тўлов ҳужжатини ўтказмай, таҳририятга қайта кўриб, тузатиб бериш учун қайтариб юбордим. Муҳаррир дағдаға билан қўнғироқ қилиб қолди:

— Бу ерда ким бош муҳаррир? Сизми, менми?

— Албатта, сиз.

— Үнда нимага мен қўл қўйган ҳужжатни ўтказмайсиз? Биззи имзомиз шу пайтгача юқори ташкилотларда ҳам ўтиб келган, бундан кейин ҳам ўтади, ишонаверинг.

— Бу туришда ҳужжатни ўтказолмайман, қонун бузилган.

— Ҳов, йигит, биззи қўлимиз унча-бунча қонунлардан юқори туради? Билмасангиз, билиб қўйинг!

— Биламан, ака, лекин қонун қўли узунларга ҳам, қўли қисқаларга ҳам бирдек-да. Шунинг учун ҳам қонун!

Телефон гўшаги тарақлаб тушди. Бўлди, эгаллаб турган мансабимнинг умри тугади, шекилли цехимга тушиб, тинчгина ҳарфимни теравераман, яхшиям цехдан оёғим узилмагани, дедим ичимда. Ҳозир бу одам директорга қўнғироқ қиласди-ю... вассалом, аризани ёзиб цехга бораверинг, дейди директор.

Шу воқеадан кейин директоримизнинг менга муносабатини анчага кузатиб юрдим. Бош муҳаррир билан айтишиб қопсанам демади. Сездимки, у директорга қўнғироқ қилмаган. Балки, ҳақлигимни ичидан сизиб, сиртига чиқармагандир. Шундай бўлса-да, орамиздаги муносабат ўша телефон гўшаги тарақлаб тушган аҳволда қолган эди. Тўғриси, у киши мени, мен у одамни йиллаб кўрмаслигимиз ҳам мумкин эди. Аммо тоғ тоғ билан учрашмайди, одам билан одам учрашади-ку. Ҳар қалай, у одамнинг ёши улуғ, ёзганларини ярим дунё ўқиди. Мен у киши қилган ишларнинг ўндан бирини ҳам қилганим йўқ ҳали.

Инсоний бурч ҳақила ўйлаб туриб, у киши билан ҳам рўбарў бўлиб, орани очиқ қилиб олгим келди. Икки одамнинг ўртасида ёпилган эшикни икковидан биттаси очиши керак. Қайсииниси кечиримли бўлиб, эшикни очса, савоб ўшанда кетишини отам кўп уқти-

пардилар. Ниятим холис эканми, хуллас, баҳона ҳам топила қолди. У кишининг навбатдаги китоби босмадан чиққан эди. Босмахонага кириб, бир нусхасини шартта олдим-да, муаллифдан дастхат олиш баҳонасида юзма-юз бўлдим.

— Ҳимм... Келинг, йигит, яна қонун бузилдими? — деди у қўрслик билан.

— Йўқ, ўшандан кейин ҳаммаси жойига тушиб кетди, мана бу янги китобингиз чиққан экан, дастхат ёздириб олай деб кирудим, — дедим.

— Э, шундай демайсизми ука, боракансиз-ку, олинг китобни, дастхат сиздан ўргилсин, — дея кулиб ўрнидан туриб кетди у.

Китобнинг биринчи варагига бир нималарни ёзиб менга узатар экан:

— Бўш келманг, ука, — деб барибир ўша воқеага ишора қилиб қўйди.

Ташқарига чиқиб дастхатни ўқир эканман, ўзимни тутолмай кулиб юбордим. «Қонун йўлида — адолатли қонун талабларини адо этиш борасида ҳеч кимни аямайдиган ботир укамизга...» деб ёзилган эди. Отам раҳматлик бу гапни бошқачароқ талқин қиласар эдилар. «Ҳақмисан, болам, отангниям аяма, Оллоҳ ҳақ томондадир!»

Шундай кунларнинг бирида менга ўша ёғ ва гуруч бермаган киши ишхонамга кириб келди.

— Бўлажак директорга саломлар бўлсин!

Табиий, мен уни ўша гина-кудуратларини эсдан чиқарган ҳолда кутиб олдим. Мен билан боғлиқ ишларини битиргач, хайрлашиб чиқиб кетар экан, тўхтаб менга қаради-да:

— Сен йигит, ҳов ўшандада мени кимгадир ўхшатдинг-а? — деди.

— Нимага ундан деяпсиз?

— Худди фашистга қарагандек қаровдинг-да, бунча заҳар бўлмаса бу йигит девдим. Аслида, бошқача одам экансан. Ипакдек пишиқ, мумдек мулойим.

— Мунофиқлик қилолмайман, сиз ҳаётимда ёмон кўрган одамларнинг биринчиси эдингиз, — дедим шартта. — Яна хафа бўлманг, болалик кўзи билан қараганда-да!

У ҳайрон бўлиб менга тикилиб қолди. Кейин рўпарамдаги стулга қайта ўтириди-да, «гапир» дегандек менга қаради. Мен унга қирқ бешинчи йил сентябрь воқеасини қийнала-қийнала гапириб бердим.

— Эҳ, — деди у қўлини тиззасига уриб ўрнидан туриб кетар экан, — шундай бўлганмиди-а? Ўлай агар, ёдимда йўқ, жудаям хунук иш бўлган экан. Қанчалик аянчли, фикримча, кечириб бўлмайдиган гуноҳ бу... Сендеқ сабр-қаноатли одамдан мен бир эмас, минг марта кечирим сўрашим мумкин. Ҳа, сен мени кечиришинг ҳам мумкин, барибир ўрнига тушмайди. Сентябрь, сентябрь... қирқ бешинчи йил! Энди бу сана ҳам менинг юрагимга ёзилиб қолди... Ноумид шайтон, вақти келиб, директор бўлиб, турли вазиятларга дуч

келганингда мени кечиришингга аминман, — деб хайрлашиб чиқиб кетди.

Шарофжон болам! Одам чинакам инсон бўлиши учун қалбидаги адоватни сўндира олиши керак, ҳа, энг аввало, шу қусурни сўндиришнинг уддасидан чиқиши зарур. Гина ва адоватнинг катта-кичиги бўлмайди. Унинг тагида қасос деган ёвуз ният ётади. Қасоснинг зиғиртагиям, тоғдагиям бора-бора инсонни ўлдиради. Заҳарнинг мисқолиям барибир оғу-да. Одатда, адоватсиз одамнинг ҳамиша йўли равон бўлади. Ишлари юришгандан бир умр юришаверади, омади чопаверади. Боиси, аввало, бундай инсонни Яратган доим қўллайди. Ҳа, У доим кечиримлилар тарафида бўлади. Фақирлик, мусулмонликнинг иккинчи бир томони борки, бундай инсондан дўстлари умидларини узуб нари кетмайди. Иш юзасидан, муомала борасида бирон-бир муаммо содир бўлиб ўтса-да, «Ҳа, уми, у мусулмон одам, кўнглида кир сақламайди», деб бирпасда боягидек бўлиб кетаверади. Иймон-эътиқодли инсонлар ҳеч гина-кудурат сақламай эшикни тақиллатиб кириб келаверишади. Сендаги бу олий фазилат нафақат дўстларингни, балки, душманларингни ҳам сенга яқинлаштириб, дўстлаштириб кўяди.

Бунинг учун асл инсон доимо кечиримли бўлмоғи керак, Шарофжон. Кечиримли бўлишнинг ҳам чегараси бордир дерсан? Йўқ, болам, йўқ! Кечиримлиликка чегара йўқ. Ҳатто жонингга қасд қилган одамни ҳам кечира олишинг керак. Бундай фазилат мўмин-мусулмоннинг асл белгисидир.

Сизда ҳеч шунаقا ҳол бўлганми, дерсан?

Бўлганда ҳам қандоқ. Амал кетидан қувган бир кимса мен билан қасдлашиб қолди. Хўш, аввало, амал кетидан ким қувади? «Амалга ўтираман-у, бойликлар эшигини бемалол очаман, айтганим айтган, деганим деган, пичофим мой устида бўлади, мен ҳаммадан устун бўламан», деб ўйлайдиган одам. Ўз қадр-қийматини билган шундай инсонлар борки, улар ҳеч қачон мансабнинг кетидан қувишмайди. Аксинча, мансаб уларнинг кетидан қувади. Бундайлар акл-идрокли, қобилиятли бўлишади. Бунаقا одамлар нафсини эмас, ишнинг ижобий оқибатини ўйлайдилар ва иш орқасида турган кўпчиликнинг манфатини кўзлайдилар.

Менга соҳ қазимоқчи бўлган одам бунаقا тоифадан эмасди. У қонунни суиистеъмол этиш ниятида мен билан қасдлашиб қолди. Мумкин бўлмаган ноқонуний ишларга йўл очиб беришни мендан соҳ талаб қиладиган, соҳ сўрайдиган бўлиб қолди.

Ўша даврда мен унга нисбатан икки баробар ёшни ҳам яшаб қўйган, одамнинг гап-сўзи, юриш-туришини кўриб аниқ хulosага кела оладиган ёшда эдим. Бир баҳсли учрашувда у менга: «Ким бўпсиз, нари борса, битта босмахонанинг бошлиғисиз-да» дегандек нописандлик билан муомала қилди. Яна иложи бўлмаган бир неча ишни ҳал

этиши мендан талаб қилди. Сўзсиз, мен ётиғи билан бўлмайди, иложи йўқ, дедим. У ўзини келажакда йирик лавозимлар кутаётганини башорат қилиб, ўртага анча-мунча нуфузли одамларни қўйиб ҳам гапини ўтказмоқчи бўлди. Барibir иложи йўқ, бу талаблар файриқонуний, дедим. Вақти келиб бу ишингиздан пушаймон бўласиз, деб пўписаям қилиб кўрди. Мен виждоним унамаган ишни қилиб шу пайтгача пушаймон бўлмадим, Худо хоҳласа, эндиам пушаймон бўлмасам керак, дедим.

Орадан кўп ўтмай, «фалончи фалон амалга минар экан» деган гап тарқалди. Шарофжон, билиб қўй, кўпинча бунақа миш-мишларни ўша фалончиларнинг ўзлари тарқатишиади. «Мени фалон ишга мўлжаллашяпти, йўқ деб турибман» деб, катталардан бирининг номини тилга олади. Биладики, эшитаётган бу одам ўша каттадан шундайми деб сўролмайди. У унга, униси бошқасига айтгач, амалга мишишнинг ўзига хос шамоли эсиб қолади. Баъзи калтафаҳмлар, сувни кўрмай этик ечадиганлар ҳалиги фалончининг атрофида гирдикапалак бўлиб қолишади. Уларнинг ҳам мақсади битта: у амалга минса, ёғлироқ жойни эгаллаш, жилла қурса, эгаллаган мансабида муқим қолиш.

Бундай миш-мишлардан фалончи бўлмиш шахс жуда унумли фойдаланади, йўқ ваъдаларни бериб атрофдагиларни «соға» бошлайди.

Мен билан ўчакишиб қолган муттаҳам худди шу йўлдан борди. Лекин «нафси ёмон ҳайитда ўлар», деганларидек, нафси жудаям ҳакалак отиб кетган эканми, «Ҳалитдан фалончидан фалонча опти, фалончини фалончага туширибди», деган гаплар ҳам қулоққа чалиниб қолди.

Ўйламай айтилган гап бамисоли бемаҳал қўзғалган шамол. Шамол учун игнанинг тешигича тирқиши бўлса бас, йўл топилади. Мишмиш ҳам худди шунақа. Шоҳнинг ҳам, гадонинг ҳам қулоғига зумда етиб боради.

Хуллас, ҳалиги гирром одам қўзлаган амалига минолмади. Мен кўпларни кузатганман, бунақа йўллар билан камдан-кам одам мақсадига эришган. Ахир, Оллоҳ барини кўриб туради-да. Аммо, у ғаламис бу муваффақиятсизликларини ўзиданмас, мендан кўрди. Ҳа, шу одам мени кавлаштирган ва маълумотларни юқорига етказган, бўлмаса, мен амалга минсан ўзини тинч қўймаслигимни билган, деган бемаъни хаёл миясини кемирган. Агарда ўзи бундай аҳволга тушса, худди шундай пасткашликка борган бўларди. Шунинг учун ҳам мени ўзига ўхшатган!

Бир куни ишга кетаётсам, одамлар кўчани тартибсиз кесиб ўтадиган, гавжум жойда ўша одам машинага тўхтант дегандек ишора қилиб қолди. Машина тўхтади-ю, мен ўтирган жойимда у билан гаплашишни ўзимга эп билмай машинадан тушдим. Мусулмонмиз,

күл бериб сўрашдим. Ахир, ёқавайрон бўлиб уришмаганмиз. Орамизда нима гаплар бўлса, бари телефон орқали бўлган. Шу пайт машинага ўрнатилган фавқулодда сирена чалиниб қолди-ю, мен эътибор бермаган икки барзанги одамлар ичига қараб қочишиди. Ҳайрон бўлиб шофёрга қарадим.

— Ҳа?

— Анови иккови Сизга ташланмоқчи бўлиб турганини ойнадан кўриб қолдим...

Ўғирилиб қарасам, рўпарамдаги одам бўздек оқариб турибди:

— Мен уларни билмайман, танимайман, Худо ҳаққи, — деб ўзини-ўзи фош қилиб қўйди.

Сиренани эшитган шу атрофдаги милиционерлар ўша заҳоти етиб келишиди. Мен уларга:

— Манови одам менга суиқасд қилмоқчи бўлди, олиб боринглар бўлинмага, ёллаган одамлари қочиб кетди, — дедим.

Қара, Шарофжон, қасд қилмоқчи бўлганлар атайлаб одамлар гавжум, талатўп жойни танлашган. Бундай жойда бирор эътибор беради, бирор бермайди, ғаламисларнинг қочиб кўздан гойиб бўлишлари ҳам осон. Ҳатто шофёр ҳам ғафлатда қолиши мумкин-да. Кўпчилик чалғитади-да. Лекин Оллоҳга минг шукурки, шофёрнинг кўзига ўша машина ичидаги бир парча кўзгу орқали хавф ва хатарни кўрсатган.

— Туя кўрдингми? Йўқ! — дедим шофёрга. — Ҳайда ишхонага.

Ишхонага боргач, ҳалиги кишини олиб кетиши мумкин бўлган жойта қўнғироқ қилиб, воқеани ҳужжатлаштириб, қўйиб юборишларини айтдим. Ҳа, у ҳеч ёққа қочиб кетолмас эди. Қолаверса сақлагувчи Оллоҳ-ку, малъун ниятига етолмади-ку. Лекин уни бу аҳволда қолдириб ҳам бўлмасди...

Шу куни тунги ўн бирларда бир нозик одам қўнғироқ қилиб қолди. Мен билан шу тобда учрашмоқчилигини, уйга келаётганини айтди. Ҳайрон бўлдим.

Келди-ю салом алиқдан кейин бугунги бўлиб ўтган воқеадан сўз очди.

— Сизга ким айтди? Бу воқеани шофёр, ўша ғаламис ва мендан бўлак ҳеч ким билмайди.

— Менга ғаламиснинг ўзи айтди.

— У билан танишлигингиз борми?

— Бор эди...

— Билмас эканман.

— Ўртага тушинг, итлик қилдим, шайтон йўлдан урди, шунчаки пўписа қилмоқчи эдим деб, йиғлаб келди.

— Сиз нима дейсиз?

— Биламан, Сиз мен ўртага тушмасам ҳам кечворадиган одамсиз. Кўйиб юборибсиз-ку, шу кечганингиз-да.

— Ҳали даъводан кечиши-кечмаслик ҳақида ўйлаб кўрмаган эдим. Лекин Сиз келибсиз, майли, Худога солдим, Ўзи жазосини берсин...

— Яшанг, менам унга шундай деган эдим, фикримиз бир жойдан чиқди.

Кўрдингми, Шарофжон, бунақа одамлар кимларни ўртага қўйиб ишни битириб, тинчгина яшашни ҳам билишади. Ҳўш, бунақа одамларнинг фожиаси нимада? Диққат билан қулоқ сол. Ўша киши нафс йўлида муккасидан кетиб, ишдан ҳайдалиб, аввалги партиясидан воз кечиб, янгисига кирди. Ҳа, улар у ёки бу партияяга амал учунгина кирадилар. Амал деганда одамларниям, партиясиниям сотади. Демак, бундайларда уят, номус, эътиқод ҳам бўлмайди. Уларнинг эътиқодлари текин бойлик ва мансаб. Қалбларида ҳамиша шайтон васваса қилиб туради.

Яна бир айби — амал курсисига пастдан кўтарилишни эмас, юқоридан тайин бўлиб келишни хоҳлади. Ҳа, порахўр нопок одамларнинг ёрдами билан амалга эга бўлмоқчи бўлади. Лекин бунақа амал ҳамиша омонат бўлади. Чунки, бунақа амалпараст одам нопок йўл билан қаерга келса, ўша ер учун ёт саналади. Сабаби, жамоа уни тан олмайди. Бунақа анъана кечаги советлар даврида урфга айланган эди. Бошлиқлар аксари юқорининг тавсияси билан ишга тайинланарди. Сайлов, жамоанинг фикри деган гаплар иnobатга олинмас эди.

Қайси раҳбар зўр, билимдон бўлади? Йиллар давомида ишлаб, ўша жамоадан ўз ақл-заковати, билими, фидокорлиги билан етишиб чиққан бўлса, катта-кичикка ғамхўр бўлса, ишнинг кўзини билса, жамоа ҳам унинг қанақа одамлигини беш қўлдек билса, бундай кишиларни кўпинча ўрнидан силжитиб бўлмайди. Чунки, унинг илдизи жуда чуқур, уни жамоанинг ўзи қўллаб-кувватлаб, маҳкам ушлаб туради. Юқоридан тайин этилган одамни хоҳлаган вақтида юқорининг ўзи олиб ташлайвериши мумкин. Аммо жамоанинг ўзидан чиққан, айни пайтда жамоа танлаб қўйган раҳбарларни юқоридагилар хоҳлагандга ҳам олиб ташлашга журъат этолмайдилар. Жамоа билан келишишга, ҳисоблашишга мажбур бўладилар. Албатта, аввал боши Оллоҳдир. Кишининг насибаси бир жойдан кўтарилса, арзимаган сабаб билан ишдан кетиши ҳам мумкин. Лекин одам боласи инсофли, диёнатли, фидокор, камтар бўлса, бундай инсонни Ўзи қўллаб туради. Ана ундан қабиҳларни бўлса, тақдир сувга олиб боради-ю, суформай жойига обкелиб қўяди. Лекин улар иши юришмаганини Оллоҳдан деб билмайдилар, балки ҳар кимдан тумон қилиб юраверадилар ва қасд қилиш йўлига ҳам ўтадилар.

Раҳбарлик нима? Санъатми, меҳнатми? Роҳатми? Ҳамма нарсага эга бўлишми? Бошқалар устидан ҳукмронликми? Йўқ, менинг суюкли неварам, минг бора йўқ. Фидокор, эътиқодли, иймонли, чин раҳбар ердамас, бамисоли дорбоздек дорнинг устида юради. Одамлар

нима учун дорбознинг ўйинини жон деб томоша қилишади? Чунки ҳамма ҳам дорбозга ўхшаб ўз санъатини намойиш этолмайди. Раҳбар ҳам худди шундай. Ўзи бошқараётган жамоани одамийлик, ғамхўрлик билан ўзига қаратса олиши, жамоанинг ишончига, ҳурматига сазовор бўлиши керак. Дорбоз учун арқон бир йўл. Йўл бўлганда ҳам ҳар бир суями ҳисоб-китобли йўл. Пичоқ тифидек омонат, ҳавфли ва хатарли йўл! Салгина мўлжалдан адашса, у ёғи — асфаласофилин.

Дорбозлар арқонга чиқар эканлар, жонидан кўрқмайдилар, балки шарманда бўлишдан чўчийдилар, раҳбар эса бундан ҳам нозик бўлган жамоанинг тақдирини ўйлаб жонсарак бўлади.

Дорбозлар дорга чиққанда фақат ўзини ўйламайдилар, балки бутун дорбозлар сулоласини, бу оламнинг шаъни ва шавкатини ўйлайдилар.

Раҳбар ҳам худди шундоқ бўлмоғи керак.

Дорбознинг арқон устида мувозанатни бирдек сақлаб, эмин-эркин ҳаракат қилишини таъмин этадиган нарса унинг лангар чўпидир. Дорбоз чўпни тўғри ушламаса, ё чапга, ё ўнгга босиб кетиб, мувозанатни йўқотиши табиий.

Тойиб кетиши... фожиа ана шундан кейин юз беради...

Хўш, раҳбар одам, модомики дорбоз бўлмаса ҳам, айрим нозик ҳаракатлари билан унга ўхшар экан, унинг лангар чўпи нима?

Ҳалоллик, бироннинг ҳақини емаслик, амалини сунистеъмол қиласлик, беҳудага қўл остидагиларнинг дилини оғритмаслик, каттадир, кичикдир барчага баравар ҳурматда бўлиш ва инсониятнинг асл қадриятларига содик қолишдир.

Мана шуларнинг барчаси раҳбар бўлган ва келажакда раҳбар бўладиган кишиларнинг лангар чўпидир, Шароффжон. Раҳбар ҳам худди дарбоздек ҳар бир қадамини ўйлаб босиши жоиз. Бу азобми, йўқми?

Ҳа, ана шу азобларга чидаган одамгина раҳбарликни санъат даражасига кўтара олиши, обрў-эътибор орттириб, ҳурмат топиб, жамоа ишончини оқлаши, уларни тобора истиқболга томон етаклаши мумкин. Раҳбарлик ҳамма нарсага эга бўлишми, дедик, а??

Йўқ, менинг суюкли неварам, — ҳамма нарсадан: ўйин-кулгидан, хоҳлаганингда тўй-томушага бориш, дам олишдан мосуво бўлишидир.

Раҳбарлик худди серфарзанд отанинг кундалик ғамига ўхшайди.

Кўпчиликни ўйлаган раҳбарнинг еган-ичганида, ётиш-туришида, уйқусида ҳаловат, тинчлик бўлмайди. Бундай беҳаловатлик учун ҳеч ким айбдор эмас, вазифа шуни талаб этади. Инсон бора-бора бундай ҳаётга кўникади, йўқса, ҳаёт оқимидан четга чиқиб осойиштароқ иш қидиради.

Ишхонанинг қайсиидир бир оғриқ дарди: (ишхона борки, бу нарса бўлади) бир-бировининг устидан ёзиши дейсанми, ташмачилик

дайсанми, етишмовчиликми, ҳасалгўйликми, нодонликми, шуларнинг бири бўлмаса иккинчиси юрагингнинг бир чеккасини кемириб, хайларни оғдириб туради.

Кўпнинг фаровонлигини ўйлайдиган чин раҳбар ҳамма дам олиб, бола-чақасини бағрига босиб, телевизор қаршисида ўтирганда у, беминнат меҳнат оғушида бўлади.

Яна фалончи каттаконнинг боласи ўзига ўхшагани билан феълатвори ўхшамайди, эркатой, ўйинқароқ деб маломат ҳам қилишади, чунки у эрта кетиб, кеч келгани учун ҳам тарбия онанинг бўйнида қолиб кетади, онанинг меҳри дарё... бола унинг бағрида хоҳлаган тарафига қараб сузади. Истаган кўчасига кириб чиқади.

Мен аданг раҳматлик билан, амакиларинг, амманг билан жиддийроқ машғул бўла олмаганим, атайлаб турли томошаларга, табиат гўшаларига, ўзим ўқиб, илм олган даргоҳларга, уларни келажакда кутаётган илмгоҳларга олиб бормаганимга, гоҳо-гоҳо ачингандек бўламан.

Балки ана шу ёзаётганим кечиккан отанинг, тарбияда мен ўзим хоҳлаган, тўлақонли тарбияни назарда тутяпман, армонлари, пушаймонларидир, Шарофжон!

Мен энди ўз ҳаёттий таҳирларимни невараларим ҳаётига киритмоқчи, шу билан таскин топмоқчи бўламан, афсуски, неваралар ўз ота-онасига интилгани каби бобосига интилмас эканлар, барибир улар иккинчи бир дарахтнинг меваси эканлар ва ўша шоҳга ёпишар эканлар... Бу гапларимнинг кимга алоқадорлигини сен аниқроқ сезасан, ўзингни билмаганликка оласан. Бўлмаса, топширилмаган имтиҳонларинг борлигини онандан, мендан, амакиларингдан сир тутмасдинг.

Оғриқ ҳиссиётта берилиб, муаммолардан азоб чекиб, асосий мақсад, отанг Алишернинг хур хулқи, теран билими билан боғлиқ бўлган хотиралардан чалғиб кетдим-а, Шарофжон.

Раҳбар одам хушёр бўлмаса, ишни деб нафақат бола-чақасидан, балки, қариндош-уруғи, ёшлиқдаги ёр-биродарлари, маҳалла-кўйидан ҳам узоқлашиб қолиши ҳеч гап эмас. Аммо ҳаёт ундан огоҳ бўлишни кутади.

Ахир боласи билан машғул бўла олмаган одамнинг қариндошуругиникига боришга, тўй-маъракада кунлаб хизмат қилишга вақти бўладими? Ноҳуш воқеа юз бериб қолса, ноилож боради, ўшандаям иғнанинг устида тургандек туради, кўпчилик олдидага ўзини гуноҳкордек сезади.

Одам кўпнинг хизматини ўрнига қўйиш учун хоҳлайдими, хоҳламайдими, яқинларидан, қадрдонларидан узоқлашади — ҳаёт лаззатидан, ширин кайфиятлардан мосуво бўлиши шудир менинг узоқсафарларни кўзлаётган неварагинам.

Раҳбарлик бу — бошқалар устидан ҳукмронликоми, айтганини амалга ошириш, ҳаммага сўзини ўтказиш, ходимларни измида маҳкам ушлаб туришми? Асло! Раҳбарликни қулчилик, ҳалимлик, мутелликка тенглаштириш ноўриндир.

Раҳбар асл, одил бўлмоғи ва одатий ботиний ҳисни ҳамиша ўзи билан доим олиб юрмоғи лозим, акс ҳолда, у кўпга валломат бўла олмайди.

Такрор айтаман, раҳбар кўпчиликнинг қулидир. Шуни сезсагина, жамоасининг қалбитга кириб боради ва кўпчиликнинг ишончига, ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлади.

Бунақа раҳбарлар эгаллаб турган ўринлари каттами-кичикми қатъи назар, лавозимда узоқ ва муқим ўтирадилар. Ўзи ва бошқараётган жамоа бир тан, бир жонга айланиб кетади, этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, уларни ҳам ажратиб бўлмайди, бундай жамоа ҳар хил шайтоний ўйинлардан йироқ бўлади, ифвогарларни ёнига яқинлаштиромайди.

Мана, баъзи бир дилғашликлар баҳона — кўнглимда йигилиб қолган насиҳатларни ва айтмоқчи бўлган гапларимни тўкиб солдим, Шарофжон. Ҳаётдан орттирган тажриба ва ўгитларим фақат сенгагина эмас, барча невараларимга бирдек ҳаётий йўлланмадир.

Бу гапларни айтиётганимда ҳам, ҳар галгидек сезиб турибман, сен, мана шу ҳикояларим орасидан битта саволингга жавоб ахтардингу, унга жавоб топа олмадинг, агарда берган саволинг эсингда бўлса, гапимга тушундинг, деган умиддаман.

## «ҚАЙТАР ДУНЁ» ДЕЙДИЛАР

**III** арофжон ўғлим, билгинки, бу дунёдан нимаики олсанг, барини қарзга оласан! Яхшилик қилсанг ҳам, ёмонлик қилсанг ҳам. Бу — қилган амалларинг ўзингга қайтади дегани. Фақат қачон ва қай йўсинда қайтишини бандаси билмоққа ожиз. Бу биргина Оллоҳга аёндир. «Қайтар дунё» деганлари шу. Мен буни умрим давомида кўп кўрдим, кузатдим. Ҳар гал боши берк қўчага кириб қолсам, кутилмаган жойдан нажот етиб келганда бир ривоят ёдимга тушаверади, кулоқ тут:

Бир подшо бўлган экан. Унинг яккаю ягона ўғли дарёда сайр қилиб юрганида кема ҳалокатга учраб гарқ бўлиди. Ҳукмдор аза очибди. Орадан қирқ кун ўтгач, шоҳга хушхабар келтиришибди. Ўғли тирик эмиш. Подшо дунёга қайта келгандек бўлиди. Бугун юрт енгил нафас олиди. Ахир, мамлакатнинг валиаҳдсиз қолиши ҳазилакам ташвишми?

Валиаҳдни қутқарган балиқилар шоҳдан катта инъомлар олишибди. Шоҳ эса ўғлидан қирқ кун қаерда, қай тахлит яшаганини сўрабди. Шаҳзода дарё бўйидаги қоронғу камарда яшаганини, ҳар

куни битта нон сувда оқиб келганини, ўшани тамадди қилиб кун ўтказганини сўзлаб берибди.

Шоҳ бу сирнинг замирига етмоқчи бўлибди. Мулозимлар бир ўтинчи чолни тутиб келтиришибди. Ўтинчи қария ҳар куни учта нонни белига боғлаб ўтинга чиқар, биттасини балиқлар есин деб дарёга ташлар экан.

Шоҳ бу сахий ўтинчининг бошидан тиллалар сочган экан.

Халқимизда «яхшилик қил, дарёга ташла, — балиқ билмаса Холиқ билади», деган нақл бор. Холиқ — буюк қудрат эгаси Оллоҳнинг сифатларидан биридир, болажоним.

Отанг раҳматликнинг ҳаётида ҳам худди шунга ўхшаш бир воқеа бўлганди. Ўшанда мен юрак хасталиги билан оғриб, ҳали оёққа туриб кетмаган эдим. Валентин Акимович Архангельский деган қадрдон дўстим бор. Москвада чиқадиган «Известия» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари эди. Шу одам ўғлини уйлантирадиган бўпқолди. Тўйга боришим керак. Узримни айтиб, ўрнимга адантни жўнатдим. Адангни самолётга чиқариб юбордим-у, кўнглим хижил бўлиб қолди. Унинг кетар куни негадир кўнгли айниганд, рангida ранг йўқ, бир аҳволда эди. «Бирор ёқмайдиган овқат еб қўйдим шекилли, ҳаво алмашса ўтиб кетади», деб бизларни тинчлантирган бўлди Алишер.

Тун ярмида қўнгироқ бўлиб қолди. Москвадан. Нотаниш одам. У аввалига ўзини таништириди. Эсладим. Бир неча йил муқаддам дўстим аллома Наби Мажидовнинг шогирди бўлган, ундан иш-амалиёт ўрганиб Москвага кетган наяқирон тиббиёт олими — Роберт Амосянц эди. У билан Наби Мажидовникида танишиб қолган эдик. Уйимиздаям бир неча бор бўлган. Нимага тун ярмида унинг эсига тушиб қолдим экан, деб хавотирга тушдим. Балки Тошкентта келадиган бўпқолгандир деб турсам, у мутлақо ташвишли гапни айтди. У сеқингина, «Это судьба, Бог есть» деган гапни қўшиб қўйди. Мен: «Роберт, тезроқ гапир, тинчликми ўзи?» десам, «Ҳа, ҳозир тушунтираман, қўрқманг», деди.

Аданг раҳматликнинг самолётдаёқ мазаси қоча бошлабди. Яхши одамлар кўлидан келганча дори-дармон қилишибди. Тўйда ҳам кўнгли бехузур бўлиб, ўтиромапти. Ўзи илгаритдан қорни оғриб турар эди. Яна шу дард хуруж қиляпти-да, деб бепарво бўлаверибди болам. Аммо унинг ҳолини кўрган мезбон бефарқ бўлмаган, тезда шифохонага олиб борган. Кўричак деб ташхис қўшишибди.

Бироқ шу тобда адангга азоб берадиган дард бирдан чекинган. Алишер операцияга унамаган. Шунда жарроҳлик бўлими йўлагидан ўтиб бораётган Роберт тасодифан менинг фамилиямни эшишиб қолган. Фамилия таниш-ку, деб жарроҳлик хонасига мўралаган ва Алишерни таниганд. Аҳволни кўргач, ўзи операцияда қатнашишини айтган. Аданг барибир кўнмаган.



Ҳаёт мендан аямади неъматларини...

Аёлим Сонияхон,

үгилларим: Алишер, Фанишер, Баҳром, қизим Гулнора.



Бир кам дунё деганлари шу экан-да.

Афсус... Алишер билан бўлган хушнуд дамлар

фақат суратлардагина қолди...



**Оний лаҳза...**  
Алишернинг умр йўлдоши Нафисахон  
ва набирам, китобимиз қаҳрамони Шароғжон.





Ёлғыз әдік күп бўлдик, палак ёздик — тўп бўлдик...  
Үрганча уелим Фанишер рафиқаси  
Нодирахон ва фарзандлари билан.





Түкин дастурхон.



Болалар бир-бирларини күтариб,  
суюб улгаядилар. Илоҳо бундан буён  
ҳам шундай бўлишсин.



**Набираларим: Саидахон, Зиёдахон,  
Фарҳоджон ва Сарваржонлар бамисоли шудринг  
томчиларига ўхшайдилар. Ҳаётлари  
ҳам шундай мусаффо бўлсин.**



**Набирам Фуломжон менга ўхшашни  
орзу қиласди. Иш столимга ўтириб суратларга  
тушади. Илоҳи нияти йўлдоши бўлсин.**



Бахтиёр дамлар.



Кичкина Алишер.  
Алишернинг номи учмасин деб  
бир набирамга шундай исм қўйдик.



Китобдати «От изини — той босар» лавҳасига илова. Женева шаҳри. Набирам Фарҳоджон «Юқори сифат учун» Олтин медали билан Дипломни менинг номимдан қабул қилиб оляпти.





Пири бадавлатлик.



— Тушунинг, Ислом ака, — дерди у телефonda куйиниб, — Алишер ёшлиқ қиляпти, оғриқ қолди деб алданяпти, кўпинча кўричак ёрилиб кетса шунаقا бўлади. Лекин дард салда ўзини кўрсата бошлайди, унда кеч бўлади, кеч...

Мен Алишерни телефонга чақириб, дўхтирлар беҳудага ташвиш чекишишмайтганини, қолаверса Парвардигорнинг ўзи Москвадек улкан бир шаҳарда ўйимизда туз-намак бўлган одамни унга рўбарў қилганини айтдим.

Тонгга яқин Роберт тагин телефон қилди. Мен ҳам, бувинг ҳам бедор, тун бўйи мижжа қоқмаган эдик. Айтганларидаи, кўричак ёрилиб, заҳар танага тарқай бошлаган экан. Операция икки соатга чўзилибди, хайрият, ажал чекинибди...

Бу воқеаларни бизга санъаткор Рафоат Кучликова айтиб берди. Тўйчишларнинг яқин кишиларидан бири бўлганлигидан у ҳам тўйга борган экан. Айтишича, Алишер билан самолётда бирга кетишибди. У касалхонага тушгач, ёнидан жилмабди. Алишер бир ойча Москвада касалхонада ётганда шу ажойиб инсон унга дардкаш бўлибди. Тошкентга қайтгач, ўйимизга келди, оиласизнинг яқин кишиси бўлиб қолди.

Ана кўрдингми, дарёга ташланган ноннинг балиқлардан ортиб, валиахдга етиб боргани-ю, аданг раҳматликнинг Робертга учраб қолгани... Бунаقا пайтларда Бируборнинг ўзи бандаларига кудратини намойиш қилиб кўяди. «Сенга тошкентлик бир одам мусофиричиликда ёрдам қўлини чўзган эди, уйида туз-намак бўлган эдинг, энди, сен ҳам инсонлик вазифангни адо этгил, яхшилигига яхшилик қайтаргил», деб кўнглига солади Парвардигор.

Мана шу гапларнинг мағзини чақин, Шарофжон болам. Кўлингдан келганча фақат яхши амалларнинг пайидан бўлгин. Ҳа, ким бўлмасин, яхшилик қилгин. Кўлингдан бера олмасанг, ширин сўзингни аяма. Шунда сенинг орtingдан фақат яхшилик қувиб юради. Кутимаган жойларда, айниқса, мусофиричиликда Оллоҳнинг инояти етиб келади сенга. Тангри таоло айтар экан, эй бандам, кўлингдан келмаса ҳам, биродарингга яхшиликни соғин, мен сенга шу ниятинг учун яхшилик қилганлик савобини бераман... Қара, яхшиликнинг кудрати қанчалар улуғ экан... Отанг раҳматлик савобга дохил инсонлардан эди. Оллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин!

Шарофжон болам, сенга куйиб-пишиб уқтираётгандарим — қайтар дунёнинг яхшилик аломатлариdir. Лекин, кимки ҳидоят йўлидан тойиб, нафс бандасига айланса, ёмонлик, қабиҳликка бўйин берса, эрта бир кун қилмишига яраша жазо ҳам олади. Шу маънода, мавриди етганда Оллоҳ тўғри йўлдан кетмаганларга ҳам қайтар дунё бор эканлигини эслатиб-эслатиб туради.

Болам, сенга бир пайтлар нопок инсонларнинг хусумати билан қадрдан ишхонамдан кетиб, тўрт ярим йилadolat дамларини кутиб яшаганимни сўзлаб бергандим. Энди ўша кезларда тухмат

оқибатида юз берган бу воқеаларнинг сабабларини сенга айтиб бермоқчиман.

Билсанг, ўғлоним, мени «кувғун қилиш»нинг тегасида Марказқұм котибаси турарди. Унинг топшириғи билан уюштирилған текширтекшир, сўроқ-сурештириш, таъқиблардан бошим чиқмай қолди. Айниқса, Марказқұм парткомиссиясининг йўриқчиларидан бири бу ишда «жонбозлик» кўрсатар эди. Эртаю кеч ҳоли жонимга кўймасди. Соҳамизнинг «с» ҳарфини билмайдиган бу бадкирдор тирноқ остидан кирқидириш билан астойдил шуғулланарди. Лекин бирор жўяли камчилик ёки нуқсон топа олмай хуноб эди, бечора. Кейин билсам, мағкура котибаси унга: «Агар Шоғуломовни ишдан кетказадиган фактлар топсанг, бирор районга катта қилиб жўнатаман», деб ваъда берган экан. Уям, бошқалариям бундай фактлар, яъни камчиликларни топа олишмади. Шу ўринда, болам, сенга бир гапни айтишим керак: агар инсон ўзига тўғри, ишига пухта, ҳалол бўлса, ҳар қандай текшириш орқали ундан камчилик топиб бўлмайди. Ҳа, қаддимни этмоқчи, гуруримни синдиримоқчи, ўзларидан ҳамият сўрашга мажбур этмоқчи бўлишди. Ишдан четлатишганда, Марказқұм бюроси тугагач, кетаётib... ўша йўриқчининг кувончдан йилтираб турган кўзларига қараб шундай дедим:

— Кўзлаган ниятингга етдинг. Лекин ҳалол одамларга отган тошинг бир кун кўзингни кўр қиласди.

Ўша дамда у гапимни эшитмас, хаёлан мансаб пиллапояларида қанот қоқарди. Шундай бўлди ҳам. Марказқұм топшириғини улар хоҳлагандек «дўндириб» бажаргани учун уни Қашқадарёдаги районлардан бирига каттакон этиб жўнатишди. Кейин Жizzах вилоят партия қўмитасига бўлим мудири бўлиб келди. Ниҳоят, шу вилоят котиби бўлди. Айнан шу ерда унинг ҳақиқий башараси чинакамига очилди. Қонунга хилоф йўл билан бойлик ортиримоқ ниятида нотаниш одамларга пахта сотиш ишида бош бўлганлиги аниқланади. Лекин олган пулни қайтаришини талаб қилган хорижлик харидор-мижозини ёлланган қотиллар қўли билан ўлдиртириб юборади. Қинғир ишнинг қийиги қирқ йилдан кейин чиқиши табиий. Жиноят фош этилиб, у 15 йилга қамалиб кетди. Судда охирги сўзни беришганда: «Қилмишими яраша жазо олдим. Айбимга иқрорман. Лекин бир кишига нисбатан қилган қабиҳлигим, айбим бўйнимда кетяпти. Ўша ҳақсиз жазоланган инсон бюородан кейин «ҳали кўр бўласан» деган эди», дея афсус-надоматлар чекибди.

Шарофжон, жондек азиз неварам, кўрдингми, қайтар дунё деганларини. Яхшилик қилсанг — яхшилик, ёмонлик қилсанг — ёмонлик қайтади. Оллоҳ буюклир, унга асло шак келтириб бўлмайди. Бунинг маъносини чақиб олсанг, ҳаётда ҳар доим огоҳ яшайсан. Бу улуғ ҳақиқатни асло унутмагил, ўғлим.

Хабаринг бор, яқинда Жizzахда бўлиб, ўша — отангни бағримдан олиб кетган фожиани бир оз бўлса ҳам юмшатиб, ҳалок бўлган

қариндошлар, дўстлар Алишер, Эркин, Равшанларнинг мурдалари-ни мусулмончасига ўраб-чирмаб Тошкентта жўнатиб, менга таъзияси ва ҳамдардлигини одамийлик билан адо этган дўстим Ўкта Зокирович Олимовнинг 60 ёшлиги тўйи билан кутлаб, унга комиллиги, одамийлиги, одиллиги, солиҳ мусулмонлиги учун миннатдорчилигимни билдириб келдим.

Халқимизга хос оқибатлиликни ҳаммага бирдек намоён этадиган бу инсон бизнинг оғир кунимизда яради. Ҳали танаси совимаган марҳумларга исломий ва инсоний расм-русларни адо этиб, Тошкентта юборди.

Мен тўйда дўстимни табриклаб: «Сиз, менинг оғир кунимда бир оз бўлса-да мусибатим, дардимни ентиллатдингиз. Илоҳим, мен Сизга фақат яхши кунларингизда хизмат қиласин», дея ният қилдим, дую қилдим.

Ана шунаقا гаплар, болажоним. Ҳамиша одамларга яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам асқотиш пайида бўлгил. Шунда ҳеч қачон ёлғизланиб қолмайсан, атрофингда ҳамиша пок ниятли инсонлар бўлади. Сени фақат шундай кунларингда кўрайин, Шарофжон.

## ҲАММА ТОЙ ҲАМ ОТ ИЗИНИ БОСМАЙДИ

**Ҳ**озир мен сенга ўзинг берган бир саволни эслатаман-да, унга ҳам жавоб беришга уриниб кўраман.

Сен, бир куни сухбатлашиб ўтирганимизда: «Адам тирик бўлганларида, вақти келиб ўрнингизга ўтириб, севган ишингизни давом эттирамидилар?» деб сўрадинг.

Ўшанда саволинг жавобсиз қолган, аниқроғи, сухбатимизга кимдир қўшилиб, халақит берган, сухбатимизни бўлганди. Шунга қарамасдан, саволинг юрагимга тугун бўлиб ўрнашиб қолганлиги учун доим эсимда туради, болам.

Ажабо, неварам тушмагурда бунаقا «валиаҳдлик» касали қайдан пайдо бўлди экан, нимага буни сўрадийкин деб, кўп ўйладим.

Ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келдим. Ахир, ўнинчи синфда ўқиб юрганингда иқтидорли болалар билан бирга Англияга бориб олти ой ўқиб келдинг-ку, ўшанда отасининг ишини давом эттираётган билимдонларни киноларда кўрганда, чет эллик болалар билан гаплашганда шу хаёллар кўнглингдан ўтган, тўғри топдимми?!

Ўғлим, мана бу ривоятни эшиш:

Бир подшонинг уч ўғли бўлган экан. Қайси бирини валиаҳдликка тайин этсан экан деб роса боши қотибди. Кўринишларидан учови ҳам бири-биридан ақэлли, одобли, кучли, ботир, билимдон экан. Нима бўлганда ҳам, подшо янглишиб, эл-юрт олдида уялиб қолмаслиги керак экан. Кейин фарзандларининг ҳам бир-биридан

күнгиллари қолмаслиги, валиаҳд бўлмишга тан беришлари керак экан.

Подшоҳнинг доно вазири бўлиб, унга донишмандона йўлни тақлиф қилиди.

Бир куни подшоҳ ўғиллари билан савол-жавоб қилиб ўтиrsa, кўчада шовқин-сурон кўтарилиб қолибди.

— Билинглар-чи, нима гап экан, — депти шоҳ фарзандларига.

Кўп ўтмай ўғилларидан бири кириб келибди.

— Нима гап?

— Шунчаки, каттароқ савдо карвони экан...

Бир оздан кейин иккинчи ўғил ҳам кириб келибди.

— Нима гап?

— Шунчаки, каттароқ савдо карвони экан. Локин тинчимизни бузгани, ариқ ёнидан йўл согани учун жарима тўлашларини сўрадим, у бўлса ёрлиғингизни кўрсатди, бу савдогарни жарималардан озод қилган экансиз.

Учинчи ўғил жудаям ҳаяллаб кетибди. Шоҳ машваратни бошлай олмай, уни кутишга мажбур бўлибди.

— Шу укамизнинг ўйинқароқлиги қолмади-да, — дея нолиган бўпти шаҳзодаларнинг бири.

— Отажон, машваратни давом эттираверинг, барибир Сиз айтиётган гаплар кичик шаҳзоданинг қулогига кирмайди. Ҳа, у қулогидан кириб бу қулогидан чиқиб кетади, — депти иккинчиси.

Шоҳ бўлса, сабр-тоқат билан кичик шаҳзодани кута бошлабди. Нихоят, у келибди.

— Ҳа, шаҳзодам, тинчликми, ҳаяллаб кетдингиз? — сўрабди шоҳ жиндай кинояомуз.

— Бизни нотинч қилган Бағдод савдогарининг карвони экан. Хитойдан келаётган экан. Жами қирқ тия моли бор экан. Улар асл хитойи чойлар, кимхоб, чинни буюмлар экан. Бизнинг фуқароларга арzon сотаркан.

— Сабаб, шаҳзодам? — сўрабди шоҳ.

— Сиз карвонни ҳар турли божлардан озод қилган экансиз.

— Шугинами билғанларингиз, шаҳзодам.

— Йўқ, карвон қушбеги саройига қўнар экан. Чойнинг қадоги бир мири, кимхобнинг бир гази беш мири, газламанинг бир гази уч мири, чинни буюмларнинг нархи қимматроқ — беш миридан ўн миригача экан.

— Чинни буюмлари қиммат эканми, шаҳзодам?

— Йўлда қаттиқ бўрон туриб чинни буюмлари талафот кўрибди. Бошқа моллар омон қопти.

Ана шу гаплардан кейин шоҳ вақти келганда кенжашаҳзодани ўз ўрнига валиаҳдликка кўтаришни ният қилиб қўйибди.

Энди худди шу ривоятни бугун аста-секин шаклланиб бораётган

хусусий корхоналар, фирмалар, тижорат дўконлари, мулқдорларга кўчирадиган бўлсак, ҳозирги оталарнинг бошлари қотиши табиийдир, ўғлим.

Албатта, иш юритувчи, мулқдор, корхона эгаси бўлган ота ўз ўрнига кичик шаҳзодага ўхшаган ақлли, билимдон фарзандини танлайди ва кези келганда уни ворис этиб тайинлайди.

Бундай фарзандлар, табиийки, осмондан тушмайди, улар оиласда тарбияланиши, чиниқиши, ҳаёт талабларини, иш юритишни пухта билиши зарур.

Кечаги кунларда болаларнинг елкасига битта иш юклатилган эди, нима қилиб бўлсаям, ўқи, кундалигинги «тўрт» ва «беш» баҳолар билан тўлатиб кел — шундагина менинг берган тузимни оқлаган бўласан ва келажагинг порлоқ бўлади ва ҳоказо...

Бу гапларнинг бари ҳозирги янгиланаётган даврда бориб турган сафсата, кўкнори хаёл эканлиги ҳаммага маълум бўлиб қолди.

Ахир, ёшлар қўлидаги дипломи билан ҳунарига зид бўлса ҳам, турли-туман тирикчилик йўлларига мажбуран кириб кетишиди.

Энди ҳаёт тасдиқлаб турибдики, ўша дипломлиларнинг билими сифати, ёш мутахассиснинг ҳаётни билиш, англаш, иш талабини эгаллаш даражаси Европа мамлакатларидаги лицейлар даражасидан ҳам пастлиги сезилиб қолди.

Ҳаёт қонунларини китоб орқалигина ўқиб билмаслик, аксинча, ҳаётнинг ўзидан ўрганиб, у билан биргаликда ўқиш керак, шунда инсон ўзининг уқуви, билими, қобилияти қай даражада эканини англаб етади.

Бугунги мулқдор ёки тижоратчининг боласи фақат ўқиш биланги на андармон бўлолмайди, балки қўли бўш қолди дегунча отасининг, онасининг ёнига киради, ёрдамлашади, иш юритишни ўрганади, шундай қилмаса, бу ёш мулқдорнинг бугуни бўлади-ю, эртаси бўлмайди.

Чунки унинг ишини давом эттирувчилари аввало фарзандларидир, зеро, кечаги тузумнинг фожиаси ҳам мана шунда: «Болам, сен ўқийвер, олим бўласан, олий маълумот ол, диплом сени боқади», дейишишарди ота-оналар.

Ана энди, ҳаёт синовларидан ўтган мулқдорлар ёши бир ерга борганда армонда қолмаслик учун валиаҳдликни кимга ишониш ҳақида ўйлай бошлайдилар.

Албатта, бундай пайтда фарзандларнинг отадан уққанлари, ақлли шаҳзодага ўхшаганлари ютиб чиқадилар, мулкнинг ҳақиқий эгаси бўлиб, уни билимдонлик билан кўпайтира бошлайдилар.

Аданг ҳаёт бўлиб, менинг ўрнимда ишлаши мумкинмиди ё йўқми деган саволга қайтсак, бу тамоман бошқа масала. Мен ишлаётган ва бошқараётган идора бу — давлат концернидир. Бу ерда валиаҳдлик қоидага тўғри келмайди. Бу ўрин давлат даражасида ва меҳнат жамоасининг ишончи ва эҳтиёжини ўрганиш орқали ҳал

этилади. Күпроқ жамоага ким раҳбар бўлиши мумкинлигини концерн жамоасининг ўзи танлайди. Ўринга икки ёки учта номзод бўладиган бўлса, унда одиллик билан сайлов ўтказилади. Кимнинг дастури пишиқ-пухта ва замонавий бўлса, ўша муносиб номзод булавозимни эгаллади.

Болам, ривоятга эътибор бердингми, нимага шоҳнинг учала фарзанди ҳам бир хил эмас, кичик шаҳзодадек синчковмас, ахир тарбия бир хил берилган-ку, тўғрими?

Мана, сенинг аданг, яна икки амакинг, уларнинг иккиси ҳам менинг қасбимни танлашмади-ку, аданг раҳматлигина қаламкашликни, ижодкорликни ихтиёр этди, ихтиёр этганда ҳам матбаачиликни, ношириликни эмас, журналистикани, унинг ҳам хужжатли кино санъати соҳасини танлади.

Нимага шундай бўлди-ю, шу тарафга қизиқиб кетди?

Илм қоннинг рангини, қасаллик ҳолатларини, кимёвий таркибини айтиб бериши мумкин, бироқ, унинг нималарга қодирлигини, кимда қандай туйғуларни ва қачон, қай пайтда уйфота олишлигини Яратганинг ўзигина билади.

Мен бу холоса гапларни бор-йўғи ҳаётий кузатишларимга таяниб айтишим мумкин: аданг сендеқ ва сендан кичкина пайтларида ижодхонамга кўп ўралашиб, қоғозларимни титкилаб юради, ёзган нарсаларим чиқса, албатта, ёпишиб ўқиб чиқарди.

Бошқалар шундай қилмагани ҳолда Алишернинг бу иши менга ёқарди, ҳар қалай отасининг меҳнатига эътиборсиз эмас-ку, деб ӯурсанд бўлардим. Алишернинг ижодкор, билимдон инсон бўлиб етишишига иймон келтирадим.

Бир куни ижодхонамга ҳеч кимни қўймай, бир мақола устида узоқ ишлаб ўтиредим, чунки бунаقا мароқли ҳолатлар унда-мунда бўлиб қоларди.

Қорним очиб, ошхонага чиқдим, шунда Алишер худди ўз ишидан қувонгандек, зўр кайфият билан менга тикилиб:

— Адажон, бугун зўр нарса ёздингиз-а? — деб қолди.

— Нима? — дея сўроқ аломати билан қараб қолибман, чиндан ҳам кўпдан бери ўйлаб юрган кўнгилдагидек бир ҳикояни қоғозга туширган эдим, лекин Алишер буни қаттан билдийкин? Ўша пайтларда учар талинкалару, космик одамлар ҳақидаги миш-мishлар, кўлига турли хил металлар ёпишиб қоладиган, уйда туриб кўчани кўрадиган одамлар ҳақидаги гаплар авж олган эди.

Наҳотки, Алишер ҳам шунаقا қобилиятли бўлиб қолган бўлса, бугун ёнимга киргани, қоғозларимни титкилагани ҳам йўқ-ку?!

— Қаттан билдинг яхши нарса ёзганимни, балки, нималар ҳақида ёзганимниям айтиб берарсан?

— Айтиб беролмайман-у, аммо чеҳрангиздан кўриб турибман, ўзинтизга маъқул бўлган зўр ҳикояни ёзганингиздан беҳад хурсанд-

лигиңгиз сезиляпти! Ёзиб чарчамагансиз, қайтага узоқ дам олган одамга ўхшайсиз.

Ана шу савол-жавобдан кейин адангда ижодға рағбат борлигини, менинг атрофимда шунчаки ўралашмаслигини, келажакда шундай бир муҳим ишнинг бошини тутиб кетишини пайқаган эдим.

Халқымизда «От босган изни той ҳам босади» деган мақол бор. Бу дегани, албатта, отаси қандай ҳунар эгаси бўлса, боласиям шу касб-ҳунарни эгаллайди дегани эмас.

Агарда мақолни худди шундай деб талқин этадиган бўлсак, унинг маъносини жудаям тор доирада тушунган бўламиз. Бунинг замирида нафақат касб-кор, балки, бутун бошли тарбия, авлодлар ишининг давомийлиги жараёни ётибди. Боланинг касби отасининг ҳунарига ўхшамаслиги мумкин, бироқ, одоби, юриш-туриши, билими, ҳалоллиги, камтарлиги отасига ўхшаса, фахр билан уни «отасининг боласи» деб атashади.

Кўпинча ёшлар ҳақида гап кетса, «кимнинг фарзанди» деган савол туғилади ва шунга қараб боланинг ҳулқига баҳо беришади.

Одобли, интизомли, бообрў инсоннинг фарзанди бўлса-ю, у ҳақда бирон ножӯя гап оралаб қолса, «Бўлмаган гап, мен у одамнинг ота-онасини танийман, ким биландир янгиштирияпсиз» деб ишонишмайди, ноўрин гапларга дарров чек қўйишади.

Агарда шу гап рост чиқиб қолса, бу болани шайтон йўлдан урган, бирон-бир тасодиф қурбони бўлган, адашган деб унинг ҳимоясига шайланадилар, керак бўлса, ҳеч бир иккilanмай кафилликка ҳам оладилар.

Бордию отаси фирром бўлса, қимор ўйнаса, ароқхўр бўлса, маҳалланинг безориси бўлса, бундай одамнинг боласи бирон-бир иш қилиб ёмонотлиқ бўлса, «ҳа, отаси киму, боласи ким бўларди», деб қўл силтаб қўя қолишади. Ҳимояга олиш керак бўлган тақдирда ҳам ўртага тушишмайди, уялтириб қўйишидан кўрқадилар.

Ўзимизнинг маҳаллада ҳам неча марта шунаقا воқеалар бўлганди, бўляпти ҳам. Бундай ҳолларда кексалар дағъиятан айборнинг ота-онасини суриштириб қолишади. Тузатиб бўлмайдигани бўлса, «Кафил туриб олиб қолсак, барибир тавба қилмайди, эртага бунданам каттароқ жиноятга қўл уради, бориб таъзирини еб келсин, зора, бурнига сув кирса», дейишади.

Бу гапларни сенга уқтиришдан ниятим, Шарофжон, қаерда бўлсанг ҳам ота-бобонгнинг ким бўлганини унумта, қолаверса, ҳадемай ўзинг ҳам ота бўласан. Болам, эвараларимни шундай руҳда тарбиялагинки, сен улардан ҳамиша хотиржам бўлиб юрадиган бўл, улар сен берган тарбия туфайли ҳалқнинг меҳри-эътиборига сазовор бўлиб ота-оналари, бобо-момоларининг кўнглини шод этадиган одил инсонлар бўлиб етишсинглар, илоҳим!

## ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

**М**ана, сен чет элда ўқиб келиш орзусида йўлга отланяпсан. Биламан, бунга мактабда ўқиб юрган пайтингда Англияга бориб ўқиб келганинг сабаб бўлди. Инглиз тилини дурустгина биласан, ҳар қалай хориж ҳавосини олдинг. Лекин юқорида айтганимдек, фақат ўқишнинг ўзи билангина мўлжаллаган ишларинг тўла-тўкис битмайди. Сен у ернинг қонун-қоидаларини, одатларию тартибларини билмайсан. Масалан, сен бу ерда оддий йўл қоидаларини бузсанг, кечирим сўраб кутилиб кетишинг мумкин. Лекин у тарафларда, албатта, огоҳлантириш билан бир қаторда жарима тўлаттиришади, ёмонотликқа йўйиб, мамлакатдан чиқариб юборишлари ҳам мумкин.

Бир биродаримизнинг боласи жудаем иқтидорли эди. Имтиҳонлару тест синовлари дейсанми, барини қойиллатди, чет элликларнинг ўзлари унга харидор бўлиб ўқишга олиб кетиши.

Ҳар кўрганда «Ўғилча қалай» деб сўраб қўярдим. «Кўз тегмасин, ўша ерлик болалардан ҳам яхши ўқияпти, домлалари ахлоқ ва одобидан ҳам мамнун кўринишиади», деб хурсандлигидан бир энтикиб қўярди, бояқиши...

Буни қарагин, ўша бола яқинда Тошкентга қайтиб келиби. Ўқишни эплай олмаганидан эмас, соддалигидан, ўша ернинг қонун-қоидасини тўла билмаганидан.

Воқеа бундай бўлган: ўртоғи ундан пул сўраган. Қайтиб бериш шарти билан, албатта. Орадан анча кун ўтгандан кейин қарз олган бола ўша пулнинг ўрнига чиройли куртка тавсия қилган. Бола рози бўлган ва олиб кийиб юрган. Лекин у ўғирлик куртка экан, натижада қарз берган болани ҳам айблашган. У ернинг қонуни бўйича қонунбузар ёки унга шерик бўлган одам ҳам, чет элдан келган бўлса, сўзсиз, йигирма тўрт соат ичидан юртдан чиқариб юборилар экан...

Мана сенга ҳангома, Шарофжон. Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу деганлари шу бўлади. Киши чет мамлакатларга бордими, сўзсиз, ўша ернинг тош-тарозусига амал қилиб яшashi зарур, шунинг учун ҳам одам тўғри ва интизомли бўлса, аниқ йўл тутса, ҳеч қачон ҳеч ерда панд еб қолмайди. Кўп тилларда бирдек маънони аниқ англатувчи мақолда айтилишича, бирорникига меҳмонга борганда ўз қонунига кўра ўз талаби билан бормайдилар дегандек, ҳар ернинг ўз қонуни, шарт-шароити мавжуд, буни билиш ҳаммага ҳам бирдек шарт. Шунда инсон қаерда бўлмасин, ҳурмат-иззатда осоишишта ва тинч ҳаёт кечиради.

Азиз бошинг омон бўлсин, Шарофжон!

**III** арофжон болам, ўша куни уйга жигар-бағрим эзилиб қайтдим. Оғир касалдан турғандек ҳолсиз әдим. Күзимга ҳеч нарса күринмасди. На ҳашаматли уй, на дастурхон тұла ноз-неъматтар. На-да шон-шавкат ва на-да хурмат-эътибор. Бу ёруғ дунё дегандаридан күзимни чирт юмиб, күл силтаб кетворишга тайёр әдим.

Бувинг ҳам ақволимни күриб күркіб кетди:

— Нима гап, тинчликми?

Бундақа пайтларда бувинг мендан жавоб ололмаслигини яхши биларди. Ҳа, бундай пайтларда мен ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Қуввайи ҳофизамни, иродамни бир нұқтага жамлаб, дард бұлса дард билан, бирон-бир күргилик бұлса ўша күргилик билан жимгина курашаман. Бирөвга фалон, писмадон дегандан нима фойда. Дүхтиrlар ҳам менинг бу одатимни яхши билишади. Текширишади-да, фалон деб ташхис күйишади. Касални тұғри топдингиз дегандек бош иргаб құяман.

Лекин менинг ҳозирги ақволим юрак хуружи ёки қон босимидан әмасди. Шундоқ бұлса-да, бувинг шошганча құчага чиқди. Бечора нима гаплигини шоғёрдан билмоқчи бўлди, шекилли. Бувинг уйга қайтиб кирди-да:

— Дүхтир чақирайми? — дея телефон томонга юрди.

— Йўқ, — дедим қатый ва «ўз ҳолимга қўйинглар» дегандек дарсхонамга кириб кетдим...

Нима бўлувди дейсанми?

Мутлақо кутылмаган воқеа рўй берди. Ишдан қайтаёттандим. Ёз әмасми, қўёш ботишига ҳали чамаси ярим соатлар бор эди. Битта «Жигули»ни қувиб ўтишимизга тўғри келди. Негадир, уям йўл бергиси келмадими, газни босди. Бундоқ қарадиму юрагим «шувв» этиб кетди. «Ё тавба, Алишерми? Менинг боламми? Тушимми, ўнгимми? Ё, Оллоҳ! Енги калта оқ кўйлак, қора галстук. Сочлари текис... Машинанинг ранги ҳам худди ўзи...»

— Тўхта!!!

Шоғёр тормозни босди, «Жигули» лип этиб олдинга ўтди-ю, машиналар оқимида кўздан фойиб бўлди. Номери ҳам 05—07 эди.

— Нега тўхтадинг, ҳайда, ҳалиги «Жигули»ни топ.

Шоғёр газни босди. Сездимки, шоғёр «Жигули»га эътибор бермаган. Менинг қистовим билан таваккалига машиналарни бириңсирин ортда қолдириб кетяпти.

— Бўлди, машинани уйга бур, — дедим сал ўзимга келиб.

..Оҳ, қанчалик ажойиб дамлар эди-я. Шанба, якшанба кунлари маҳалла оқсоқоллари — Одилжон, Рустамжон, Абдуҳамид, Бўривой, Алихон, Абдураҳимлар билан элнинг маъракасига борардик, баъзан тўртта-тўртта бўлволишиб сайр қиласи әдик. Шундай кезларда машинаси билан аданг пайдо бўлиб қоларди. Ҳа, туси сариқ 05—07 «Жигу-

ли»да... У дарров машинадан тушарди-да, қўлини кўксига босиб салом берар эди. Сўнгра аввалига ёнимдаги дўстларим билан, охирида ўзим билан сўрашар эди. Сўрашиб бўлгач, бир қадам орқага ташларди-да, қўлини кўксидан олмай:

— Қалайсиз, ала?! — дея илтифот қиласди. Бу сўзларни у шундай бир лутф билан айттардики, нафақат мен, ёнимда турғанлар ҳам қадларини бир кериб олишарди. Мен бўлсам, ўзимни майдада чуйда ташвишлардан холи ҳис этар, Арши аълода юргандек бир ҳолга тушар эдим. Ҳаёт кўзларимга янаям гўзал, янаям мукаммал кўриниб кетарди. Алишернинг лутфига «Зўрман!» дея жавоб қилгим келарди-ю, лекин кулганча бош қимирлатиб қўядим.

— Сизларни кўрдим, энди ойимларни зиёрат қиламан-да, уйга қайтаман, — дея биздан кетишга изн сўраган бўларди.

Маҳалла оқсоқоллари шу илтифоти учун ҳам уни дуо қилишиб, орқасидан ҳавасланиб қараб қолишарди. Ахир уларнинг ҳам Алишер тенти фарзандлари бор, улар ҳам машинада юришади, лекин ҳеч бири илтифотни Алишердек ўрнига қўя олмасди-да! Шунгами, оқсоқоллар узоқдан унинг «Жигули»сини кўришлари билан, «Ана, Алишер келяпти», деб қўйишарди.

Дўстларимдан бири ҳатто шунақа номерли машинани кўрса, бас, Алишерни — унинг ажойиб лутф одобини эслашини гапириб берган эди. Қара, Шарофжон, одамда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак. Шунда унинг кичкина хатти-ҳаракати ҳам дилбар бўлиб кўринади.

Мен бир кунда қанчадан-қанча одамлар билан салом-алик қиламан, телефонда гаплашаман. Ҳаммалари ҳам ўзларича ўзига хос лутф қилмоқчи бўладилар. Бироқ, ҳеч бир лутф Алишернига ўхшамайди. Унинг адл-азамат қомати, ўнг қўлини кўксига қўйиб туриши, кўзларидаги ҳам эркалаш, ҳам эркаланишга хос ифода, юзидағи истарали табассум...

Сендан бундай лутфни талаб қилмоқчи эмасман, Шарофжон. Чунки сен — невара, мен — бобоман-да. Бундай ҳол Ота билан Бош фарзанд ўртасидагина бўлиши мумкин. Ҳа, фақат Бош фарзанд билан Ота ўртасида! Чунки улар, четдан қараганда, гёё ака-укалардек кўринадилар-да.

Шарофжон, илоё тўйлар қилайлик, бош фарзандинг ўғил бўлсин. Фарзандинг билан сенинг ўртангда худди аданг билан менинг ширин муносабатимиздек ўзига хос, такрорланмас ота-болаларча, дўстларча, ака-укаларча лутф бўлсин.

Тангридан илтижом шулки, бобонг, момонг, онанг, амакила-ринг, амманг, ўзинг ва синглинг бошига тушган жудолик ҳеч кимнинг бошига, бундан кейинги авлодларимиз бошига ҳам тушмасин.

## ТАДБИРКОР БОЛАМ...

**T**унов куни сен «бизнес» ҳақида, «монополия» ҳақида гапирдинг. Аввалига сўзларингни шунчаки орзу, ҳавас деб тушундим. Сабаби сен ва сенинг ёшингдаги йигитчалар бу ҳақда кўп баҳслашади. Бугунги куннинг мавзуси ҳам шу бўл қолди ўзи. Бироқ уларнинг юзтасидан битта бизнесмен ё чиқади, ё чиқмайди. Бундай де-йишимга сабаб эртаси куни беихтиёр сенинг сўзларингни эсладим. Шунда сени шунчаки безътибор тинглаганимдан пушаймон бўлдим. Шарофжон.

Қара, зътиборли бир идоранинг раҳбари менга қўнғироқ қилиб нима деди дегин. Мен монополистмишман. Обрўйимдан фойдаланиб китоб нашр қиладиганларни ўзимга оғдириб олаётганмишман. Бошқа нашриётларнинг нонини яримта қилаётган эмишман...

Халиги одамнинг гапини ортиқча эшитиб ўтирадим. «Ақлингиз шундан нарига етмаса на илож», деб гўшакни қўйиб қўя қолдим. Ахир битта идоранинг ҳаёт кўрган бошлиғи «бизнес» нима-ю, «монополия» нималигини тушунмай асоссиз, номақул гапларни айтиб турганда сиз ёшларни айбламасак ҳам бўлади. Фарзандларимиз «бизнесмен» ёки «монополист» бўладими-йўқми, уларга бор ҳақиқатни тушунтириб қўйиш вазифамиздир. Бўлмаса анови одамга ўхшаб, бошқаларнинг энсасини қотириб, чалғитиб юришларинг мумкин.

Ёдингда бўлса, бир сухбатимизда мен бозор савдоси ҳақида гапириб, савдогарчиликми, олиб сотарчиликми — қайси бири ҳалолу, қанчаси ҳаромлигини айтиб берган эдим.

Фикримча, давлатимиз ҳозирги даврда деярли бозор иқтисодиёти тизимиға ўтиб бўлди. Бу жараён — ўша тўрт тарафи ўралган бозор пештахталаридағи қонун ва қонуниятлар асосида фаолият кўрсатаётган етук корхоналарга ҳам кириб келди дегани. Энди корхоналар ҳам олинадиган соғ фойданинг неча сўми ҳалолу, қанчаси макруҳлигига қараб сотиладиган молига одил нарх қўйиш керак. Виждонига зид бўлган нархни устига қўйиб сотишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Бир хасис савдогар ўтган экан. Тўсатдан унинг отаси ўлиб қопти. Отасини кўмиш, маъракаларини ўтказиш билан банд бўлиб, савдо ишлари сусайиб, фойда камайиб кетибди. Анча-мунча даромаддан курук қолибди. Шунинг учун заарнинг ўрнини қоплаш мақсадида бозордаги тақчилликдан фойдаланиб, молининг нархини кўтарвонибди. Зийрак харидорлар эса маломат қилишибди.

— Э, савдогар, э ноинсоғ, молингта отангни хунини ҳам қўшишга уялмадингми, — деб унга сазо бериб, молини сотиб олмай, инқизозга учратишган экан.

Харидорларга хиёнаткорликнинг оқибати шунаقا бўлади. Шарофжон, болам, харидорлар ҳам анои эмас. Бизнесмен — битта, харидор эса мингта. Мингтадан минг хил фикр чиқади. Ярмидан кўпи-

нинг айтганлари ҳамиша ҳақ бўлади. Шунинг учун бизнесмен ўзини эр билса, харидорни шер билиши керак. Кўпчиликни алдайман деган бизнесмен харидорларнинг ҳаққига хиёнатдан ўзини тийсин, бекорга хомтама бўлмасин, ундан савдогар ўзгаларни эмас, фақат ўзини-ўзи алдайди. Худди Афандига ўхшаб!

Афанди болаларни кўрганда ҳамиша сакийлиги тутиб кетаркан. Ҳатто емоқчи бўлган луқмасини ҳам чиқарип гўдакларга бераркан. Бир куни Афандининг чўнтағида анча-мунча ёнғоқ борлигини болалар сезиб қолишибди-ю, Афандини излаб қолишибди. Афанди қараса, узоқдан болалар югуриб келишашётганмиш. Ҳали замон келишса эриб кетиб, ёнғоқнинг ҳаммасини бериб юбораман, ҳеч бўлмаса икки донасини бекитиб кўйяй деб чўнтақдан олиб, кўйнига урибди. Қолганини болаларга улашибди. Тинчимаган болалар яна беринг, менга ҳам беринг деб Афандига тиқилинч қила бошлишибди. Сал бўш келса, болалар бекитган ёнғогини ҳам эритиб олиб кўядиган. Шунда Афанди, бир найранг ишлатиб, қутулиш ниятида болаларга кўшни кўчанинг номини айтиб:

— Ҳожи домланинг ёнғоги пишибди, қасира-кусурига олиб қоқишияпти, менам ўша ердан олдим, — деб кўзини қисибди.

Болалар гур этиб ўша томонга қараб югуришибди. Бир-биридан ўзиб, чопиб бораётган болаларни кўрган Афанди:

— Бу болалар бир нарсани билишмаса бунчалик жонини жабборга бериб югуришмасди. — депти-да, ўзиям уларнинг кетидан югуриб кетибди.

Шунаقا, болам, кўпчиликнинг ўзига яраша оҳанрабоси бўлади. Кўпнинг дуоси кўл, қарғиши завол, деган гаплар бор, Шарофжон. Буни ёдингдан чиқарма.

Энди монополия билан бизнес қиляпсиз, деган нусханинг маломатига келсак. «Монополия» сўзининг маъносини ўша одам фақат бир томонлама тушунса керак. Кечаги мустабид даврларда капиталистларни монополист деб сўкар эдик. Бу сўз «босқинчи», «зўравон» каби маъноларда миямизга сингиб қолган эди. Бугунги бозор шароитида, айниқса, эркин бозорда монополия сўзини ишлатиб бўлмайди. Мана, дунёning ҳамма жойида «Кока-кола», «Пепси-кола» каби ичимликларни севиб ичишади. Бу дегани шу компаниилар дунё бозорини монополияга айлантириди дегани эмас-ку. Демак, бу ичимликларнинг таъми хушхўрлиги билан одамларга ёқади. Шунинг учун ҳам бу ичимликлар дунё бозорида оммалашиб кетган. Шу каби бозорга таъсир кўрсатувчи бизнес оламига оид реклама деган тушунча бор. Реклама тарғиботи учун фирмалар катта пул сарфлашади. Моли сифатли бўлган фирмагина маҳсулотини бемалол ташвиқот қила олади. Бўлмаса рекламага сарфлаган пулига куйиб қолишини аниқ билади. Демак, харидор эътиборини жалб этиш учун биринчи навбатда маҳсулотнинг сифати учун ҳар бир

бизнесмен реклама ёрдамида курашиши керак экан. У тайёр маҳсулот чиқарадими, ё бирон жойдан сотиб олиб келадими, бундан қатыи назар моли асл бўлиши керак. Муваффақият, аввало, маҳсулотнинг сифатига ва унга бўлган талабга боғлиқ бўлади.

Демак, ижобий маънодаги монополиянинг биринчи шарти, маҳсулотнинг юқори сифатидир. Бозор муносабатларида мол эгасининг эгаллаб турган лавозими, обрў-эътибори иш бермайди. Сифатлими, харидоргирми, шунинг ўзи ишонч ва обрўдир.

Иккинчи шарти, Шарофжон, маҳсулотни талаб этилган вақтида ишлаб чиқариш — муддат масаласи! Сенинг молингта харидорлар ўрганиб қолдилар, уни сўраб келишяпти. Демак, талабни ўз вақтида таъмин этишинг керак. Зинҳор-базинҳор ўртада узилиш бўлмаслиги зарур. Узилиш бўлса, ваъдани бажармасанг, харидорнинг ишончи йўқолади, мижозларингни бошқалар илиб кетади. Бироқ харидор кетиб қолади деб сон ортидан қувиш ҳам ёмон. Унда молингда сон ошиб, сифат кетади. Тадбиркор учун бу энг хавфлидир. Унда сен харидордан батамом ажраласан. Кўриб турибсанки, масъулиятни сезиб иш кўриш — доимийлик, узлуксизлик ҳам бизнес борасидаги муҳим омиллардан бири экан.

Ва ниҳоят, учинчи шартини айтсам, асоссиз харажатларни камайтириб, молингни арzon сотишга ҳаракат қил. Сифатли деб нархини кўтарма ёки харидоргир леб ҳам баланд нарх қўйиб ўзингдан кетма, харидорни ҳеч рањитма.

Хўш, ўзинг мушоҳада қилиб айт-чи, бизнесменнинг ёки корхона эгасининг моли СИФАТЛИ, УЗЛУКСИЗ ва бунинг устига АРЗОН бўлса, бунаقا одамни ёки корхонани «монополист» деб сўкиб бўладими? Асло! У мана шу асосий шартларга амал қилиб, харидорлар эътиборини ўзига оғдириб ҳалиги одамнинг сўзи билан айтганда «монополия»чи бўлиб қоляпти.

Мен бошқараётган корхона кўп йиллар давомида мана шу замонавий мезонлар асосида событқадамлик билан фойдали ва эътиборга молик фаолият кўрсатиб кам бўлмай, эътиборга сазовор бўляпти. Бу менинг ихтирайим, топган янгилигим эмас, балки жаҳондаги барча таниқли фирмалар шу тартибда ишлайди.

## ҒАЛВАСИЮ МЕҲНАТИНИНГ ПОЁНИ ЙЎҚ...

**III** у, Шарофжон, «бизнес» ҳақида гапириб, «ҳасрат халтамни» очиб қўйдинг-да. Зерикиб қолмаяпсанми? Билиб қўй, бу гапларни эшишиб зерикадиганлардан ҳеч қачон бизнесмен чиқмайди. Қизиқ-да, бизнеснинг пули яхши-ю, икир-чикирлари ёмонми? Баъзан давраларда шу ҳақда гап айланишиб қолса «Кўйинглар, бошқа нарсалардан гаплашайлик», деб қўйишади. Инсон табиати ўзи шу-

нақа, билиши зарур бўлган мавзудан ўзини олиб қочади-да, юзакироқ мавзулар билан овора бўлиб юради. Чуқур дарёдан кўра саёс сувни маъқул кўради. Лекин чуқур сувга ўргангандан одам ҳеч қачон саёс сувда чўмилмайди. Сен орзу қўлаётган олам ҳам шунақа, ниҳоятда чуқур, кенг ва бепоён. Инжиқликлари, икир-чикирлари жуда мўл бўлади.

Фараз қилайлик, сен бир корхонанинг раҳбарисан. Тайёрланган маҳсулотлар харидоргир эди. Аста-секин бозоринг сина бошлади. Мол ўтмаяпти, тайёр маҳсулотлар омборларда босилиб қоляпти. Демак, сен ўз-ўзидан маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини камайтиришга мажбур бўласан. Ахир молинг сотилиб, пулга чақилмаса, ундан корхонага нима наф тегади? Ишчиларга ойликни вақтида тўлолмайсан. Қарабсанки, норозилик бошланиб, натижада инқирозга яқинлашиб қолади.

Шуни билгинки, бундай оғир аҳвол жамоа бошига табиий оғатдек бир кунда тушмайди. У аста-секинлик билан кечади, худди темирни занг емиргандек, бойликни, иқтисодий кучни кемириб ташлайди. Тажрибали, хушёр раҳбар ҳеч қачон корхонасини занг бостириб қўймайди. Вақтида мойлайди, бўяйди, турли йўл билан маблағ сарфласа ҳам занглашнинг олдини олиб, ускуналарни сақлаб қолади.

Қани, бундоқ дўппини олиб қўйиб ўйлайлик-чи, корхона нимага таназзулга юз тутди?

Айт-чи, Шарофжон, таомдан қачон маза кетади? Қачонки унга солинадиган зарур масалликлар тўла тушмаса. Ошпаз ношуд, бепарво бўлса. Маҳсулотнинг қиммати ва сифати ҳам худди шундай тадбиркорликка боғлиқ, Шарофжон. Кўпинча бундай пайтда асосий айб суриштирилмай ошпазга тўнкалади.

Бизнинг корхонамиз шароитида бундай бўлиши мумкин эмас. Айб ишчиларга тўнкалмайди, билъакс, корхона раҳбарининг бўйнига қўйилади.

— Нега энди, мисол учун мен раҳбар бўлсан аҳволни шунчалик ачинарли аҳволга тушиб қолишини хоҳламайман-ку? — дерсан.

— Сиртдан қараганда шундай. Аслида эса бу аҳвол юзага келишига раҳбар айбдор. Хўш, нима учун моли касодга учрагунча чора кўрмади?

— Қизиқсиз, ахир корхона раҳбари маҳсулотни битталаб кўздан ўтказмайди-ку?

— Ҳа, бу ўринда сен ҳақсан. Лекин сенинг ҳақлигинг худди қоронғига қараб бекорга тош отишга ўҳшайди. Қани, менга айт-чи, сен аввало ишга қанақа одамларни олардинг?

— Ишни биладиган билармонларни-да.

— Малакалиси, савияси юқори бўлганларни демоқчисан-да?

— Ҳа.

- Ундан кейин-чи?
- Улардан ишнинг сони ва сифатини талаб қиласман.
- Яхши, яна сен ҳар куни газеталарни варақлайсан, журналларни кўздан кечирасан, шундоқми?
- Ҳа.
- Нима учун?
- Ўзингиз айтасиз-ку, газета ўқимасанг ҳаётдан орқада қолиб кетасан деб...
- Кўл остингдаги ишчиларнинг ҳаётдан орқада қолиб кетмаслиги ҳақида ҳам ўйлайсанми?
- Нима, уларга газета, журналлар ўқиб бор, телевизорга қараб тур дейишим керакми?
- Йўқ, бу ихтиёрий, керак бўлса ўқийди, кўради. Ходимларни мажбур этиб бўлмайди. Фақат қизиқтиришгина мумкин.
- Унда гапингизга тушунмадим.
- Мутахассисни касби боқади. Лекин диплом бўйича олган билими олти ой, нари борса бир йилда эскийди. Қолаверса, тинимсиз қайтарилаверадиган бир маромдаги иш кишини даққи қилиб қўяди. Ҳа, жонига тегади. Шу сабабли ишчининг касби бўйича малакасини ошириб бориш — раҳбар бўл қолсанг — сенинг вазифангга киради. Сен ҳар куни варақлайдиган газета ва журналларда бунақа ноёб гаплар ёзилмайди. Демак, корхонангда ишчиларнинг касблари бўйича, ўкув, малака ошириш маркази ишлаб туриши зарур. Уни энг сўнгги маълумотлар билан сен таъминлайсан.

Шундай қўлсанг ишчи ва мутахассислар бир хилда фишт қуядиган қолипга ўхшаб қолмайдилар. Улар ўз ишларида бирон-бир янтиклилар яратишга интиладилар. Ташаббускорлар пайдо бўлади. Хузурингга турли-туман таклифлар билан киришади.

Одатда, Шарофжон, илғор корхоналар доимо ҳаракатда бўлади. Одамларда фикр қотса — тамом, корхонанинг фаолияти ҳам сусаяди. Ҳа, маҳсулотдан сифат, иқтисоддан барака кўтарилади. Демак, сифатсиз маҳсулот чиқишининг бошида аввало корхона бошлиғи турар эканми?

- Ҳа-а-а...
- Энди ишчининг маънавий қашшоқлашишига ва иқтисодий инқизорига, даромадининг камайиб кетишига ким жавоб беради?
- Ишчининг ўзи-да, ахир ўз устида ишламаса...
- Йўқ, у эмас, сен жавоб берасан.
- Яна тушунмадим.
- Корхона раҳбарининг энг асосий камчилиги ҳам бу алифбони билмаганлигида. Минг афсуски, ишга қабул қилиш варақасида «ишчиларнинг соғлиғига ҳам раҳбар жавобгар» деган банд йўқ. Зоро, ўз билимига, кўп йиллик амалиётига ишонган ақлли раҳбар бундай камчилик сабабини ўзининг иймонига ҳавола қилиши керак. Ахир

пичноқни ишлатиб, ўтмаслашиб қолса, қайта қайраб күясанми? Аппа, болта, кетмонни ишлатсанг-чи? Ахир гап кетмон эмас, инсон ҳақида боряпти-ку?! Одам ҳам меҳнатда худди ўша тиғли асбобдек гап. Ҳатто улардан ҳам нозикроқ.

— Демак, мен бошқараётган корхонанинг ўз шифохонаси бўлиши зарур, ишчиларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиб туриши керак...

— Баракалла, нафақат шифохона, болалар оромгоҳи, санаторий ҳам бўлиши керак. Майли-да, каттами-кичикми иложи борича. Сартарошхона, озиқ-овқат, кийим-кечак дўконлари ишлаб турса нур устига нур. Мана шуларнинг ҳаммаси ишчиларнинг руҳияти ва кайфиятини чархлаб, фикрини ўткирлаб, руҳини енгил қилиб туради. Бунаقا корхоналарда одамлар касалланишмайди. Ахир касаллик ҳам охир-оқибат иш сифатига ёмон таъсир кўрсатади. Бир тасаввур этиб кўр, битта бўлинмада бешта одам ишласаю, биттаси фавқулодда бетоб бўлиб қолса, оғирлик тўрттасига тушадими. Маҳсулотта бу ўз-ўзидан салбий таъсир кўрсатадими?

Сенга яна бир савол. Бирор ҳузурингга кириб ўз имкониятини чамалаб, бундан бўён бир эмас, бир ярим ишчи ўрнида ишламоқчи, кўшимча даромад қилмоқчи бўлса, нима қилган бўлардинг?

— Хўп деган бўлардим.

— Мен бўлсам ҳамиша йўқ дейман! Унамайман.

— Нимага? Қайтага яхшимасми? Иш тезроқ битади-ку!

— Оилада пичноқ кўп бўлади-ю, ўткири битта бўлади. Ҳамма шу ўткир пичноқни ишлатаверади. Қарабсанки, бир йилда ҳалиги пичноқнинг ўзи эмас, сопигина қолади. Одам ҳам худди шунаقا ҳолга тушиши мумкин, Шарофжон. Одам бир ойгина бир ярим иш ўрнида зўриқиб ишлаши мумкин, ундан узоқ ишлолмайди. Бекорга дунё бўйича саккиз соатлик иш куни белтиланмаган. Иш соати ундан кам бўлиши мумкин, лекин ортиқ бўлмайди. Ишчиларни катта ойликка зўриқтириб ишлатишга ўтган корхона раҳбари тез орада малакали ишчиларидан ажралади, маҳсулотидан сифат кетиб, маънавий, иқтисадий инқирозга юз тутади.

Булар шунчаки гаплар эмас, Шарофжон, узоқ йиллар давомида кузатавериб, бошдан ўтказавериб ёд бўлиб кетган ҳаёт сабоқларидир.

Одамлар тақдири шундай нозикки, бефарқ бўлсанг, вақтида илғаб турмасанг мол ҳам форат, жон ҳам форат... Инсонларга меҳрибон, ғамхўр бўлсанг, уларга нисбатан ўта зийрак бўлсанг ўзинг ҳам, раҳбарлигингда ишлайтган одамлар ҳам доим омонда бўладилар. Бундай гўзал, фойдали ҳамкорликка нима етсин?

## ЯХШИ ИШ ҲАММАГА ЁҚАДИ, ЁМОНИ-ЧИ?..

**О**дамзотда бир сирли ва ноёб одат бор. Гўзал нарсани кўрса ёки бирон бир хушхабар эшитса, суҳбатдошига «яхши, яхши» деган жавоб билан ўша воқеага ўз хайриҳоҳлигини билдиради. Унинг юз-кўзларида мулойимгина ёрқин бир ифода балқийди. Ўша гўзал юмушни уддалаган кишига нисбатан ўзида қандайдир яқинлик сезади. Ўзиям ана шундай кўнгилли ишларга чоғлангандек бўлади. Уни таниса, жилла курса унга қўнғироқ қилиб, чин дилдан табриклияди. Танимаса, шундай одамни танимаслигидан ўкиниб қўяди. Хуллас, амалга ошган гўзал иш чироқ нурига ўхшаб кўнглингни, дилингни ёритали, совқотиб, титраб турганингда бехосдан йилт этиб чиқкан күёшдек, бутун вужудингни иситади.

Қанийди ҳар бир жамоада иқтидорли, хушрўй одамлар кўпроқ бўлса-ю, улар бажарадиган гўзал ишлар ҳам мўл бўлса. Одамлар гўзалик меҳри остида яйраб, яшнаб, ўйнаб-кулиб иштиёқ билан меҳнат қилса. Минг афсуски, амалда кўпинча бундай бўлмайди, яхшининг ёмони ҳам бўлади. «Ёмон» деган сўз борки, «яхши» деган сўзни ишлатамиз. Яна шуниси ҳам ҳақиқатки, «ёмон» иш ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг сабабчиси ноқобил, бефарқ, дангаса инсонлар бўлади.

Сен бир нарсага доимо эътибор қил, Шарофжон. Оллоҳ кўрсатмасин, бирон-бир жойда, кўчадами, корхонадами, майли, бунинг аҳамияти йўқ, кўнгилсизлик юз берса, кўрган ёки эшитган одам қай аҳволга тушади? Кўрган бўлса кўрмаганим, эшитган бўлса эшитмаганим дуруст эди дейди. Кайфияти бузилиб, хаёли қочади. Ўша воқеа ҳақида ўйламасликни истайди, бошқа ширин кайфиятни кўмсайди. Нохушликнинг сабабчисини кўрмасам, бундайларнинг юзи қурсин дейди. Қара, қанчалар даҳшат-а?

Бундай киши оиласнгда ёки бирга ишлайдиган жамоангда бўлса борми, у ёини тасаввур қиласкер. Оиласнгда бўлса маҳаллада бош кўтариб юролмай қоласан. Жамоангда бўлса худди у эмас, сен ўзингни гуноҳкордек сезасан. Бу кўнгилсиз ишларнинг айбори бошқа бўлса ҳам у худди сенинг юрагингга ўрнашиб олиб, илондек кўнглингни оздираверади.

Қанийди ҳамма ҳам ноўрин қилифидан худди шундай ноқулай аҳволга тушса. Дўстининг, акасининг, укасининг, касбдошининг билибми-билмайми қилиб қўйган ноўрин ишидан уялиб, боши эгилса. Афсуски, бундай вазиятда бу ишни мен қилмадимми, менга нима, баттар бўлсин дейдиган содда муғомбирлар ҳам топилади. Ҳа, улар доим парвойифалак. Бундай бўлиб қолишдан Оллоҳнинг ўзи арасин. Чинакам инсон савобли ишидан қанчалар шодланса, ёмон қилифидан шунчалар ташвишга тушади. Бирга ишласа, менинг совукқонлигим, бепарволигимдан шу иш содир бўлмадимикан деган савол эзиб

юради. Инсоннинг номаъқул ишлари аччиқ изфиринга ўхшайди. Ҳаммани бирдек қақшатиб, совқотиради. Уни кўрган одил одамнинг кўли ишга бормай қолади.

Яқинда бизда бир ноҳушлик юз берди. Очигини айтсам, ўғирлик содир бўлди. «Бобомнинг корхонасидан нима ўғирлаш мумкин?»— деб ҳайрон бўлаётгандирсан? Тўғри, китоб, газета ва журналдан бўлак нима бор бизда. Лекин айрим «шоввозлар» шуниям ўмиришга ҳаракат қилишган. Бу ишни бир киши қилган, бироқ «ҳаракат қилишган» деб кўпчилик маъносида етказмоқчиман сенга. Бундай ноўрин ишлар қачон содир бўлади? Эҳ-а, сабаблари минг битта десам ишонавер, Шарофжон.

Биринчидан, бу ишга кўл урган киши эътиқодсиз, нафснинг кули бўлиб қолган одам. Фақат ўзини ўйлайди. Унга атрофидаги одамлар фойдасиз, сариқ чақадек, бекиммат кўринади. Ишлаб турган жойининг шаъни, обрўйи... Унинг фикрича, бу ҳақда гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Бунақа танбалдан ҳар қандай бемаъниликтни кутиш мумкин. Хоинликниям, сотқинликниям, чунки унинг иймони суст.

Иккинчидан, бу ўғирликка бирга ишлаётган ҳамкаслари ҳам шерик. Шерик деяётганим айнан маънода эмас, кўчма маънода. Ахир улар ўша одамнинг нафси бузуклигини билишмаганми? Кўли эгрегини-чи? Албатта билишган. Вақтида айтишга андиша қилишган. Билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка олишган, оқибатда беандишлилик юзага келган.

Ўша одам корхонанинг мулкини ўғирладими? Йўқ, у ўша атрофидаги одамларнинг мулкини, **НОМУСИНИ**, **ХУШЁРЛИГИНИ** ўғирлаган. Миннатдорчилик ўрнига ҳамкасларининг пешонасига «Лоқайдлик» тамғасини босди. **БЕФАРҚЛИК** ёрлигини ёпишитирди. Бу ҳам аслида иймоннинг сустлигиданлир. Ахир гуноҳ ишни кўриб туриб кўрмасликка олиш, гуноҳга ботаётган кишини йўлдан қайтармаслик ҳам гуноҳи азимдир. Лоқайд одам ўша гуноҳга шерик деганидир. Бундай лоқайд одамлар на охиратни билишади, на бугунги кун савол-жавобларини. Қаерда уриш-жанжал, ўғирлик юз берар экан, ўша ердан барака кетиб, ишчиларнинг ишдан кўнгли совийди. Бу биринчидан, иккинчидан, ўғирланган маҳсулотнинг ўрни нима билан қопланади? Юз ҳиссалик хомашёдан юз эллик ҳиссалик маҳсулот чиқариш эвазига! Охир-оқибати нима бўлади? Маҳсулотнинг нархи ошибб, сифатидан путур кетади. Корхонанинг харидор олдидаги ишончи йўқолади.

Бу ишнинг корхона ички маънавиятига, обрўсига қанчалар таъсир этишини билсанг эди, Шарофжон. Э-ҳа.. Фалон корхонада ўғирлик содир бўпти! Хунук хабар ён-атрофга илондек ўрмалаб киради. Бу «жамоада интизом ўлган экан, ишлар ўзибўларчилигига ташлаб кўйилган экан», деган таллар раҳбарни гангитиб кўяди. «Маошини вақтида ололмаган-да, бечора ишчи нима қилсин, ўғирлашга мажбур

бўлган-да», дейдиган олов ёқувчилар ҳам топилади. Аслида бундай «башорат»чилар ўғриларнинг тегирмонига сув куювчи бўлади. Ҳа, иккиланиб турган қўли эгри одамларни қўлтиғидан кўтариб, галдаги ўғирликнинг содир бўлишига йўл очади.

Хўш, бу номаъкулчиликнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Кўпгина корхона раҳбарлари бундай нохуш воқеаларнинг исини чиқармасликка ҳаракат қиласилар. Атрофларида хунук гаплар урчишидан, обрўлари дарз кетишидан чўчийдилар. Айни пайтда катта хатога йўл қўяётгандикларини сезмайдилар. Икки киши билган нарсани учинчи киши билиши осон, уч киши билган нарсани бутун дунё билади, қолаверса Оллоҳ кўриб турибди-ку! Ажаб, бирор ўз нафси йўлида бутун бир жамоани қурбон қиласин-да, жазоланмасин?! Баъзилар ими-жимида аризасини олиб, изини қуритган бўладилар. Йўқ, бу нотўғри, Шарофжон. У жамоа юзига оёқ қўйдими, жамоа олдида жазосини олсин. Бу воқеадан хабардор жамоа муттаҳамни ишдан ҳайдаса ҳайдасин, ваъдасига ишонса кечирсин. Раҳбар бундай ҳолларда ими-жимида, ноқонуний иш тутишга ҳаққи йўқлигини назарда тутмоги, бундай камчиликларнинг олдини олмоги зарур.

### ПУЛ ТОПИБ, АҚЛ ТОПМАГАН...

- Хўйуш, Шарофжон, қани шунча гаплардан кейин менга айтчи, бизнесменнинг панд еб қолишининг сабаблари нимада экан?
- Бепарволик оқибатида маҳсулотнинг сифатсизланиб қолишида.
- Яна-чи?
- Маҳсулотни харидорларга ўз вақтида етказиб бера олмаслигида.
- Яна-чи?
- Маҳсулот таннархининг ошиб кетиши-да.
- Дуруст! Яна биттаси бор, мен уни сенга ҳали айтганимча йўқ.

Бир тадбиркор менга таниш бўлган кичикроқ босмахона ишидан шикоят қилиб қолди. Турли ичимликлар, озиқ-овқатларни ўраш учун этикеткалар буюртирган экан. Миллион дона. Босмахона тайёрлаган маҳсулот намунасини буюртмачига кўрсатиб маъқуллатиб, имзо чектириб олган. Кейин буюртмани тўла-тўқис бажариб, орани очиқ қилган. Аммо этикеткаларни идишларга ёпишириш вақтида сир очилиб қолган. Одатда қофоз маҳсулоти қалинлиги, зичлигига қараб граммларга ажратилади. Қофоз зичлиги қанча юқори бўлса, сифати ҳам юқори бўлади. Тасаввур қил, пишиклиги жиҳатдан дока билан сурпнинг орасида сезиларли фарқ борми? Шунга ўхшаш, қофоз турлари ҳам зичлиги билан бир-биридан ажраб туради.

Хуллас, этикетка — бир юз йигирма граммлик силлиқ қофозга босилиши керак бўлган. Корхона бир юзу беш граммлик оддийроқ

қоғозга босган. Миллион ададда чоп этиладиган қоғоз шунчалар нозикки, унинг фарқини мутахассис бўлмаган одам ажрата олмайди. Билимдан матбаачи бўлса буни дарров ажратиб олади. Хуллас корхона буюртмачини чалгитиб, бир юз беш граммлик қоғозга босиб, бир юз йигирма граммлик қоғоз ҳисобидан ҳақ олган.

— Қани айт-чи, менинг бизнесменликка шайланавётган болам, айб кимда?

— Корхонада. Билиб туриб нимага бировнинг ҳақига хиёнат қилади?

— Демак, сенингча бош айбдор корхона, шундайми?

— Бошқа ким бўлиши мумкин?

— Билиб қўй, аслида бош айбдор буюртмачи.

— Қандай қилиб? У ҳам пулига, ҳам молига куйиб турибди-ку!

— Айбдорлиги шундаки, унда пул бор — билим йўқ. Билими бўлганда: «Оғайнни, бизнинг олдимиизга похол солма, бу қоғозинг бир юзу йигирма граммлик эмас», дерди. У бўлса шартномага ва этикетка нусхасига маъқул деб қўл қўйиб берган. Ахир маҳсулот тайёрлашни билган одам унинг безаги, паспорти — ёрлиги қандай қоғозга босилишини ҳам билиши керак эди-да. Ёрлиқсиз шиша банканинг ичидаги нима борлигини ким билиб ўтирибди. Бунақа одамларни бизда «пул топиб, ақл топмаганлар» дейдилар.

Бизнесда майда-чуйда нарса бўлмайди, Шарофжон. Умуман иш майда нарсалардан бошланади. Нимаики иш қилинадиган бўлинса, бари ақл, билим ва тажриба элагидан ўтиши керак. Ҳа, микроскопда текширгандек, текширилиши зарур. Бунинг учун ниҳоятда илмли мутахассис бўлиш, бугунги янгиликни дарров билиб олиш зарур бўлади. Эртага яна бошқа янгилик туғилиб қолиши табиийдир. Кечагиси эскиради. Одам зийрак ва тиришқоқ бўлмаса, кечагиси билан алданиб юриши мумкин.

Демак, бизнесменни банкрот қиласидиган яна бир нарса — бу унинг илмсизлиги, ношудлиги экан... Тушундингми, ҳа, буни ҳеч қаҷон ёдингдан чиқарма, доимо кўнглингда бўлса, адашмайсан, болам...

## ИНСОНГА ИККИ ҚУЛОҚ ЕТАРЛИ, АММО ИККИ КЎЗ КАМЛИК ҚИЛАДИ...

**Б**у гапга ҳайрон бўлма, Шарофжон, мен кўп йиллик ҳаёт йўлимни таҳлил этиб, шундай холосага келдим. Буни ҳозир сенга бафуржа тушунтириб бераман. Инсонга нима учун иккита қулоқ етарли бўлишини-ю, иккита кўз камлик қилишини билиб оласан.

Одамлар бир кунда уч бора овқатланишга одатланган бўлсалар, мен икки марта овқатланишга одатланиб қолганман. Бу тиббий

нуқтаи назардан эмас. Билмайман, бу одат менда қачон шаклланиб улгурди, ишқилиб эрталабки нонуштадан сўнг пешиндан кейин соат уч билан тўрт ўртасида бемалол овқатланаман. Шу билан кечкурун енгил тамадди билан қаноатланаман. Кўпчилик қатори уч бор тўла овқатланишига ўзимда эҳтиёж сезмайман. Бир ҳисобда шу режага кўнишиб қолганим ҳам фойдали эканини доим ўзим сезиб юраман.

— Бунга бирон бир сабаб бўлгандир, — дерсан.

Менимча бу ҳарф терувчи бўлиб, З-сменада ишлаб юрган даврларимда одатга айланган бўлса ҳам ажаб эмас.

Баъзан бу ҳақда ўзим ҳам ўйлаб қоламан. Энди эсласам, кўпинча ишчилар пешин вақтларида ҳузуримга киришаркан. Аксига олиб куннинг ўртасида иш қайнар экан, бинобарин, мен ўз-ўзидан тушликка ҳамма сингари вақтида чиқолмас эканман. Нима учун бу пайтда раҳбарнинг иши кўпаяди? Буни ҳам билиб қўйиш муҳим, Шароффжон. Одатда ҳар қандай иш ўз-ўзидан иккига бўлинади. «Бу ишни тушгача уддаласам, буёғини тушдан кейин» деб режалаштирилади-да. Бироқ кўпинча тушгача улгуришга мўлжалланган иш вақтида битмай қолади. Кутимагандан турли-туман муаммолар вужудга келади. Натижада куннинг иккинчи ярмида бир кунлик ишни уддалаш қийин кечади. Бундан ташвишланган катта-ю кичик бошлиқлар ҳузурингга кириб, маслаҳат олишга мажбур бўлиб қоладилар. Менимча, овқатланиш вақтимнинг пешиндан ўтиб, аср вақтига қараб сурилиб қолиши шундан бўлса керак.

Ҳар ҳолда мен бундан оғринмаганман, қайтага Оллоҳнинг менга берган инъоми бўлса керак деб тушунганиман. Зеро ишим ҳам кўнгилдагидек кетади, одамларнинг иши битганидан мамнун бўламан. Кўпчилик тушлик пайтида ишлаб ўтиришимни биларди, шунинг учун ҳузуримга кириб, ишларини тезда битиришга одатланишганди.

Шундай қилиб десанг мен бир куни тушликка чиқаётib, ишчиларнинг машинадан қофоз ўрамларини туширишаётганини кўриб қолдим. Бу ишга алоқаси бўлмаган икки-уч киши томошабин-дек гаплашиб туришибди. Юк туширадиган қурилма қофозларни машинадан олиб супага қўяяпти. Ҳар бир қофоз ўрамининг оғирлиги ярим тоннадан ошиқ. Уни цехда у ёқдан-бу ёққа электроткарада фиддиратиб ташишади. Қофоз ўрами карада осон фиддирайди. Эҳтиёт бўлмаса ўзиям шу жойда салга думалаб кетиши мумкин.

Кўрдиму баданим жимиirlаб кетди. Гўё гаплашиб турган одамларнинг бири менману, бир ўрам қофоз думалаб келиб.... Тасаввур қил: ярим тонна юк, бехосдан одамга урилса аҳвол нима кечади?

Эҳтиётсизликни кўриб, кайфиятим бузилди.

Үша куни түшлик ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Назаримда корхонадаги ҳамма ишлар пала-партиш, бепарволик билан қилинаётгандек туюлаверди. Ахир ҳар бир ишнинг ўз тизими, аниқлиги, муҳофазаси бор-ку. Қоғоз тушираётган ишчининг атрофида бегона одам бўлмаслиги керак. Кейин машинадан олиб, супага қўйилган қогоз ўрами бехосдан думалаб кетмаслиги учун тагига тиргак қўйиш зарур. Ахир нимага темир йўл вокзалида вагонлар ўтхонадан ажратилгач, дарровда фиддирак тагига маҳсус мослама қўйилади? Техника хавфсизлигини сақлаб, кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун-да.

Бизда ҳам меҳнат жараёнидаги ҳар бир ҳаракатнинг хавфсизлигини таъминлайдиган омиллар бўлиши зарур. Ҳафсаласизликдан бирор бир одам жароҳатланиб, касалхонага тушганда ҳаммаси кеч ва бефойда бўлади.

Биласанми, Шарофжон, табиат қонунларига биноан, одатда дархтдаги мевалар кўкариб, етилади-ю, аммо бир кун, икки кунда дув этиб пишмайди. Вақти келиб етилганда бир-иккитаси ранг бериб, пиша бошлаганидан дарак беради. Кейин аста-секин ёппасига етилади. Кўнгилсиз воқеаларнинг етилиш жараёни ҳам шундай кечади. Юзага келаётган воқеалар ҳам аслида у ер, бу ердан уч бериб, секин-аста ўзини кўрсатади. Инсонни зимдан огоҳ қиласди. Зийрак бўлсанг кўрасан, кечикмай олдини оласан. Бўлмасам бошингни чанглаб, азобда қолаверасан.

Назаримда ходимларимиз бамайлихотирчиликка берилиб кетгандек, дунёни сув босса, тўпифига чиқмайдигандек туюлди. Ишхонанинг у ёғидан бу ёғига тортилган очиқ ва ёпиқ электр симлари, газета ва журналларни чоп этадиган машиналар, китобларни у цехдан бу цехга узатиб берадиган автомат линиялар, хуллас, бузилиб қолгудек бўлса, инсон саломатлигига хавф түғдиралдиган ҳамма нуқталар бир-бир кўз олдимдан ўта бошлади. Ишчи-ходимларни даволаш зарур бўлиб қолганда ишлатиладиган аптечкалар ҳам ўрнида йўқдек. Ёнгинни ўчиришда ишлатиладиган курилмалар, чекиш учун ажратилган маҳсус жойлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгандек кўринди.

Асабийлашиб турганимда бир ҳафта муқаддам бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушди-ю, баттар иситмам кўтарилиди. Қара, бир ишчи-мизнинг онаси оламдан ўтибди. Кўпчилик бўлиб жанозага бордик. Бундай маросимлар кам деганда икки-уч соатга чўзилади. Шу пайтда бир буюртмачи биз бошлиқларингиз билан келишганмиз деб машинада босилаётган зарур ишни олдириб қўйиб, ўзининг ишини битириб олмоқчи бўлган. Машинани бошқараётган уста ўз бошлиғидан машинани тўхтатиб, ҳалиги ишни машинага олайми, йўқми деб сўрамаган. Бўлмаса шундоққина раҳбарига қўнғироқ қиласа бас, олам гулистон, у ҳеч қачон бундай ишга йўл қўймаган бўларди. Чунки машинадаги иш ҳамма нарсадан зарурлигини биларди. Хуллас, буюрт-

мачи муғамбирлик қилган, буниси бепарволик қилган, режа бузилган.

Баъзан ўйлаб қоласан киши. Гүё воқеа ва ҳодисаларнинг жони бордек, улар ҳам одамлек ҳаракат қилаётгандек. Ана шу ҳолатларнинг ўзи мени нималардандир огоҳ қилаётгандек, хўш, ёрдамчиларим-чи, улар нима қилиб юришибди? Зеро, улар мен кўрган нуқсонларни кўришмаяптимикан?

Гапнинг индаллосини айтайми, Шарофжон, улар бу камчиликларни кўришмайди. Ҳа, ишонавер. Қасддан ё атайлаб эмас, йўқ, йўқ... Улар мендан кўра ана шу ичкари оламда кўпроқ бўлишади. Астасекинлик билан ўzlари ҳам, кўzlари ҳам бу нуқсонларга кўникиб қолган. Одатда чанг-тўзон ерга бирдан тушмайди. Аста-секинлик билан сездирмай ҳамма ёқни қоплайди. У ташқаридан келган одамнинг гина кўзига ташланади. Ичкарида юрган одамнинг кўзига оддий ҳол бўлиб кўринади. Сабаби, кўз ўрганиб қолган-да. Шунинг учун, Шарофжон, вақти келиб бирон-бир корхонани бошқарадиган бўлсанг, «Нимага мен кўрган нуқсонларни ўринбосарим кўрмаяпти, нима, менда қасди борми?»— деб жиғибийрон бўлма. Масаланинг мана шунақа нозик томонлари бор, буни ҳеч унутма, болам.

Хуллас, тушликка чиқаётib кўзга ташланган ўша муаммони биргаликда кўриб чиқиш ниятида каттагина йифин ўтказдим. Мажлисда айборларни «қовурдим», баъзиларини огоҳлантиридим, баъзиларини инсофга чақирдим.

Бошдан кечган кунларни эслаганимда ҳамкасларимга доим айтаманки, унутманглар, раҳбарга иккита кўз камлик қиласди, ҳақиқий аҳволдан огоҳ бўлиб туриш учун бутун вужудни кўзга айлантира олинг. Зукко раҳбарнинг кўл остидаги ходимлар ҳамиша хушёр бўлишади. Ишларини ҳам саронжом-саришталик билан адо этишади, чала ишларини тузатиб, йигишириниб юришади. Сабаби, бундай раҳбар бир қозон ошга битта қил тушса пайқай оладиган сезгир бўлали.

Энди раҳбарга иккита қулоқдан ортиғи ортиқчалик қилиши ҳақида. Ҳаётда шунақа одамлар ҳам учраб туради, уларга Оллоҳ берган иккита қулоқ камлик қиласди. Қулоқ дегани қанча кўп бўлса, иш шунча ўнгай кўчади деб ўйлашади. Кўп қулоқлик ифвогарлардан Яратганинг ўзи асрасин. Унда иш юрмайди, балки гийбат юради. Ишхона бамисоли гийбатхонага айланади. Раҳбар у чақимчининг гапига кириб бунта таинбех берса, бунинг гапига кириб унисини ранжитса... Бунақада одамлар ишчи эмас, раҳбарнинг қулоғига айланиб қоладилар. Қарабсанки, гуруҳбозликлар, ёз-ёзлар бошланади, бу, албатта, корхонанинг шўри, олди олинмаса инқизороз бошланади. Шунинг учун сенга айтар сўзим, Шарофжон, кўз қанча кўп бўлса кам, аммо қулоқнинг иккитаси етарли. Ўшандаям фақат Оллоҳ берган ўзингнинг қулоғингта ишон. Биронкига ишониб, панд еб юрма, болам.

## ЛОҚАЙДЛИК ЭНГ ЁВУЗ ДУШМАН...

**Ш**у билан бу мавзуни охирлатсаммикан девдим. Йўқ, Шарофжон, ҳали сенга айтадиган гапларим тамом бўлмаган экан. Юртимизда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа содир бўлди. Бунга ўзинг ҳам гувоҳсан, болам. Ҳа, Йўлбошчимизга, у кишининг одилона олиб бораётган тинчлик, барқарорлик сиёсатига суиқасд қилмоқчи бўлишиди. Портлаш зарбидан бизнинг ишхона ойналари ҳам тўкилиб тушди. Душманлар одамларнинг юракларини дераза кўзларидек чил-чил қилмоқчи бўлганлиги аниқ. Лекин ундан бўлмади. Худога шукр. Салдаёқ Юртбошимиз радио ва телевизор орқали, воқеа содир бўлган жойларнинг биридан туриб, бу террорчи оқпадарларга ўз муносабатини билдирилар. У кишини ойнаи жаҳонда кўриши биланоқ ҳамманинг кўнгли ўрнига тушди. Юраклардаги қўрқув, зирқираш, энди буёғи нима бўларкин деган ҳадик шу заҳотиёқ тарқади. Менинг кулоғим тагида портлаш содир бўлгандаёқ Ислом Каримовнинг «Хой одамлар, огоҳ бўлинглар!» деб жуда кўп марта хушёрикка чақирган ўринли ва ибратли сўзлари янгради.

Ҳа, Шарофжон, бу муддиш воқеа шуни кўрсатдики, биз ҳушёрикни анча унтиб қўйган эканмиз. Биз тўполонсиз, қон тўкишларсиз, мажлисбозликларсиз тинчгина ҳаёт қуряпмиз, тараққиёт ва осойишталиқ йўлида юксалипмиз, деб хотиржам бўлиб қолган эканмиз. Юртбошимиз «Оллоҳ берган тинчликни, мустақилликни, ҳурикни, эркинликни асрайллик, авайтайлик, қадрига етайлик, барака топкурлар» деб хитоб қилганларида минг бор ҳақ эканликларини эндинга сезяпмиз. Шукрким, шундай одил йўлга бошлаган одамни Оллоҳнинг ўзи асрари. Ёмонлар ниятига етмади.

Юз берган бу воқеа ҳаммамиз учун бир синов бўлди. Мени хурсанд этгани шуки, одамларда қўрқиши, саросимага тушиш, дўконга чопиб озиқ-овқат фамлаш деган шошқалоқликлар бўлмади. Бу ишга хоин ва номард нонкўрларнинг ўта пасткашликлари деб қаралди. Аммо айримларнинг юраклари хотиржамлик, лоқайдлик, бепарволовлик иллатларидан бир ёқли бўлмади.

«Буни қандай сездингиз», дейсанми?

Сен умрингда уяси бузилган чумолиларни кўрганмисан? Кўрмаган бўлишинг аниқ. Чунки далада ўсмадинг, кетмон чопмадинг, ер ҳайдамадинг, қаёқдан ҳам биласан. Чумолиларнинг уяси бузилса, биринчи навбатда улар пиллаларини кутқаришга киришадилар. Сабаби, пилланинг ичида боласи, кумурсқалар бўлади-да. Фамлаб қўйган дон-дуңлари билан деярли ишлари бўлмайди. Чунки Оллоҳ уларни оч кўймаслигини биладилар.

Оллоҳга минг бора шукрким, бизнинг Ўзбекистон деган уйимиз бузилмади. Ҳўп, бизнинг уйимиз бузилмапти. Тинчлигимиз бузилибди. Энди огоҳ бўлиб тинчликни ҳимоя қилиш керакми?

— Тинчлик қандай ҳимоя қилинади? Портлаш юз бериши билан муҳофаза органлари жиноятчиларнинг изига тушишди-ку, — дерсан.

— Тўғри, бу уларнинг вазифаси. Қолаверса, пихини ёрган бундай жиноятчилар қандай яширинишни ҳам билишади. Бундай вақтда биз оддий фуқароларнинг вазифамиз нималардан иборат бўлиши керак?

Тасодифий ҳодиса юз берганда кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар, маҳаллаларда яшовчи кишилар, корхоналар ишчилари ҳамма ҳамма буйруқни кутмай шу заҳоти қалбан уюшишлари зарур. Керак бўлса орган ходимларининг қаторига қўшилсинглар. Маҳаллада кимнинг қанақалигини фақат маҳалладагиларгина билади. Минг афсуски, бизда бундай аҳволнинг олдини олиб, дарров тезкорлик билан иш кўришга киришиш юз бермади. Муҳокамалар ўтказиш, тадбирлар белгилаш ишлари анча кечикиб бошланди. У ҳам бевосита эмас, билвосита бўлди. Ишлар айрим маҳаллаларга таассуб этибгина бошланди. Ёппасига жунбушга келиш сезилмади. Менга шуниси галати туюлди, Шароффжон. Мен бундай ҳолни ўша 1991 йилда Президент мустақилликни эълон қилганда ҳам кузатган эдим. Одамлар хурсандчилигидан бугун ухламаса керак, ҳамма кўчаларни тўлдириб, кечаси билан байрам ўтказса керак, деб ўйлаган эдим. Чунки бу хушхабар юз йилдан бери биринчи марта телевизорнинг кечки ахборотида бутун дунёга билдирилган эди-да! Афсуски, ўшанда ҳам бундай бўлмади. Жаҳоншумул, тарихий воқеага ҳам шодлик ўрнига лоқайдлик билан қарадик.

Нимага шундай бўлди? Бу чор Россиясининг босқини-ю, унга кўшилиб кетган қизил империянинг кўп йиллик зўравонлик таъсири эди. Мустабид деб аталаётган ўша тузум одамларни қиравериб, қамайвериб, қўрқитавериб ана шунаقا лоқайд, бефарқ, ҳиссиз қилиб қўйган эди. Бу иллатлар ҳали-ҳануз бизнинг қонимизда яшаб келяпти. Нима учун бугунги кунда улуғ аждодларимиз, олиму даҳоларимиз ҳақида такрор ва такрор гапириляпти, улар бамисоли қайта тириляптилар. Мустақиллигимиз сабабли эндилиқда ўзимизга ўзимизни танитяпмиз. Ота-боболаринг ким бўлганини билиб қўй ва шу азизлар номига муносиб бўл дейилмоқчи. Нима учун шундай қийин бир шароитда гўзал, муҳташам бинолар қурилмоқда, етмиш йилда қад қўтартмаган иншоотлар бунёд этилмоқда? Шу биноларга қараб қаддингни ростла, сен шундай бир муҳташам юртнинг эгасисан дейилмоқчи. Буни тушунгандар тушуняпти, тушунмаганлар ҳали ҳам бу тарихий ўзаришларни кўрмай, мудраб ётиби, Шароффжон.

Ўша кунлари бизнинг корхонада бошқача вазият ҳукм сурди. Бизнинг корхонамиз жойлашган ердан тахминан уч юз метрлар чамаси узоқликда портлаган ажал алангаси кўп қаватли биноларимизнинг қалин ва йирик кўзли ойналарини синдириб, тўкиб ташлади.

Хайриятки, бир мингдан ошиқ ишчиларнинг ҳеч бирига зарар етмади. Қиши куни эмасми, хоналар, цехлар совуб кетди. Ўша кунлари қўлидан иш келадиган одам борки, ҳеч ким ухламади.

Цехлардаги иш меъёри бузилмади. Редакция хоналарида журналистларга шароит яратилди. Синиб тушган ойна қўзлари ўрнига вақтича картон қоғозлар қўйилди. Шундай қилинмаса, башарти қаттиқ совуқ бўлиб қолса иситиш батареялари ёрилиб, иш устига иш ошарди, компьютерлар совуқдан ишламай, иш жараёнларининг тўхтаб қолиш хавфи бор эди.

Портлаш содир бўлган куни ҳам иш тўхтагани йўқ, газеталар ўз вақтида чоп этилди. Ҳа, ишчилар ўз корхоналарини тасодифий ёвуз кучдан асрай олиши. Шундай бир ўюшқоқлик ва тиришқоқликни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарили. Тасодифан бошга иш тушганда синовдан ўта олишимизга яна бир бор ишондим.

Илоҳо, бундай мудҳиш синовларни бошта соладиган хоинлар Оллоҳнинг қаҳрига учрасин. Ўн тўрт begunoҳ одам шаҳид кетди. Болалар етим қолди. Биргина бизнинг корхонамизнинг ўзи ўн беш миллион сўмга яқин зарар кўрди. Бу пулни тоғдаги болалар оромгоҳига ишлатиб, у ердаги сув иншоотларини янгилаш, янги бинолар қуриб, оромгоҳни ободонлаштириш ниятимиз бор эди. Тоғда кўчки бўлиб, сув қувурларимизнинг кўпгина қисми сурилиб, ишга ярамай қолган эди. Ёмонларнинг касри бизга ҳам урди. Нима бўлса ҳам одамларимизни Оллоҳнинг ўзи асрари, майли, бу йил бўлмаса янаги йилга амаллармиз. Уч ойга бир иложини қиласиз. Тинчлик-омонлик бўлса, эзгу ниятларимизга худо хоҳласа етамиз!

Ўша мудҳиш 16 февраль воқеасидан сўнг ёвузлик билан эзгулик ҳамиша ёнма-ён юришига, инсон салгина хотиржамлик, салгина лоқайдликка берилса, ёвузлик бош кўтаришининг яна бир бор гувоҳи бўлдик. Ҳаётда ҳамиша шундай бўлиб келган, одамлар отоҳ бўлмаса шундай бўлаверишига яна бир бор шоҳид бўлдик. Шунинг учун одамлар, ҳатто тўйда ўтирасалар ҳам ҳушёр бўлишлари керак. Бўлмаса салгина эҳтиётсизлик оқибатида тўй ҳам азага айланиши ҳеч гап эмас. Зукко йўлбошчимиз ўз асарларида ҳам халқимизни огоҳликка ундейдилар.

Аданг раҳматлик Алишер икки дўсти билан шундай бир гафлатнинг қурбони бўлишиди-ку. Бўлмаса улар қудалар кўнглини олиб, тўйдан қайтишаётган эди. Адангни олдинда Малайзия сафари кутаётган эди. Энг ёмони, шофёр йигит ҳам тўйда хизматда бўлган, чарчаган, тўйиб ухлаб олмаган экан. Хотиржамлик, бепарволик жуда ёмон иллат, у одамни бўшаштириб, уйқуга тортаверади. Инсоннинг вужудини фалажлайди. Охир-оқибат фалокат панжасига тутиб беради.

Шак келтириш гуноҳ, ҳамма нарса худодан деган гап бор. Бироқ Оллоҳ ҳам ўзини асраганни мен ҳам асрایман деган. Ахир Оллоҳ

эхтиёт бўлиб юр, деб одамга кўз, қулоқ, сезги неъматларини ато этиб, қўйибди-ку. Яна нимадан ўпкаланамиз!

Бир роҳиб (умрини Оллоҳ йўлида тиккан одам) бўлган экан, Шарофжон. Кутимаганда кучли сел келиб, дарёлар ўзанидан чиқиб, шаҳарни сув босибди. Роҳиб бўлса уйидан чиқибди-да, қулайроқ жой топиб, туравериби. Қайиқдаги бир одам унинг ёнига келиб:

— Тақсирим, қайиққа чиқинг, — дебди.

— Бошқаларни қутқараверинг, мени Оллоҳнинг ўзи қутқаради, — депти у.

Қайиқчи нарига сузиг кетибди. Бу орада сув роҳибининг белигача кўтарилибди. Яна бир бошқа қайиқчи унга яқинлашибди.

— Тақсирим, қайиққа чиқинг, бу туришда чўкиб кетасиз, деса;

— Бораверинг, мени Оллоҳнинг ўзи қутқариб олади, — деб унинг ҳам таклифини рад этибди.

Бу қайиқчи ҳам нари кетибди. Бу орада сув янайм кўтарилиб, роҳибининг томоғига етиб қопти. Шунда учинчи қайиқчи келиб:

— Тақсири, чиқинг қайиққа, бўлмаса чўкиб кетасиз, — депти.

— Бораверинг, ҳа, йўлларингдан қолманглар, мени Оллоҳнинг ўзи қутқаради, — деб унинг ҳам таклифини рад этибди.

Шундай қилиб, ўжар роҳиб сувга чўка туриб, Оллоҳга нола қилибди: «Эй Оллоҳим, нега менинг жонимни асрамадинг?» Хотифдан нидо келибди: «Эй, ўжар бандам эътиқодингга яраша ёнингга уч марта қайиқ мингандан фаришталарни юбордим-ку, сендан ҳаракат, мендан баракот деб қўйибман-ку, яна нима дейсан?» деган жавоб бўлган экан.

Ана шунаقا, Оллоҳ ҳамиша биздан огоҳ бўлади ва турли-туман оғатлардан огоҳ қиласди, бандасини хушёрликка ундейди. Ўзимиз билиб туриб, зийрак турмаймиз, ҳамиша огоҳликни, хушёрликни эсдан чиқариб қўямиз. Бу гапларнинг мағзини чақ, ўғлим.

## НОҚУЛАЙЛИКДАН – ҚУЛАЙЛИК ИЗЛА...

**Б**ир куни Шоҳалил амакинг қўнгироқ қилиб қолди. Биласан, у киши раҳматлик адангга ҳам амакивачча, ҳам яқин дўст эди. Шу... Шоҳалил менга қўнгироқ қиласдими ё бирон бир жойда иш билан дуч келадими, ишқилиб, нимагадир ёдимга ўша 1983 йилдаги машъум воқеалар тушаверади.

Мени ишдан четлатишган пайтларни айтяпман-да. Аданг раҳматлик ҳам таъқибга учраган эди ўшанда. Ёшлар газетасида бош муҳаррир ўринбосари эди. Уни «Сен эр-хотин ва битта боланг билан уч хоналик уйда турасан, ошна-оғайнигарчилик қилиб, шунаقا қулайликка эга бўлиб олгансан», деб айблашганди. Аданг, у зўравонларга оилада яна иккинчи фарзанд кутилаётганини, бунинг устига журна-

листлар уюшмаси аъзоларига қўшимча хона учун қонуний имтиёз борлигини айтган бўлса ҳам, барибир уни эшитишмаган. Райком бюросида ҳайфсан беришган.

Ҳайфсан деган жазодан кутулиш учун аданг бир хонасидан воз кечиши керак бўлган. Бунинг учун Алишер тегишли идорага бориб мурожаат этганида, у ердагилар ҳаммаси қонуний эканлиги, бунақа ишлар учун ҳайфсан берилмаслигини айтиб, уйда хотиржам яшайвериши ҳақида қофоз қилиб беришган.

Аммо ҳайфсан олган одам бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаши мумкин эмас, деб ишдан ҳам бўшатворишган. Аданг бу «ўйин»-ларни тушунган ва шу муҳарририятда оддий ходимлик ишида қолдиришларини сўраган. Рад этишган.

Мен бу машмашалардан бехабар, бетоб ётардим. Ҳа, мен учун ўғлимни ҳам азоблашаётганини билмас эдим. Амакиларинг, бувинг оғир ботмасин деб менга билдиришмаган.

Ўша кунлари менга нисбатан қилинган зўравонликлардан дард чекиб ётар эдиму, битта нарсадан хурсанд эдим. Мени кўп кавлаштиришди. Ҳа, текширувчи устига текширувчи юборишди. Тирноқ тагидан кир қидиришди. Оллоҳга шукрким, ишимдан нуқсон топа олмадилар. Салгина кир топишганда борми... Э, ҳа... етти қават ер тагига киритиб юборишга тайёр эдилар. Шунинг учун ҳам ишдан бўшатиб, ҳайфсан бериш билан чекланишди. Қаерда ишлашим мумкинлигини ҳам ўзим танлаб олдим. Тошкент давлат университетида дарс бераман десам, кўнишмади, катта опамиз «Сизни олийгоҳга ишга қўймасмишлар», дейишди. Бу фирром жавобдан сўнг ўзим ўқиган ва шу соҳада кўплаб ёшларни тарбиялаётган билим юртини танладим. Ишдан кетганим билан менга қасд қылганлар олдида руҳан тушмадим. Ўз обрўйим, шаъним ўзимда эди.

Алишер деярли ҳар куни мени кўргани келар, ўзини хотиржам кўрсатар эди-ю, лекин ичидан нимадандир эзиларди. Боши берк кўчага кириб қолгандек доим паришонхотир юрар эди. Ишдан кетганимга ўттиз етти кун бўлганда, бу рақамнинг эсимда қолгани — парҳезда эдим, табиб яна уч қундан кейин парҳезни бузсангиз бўлади деган эди. Шу куни Алишер келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, унга диққат билан қараб ҳайрон бўлдим. Нимага дейсанми? Чунки мен биринчи марта адангнинг сочига оқ оралаганини кўриб қолдим-да. Юрагим увишиб кетди. Ўзи сиртдан кулиб юргани билан ичидан эзилиб кетибди-да, болам, дедим-у, «Бор гапни очиқ айт» деб қистадим. Кейин у мен бетоблигимда бошига тушган зўравонлик ва оғир савдоларни сал қизишиб, оғир алам билан гапириб берди. Зўравонлар уни ҳам текшир-текшир қилишибди, газетада босилган мақолаларининг ғоявий, партиявий томонларини элакдан ўтказишибди, охири унданам жиддий айб топишолмапти.

— Ишингдан камчилик топиша олмагани, сен учун катта ғалаба, ўғлим. Менинг қаддимни күтариб, күпчилик олдида юзимни ёруғ қилиб турган нарса ҳам шу! Сен бундан хурсанд бўл! Бошингни баланд кўтар! Ҳақиқат букиладио, синмайди. Зўравонлар ўз қилмишлари учун вақти келиб жавобгар бўлиб, юзлари халқ олдида шувит бўлганини ҳам иншооллоҳ кўрамиз, омонлик бўлса, — дедим.

Алишер менга ялт этиб қаради. Назаримда шу қарашдаёқ боши берк кўчадан биракайига чиққандек бир ҳолга тушган эди. У беғубор севиниб, кулганча оҳиста, ҳа, беозоргина мени қучди-да:

— Рост айтдингиз, ожиз одамларнинг баҳоналари ҳам, чиқарган ҳукмлари ҳам ожиз бўлади. Ўртоқларим ҳам ҳайрон, топган баҳоналарини қара дейишяпти. Сизга бу гапларни олдинроқ айтсам бўларкан адажон, бир оғиз сўзингиз билан кўзимни очвордингиз...

— Энди гап бундай, ўғлим. Улар сенинг ишингдан камчилик топишолмадими, бу ёғига дадил бўл. Ҳа, талаб қил, иш топиб беришсин. Номард одам тухматга қолган бегуноҳ отаси учун боласидан ўч олади. Сен бир ёш мутахассис сифатида ўз ҳақ-хуқуқингни ҳимоя қил.

Алишернинг руҳиятидаги шу кунги кўтаринкиликтан ўзим ҳам қувониб кетдим. Ноҳақлик ёмон нарса-да. Бундай пайтда осмони фалакка учеб чиқиб кетгинг келади, ҳа, ер бағри торлик қилиб қолади. Бор-э, деб ер ёрилса-ю, ерга кириб кетгинг келади, аммо ер қаттиқлик қилади, осмон эса узоқлик.

Орадан кўп ўтмай аданг яна таажжубдан, ҳайратга тушиб олдимга келди... Мен бу пайтда янги ишимни бошлаб юборган, бўлажак матбаачи ёшларга дарс берардим.

— Ҳа? — дедим адангга савол назари билан қараб.

— Мени ҳам ўзбекча, ҳам ўрисча чиқадиган газетага таржимон этиб тайинлашди, — деди истехҳо билан. Гапининг оҳангидан бу иш унга ёқмаётгани сезилиб турарди.

— Нима, ёмонми? — дедим ҳайрон бўлиб. — Ўзбекчадан ўрисчага ўйнаб-ўйнаб таржима қилаверасан. Буям ижодкор учун бир мактаб, таржимонлик ҳамманиям қўлидан келавермайди.

— Ҳамма гап шундаки, сиз айтган ишнинг тамом тескариси, ўрисчадан ўзбекчага таржима қилармишман. Ахир мен ўзбек мактабида ўқимаганман, тил қонун-қоидаларини мукаммал билмайман-ку.

Буниси мен учун ҳам янгилик эди. Тавба, қандай одамлар-а, пичоқни тескари тарафи билан ишлатишга устаси фаранг. Адангга нима деб тасалли беришни ҳам билмай турган эдим, унинг ўзи гапнинг индаллосини айтиб кўя қолди:

— Бу мендан кутулишнинг битта йўли, адажон. Ишни таклиф этдик, ўзи хоҳламади деб баҳона топишиди, вассалом. Билишадики, мен қўлимдан келмайдиган ишга рози бўлмайман, уларга ҳозирги пайтда шу жавоб керак.

Кўрдингми, Шарофжон! Одамзотдан айёри йўқ. Айёрлар макрхйила ишлатиб, кишини оёғи турганда қўли билан юришга мажбур қилмоқчи бўлишади. Лекин инсон шундай бўлиши керакки, ўша таклиф қилинаётган нокулайликдан қулайлик ярати олиши керак. Шунда у янайм мукаммал, етук инсон бўла олади. Уни нокулай аҳволга қўймоқчи бўлган «одамлар» ҳам унинг ақл-идрокига тан беришади. Мен шуларни ўйлаб, адангга дедим:

— Нима қипти, бир ҳисобда яхши-ку, озгина жонингни койитсанг, ўз она тилингни ҳам мукаммалроқ билиб оласан. Тўғри, қийинчилиги бўлади, лекин бундан сен фақат ютасан. Хўп де, ишга кириш, болам, таржималарингни менга кўрсатиб тур, биргалашиб таҳрир қиласиз, тажрибанг ошади.

— Қандай бўларкин? — ўзида алоҳида бир куч сезиб, менга қаради аданг.

— Зўр бўлади, битта билиминг иккита бўлади. Ўзбек бўла туриб, ўз она тилида ёзолмайди-я, деган таъналардан кутуласан.

Шундай қилиб, аданг янги ишга киришиб кетди. Биз икковлашиб, адангга отилмоқчи бўлган зарбаларни қайтаришга киришдик.

Шундай кунларнинг бирида Шоҳалил амакинг келиб қолди. У санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида ишлар, бу соҳани анча нозикликлари билан англарди. Санъатшунос олим-да у. У менга оғир ботадими-йўқми, бунисини ўйлаб ўтирумай бор гапни айтиб қўя қолди. Уни ҳам Шоғуломовлар сулоласидансан, деган «айбнома» билан ишдан бўшатишибди. Ҳа, ҳеч бир сабабсиз ишсиз қолипти, шундай тиришқоқ йигит... У шундай деб, ҳам арз қилган, ҳам маслаҳат сўраган бўлди.

Мен унга ҳам бу нокулайликдан қулайлик излашни маслаҳат бердим. Тўғри, у судлашса, даъволашса бўларди. Лекин вақти кетарди, асаблари қақшарди. Табиатан санъатшунос бўлган бу йигит ҳақ йўлдаги олишувларда ўзидаги бор нағисликни қурбон қилиши мумкин эди. Ҳа, дағал, ҳиссиётсиз, ношуд одамга айланиб қолиши ҳеч гап эмасди. Шуларни ўйлаб унга яна савол бердим:

— Ҳўш, ўрмонга ўт тушса, ҳўлу куруқ баравар ёнади. Менга тушган олов сенгаям илашибди, на илож, бошга тушгач қўраверамиз-да, жиян. Энди нима қилмоқчисан?

— Ҳайронман...

— Сен санъатшуноссан, аспирантурани тутатгансан, илмий ишинг ҳам тайёр, билиб қўй, илмий даражанг бўлмаса, бу ёғи куруқ гап бўлиб қолаверади, ўқиш, ижод билан шугулланишинг зарур. Энди вақтинг етарли, бу ёғига чидайсан, укам.

— Э, ҳозир илмий даражага кўнгилга сиғадими, амаки, кўряпсиз-ку.

— Шу даражанг йўқ экан, хоҳлаган амалдор сени коптот қиласеради.

— Тушунмадим, йўқ даражани ҳозир бирдан қаттан оламан. Аммо бу зўравонликларни шундоқ кўймайман, курашаман, ҳақлигимни исботлайман. Мени ишдан ноҳақ бўшатишди. Қисқаришга тушадиган мутахассислардан эмаслигимни ўзим биламан.

— Сен мутахассислигини бу йўл билан исботлама, айтялманку, бориб, институтингда ўқи, илмий ишингни давом эттиргин-да, диссертациянгни ёқла. Сен имкониятдан фойдаланиб, бор кучингни илмга сарфла, илмингнинг ўзи вақти келганда сени ҳимоя қилиб, мақсадингга етказади.

Шарофжон, нима демоқчилигимни англаб етдинг шекилли. Ҳаётда аввал ҳам айтганимдек, турли воқеалар бўлади. Иссиқ ва совуқ кунлар ҳам. Еруғ ва булутли кунлар ҳам. Соғ-саломат ва бемор пайтлар ҳам. Ана шундай паллаларда одам ўзини йўқотиб қўймаслиги, иложи борича ўзини осоишишта тутиб фақат фойдали ва савобли ишларга сафарбар этиши керак. Балки ўша ишнинг жудаям зарурати йўқдек кўринар, лекин оҳ-воҳ қилиб ўтиргандан кўра кучни савобли ишларга сарфлагани маъқул. Мен бундай пайтларда отам ўргатганинни ёдлаб, Оллоҳдан сўрайманки: «Эй, яратган Эгам, бундан баттаридан — давосиз дардан, куруқ тұхматдан ўзинг асра!»

Баъзи ношукур, бетоқат бандалар нима қиласи дегин: ўзини у ёқса уради, бу ёқса уради, худди эртага қиёмат қойим бўлаётгандек. Ҳамма бало унинг устига ёғилаётганидек. Яна оғзидан мана бундай ножоиз сўзлар чиқади: «Эй Худо, мен сенга нима ёмонлик қилувдим, қайси гуноҳларимга, бу кўргиликлар!»

Оллоҳга бандасининг ёмонлигиям керакмас, яхшилигиям. Бандаси тарафидан етажак ҳеч бир нарсага муҳтоҷлиги йўқ. Инсон яхшилик қиласаям, ёмонлик қиласаям ўзига қиласи, Шарофжон.Faқат Оллоҳ бандасини бу синов дунёсида унинг эътиқодини, сабр-бардошини синайди. Яратган эгам Оллоҳ дегувчигаям ризқу мартаба беради, демаганга ҳам. Faқат бу нарсалардан кимнинг қандай фойдаланиши унинг иймонига, фаросатига боғлиқ. Албаттга мусулмони комил, инсофли, пок одам мартабага минса, ювуқсиз, хасис одамларга йўл бермайди. Бетавфиқлар амалга миниб олсалар, ҳалол одамларга кун бермайдилар. Бу Оллоҳ яратиб қўйган мўъжизалардан биридир.

Ҳа, гапимизни Шоҳалил акангдан бошлаган эдик. Ўшанда менинг гапимга кириб адашмаганини ҳали-ҳануз гапириб юради. Ахир у аспирантурада ўқиди, сал кунда илмий ишини ҳимоя қилиб, олим бўлди. Мана энди уни ҳеч ким нари тур демайди, доим бери кел дейди. Ўшанда зўравонларга аччиқ қилганда, вақтни бекорга сарфлаб, ютқазарди. Ҳамиша бир ёмондан яхши натижка чиқаришта уриниш зарур. Яхшиликнинг орқасидан ёмонлик келиб қолиши ҳам мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак.

## БАРАКА ХАРИДОРНИНГ ПУЛИДАМАС, ЮЗИДА...

**Ш**арофжон, ҳозирги кунда жонини койитмай бир ерда ўтириб «бизнес» билан шуғулланадиган устаси фаранглар кўпайиб кетди. Уларни кўтарасавдочилар дейишади. Ҳатто у ер, бу ерда, ҳа, шаҳар чеккаларидағи холи жойларда кўтарасавдо бозорлари ҳам пайдо бўлиб қолган. Кўпинча чайқовчилар ўша ерга танда қўйишади, турли моллар шаҳарнинг кўпчилик гузарларига шу ердан тарқайди.

Хўш, шундай бўлса нима бўпти, дейсанми? Жудаям ёмон бўпти, дейман. Четдан қараганда ҳеч бир ёмон жойи йўқقا ўхшайди. Бирор ўз молини ўша кўтара бозорга туширади, бирор уни ўша ерда сотиб олади, шу ернинг ўзида юқори нархда чакана харидорларга сотади. Бундай моллар қандай моллар бўлади? Кўпинча кундалик дастурхон учун зарур бўлган ноз-неъматлар ва ош-овқатлар бўлади. Биласан-ку, одамлар орасида бундай молларга доимо талааб катта.

Қадим-қадимдан бундай бебош савдо-сотиқ ишлари ман этилган. Ҳатто Пайғамбаримиздан ҳадис ҳам бор, эшитгин-а:

«Бозорга мол олиб келаётганларнинг йўлларини тўсиб чиқиб, уларнинг молини кўтарасига сотиб олмоқ ва ул молни турган ерида қайтиб сотиб юбормоқ макруҳdir».

Хўш, нима учун Оллоҳнинг расули одамларни бундай ишдан қайтармоқда? Биринчидан, ҳамма нарса ниятга яраша бўлмоги керак. Уйдан бозорга олиб бориб сотаман, деб мол олиб чиқдингми, демак, бозорга олиб бориш керак. Инсоннинг ҳар бир ниятига фаришталар омин деб туралди. Сен ҳали бозорга йўл олмасингдан харидор сенинг ҳам молингта жазман бўлиш учун уйидан чиқа бошлайди. Нима бўлди-ю, йўлда ниятинг ўзгарди. Тўғрироғи, йўлтўсарлар сени у деб, бу деб йўлдан уришди. Бозорда ўтириб сотишдан, арzonроқ бўлсаям нақд пул кўзингга яхшироқ кўриниб кетди. Бундай қараса, сен айбормассан. Бироқ савдо-сотиқнинг сен билан биз билмаган шундай ички қоидалари борки, гуноҳкор бўлиб қолганингни ўзинг сезмай қоласан. Буни ҳис қилиш қийин эмас, Шарофжон. Айтайлик, сенинг молингни кўтарасавдочи бир сўмдан олди. Энди у чакана савдо харидорига ўзининг нархини қўяди. У эса ўз ўрнида бошқа бозорга олиб бориб, ўзининг нархини қўяди. Қарабсанки, сенинг бир сўмлик молинг икки думалаб уч сўмга айланиб турибди-да! Сезиб турибман, айланса, айланар менга нима ташвиш дейишинг мумкин.

Тўғри, юзаки қараганда сенга алоқаси йўқдек, энди у сенинг молинг эмас. Ҳа, эгаси бошқа, жавобини ўша «учар»лар бераверсин. Гуноҳга ботса, ўшалар ботаверсин. Йўқ, сен қанчалик ўзингни оқла-ма, барибир гуноҳкорсан. Ниятингни бузмаганингда бозордаги нарх бунчалик осмонга чиқиб кетмасди. Бир сўмлик молнинг қиймати сабабсиз уч сўмга чиқиши сендан бошланди-ку, ахир. Ниятинг мус-

таҳкам бўлганида қўлингдаги молинг бозорга етмай туриб, оғирлар қўлига тушмас эди. Икки ўртада жабрини бозордаги асил харидорлар тортмасиди. Бу ерда кимга зарар бўляпти? Албатта, қўпчиликка. Ҳа, қўпнинг чўнтагини горат қилиш ҳисобига бўляпти. Бирор бозорга ўн кило оламан деб келганди, энди беш килонигина олиб кетади. Бирор бир кило олмоқчиди, нарх ошганидан чўнтаги кўтартмади, ололмай бозордан куруқ чиқиб кетди.

Бозор қимматлашиб кетгандан кейин кимларга жабр бўлишини тасаввур этиб кўр-чи?! Харидорлар молни ноиложликдан, оғриниб олдими, демак, унинг дили ранжиди. Инсоннинг дилини оғритганлар эса ўз-ўзидан гуноҳга ботадилар. Бирорни бекордан-бекор, ёқасидан олиб, хафа қилиб гуноҳга ботиш ҳам мумкин. Ҳалигидек йўллар билан ҳам одам номаи аъмолини қора қилиб қўйиши мумкин.

Деҳқоннинг йўлини тўсиб, авраб-савраб молини арзонга олиб қолганнинг гуноҳи энг оғир гуноҳдир. У деҳқоннинг қўлидаги молга ҳеч бир меҳнатсиз эта бўлиб арzon нархда пул санаб беради, шу жойнинг ўзида қайта қимматга сотиб пул санаб олади. У бир томондан мол эгасини шилади, иккинчи томондан харидорни.

Молни бозорга олиб бориб сотишнинг Оллоҳга ёқадиган яна бир томони — молга харидорнинг ўзи нарх уради. Бир сўз билан айтганда, мол эгасини топади. Ахир харидорнинг ҳеч бўлмаса ўнтадан биттаси сотувчига молингиз сифати қанақа, олсан пулга куйиб қолмайманми, деб сўрайди. Сабзавот, қовун-тарвузларни дори емаганми деб сўрашади-ку, шунга ўхшаш. Молнинг нархини, сифатини сўраш харидорнинг ҳаққи, тўғрисини айтиш эса мол эгасининг вазифаси.

Отам раҳматлик олди-сотдида икки томон ўзаро савдолашиб бир нархга келишишса молга ҳам, пулга ҳам барака киради, дердилар.

Энди ўйлаб қарасам, Шарофжон, ҳозирги бозорларимиз илгаригисига — ҳа, бундан юз йил олдингиси демоқчиман-да, кўринишдан юз карра чиройли бўлгани билан унинг ички олами, олди-сотдидағи маданияти қашшоқ.

Отамиз раҳматликнинг боғбон бўлганликлари, қиши кунлари меваларни асраб, Эскишаҳар бозорида сотганликлари ҳақида айтган эдим. Баъзан узоқдан келган деҳқонлар кун охирида шошилиб, қўярда-қўймай молларини кўтара нархда олиб қолишларини отамдан илтимос қилишарди. Шунда у киши олма бўлсаем, нок бўлсаем олдин навини, боғини сўраб-суриштириб олардилар. Уларнинг биринчи саволи — пайвандтаги қанақа, нимага уланган? Иккинчи саволлари — сувлик жойда ўсанми, сувсиз жойдами? Учинчи саволлари — қайси макондан деб албатта сўраб-суриштирадилар.

Савол-жавобларнинг шоҳиди бўлиб турганимда бир куни мен у кишига: «Отажон, буларнинг сизга нима кераги бор?» — дедим.

— Меванинг ширинлиги унинг пайвандтагига боғлиқ бўлади. Албатта аччиқ олма, эшак олма дарахтига уланган мевалар тахирроқ, бемазароқ бўлади. Сувлик жойда ўсгани сувалироқ бўлади, уни тезроқ сотиб юбориш керак. Сувсиз жойда етилганини жони қаттиқроқ, ўзи ширин бўлади. Бир-икки кун туриб қолсаям таровати йўқолмайди. Кейин тоққа яқин жойда ўсган меваларнинг мазаси ширин бўлади. Боғини билиб олсак, харидор сўраб қолганда дадил айтаверишимиз мумкин. Ўзимизда етишган меваларнинг боғини айтиб сотамиз-ку, ахир.

— Мевафуруш молидан кутулиш учун сизни алдамайдими?

— Э, йў-ў-ўқ, ҳеч қачон. Ахир Оллоҳ воқиф бўлиб турибди-ку, Оллоҳни алдаб бўладими? Алласа пули уйига боргунча чўнтагидан тушиб қолар...

Кейин адам раҳматлик ўша олиб қолган молини олган жойида сотмасдилар. Жила курса ўн қадам наридаги пештахта устига қўйиб, кейин сотардилар.

Мен яна ҳайрон бўлардим.

— Шундай қилмаса, молга барака кирмайди, макруҳ бўлиб қолади. Жилла курса молнинг жойи ўзгариши, нархи қимматлашмаслиги керак, — дердилар.

Кейин отам ҳеч қачон молни баъзиларга ўхшаб, тарозини ўйнатиб сотмасдилар. Тарози паллаларини тез-тез текшириб туардилар. Шошмасдан, тилини-тилига тўғрилаб бўлгач, тошини озгина оғирлаштирадилар-да, харидорга қараб; «Кел болам, бунисига мен розиман, ош бўлсин», деб қўярдилар. Яна у киши:

— Барака харидорнинг пулидамас, юзида, — деган гапни ҳам тез-тез айтиб қўярдилар. Бу нима дегани, Шарофжон? Мол эгасининг харидорга қилган салгина ҳиммати, тўё унинг олаётган мевасига барака киритиб юборгандек. Бу синоат харидорнинг юз-кўзида жилваланиб, кўринади, у мамнун бўлади. Пулни ҳам кўнглидан чиқариб, оғринмасдан, зиқна, қимматфуруш экан демасдан розилик билан санаб беради. Бунаقا пулда эса, албатта, барака бўлади-да.

Яна отам раҳматликнинг битта ғалати одатлари бор эди. Савдо давомида пулни санамасдилар, мева солинган саватнинг тагига қистириб қўяверадилар. Шом яқинлашгач, савдони йигиштирадиларда, бир атрофга аланглаб қўярдилар. Шу пайт уларнинг мана шунақа қарашларини кутиб тургандек, девоналардан бири пилдираб келарди. Отам раҳматлик сават тагига қўл тиқиб қўлларига илинган битта қофоз пулни олиб, ҳалиги девонага берардилар, у хурсанд бўлиб, ўзича ўйинга тушиб, миннатдорчилигини билдириб, узундан-узок дуо ўқирди. Бундан отам рози бўлардилар.

— Ўйинни тўхтат, бўпти-бўпти, етар, борақол, — дердилар отам кулиб. Назаримда девонадан кўра ўzlари кўпроқ қувонардилар. Шун-

дан кейин пулларни хилини-хилига ажратиб санаардилар-да, савдони ёпардилар.

Мен аввал девонага пул бериб, кейин пул санаашларини шунчаки ирим бўлса керак деб ўйладим. Аммо отамларнинг ирим-сириларга тоқатлари йўқлигини ҳам билардим, шундай бўлсаям сабабини билмоқчи бўлдим:

— Бу иримга кирмайдими, ота? — деб бир куни сўраб қолдим.

— Йўқ, бу ириммас, — дедилар жиддий. Кейин яхшилаб билиб ол дегандек тушунтира кетдилар. — Мен кечгача мёва сотаман. Ўгригаям, тўғригаям, зўравонларгаям, лекин уларнинг бирортасини пешонасига шундай одам деб ёзиб қўйилмаган. Ёзиз қўйилган тақдирда ҳам унга мол сотган бўлардим. Нимага десанг, бозорнинг ўз қоидаси бор, харидорга сотмайман дейишга ҳаққим йўқ. Бироқ ўғирлик пулнинг кароҳияти ҳалол меҳнат билан топилган пулларга албатта уради. Худди тиниқ сувга кир сув қўшилгандек, уни лойқалатиб қўяди. Гадойга берган эҳсоним ўша пулнинг лойқасини тиндиради. Оллоҳнинг амри билан тушумдаги кароҳиятни кўтаради. Бу савдодати энг мақбул, барокатли амалларга киради.

Энди мана шу гаплар билан бугунги бозоримизни бир қўз олдингга келтиргин. Бозор бор-у, лекин унинг қадимги амалиари, ўзига яраша қонун ва қоидалари йўқ, тўғрими? Бу гапларни ҳозирги кунда савдо-сотиқ билан шуғулланаётган «бизнесмен»ларнинг ўzlари билишмайди. Етмиш йил мобайнида ҳамма қонун-қоидаларни занжир-бандлик билан ушлаб туришга асосланган қизил тузум буларнинг ҳаммасини ҳаётимиздан чиқариб ташлади. Оллоҳга шукроналар бўлсинки, энди ҳаёт аста-секин қадимги ўзанига қайтяпти. Лекин ўша амаллари, қадриятлари тез қайтмаяпти.

Бир донишманддан сўрашган экан:

— Қиёмат қачон?  
— Ҳалоллик ўртадан кўтарилиганда.  
— Буни қандай билса бўлади?  
— Ишинг нопок одамларга қолганда.

Бугун бозор муносабатларига ўтаётган эканмиз, жамиятдаги кўтарилишлар ҳам, тушишлар ҳам умумбозорнинг тарозиси билан ўлчанаётган экан, бозор, олди-сотдиларида ҳалоллик бўлиши шарт, Шарофжон. Ҳа, Шарофжон, дарё суви бошида тиниқ бўлганидек, покланиш жараёни ҳам бозордан бошланса нур устига нур бўлади.

Мана, пайғамбаримизнинг битта ҳадислари атрофида қанчадан-қанча муаммоларни ечиб олдик. Афсуски, бундай ҳадисларни, Оллоҳнинг каломларини кўпчилик бизнесменлар билишмайди, ўқишимайди. Сен бизнесмен бўлмоқчи бўлсанг аввал шуларни ўқиб, ўрганиб олсанг адашмайсан. Оллоҳ таоло савдо-сотиқ билан машғул бўлган кишиларга қараб айтган экан: «Кам ўлчаб берувчининг ҳолига вой. Улар одамлардан ўлчаб олаётган вақтларида ошиқча

ўлчаб оладиган, уларга ўлчаб бераётгандариди.

Кечаги замонларда Оллоҳнинг сўзини ҳам, Пайғамбаримиз ҳадисларини ҳам ўқиш ва билиш манъ этилган эди. Бугун эса улар ҳар бир хонадонда, ҳар бир мусулмонда бор. Бироқ уни ўқиш йўқ, ўқилса ҳам уқиш, амал этишга уриниш йўқ. Сен зинҳор-базинҳор бундай бизнесменлардан ўрнак ола кўрма, Шарофжон!

## МЕҲРНИНГ ЎЗИ БОЙЛИК

«**Б**изнесмен бўламан». Қанийди бу битта сенинг орзуйинг бўла-қолганда, афсуски, сен тенги кўпчилик йигитлар шу орзу билан яшамоқдалар. Бир вақтлар ҳамма ёшлар бирдек космонавт бўлишни орзу қилгандек. Ҳа, Гагариннинг космосга чиқиши барча ёш болаларда шундай ширин кайфият уйғотганди. У даврнинг ташвиқоти асосли бўлмаса ҳам шунаقا бебошвоқ гумбир-гумбир бўларди. Гўё хоҳласа ҳамма космонавт бўлади-ю, довруғи достон бўлиб, суратини одамлар қўлларида кўтариб юради. Шунча космонавт кимга керак, ҳамма осмонга чиқиб кетса, подани ким боқади дегувчи ва бу ҳақда ўйловчи азamat топилмасди.

«Бизнесмен» бўлиш ҳам шунаقا гап бўлиб қолди. Сен ҳам ўша ёшларнинг биттаси бўлиб кўриниб кетдинг кўзимга. Ўйланиб қолдим. Сенда нимадир етишмаётгандек туюляти менга. Ҳа, нималигини ўйлай бошладим. Беихтиёр аданг ва амакиларингнинг болалик даврлари, ур-тўполон, сур-тўполон пайтлари бир-бир кўз олдимдан ўтди.

Бир куни ишдан қайтдиму дарвоза тагида қўшнимиз, касбодошим, раҳматлик Маҳмуд ака Муродов билан гаплашиб қолдим. У киши кичкитойларга эртаклар ёзар, бир неча китоблари чиққан, ўшалар ҳақида гаплашаётган эдик. Дарвозамиз хиёл очиқ бўлиб, ичкаридан болаларнинг шовқини эшитиларди. Кутилмаганда амакингнинг овози қулогимга чалиниб қолди:

- Адамларга айтиб бераман.
- Ўзинг яхши боласан-ку.
- Бу Алишернинг овози эди.
- Айтавераман.
- Унда сени чақма-чақар, томга чиқиб олов ёқар, деймиз.

Баҳромга бу лақаб ёқмади шекилли, жим бўлиб қолди. Алишер уни аврашда давом этди:

- Адамлар шундогам ишдан чарчаб келадилар, айтсанг баттар асаблари бузилиб, биздан хафа бўладилар-да, чарчоқлари ошиб кетади. Сен ҳам адамларни яхши кўрасанку-а?
- Яхши кўраман, жудаям яхши кўраман.

— Яхши кўрсанг хафа қилма-да, бўлмаса яхши кўраман дема.

Хуллас, ака-ука бир қарорга келишиди шекилли, Баҳром жимиб қолди. Лекин болаларим нимани яширишяпти, бу ёфи менга қоронги бўлиб қолди. Албатта, болаларимнинг бари мени яхши кўришарди. Менимча, ҳамма болалар ҳам ўз оталарини яхши кўришади. Бироқ Алишерим, сенинг аданг ҳурматни жуда ўрнига қўярди, раҳматлик. Назаримда у мени ноёб ақл, нозик таъб билан яхши кўярди. Унинг хатти-ҳаракатларидан доим шуни сезардимки, гўё у катта одаму мен боламан. Ҳа, ана шунақасига аярди мени. Бирон нимага пул берсам ҳам худди пулим камайиб, қийналиб қоладигандек тортиниб: «Адажон, керакмас», деб турарди. Укалариниям менга ортиқча харҳаша қилишларига йўл қўймасди. У пайтларда аданг мактабга борар, Фанишер билан Баҳром боғчага қатнарди.

— Ўшанда сиздан нимани яширишган экан, дейсанми?

Ҳечам бекитиб бўлмайдиган нарсани. Фанишер томдан дарахтга осилиб, оёғини дурустгина шилиб олган экан. Ўзлари билганича дори қўйиб, оёқни боғлаб қўйишган экан. Гап ниманидир яшириш ёки яширмаслиқда эмас, гап аданг раҳматликнинг болалигидан бизларга аямли бўлганлиги ҳақида. У нафақат менга, ҳаммага шундай муносабатда бўларди. Бироннинг кўз ёшига тоқат қиломасди. Ўзича дарровда бирон бир чора қидириб, ёрдамга шошиларди.

Бир куни Фанишер яна ишқал чиқарди. Тўп ўйнаётган экан, коптоқ кўзига тегибди. Дўхтирга олиб борсак, даволаш учун касалхонада олиб қолишиди. Ҳа, кўзининг қорачигига зарар етай деган экан.

Бироқ ҳар боргандা Фанишер уйга кетаман деб харҳаша қилиб йиғеларди. Йиғлаганда кўзи баттар қизариб, олаётган даволари фойдасиз бўлиб қоларди. Бундай пайтда Алишер укасини жон ҳолатда юпатмоқчи бўларди, даволовчи дўхтири унинг меҳрибонлигини кўриб, хатти-ҳаракатларига ҳавас билан қараб қўярди. Профессор Муҳаммаджон Комилов, Фанишернинг йигисидан завқланиб, ҳа болам, йиғлайвер, кўз ёшида «пенсилин» бор, кўзингга даво бўлади, дердилар.

Фанишер йиғлайвергач, ахийри уни уйга олдинроқ олиб келишга мажбур бўлдик. Бунга ҳам Алишер сабабчи бўлиб қолди. У дўхтирга қараб:

— Укамга жавоб бера қолинг, айтган дориларингизни кўзига уйда томизиб турмиз, ҳа, ишонаверинг, ўзим қуийб турман, тартибини билиб олдим, бир кунда уч маҳал. Хўп дея қолинг, онам ҳам дўхтиrlар.

— Ҳеч кимга ишонмасам ҳам сенга, онажонингга ишонаман, — дедилар профессор розилик билдириб, — уканнга жудаям меҳрибон экансан. Бизнинг дориларимиз билан сенинг меҳринг қўшилса, уканнинг кўзи, албатта, тузалиб кетади.

Дарҳақиқат, Фанишерга онаси билан Алишер уйда қараши, дори күйишни бизга ишонишмасди. Фанишер ҳам «Дорини кўзимга акам кўйсинлар», деб туриб оларди.

Ҳаётимиизда бўлиб ўтган бунаقا мисолларни юзлаб келтириш имумкин, Шарофжон. Нимага энди бизнес ҳақида гапира туриб, меҳр-шафқатга ўтиб кетдингиз дерсан. Нимагадир отангда кўрган меҳрни сенда ҳам кўришни истайман-да, болам. Бу билан сен бемехрсан демоқчи эмасман. Йўқ! Лекин адангда бу ажойиб фазилат, меҳр-оқибат тамоман бошқача кечарди-да. Ўзи сезмаган ҳолда ҳаммага жонини фидо қилиб юборарди. Отаси бўладими, онасими, укаларими, қариндош-урув ёки бегона бўладими, фарқи йўқ эди. Бувинг ҳали-ҳануз оҳ чекадики: «Бирор марта бўлса ҳам дилимни оғритганда майли эди, ўшани эслаб кўнглим совирди» деб йиглайди, ўзинг ҳам минг марта бундай оху-фарёдларнинг гувоҳи бўлгансан-ку.

Баъзан сенинг онангга, синглингга бўлган ноўрин муносабатларингни кўриб, раҳматлик адангни, унинг меҳрибонликларини эслаб, жуда эзилиб кетаман-да, ўғлим. Ахир онанг сенга суюниб яшаяпти-ку. Синглинг учун бўлса сен ҳам ака, ҳам отасан. Кўпинча сен уларга меҳр қўйишдан кўра, улардан меҳр кутасан. Ҳа, кўпроқ сенинг атрофингда гирдикапалак бўлишса... Агар бу меҳр-оқибат икки томондан бўлса мен ҳам, бувинг ҳам бениҳоя севи-нардик.

Билиб қўй, ўғлим, ҳа, ўнг қулоғинг ва сўл қулоғинг билан эшишиб ол: ўзига-ўзи маҳлиё бўлган инсондан улдабурро, билим-дон «бизнесмен» чиқмайди. Ўзини бировлардан ортиқ севган одам ой чиқсаям, кун чиқсаям менга чиқсин дейди-да. Савдо-сотиқдаям худди шундай фирром йўлни тутади. Харидорни ўйламайди. Тижоратга хиёнат аралашса, унинг Оллоҳ тарафидан белтилаб қўйилган тарозиси бузилади. Ахир одатда тарозининг палласи бир хил бўлиши керак-да. Эгасининг айтганини қиласидиган тарози жодугар тарози бўлади. Ҳаёт қонуни дунёдаги бундай бизнесменларнинг тарозини икки палласини икки тарафдан босиб қўяди. Ҳа, у охират куни қабрдан тошибақага ўхшаб тирилади. Унинг шу ҳолатда тирилишининг ўзи борар жойи дўзах эканлигидан даракдир.

Кўрдингми, Шарофжон, Оллоҳ бандасига Иймон билан биргаликда меҳр ва инсоф берган. Аслида инсоф, диёнат, меҳрнинг ўзи инсон учун беназир бойликлир. Аданг раҳматликда ана шундай туганмас неъмат бекиёс эди...

## ХАЛҚ ДОНОДИР, ҮНГА ҚУЛОҚ ТУТ!

**Ш**арофжон, майли, сен бизнесмен бўласанми-бўлмайсанми, буни қўя турайлик. Фалакнинг гардиши билан бирон бир амал курсисига ўтириб қолдинг, дейлик. Хўш, бундай пайтда одам ўзини қандай тутиши керак?

— Нега мавзуни бунаقا тарафига ўзгартириб юбордингиз, дейсанми?

Яқиндагина бир қадрдан биродарим билан учрашиб қолдим. Қарасам, кайфияти йўқроқ. Ишхонасини тафтишчилар босганимиш, шунга бўлса керак-да деб унга далда бермоқчи бўлдим:

— Сиззи минг йилдан бери биламиз, қонундан бир баҳя ҳам четга чиқмайсиз, бунаقا текширишларни биринчи марта кўраётганингиз йўқ-ку, нега хомушсиз, юракни кенгроқ қилинг.

— Гап ундумас, менга деса ётиб текширишмайдими. Мен Оллоҳдангина қўрқаман. Оллоҳдан қўрқсан бандасидан қўрқмайди.

— Нега бўлмаса, бунаقا кайфиятдасиз?

— Ҳамма гап шундаки, бу текширишлар атайлаб уюштириляпти. Бўлмаса яқинда бундан ҳам юқорироқ идорадан келиб текшириб кетишган эди.

— Мақсадлари нима? — ҳайрон бўлдим.

— Мақсад менинг жигимга тегиш, асабимни бузиб, ишдан қолдириб, одамларга мени ёмон кўрсатиш.

— Билишимча, сиз бировнинг жигига тегадиган иш қилмайсиз шекилли?

— Нега энди, — дея кулди у, — бизам бандамиз, билмасдан ёки билиб туриб, холис ният билан, оқибатини ўйлаб бировларнинг «жигига» тегиб қўйишимиз мумкин. Беайб Парвардиғор.

Мен текширувчиларни ким юборганини фаҳмлаб, бундай шумлиқдан ҳайрон бўлдим. Биродарим бошқараётган идоранинг зуғум қилмоқчи бўлаётган идорага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Вазирлиги ҳам, ҳисоб берадиган идораси ҳам бўлак. Лекин нуфузи анови текширувга келган идорадан сал пастроқ. Одатда, Шарофжон, нуфузли идоралар ён атрофидаги бундайроқ корхонаю идораларга ўз ҳукмларини ўтказмоқчи бўлишади. Ҳа, қўшнилари уларнинг қаршисида итоаткорона қўл қоявшириб туришларини, қўнғироқ қилиб, «хизматлар борми», деб туришларини хуш кўришади. Биродаримиз унақа лаганбардорлардан эмасди. Амалдорлар ўз ишини билиб қилсин дейдиган ҳақгўйлардан эди. Кейин бировга беҳуда хушомад ҳам гуноҳи азим дегувчилар тоифасидан. Тўғри-да, одамни нима бузади, ортиқча бойлигу ноўрин хушомад. Ҳисобсиз бойлик деган матоҳ кимки бойликка ҳирс қўйса, ўшанда бўлади. Кимки бойликка ҳирс қўйибди, билгинки, у пок одамлардан узоқлашади. Унинг учун бойликтан яқин дўст бўлмай

қолади. Бойлик ўз эгасига ё мени де, ё дўстларингни, ё қариндошуругарингни, деган шартни қўяди ва тўғри йўлдан чалғитади. Хушомад ҳам худди шундай. У аста-секин одамни шардек шишириб, ҳаволантирворади. Одамзот қаёққа қарасам, шу ёқдан илжайган, тиржайган, кўл қовуштириб турган одамларни кўрсам дейдиган бўлиб қолади. Қарабсанки, ўзи сезиб-сезмай, секин-аста оёғи ердан узилади. Охири пуфакдек пақ этиб ёрилади-ю, ерга чалпак бўлиб тушади. Биродаримиз ундаилар сирасидан эмасди. У ҳар доим ҳушёр ва огоҳ инсон эди.

Шунинг учун ҳам у ўша идоранинг бошлиғига тўғри саломини бергану куллуқ қўлмаган. Кейин қонун доирасига сифмаган бир-икки илтимосларини инобатта олмаган.

Бир куни ҳалиги идоранинг раҳбари биродаримизни ҳузурига чақирирган. Бирон зарур иш чиқиб қолгандир-да, деб борган. У амалдор столидан виқор билан турган-да, расмийларча сўрашиб, қайта ўрнига ўтирган. Биродаримизга ўтиринг ҳам демасдан, ким биландир телефонда узоқ суҳбатлашган. Биродаримиз қўнғироқ қўлган одами иккаламиз ўртамиизда бўладиган гапга алоқадор бўлса керак деб, хона эгаси ўтиринг демасаям бўш ўриндиққа ўтириб, сукут сақлаган. Сал ўтмай хонага пилдираб бир одам кириб келган. Раҳбар бўлмиш ҳалиги одамни гўё хонада учинчи одам йўқдек, қайсиdir иши учун, қаттиқ-қаттиқ гапириб мулзам қила бошлаган.

Биродаримиз дикъат қилса, ўртада бўлаётган гап-сўзларнинг ўзига ҳеч бир алоқадорлик жои йўқ. Кейин бу қандай раҳбарки, ҳузурига бир одамни чақириб қўйиб, унинг олдида ходимини ер билан яксон қиласди?! Бу беодоблик меҳмондўст ўзбекнинг қайси бир удумига тўғри келади? Мезбон одам меҳмоннинг олдида ҳатто мушугини пишт демаслиги керак-ку. Бундай дилозорлик, кўполлик ўша одамнинг ўзига обрў-эътибор келтирадими?! Демак, айтганингни қилмапти, бундан чиқди, ўзинг ношуд раҳбар экансан-да, деган маъно келиб чиқмайдими? Ишхона ҳам уйдек гап, Шарофжон. Қайси уйнинг сири кўчага чиқса, у уй эмас, кўчанинг ўзи. Ҳа, уйнинг кўчадан фарқиям унча-мунча гап-сўзларни сир сақланишидадир.

Хуллас, ҳалиги биродаримиз шартта ўрнидан турган-да, хонадан чиқиб кетган, раҳбарнинг ёнига қайтиб кирмаган. Лоақал телефон орқали нима ишингиз бор эди, деб сўрамаган ҳам. Назаримда, бу катта идоранинг раҳбариға қаттиқ ботган. Аслида қаттиқ ботмаслиги керак эди. Ўзини билган одамга буям бир аччиқ сабоқ-ку, Шарофжон. Хонамда ўтирган одам беижозат шартта туриб чиқиб кетдими, демак, мен ўзимни ёмон тутибман, деган хulosага келиши керак эди. Билишимча, у бундай иқрорни хаёлига ҳам келтирмаган. Балки мени менсимади, ўзини катта тутди, деган қарорида қолган ва биродаримизнинг идорасига тафтиш комиссиясини юбортирган.

— Бобожон, шунақа одамлар қандай қилиб амалдор бўп қолишиади?

Сирайм ҳайрон бўлма, ўғлим. Амал курсисига шоҳ ҳам ўтириши мумкин, гадо ҳам. Оллоҳ бирорга амал бериб, бирорга бойлик, бирорга дард бериб синайди. Шунақа босар-тусарини билмайдиган амалдорлар бўлмаса, аслида уларни амалдор деб ҳам бўлмайди, биз бошқа инсофли, диёнатли, халқ хизматидаги кишиларни ажратолмай қолган бўлардик. Бунақа ҳолларга дуч келганда, Шарофжон, униям Оллоҳдан деб билмоқ ва ундан зарур хуроса чиқариб олмоқ керак бўлади. Жасорати етса, анови биродаримдек ўз хатти-ҳаракати билан беодобларни тарбиялашга ҳам уриниб кўрса ёмон бўлмайди.

Қиссадан ҳисса шуки, «Беодоб — одам эмас, амал тожи бўлганда ҳам, бўлмагай эшак одам, анга либос ёпганда ҳам», деган ибора ўринилдирир, болам.

## БИР КУН ТУЗ ИЧГАН ЖОЙГА...

**Х** алқимизда шундай гап бор, Шарофжон: «Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер!»

— Бу ҳикматни нима учун эслаб қолдингиз, дейсанми?

Яқинда ишхонамизда бир воқеа бўлди-да. Назаримда, яқин кела-жакда шундай ҳол сенинг ҳам бошингда бўладигандек ёки бўлмаса сен ҳам шунақа муаммоларга дуч келиб қоладигандексан. Энди гапга қулоқ тутсанг мағзини чақиб оласан.

Биласан, ҳозир ҳамма соҳада янгиланиш, замонавий техникалар чет эллардан олиб келиниб корхоналарга ўрнатиляпти. Техникани келтириш билан баробар ёшларни каттакон пул тўлаб, чет элларга ўқитгани юборяпмиз. Нимага деганда биздаги билим билан мураккаб техникаларни бошқариш қийин. Ўқиб, иш ўрганиб келган ёш мутахассислар юртимиизга қайтгач, ўзи каби ёшларга билганини ўргатиши керак.

Баъзи корхоналар борки, тайёрга айёр бўлишади. Улар чет элларга бориб келган ёшларнинг кўйнига қўл солиб, катта мояна ҳисобига ўз корхонасига оғдирмоқчи бўлишади. Бундай пайтда, албатта, одамнинг нафси катта рол ўйнайди. «Ишибилармон»лар ёш мутахассисиста отнинг калласидек ойлик ваъда қилишади. Йўқ шароитлар билан қўйини пуч ёнғоқча тўлдиришади. Мақсадга эришиш учун олдиндан унча-мунча сарфлаб ҳам қўйишади.

Натижада ўқиб, мутахассис бўлиб келган ёшнинг фикри бузила-ди. Нима қилиб бўлсаям ўша остонаси тилла бўлиб кўринаётган корхонага кетишни мўлжаллаб қолади.

Шу ўринда савол туғилади, нима учун бу мутахассиснинг фикри ўзгариб қолди, қани айт-чи, Шарофжон?

— Нимага бўларди, ҳамманиям яхши яшагиси, бунинг учун тузкроқ маошга етишгиси келади-да!

Сен ҳақсан, шундай ўйлайдиган бошқалар ҳам ҳақ. Лекин нима учун ёшларимиз тўкис яшашга шошилишади? Уларни бирор орқасидан қувяптими?

Умуман қараганда, бундай орзуни ҳам тушунса бўлади. Ҳа, ёшларга хос бўлган бир ҳолат бу, аслида. Ёшлар тезроқ улгайсам дейди, бирор-бир ишниям тезроқ улдалай қолсам, кўзга ташлана қолсам, шуҳрат қозона қолсам, танила қолсам дейди. Шунга ўхшаб сен айтгандек яхши яшашга ҳам ошиқишади. Ҳаёллари узоқларга етаклайди. Истаклари тез кунда ҳашаматли ҳовлилари бўлиб қолса, енгил машина дегандек...

Лекин Шарофжон, бу орзу хоҳиш билан дарровда амалга ошиб қолмайди. Ҳар бир иш бандасининг интилиши ва Оллоҳнинг хоҳиши билан бўлади. Оллоҳнинг хоҳиши эса инсоннинг сабр-тоқати, чидамилилигига боғлиқдир. Иймон ва эътиқод, поклик, ҳалоллик ва Оллоҳга садоқатига боғлиқдир!

Энди шу талаблар билан ҳалиги ёш мутахассиснинг «орзу-ўйлари» қанчалик ҳәётийлигига одилона баҳо берайлик. Уни чет элга ўқиши учун ким юборди? Корхона! У кимнинг пулига ўқиб, мулла бўлиб келди? Корхона жамоасининг! Корхонада кимлар ишлайди? Ишчилар! Демак, у кўпчиликнинг пулига ўқиб келди. Кўчадан то-пилган текин пулга эмас. Қолаверса, у корхона жамоаси олдида, ишчилар олдида қарздор бўлиб қолди. Энди у ўзи эгаллаган илми, билими билан жамоадан олган ана шу қарзини узишга мажбурдир. Нафақат узиши, балки корхонани бойитиши ҳам керак. Илм олиш учун ажратилган бойлик шундай бир илоҳий хамиртурушки, энди, бирни ўн, ўнни мингга етказиш зарур. Бу эса бирдан амалга ошадиган осон ишлар эмас, бунинг учун йиллар керак бўлади. Қандай қилиб инсон ўз зиммасидаги шунча қарзни бир ёқли қилмай туриб, бошқа ёққа кўз тикиши, бирор ташлаган хўракка илиниб кетиши мумкин? Бунақа одамнинг косаси оқарармикан, Шарофжон?! Ўзи мўлжаллаган ҳашамдор ўйларни қура олармикан? Енгил машиналарни мина олармикан?

Ҳеч қачон! Корхона ҳам ота-онадек гап. Ота-она ўқитса, тарбияласа, одам қилса-да, бола уларни танимай кетса. Бундай фарзандга баҳт кулиб боқадими? Ота-она рози — Худо рози дейди ҳалқимиз. Корхона ҳам худди шундай. Муқаддас даргоҳ. Корхона фарзандим дедими, меҳрини бағишладими, эртанги кунининг истиқболлигига ишондими, албатта, унинг розилигини олиши керак. Шунда жарақ-жарақ пул ҳам бўлади, боғ ҳовли ҳам, енгил машина ҳам... «Сабр таги сариқ олтин» деганлари шу-да, Шарофжон.

Энди корхонамизда бўлиб ўтган воқеага келсак. Биз ҳам бир ёш, келажакли йигитни Германияга юбориб, ўқитиб келдик. Тайёр мутахассисни бир фирманинг раҳбари катта ойлик ҳисобига йўлдан урибди. Кетаман деб қолди. Жаҳл билан «бор, билганингни қил» дейишимиз ҳам мумкин эди. Ўрнингта ўзингта ўхшаган шогирд тайёrlа, кейин, майли, бадавлат фирмага кета қол дедик. Аслида йўқ дейишига юз фоиз ҳаққимиз бор эди. Чунки боя айтганимдек, корхона катта пул сарфлаб қўйган-да!

Аслида масаланинг бундай нозик тарафларини унинг ўзи тушуниши, мулоҳаза қилиб кўриши керак эди. Шундай қилмадими, «садқаи гап кет» дедик-да, ҳалиги таклифни айтдик. У ўзимизда ўстган бир ёш мутахассисга ўз ҳунарини жон-жаҳди билан ўргатишга киришиб кетди. Яхшиям шундай деганимиз, Германиядан келтирилган машиналар тилини тушунадиган яна бир мутахассис пайдо бўлиб қолди.

— Кейин нима бўлди, мутахассиснинг «зўри»га жавоб бериб юбордингизми, дерсан.

Бир куни ўша мутахассис олдимга ҳаяжонланиб кирди-да, деди:

— Мени бир худо асрали, яхшиям жавоб бермаганингиз.

— Нима бўлди, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Мени мўмайроқ пулли ишга чақираётган ишбилармонлар қўлга тушиб, корхоналари ёпилибди. Анча-мунча қингир ишлари бор экан.

— Бир балоси бўлмаса шудгорда қўйруқ на қилур, — дедим мен унга қараб.

У «мен сизнинг олдингизда гуноҳкорман» дегандек ерга қаради.

— Сени мен эмас, ўзинг айтгандек, Оллоҳ сақлабди. Худо ёқтирган хислатинг бўлса ажаб эмас. Камига сабр қилсанг, қўпига ҳам этишасан.

— Узр, — деди у ўрнидан туриб.

— Узрни менданмас, қадрдан корхонангдан, ишчилардан сўра.

Биласанми, Шарофжон, ҳалқимизда бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом деган нақл бор. Нима учун қирқ кун, қирқ бир кун ёки ўттиз тўққиз кун эмас? Меъдага тушган овқатнинг кучи қонда қирқ кун яшайди. Бу ҳақда бир сухбатда айтган ҳам эдим чоғи. Таом қонга айланниб танани тарқ этгунча одам боласининг шу хонадонга меҳри товланиб туради. Ва шу хонадон қаршисида қарздор бўлмаганда ҳам бурчли бўлиб қолиши аниқ, инсон қонидаги туз шунга ундейди.

Ҳаётда шундай одамлар борки, нафс деганда яқин кишилари, ҳатто ота-онасини, Ватанини ҳам сотиб юборади. Бундайлар туз ҳаққи нималигини билмайдилар. Лекин такроран бўлсаям айтиб қўяй, ҳар қандай кўнгилсизлик ҳирсдан ва нафсга беҳад эрк беришдек ўзбoshимчалик, бефарқлиқдан бошланади. Шундан эҳтиёт бўлиб, тўғри юриш керак, Шарофжон.

Мен сенга Оллоҳнинг буоргани — сабр қилмоқдир деб бекорга айтмадим. Кимки бесабр бўлса, ривоятда келтирилган сабрсиз сигирнинг аҳволига тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бир озғин сигир бўлган экан. Устихони терисига ёпишган, аранг-қаранг зўрга қадам ташларкан. Бунинг устига бузоқчасиям бор экан. Эгаси уни ем-ҳашаксиз эрта аzonдан далага ҳайдаб юборар экан. Бузоқчаси уйда қоларкан. Сигир кечгача ўт чимдиб, уйда қолган бузоқчасини ўйларкан-да, елинига сут йигаркан. Ёз чилласи бўлгач, ўтлар қуриб битганлиги учун бир чимдим кўк ўт анқонинг уруги экан. Сигир бир амаллаб, қорнини қаппайтириб елинига сут тўплаб, охирида бузогининг ёнига шошар экан.

Эгаси сигирнинг охурига бир кафт кепак сепиб, боласини номигагина эмизаркан-да, чеҳакни қўйиб, сутни паққос соғиб оларкан. Сигир бир кафт кепакка алданиб қолганини, боласи барибир тўйиб эммаганини сезиб қоларкану, унда кеч бўларкан. Бунинг устига бирон чора топишнинг ҳам иложи йўқ экан.

Тоқати тоқ бўлган сигир бир куни жаҳл қилибди-да, сут тўла чеҳакни тепиб, тўкиб юборибди. Бунақа одати йўқ эди-ю, билмай бехосдан оёғини кўтариб юборди шекилли, деб ўзига таскин берибди уй бекаси. Бироқ бу ҳол эртасига ҳам такрорлангач, хотин эрига шикоят қилибди, эри эса хотинига қани, эртаниям кутиб турчи, дебди. Эртасига ҳам шундай бўпти. Энди нима қилсан экан деб эрининг боши қотибди. Сотиб юборсак — айби бор, бирор олмайди. Айбини яширсак — гуноҳга ботамиз. Сўйсак — увол бўлади, барака толмаймиз, қоқ суяқ. Боласиям кичкина ҳали. Яхши, энди далага ҳайдама, тўйгунча ем ва ҳашакни олдидан узма, қорнини тўйғиз, бузоқчага ҳам қара, дебди эри.

Сигир бундоқ қараса — егани олдиди, емагани кетида бўп қолибди. Бузоги ҳам сутига тўя бошлабди. Серобгарчиликмиш. Э, бунақа тўкинлик кунлар ҳам бор экан-ку, далада ўт чимдиб, илдиз кавлаб тамадди қилиб юрувдим. Бу ҳунаримни олдинроқ кўрсатмайманми, азоблардан тезроқ қутиларканман, дермиш сигир. Сал кунда биққидек семириб ҳам кетибди. Аммо бир кун уйга қассоб келибди-да, оёқларини боғлаб, пичноқни қайраб турганда сигир кўз ёш тўкибди. «Ҳаҳ, ўша далада бир чимдим ўт излаб, илдиз териб еб юрган кунларим қандоқ баҳти кунлар экан-а, сабр-бардош қилсан бўлмасмиди, бесабрлик мана нимага олиб борар экан», деб афсус чекибди. Бироқ кеч бўлган экан, семизликни ҳайвон ҳам кўтармас экан.

Одам боласи ҳам худди шундоқ, Шарофжон. Шукр қилмай ўзини ўёқ-буёққа урса, нафси ҳакалак отса, нималаргадир эга бўлади, бироқ бундай бесабрликнинг охир-оқибативой бўлади. Инсон зоти шукр қилмаса, беш қўлини оғзига тиқса бесабрлиги бошга етади.

## АРМОН...

Y ша куни, Шароффон, сен менга фавқулодда қалтис ва айни пайтда хаёлларимни алғов-далғов құлувчи саволни бердинг.

Хозир нима деганингни эслолмасанг ҳам керак. Ёдигга туширайми, ўғлим?

— Бобо, армон нима?

— Армонми, армон... ҳа, энди ўғлим, аслида бу дунёни армонли, ўткинчи дунё дейишилари бежиз эмаслигини узоқ умримнинг ҳар лаҳзасида сезиб яшадим десам ишонавер.

— Масалан-де...

— Мана, аданг бевақт оламдан ўтиб кетди, бундан даҳшатли армон борми сен билан менга. Оламда қанча одам яшаетти, шулар қаторида яшаб юрса бўлмасмиди, Алишерим...

Ўшанда мен гапимни давом эттиролмай қолдим. Томогимга бир нарса тиқилди. Сен хомуш тортиб қолдинг. Билдим, сен бундан ҳам бошқа армонлар борми, бўлса қанақа бўлади деб сўрамоқчи бўлдинг. Нимагадир мен ўзим сезмаган ҳолда икковимизният ярамизни янгилашиб қўйдим. Бу дунё армонли дунё дедим-у, унинг чексиз-чегарасиз армонлари ҳақида сенга сўзлаб бера олмадим.

Яқинда газетадан Америка халқи ҳаётига оид бир хабарни ўқиб, ўзимдан ўзим хафа бўлиб кетдим. Ҳа, кечирилмас хато қилганимни сезиб қолдим. Нима эмиш — Америкада бир президент ўз ваколатини тутатиб, бошқасига сайловлар бошланиши олдидан, Америка халқи «Президент кутубхонаси» учун маблағ йигишар экан. Собиқ президентнинг иш фаолияти давридаги хужжатлар, ёзишмалар, хатлар, у ёзган мемуарлар ҳаммаси шу кутубхонада сақланаркан. Халқнинг мулкига, бойлигига айланаркан. Ўзини келажакда юртни бошқаришга тайёрлайдиган ёшлар, номзодини президентликка қўймоқчи бўлган кишилар ана шу хужжатлар билан бемалол танишар эканлар. Келгуси авлод учун шу хужжатлар бамисоли дастур вазифасини бажарар эканда. Орттирилган тажрибаю хужжатлар келажак учун йўл-йўриқ бўларкан.

Қара, мен битта корхонада эллик беш йилдан зиёд ишляпман. Бу давр ичиде неча-неча миллионлаб газета ва журналлар босилди. Неча миллионлаб китоблар чоп этилди. Э-ҳа, ана шу газета ва журналларнинг тахламлари йигилганда, нашр этилган китоблардан икки донадан сақланганда борми, жуда катта маънавий бойликка эга бўлардик. Бугунти фаолият кўрсатайтган ўртамиёна кутубхонамиз ўрнида замонавий «Шарқ» матбаа концерни босмахонаси деган бой илм ва маърифат даргоҳи яратилган бўларди. Ахир, хоҳлайсанми-йўқми, кечаги кунимиз газета ва журналлар тахламлари орқали ўрганилади-да!

Мана сенга армоннинг бир кўриниши. Армон шундай нарсаки, ўлган одамни тирилтириб бўлмаганидек, ўз вақтида бўлмай қолган ишларнинг ҳам ўрнини тўлдириб бўлмайди. Ҳа, сув орқасига оқмагандек, ўтган умр такрорланмайди. Бугун қилинмаган иш эртага армонга айланади. Ахир баҳорнинг меваси кузда пишмайди, кузнинг меваси баҳорда етилмайди-да.

Яна битта армонли воқеага гувоҳ бўлдим. Бир танишимникуга борсам, набиралари китоб ўқиб ўтиришибди. Эътибор берсам, ҳам масининг қўлида ҳайвонот олами ҳақидаги китоблар. Варақлаб ўтириб ўзим ҳам қизиқиб кетдим. Ҳалиги танишим:

— Бозорга тушган эдим, шу китобларни ёймачилар сотишаётган экан. Қаранг, арzon-гаров! Қанийди, пул бўлса-ю, ҳаммасини сотиб олсанг. Бунаقا китоблар яна қачон босилиб чиқади-ю... — деб менга қараб қўйди.

— Ҳа, — дедим уни қувватлаб, — қофоз ва матбаа соҳасида ишлатиладиган хом ашёларнинг нархи кун сайин ошиб кетяпти.

— Имконим бўлганда ҳайвонот олами, ўсимликлар, жониворлар, боғдорчиликка оид китобларни кўплаб нашр этган бўлардим. Корхонанинг ҳамма тармоқларида кўпгина кутубхоналар ташкил этардим.

Ўйланиб қолдим, Шарофжон, бизнинг корхонамиз шунаقا савобли ишни қилиши мумкинми? Фалон минг ажратиб, иккита ходимимиз эски китобларни сотаётган ёймачилар орасида юриб ёки эълон бериб, ана шунаقا нодир китобларни сотиб олса бўладими? Бундай илмий-оммабоп китоблар бозорда ҳадеб пайдо бўлавермайди. Бундай нодир китобларнинг ҳар бири замирида юзлаб, минглаб ижодкор олимларнинг бебаҳо меҳнати, заҳматда ўтган ҳаёти ётибди. Қадрини билганларга том маънодаги нодир китоблар-ку булаар. Бу асарларнинг тўқсон тўққиз фоизи ҳали ўзбек тилига ўгирilmagan. Улар ўрис ва бошқа хориж тилларида ёзилган. Эртанги кунимиз истиқболи учун бундай илмий китоблар жудаям зарур. Улар вақт-соати билан она тилимизда нашр этилар. Бундай маънавий бойликларни рўёбга чиқаришдек савобли ишга бугун бир сўм сарфлаб қўйсак, у эртага давлатимизга, ҳалқимизга минг сўм олиб келиши мумкин.

Мана кўрдингми, болам, бу ишни бугун амалга оширилса бўлади. Ҳали кеч эмас. Эртага эса кеч бўлиб, ҳалқнинг армонига айланиб қолиши мумкин.

Ҳаётдаги белаво армон бу беҳуда, бекорга ўтган умрдир, Шарофжон. Инсон зотидан бўлак ҳеч бир жонзот умрини беҳуда ўтказмайди. Дараҳтлару ўсимликлар туну кун ёруғликка интилиб, ўсишда, улгайишда давом этади. Ҳайвонлар гўшт йифиб, ялтираб семиради. Кечагина кўм-кўк бўлиб турган мева эртасига қарайсанки, ранг бе-

риб диркиллаб турибди. Ҳайрон бўласан киши: бу ниҳолнинг фўраси қачон етилиб, қизаришга улгурди экан? Бир ой олдин зўрға оёқда турган қўзичоқ, бугун онаси билан бўйлашиб, у ёқдан, бу ёққа сакраётганлигини кўриб ақлинг шошади.

Инсон боласи ҳам бир меъёр турмайди, ўсади, улғаяди, бугунги кийган кийими бир неча ойдан сўнг торлик қилиши мумкин, дерсан. Лекин бир нарсани эсингдан чиқарма, Шарофжон. Инсондан бўлак ҳамма жонзотлардаги ўсиш, ўзгариш улар учун бир «иш». Оллоҳ уларга шуни лозим кўрган. Ўс, улғай, катта бўл, семир, бандаларим сенлардан баҳраманд бўлиб, ҳаёт кечирсин деб буюрган.

Инсонга эса Оллоҳ ақл-заковат бериб қўйибди. Умрни қанчалик армонли, қанчалик армонсиз қилиб яшаш инсоннинг ўзигагина боғлиқ. Машхур одамлар ҳақида ўқисак ёки эшитсанк бу зотлар дунёдан армонсиз ўтган бўлсалар керак, деб қўямиз. Нимага деганда, улар ҳаётлик пайтларида шундай улуг ишларни қилиб кетишганки, инсоният билан абадий яшайди. Тинимсиз ижод, меҳнат, изланишгина инсон қалbidаги армонни кувади. Дангасалик, берсанг ейман, урсанг ўламан дейишлик, умрнинг қадр-қимматига етмаслик армону андухларга ўз эшигини очиб бераверади. Инсоннинг мустаҳкам иродаси армонли кунлардан омон олиб чиқади.

Армон қачон армон бўлиб юракка тугилади ва инсонни бир умр бедаво, ҳеч тузалмайдиган дардга гирифтор этади? Қачонки одам бир ишни режалаштираётганда уни бошидан охиригача ўйлаб, таҳлил этмаса, ҳисоб-китобини обдон қиёмига етказмаса, пиширмаса ва ўша ишнинг ҳамма увол-заволини чуқур ўйлаб, бўйнига олмаса. Мен айтдимми, иш ўз-ўзидан бўлиб кетаверади деса, бошқалардан кўра фақат ўзини ўйласа, шундай кутилмаган фожиалар рўй бералики... Ҳа, аданг Алишер дўстлари: Эркин, Равшанлар билан ана шундай фожианинг қурбони бўлиб кетишиди-да.

Улар Бухорога тўйга кетишаётганда самолётда бориб-келиш учун чипталари борми, йўқми деб такрор ва такрор сўрадим. Чунки узоқ йўл, йўлга ишонганинг билан машиналарга ишониш қийин. Рулда ўтирган одам чарчайди. Мени чипта бор, ташвиш қилманг деб хотиржам қилишди. Барибир қўнглим хира бўлаверди.

Маълум бўлишича, боришга ҳам, қайтишга ҳам чипта олинмаган экан. Кечаси билан тўйда хизматда бўлган бир йигитни бир амалдор меҳмонларни Тошкентга олиб бориб ташлайсан деб зўрлаган. Аввало, бу гапни айтиётганлар ўша йигитдан сўраши керак эди, ҳолинг қалай, уддасидан чиқасанми, деб. Ахир йўл азоби, гўр азоби деган гап бор.

Ундан сўраб-суринтиришлар бўлмаган. Ўша хукуқшунос зўравон нима бўлганда ҳам меҳмонларни тезда Тошкентта етказасан, ишимиз зарур, тамом-вассалом деб туриб олган. Қандай қилиб етиб боради?

У уч кун ухламай тўйда хизматда бўлса... Оқибатда уч йигитнинг, ҳайдовчи билан тўрт кишининг тақдири икки қўллаб ажалнинг қўлига топширилган... Узоқ йўлда чарчамаган одамни ҳам уйқу элитади. Кўз кетдими, тамом.

Ўша машъум 1993 йил 29 апрелда шундай бўлди. Йигит ухлаб қолиб енгил машина юк машинасининг тагига кириб кетади... Ана ундан кейин ундоқ қилиш керак эди, бундай қилиш керак эди... шунда фожиа юз бермасди. Тўй азага айланмасди... Сенинг ўрнингга мен ўлсан бўлмасмиди деган гаплар...

Мана бунаقا армонлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин. Албатта, Оллоҳ асрanganни асрайман деган. Бунинг учун аввало ўзингдан кетма, ақл ва шуур жиловини шайтоний ҳавасларга бериб қўйма.

## ИШНИНГ ВАҚТИНЧАСИ БЎЛМАЙДИ...

**Б**иласанми, Шарофжон, сен бизнесмен бўласанми-бўлмайсанми, албатта буни келажак кўрсатади. Яхши ният ярим давлат, дейди ҳалқимиз. Шундай бўлса ҳам бизнеснинг яна баъзи бир сирларидан сени огоҳлантириб қўйгим келяпти, гапларим фойладан холи бўлмас, болам.

Бизнес деганда бирорларнинг кўз олдига «жарак-жарақ», беҳисоб пул келаверади. Гёё бизнесмен умр бўйи бел оғриқсиз пул санаб ўтадигандек. Худди эртаклардагидек гёё айтгани — айтган, дегани — деган. Кўзида қора кўзойнагу тагида «Мерседес! Аслида эса ҳечам унақа эмас, Шарофжон. Бизнес аслида қора меҳнат. Уйқусиз туналар, ҳаловатсиз кунлар. Билиб қўй, бизнес битта одамнинг иши эмас. Бир одамнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Шунинг учун ҳам бундай йўлдан юрган ишбилармон ўз атрофига ишчан, фаросатли, ишончли билимдонларни тўплайди. Режалар тузади, фойдасига қараб ойлик маошларни белгилайди.

Вақтики келиб, бирон жойни бошқариб бирорни ишга оладиган бўлсанг ҳеч қачон вақтинчаликка олма, вақтинчалик маош ҳам тайин этма. Бу дунёда муқим нарсанинг ўзи йўқ, аслида. Биласан, ҳеч нарса абадий эмас. Инсоннинг жони ҳам Яратганинг олдида омонатдир. Лекин бу дунёning ишлари омонат бўлмаслиги керак. Омонат ходимдан пишиқ-пухта иш талаб қилиб бўлмайди. У жон-жаҳди билан ишлаганда ҳам барибир натижга кутилгандек бўлмайди. Чунки инсон ўзини ўзи алдай олмайди-да. Одам ишга вақтинча олиндими, истайдими-йўқми, қўли ҳам омонат ишлайди, қўзлари ҳам омонат кўради.

Инсонда руҳият деган нарса бор. Руҳиятнинг яхши бўлиши хотиржамликка боғлиқ. Одам хотиржам бўлсагина ишларида унум ва

сифат бўлади. Вақтингча ишга олинган ишчидаги хотиржамлик бўлмайди.

Мен неча йил раҳбар бўлиб ишлаётган бўлсан, ҳар қандай вазиятда ҳам кишиларни «вақтингчалик ишга олинсан» деб буйруқ бермасликка интилганман. Синов муддати деган гаплар ҳам менинг тажрибамда кам бўлган. Ишхона — бу меҳнат макони, синов ўтказадиган майдон эмас. Ишчи бирор-бир жойга ишга ўрнашган экан, у ҳамма томонлама доимий, мазмунли меҳнатга тайёр бўлиши керак. Эртага бойликнинг ярмини бой бериб қўйиб, ишга вақтингчалик олинган эди, ҳозирча синов муддатини ўтаётганди деб муаммодан кутилиб кетолмайсан, шундай деб ўзингга таскин ҳам беролмайсан. Вақтингчалик ёки синов муддати билан ишга олинган ходим оёғи ерга тегмай, муаллақ қолган одамга ўхшайди.

— Шогирд-чи, шогирд деб ишга олса бўладими? — дерсан.

— Бу бошқа гап. Ҳаёт меҳнат, ҳунар, мактаб деганлари устоз ва шогирднинг иттифоқидан иборат. Ҳалқимизда «устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар» деган мақол бор. Чунки яхши устоз кўрмаган одамнинг ишида сифат бўлмайди. Устози бўлса ишнинг сифати ва масъулияти маълум даражада устознинг зиммасида бўлади. Менинг ўзим ҳам худди шу йўсинда ҳарф терувчига шогирд тушиб, ҳунар ўргана бошлаганман.

Дастлаб ҳарфлар жойлашган кассаларга бўйим етмасиди. Оёқ учida ҳарф қидирадим. Чунки кассалар асосан катта ёшдаги ишчиларга мосланган бўлиб кўкракдан юқорироқ баландликда ўрнатилган эди.

Менинг қийналиб, оёғимнинг учida туриб бўлса-да, ҳарф тераётганимни кўрган устозим Туроб aka:

— Бўлмайди, — дедилар, бош чайқаб.

— Ўрганиб кетарман, мана чўзилсан етяпман-ку, — дедим бўш келмай.

— Эҳ болам-а, оёқ учida бир пас туриш мумкин, икки пас туриш мумкин, кун бўйи туриб бўлмайди-ку. Бемалол ҳарф териш учун яна бир, икки йил вақт бор-да сенга, лекин биламан, бу бедаво уруш болаларни ҳам балоғатга етмай, нон топишга мажбур қилиб қўйди.

Худди бўйим етмаётганлигига ўзим айбдорлек, қовоқларим уйилиб, қўлларим икки ёнга шалвираб, бир ноҳуш аҳволга тушиб қолган бўлсан керак-да, устозим чаккасини қашлаб:

— Майли, бир иложини қилармиз, — дедилар.

Ўшанда мендаги тушкунлик, ишга бўлган интилиш устозимни ҳам ўйлаб қўришга мажбур қилганини кейинроқ тушундим. Агарда бўйим етмас экан деб кетвorgанимда, мен табиийки, бу соҳада ишламаган бўлардим. Жон-жаҳдим билан ишга ёпишишим устозимни бефарқ қолдирмади ва келажакдаги тақдирим шу йўсин ҳал бўлди.

Эртасига борсам, устозим оёғимнинг тагига таҳтадан кенггина супача қилиб қўйибди. Агар ўша куни отамлар учқур тулпорга миндириб қўйғанларида ҳам бунчалик қувониб, суюнмаган бўлардим. Ҳа, мақсад сари интилганим, устозимнинг меҳрибонлиги мана бутунгача ёдимда, болам.

## ОЛЛОҲНИНГ ХОҲИШИ...

**Ш**арофжон, турмушнинг мураккаблиги, қийинлиги ҳақида кўп гапирамиз. Нима бўлгандаям, болам, Яратганнинг ишига аралашиб қўйишдан ўзи асрасин экан. Ҳаётда шунақасиям бўлиб турди-да. Одамгарчилик деймиз, бизнес деймиз, хайр-эҳсон деймиз, баъзан ҳотамтойлигимиз тутиб кетадими-еъ... Ҳайрон бўлаётгандирсан, Оллоҳнинг иши бошқа-ю, бандаларининг иши бошқача бўларкан-да деб. Мен ҳам илгари бундай ҳолларга кўпам эътибор бермас эканман. Ҳаётимнинг ярим асри давомида раҳбар бўлиб, ҳаётнинг баланд-паст кўчаларидан юриб билдимки...

Бир мактабдош дўстим бор эди. Ёлғизгина ўғли бор эди. Бироқ ёлғиз деб ўғлини эркалатмасди. Эрк бериб юборсам, «Ёлғиз бола ёвдан ёмон» деганлари бошимга тушмасин деб чўчийман, дерди. Тўғри йўл тутган экан, дўстимнинг фарзанди қобил йигит бўлиб етишди. Бир эмас, икки олий ўқув юртини тамомлади. Уйланди. Оллоҳнинг қудратини қарагинки, йигитга ҳам яратган Эгам биттагина ўғил берди. Балки яна фарзандлари бўларди. Лекин у ҳам адангга ўҳшаб автомобил ҳалокатига учраб, дунёдан кўз юмиб кетди. Биродарим зор-зор қақшаб, битта неварани бағрига босганича қолаверди. Ҳа, Оллоҳ набира берди-ю, отасини олиб қўйди.

Келин ёш қолгани учун болани олиб қолиб, турмушга бериб юборишиди. Аммо набирани ўғилларидек қилиб катта қилишомлади. Бола нима деса, шуни муҳайё қилишаверди. Ота-онаси йўқ, етим, деб аяшди. Айтганини бажо қилиб, кўнглига қарашибди. Бола ўрта мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ ҳовлини, енгил машинани унинг номига ўтказишиди. Бошқа меросхўрлари йўқ эди-да.

Шарофжон, бола гирт такасалтанг, дангаса бўлиб ўсди. Отасига ўхшамади. Бир куни ҳалиги дўстим ишхонага келиб қолди. Бошида бир дунё ташвиш. Набираси олий ўқув юртига кириш имтиҳонларидан ўтолмабди. Энди нима қиласман, деб буваси бечора ёниб кетяпти.

— Бу йил бўлмаса, янаги йилга кирад, намунча, — дедим ҳайрон бўлиб, — болангизнинг пешонасига, албатта, бу йил ўқишига киради, деб ёзиб қўйилмагандир, ахир... Куввермай, сабр-бардош билан янаги йил бўладиган имтиҳонларга тайёрланишга, ўз устида ишлашга ўргатинг.

— Эй биродар, бу йил киролмаса янаги йили ҳечам киролмайди, бориям эсидан чиқиб кетади. Шу, институтга андармон бўлса дегандик. Биз чол-кампир бу болани уйда ушлаб туролмаймиз. Қандай бўлмасин ёрдам бермасангиз бўлмайди. Жон биродар. Мендан қайтмаса Оллоҳдан қайтсин.

Йўқ десам, бечора дўстим куйиб, бутунлай тўкилиб тушадиган. Фарзанд доғи ёмон-да. Мен буни тўғри тушунаман, Шароффжон. Отасини бериб қўйгандан кейин, бирдан-бир тикилган кўзлари шу на-бира бўлиб қолган-да. Буни ҳаммадан кўра мен бутун вужудим билан сезаман. Ҳа, шунаقا вақтда бўғин-бўғинимгача титроқ кириб кетади. Ҳеч кимнинг фарзанди нобуд бўлмасин, набираси отасиз етим бўлиб қолмасин. Набира барибир набира-да, у фарзандек яқин, суюнчиқ бўлолмайди. У бобосига отам деб қарамайди, отасидан ҳайиққандек бўйин эгмайди. Ота билан бола — эт билан тирноқ. Бир-бирисиз ҳаёт кечириши душвор. Ҳафа бўлма-ку, ўзингдан қиёс қилиб кўр. Аданг раҳматлик фожиага учраб кўз юмганда, мен қанчалик болам деб куйган бўлсам, сен ҳам шунчалик отам деб куйдинг. Ҳа, ҳар иккимизнинг ҳам юрагимиз бирдек армондан ҳувиллаб қолди. Худди яшнаб турган боғдаги меваларни совуқ уриб кеттандек.

Лекин сенга битта ҳақиқатни айтсан... Ҳа, вақт-соати етиб, (бу дунёга ҳеч ким устун бўлмаган) нима демоқчилигимни англайдинг-а. Мен учун отангга қўйгандек қўймайсан. Чунки мен бобонг бўламан.

Эсингдами, кичкиналигингда отанг айтган ишни бир зумда бажариб қўярдинг. Мен бўлсам атайлаб бирор-бир ишларни буорган бўлардим, дарров, қилмасидинг, мен эса сенга қаттиқ гапиролмасдим, сиёsat қиломасдим. Сабаби, асосан тарбияни отангдан олардинг, айтганларини ёқсаям-ёқмасаям дарров бажаардинг. Бу ҳаёт қонуни, шунинг учун ҳам баъзан айтганларимни қилмасанг хафа бўлмасдим.

Менинг мактабдош дўстим ҳам набирасини ана шундай түя устида қатиқ уйитгандек авайлаб ўстирди. Балки отаси тирик бўлса уни бунчалар эркалатишмасиди. Аммо бобоси топганини набираси учун олди. Замонавий, нафис кийимларни кийдирди, мазали овқатларни едирди, мактабдаги дарсларига қўшимча бўлсин деб соатига фалон сўмдан тўлаб, ўқитувчи ёллаб ўқитди. Мана натижаш!

Дўстим учун орага тушишдан бошқа чорам қолмади. Ҳа, мабодо ҳаракатларим зое кетса-да, уриниб кўрай дедим. Агарда худди шундай ҳол сенинг бошингга тушса, хафа бўлмагину, у даргоҳларга бош уриб боришим жуда маҳол бўларди. На илож, дўстим менга орқа қилиб заруратан келибдими... Мақолдагидек, заҳар ҳам ютишга тўғри келди. Ўзим учунмас-ку, юраги шундоғам ҳувиллаб қолган, дарлига даво тополмай юрган бечора биродарим учун-ку, деган андиша би-

лан бу ишга киришдим. Хуллас, ўша бал билан олий ўкув юртининг шартнома асосидаги бўлимига ҳужжатларини топширидик. Бобо бечора набирасини ҳар йили фалон сўм пул тўлаб ўқитишга ҳам рози бўлди. Ҳатто бувиси ҳам шу бола ўқисин деб тилла тақинчоқларини гаровга кўйди.

Табиийки, дўстим мендан бениҳоя миннатдор бўлди. Очигини айтсам, бу ишдан ўзимнинг кўнглим тўлмади. Набирасини бир-икки кўрдиму ҳафсалам пир бўлди. Биз шунчалик куйиб-пишиб ётибмиз-ку, унинг парвойи фалак. Институтта киргани учун бундоқ суюниб, қувонса-чи, бобосига бирор-бир миннатдорчилик сўзларини айтса-чи?! Қайда! Бу югур-югурлар, куйиб-пишишлар уни заррачаям ҳушёр қилмади. Гўёки ҳаёт у учун ҳар доим шундай бўлиб келгану бундан бўёғигаям ҳам худди шундай осон бўлавералигандек.

Орадан икки йил ўтар-ўтмас ўша мактабдош биродарим кўнғироқ қилиб қолди. Ишонасанми Шарофжон, кап-катта одам ҳиқиллаб йиғлаяпти.

— Адойи тамом бўлдим, Исломжон.

— Ҳа, тинчликми?

Ҳаёлимга нималар келмади, дейсан. Наҳотки ёлғизгина набираси, таянган тираги...

— Набирам...

— Нима бўлди унга? Ўзингизни босинг.

— Институтдан ҳайдаб юборишибди.

— Э, омон бўлинг-е, нима экан дебман-а... балки пўписа қилишгандир.

— Ҳа йў-ў-ўқ, ўқишидан ҳайдалгани ҳақидаги қоғоз мана қўлимда турибди. Энди нима қилдим, биродар. Интизомсизлиги, дангасалиги билан бу бола мени бутунлай адо қилди. Соғлиғим тамом бўлди.

Қош-кўзлари қоп-қора, жиккақдан келган, ҳамиша кўиди-пишти бўлиб юрадиган дўстимнинг қиёфаси кўз олдимга келди. Бечора шу бугун бу дунёдан кўз юмиб кетишга тайёрдек турарди. Ҳа, уни шу набираси чарчатди. Бутун уринишлари охири пуч бўлиб чиқди. Энди бу ёғи нима бўлади? Маҳаллада ўтирса ўрни, сўзласа сўзи бор бир одам, қўни-қўшилари олдида... Улар дўстимнинг ягона набирасини уйлантириш, орзу-ҳавасларидан хабардор эдилар. Ҳозир қайси эшикни тақиллатмагин қўлида хунари борми, институтни битириб чиқсанми деган ўринли саволни беришади. Бу табиий ҳолдир, Шарофжон. Ҳозирги даврда мирқуруқ, такасалтанглардан ҳамма безор, болам.

Хўш, фикр юритиб кўр-чи, нимага бундай бўлди? Аслида айб кимда?

Асосий айб биз ўзимизда. Набирапарвар, жонкуяр, меҳридарё бобо билан бувила. Бандаси билиб-бilmай Оллоҳнинг ишига аралашмаслиги

керак, дедим. Оллоҳ нима учун бирордан болани, бирордан отани олиб қўяди? Шукр қиласмикан, менинг қудратимга тан берармикан, ахир жон ато қилувчи ҳам, уни хоҳлаган пайтида олиб қўйгувчи ҳам ўзим-ку дейди. Отадан болани олиб синаса, болани отадан олиб қўяди-да, чексиз-чегарасиз синовларга ташлайди. Бола ана шу синовларни бошидан кечириб, шукроналик билан чиникиши керак. Отаси борларни кўриб, отасизлик қанчалик оғирлигини жисми-жонидан ўтказиб, эс-хушини йифиб, ҳаёт қонунларига тан бериши зарур. Бошқалар отасининг пулига башанг кийингандагина у ҳам қачондир ишлаб, меҳнат қилиб, пул топганда гана ана шундақа кийиниши мумкинлигини кўнглига тушиб, орзу-нияти томон интилсин. Орзу-ният қилганда меҳнатидан бошқа ишонган боғиу суюнган тоги йўқлигини ҳис этсин. Оила қуриш, бола-чақа боқиш ташвишларини ўйласин. Оллоҳнинг хоҳиши ҳам шуни тақозо этади. Биз-чи, бу йўлда нималар қиласмиз, Шарофжон?! Оллоҳ кимнинг дардига қандай даво беришини, кимни ҳаётга қай йўсинда тайёрлашни ўзигина билгувчи эканлигини кўпинча унутиб қўямиз. Ҳа, ҳамма нарсани ўзимиз бисёр қилувчи билимдон, бойваччага айланамиз. Билгинки Шарофжон, бандасиникимас, Оллоҳнинг айтгани бўлади. Унинг ишига билмайин аралашган банда қайтага битта ташвиш устига мингтасини орттириб олади.

Шунинг учун каттадир-кичикдир, туғишганми, нотанишми — бошига иш тушдими, унга ёрдам бериш, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш керак, лекин унинг азобиниям тортиб бераман, демаслик керак. Бу — мумкин эмас. Ҳалоскор ёлғиз Оллоҳдир. Балки ўша одам Оллоҳ юборган азоблар орқали ўз Яратувчисини тезроқ таниб олар ва ҳидоят йўлига ўтар. Бизнинг ортиқча аралашувимиз эса уни йўлдан оздирап. Боши берк кўчаларга олиб кириб қўяр. Шунинг учун ҳуда-бехудага Оллоҳнинг ишига аралашиб қўйишдан тийилмоқ керак...

### ТИЛИМ УЗУН БЎЛСИН, ДЕСАНГ...

**III** арофжон, ҳалқимизда «Қўл югуриги ошга, тил югуриги бошга», деган нақл бор. Бўлар-бўлмасга тилни икки қарич қиласвериш ҳам одобдан эмас. Бундай одам бора-бора оёғи билан эмас, тили билан юрадиган, бетайин бўлиб қолади. У ёки бу ишниям қўли қолиб, тили билан қиласдиган бўлиб олади. Бу — ёмон иллатдир. Бундай одамнинг бу дунёсиям, у дунёсиям куйиб кетиши мумкин.

Аёнки, у дунёда тил гапирдим дейди, оёқ юрдим дейди, қўл бажардим дейди. Диний китобларда таъкидланишича, бундай бетав-фиқлар охиратда ўз тилидан қанорага осилар экан.

— Булар кимлар? — деб сўралса:

— Оёғи қолиб, тили билан юрадиган бетавфиқлар, — дейиларкан.

Лекин, Шарофжон, тили қисиқлик ҳам ношудлик оқибатида юз бериши мүмкін. Тили қисиқнинг бўйни қисиқ, дейди халқимиз. Аслида кимнинг бўйни қисиқ бўлади, кўпнинг назаридан қолган бетавфиқнинг. У нима ҳақида сўзламасин, одамлар ишонмайдилар. Унга шубҳа билан қарайдилар. Ишончни йўқотган одам бирон нима дейишидан олдин бошимда калтак синмасмикан, деб атрофдагилардан чўчиб туради. Одам боласи тийиқсизлиги, андишасизлиги, ёлғончилиги, ваъдасига вафо қилмаслиги туфайли шу хўрликка тушиб қолади.

Ўз обрў-эътиборини қадрлайдиган одамлар ҳам борки, бундайларнинг доим тили узун, айтгани айтган, дегани деган, гапирганда ҳам ҳаммани оғзига қарата оладилар. Бошқалар ҳам унинг насиҳатларини жон қулоқлари билан тинглайдилар. Ундан доим йўл-йўриқ, маслаҳат сўраб турадилар. Нимагадир бунақа одамларга тили узун деб маломат ҳам қилмайдилар. Нимага шундай? Ишончли одам бўлиш қийинми дунёда?

Пайғамбарлар орасида Айюб алайҳиссалом деган зот ўтганлар. У киши жудаям билимдон, нотиқ бўлганлар. Одамлар кунлаб сұхбатларини тинглаб, ҳаётий ҳикояларига тўймаганлар. Бир куни сұхбат вақтида ул зот паррандаю даррандаларга ёрдам бериш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг бурчи эканлиги ҳақида сўзлайдилар. Сұхбат тугаб, кўчага чиққанларида бир кабутар у кишининг бошига келиб қўнади. Айюб алайҳиссалом бўлсалар кабутарни тутиб оладилар-да, шошиб қўйинларига беркитадилар. Шу пайт у кишининг елкасига бир катта калхат ҳам келиб қўнади. Калхат пайғамбарнинг қулогига бир нималар дейди. Пайғамбар «Йўқ» дегандек бош чайқадилар. Воқеани кузатиб турганлар эса сўрашади:

- Эй Айюб, калхат сенга нима деди?
- Кабутар — менинг ўлжам, менга бер, уни ейишим керак, деяпти.
- Сен унга нима дединг?
- Йўқ, дедим. Яххиси мен сенга барра қўзичоқ ҳадя қилай, — дедим.
- Калхат нима деди?
- Қўнмади. Қўйнингдаги ўлжамни берасан, деди.
- Сен нима дединг?
- Нима қилсам бу кабутарни омон қўясан, у мендан ёрдам, паноҳ сўради, уни сенга беролмайман, дедим.
- Калхат нима деди?
- Кабутарнинг ўрнига икки қўзингни берсанг, рози бўламан, деди.

— Сен нима дединг?  
— Мен рози бўлдим.  
— Сенга нима бўлди, эй Айюб? Битта кабутарни сақлайман деб икки кўзингдан айриласанми?

— Ҳозиргина мажлисда мен инсонга паррандаю даррандаларни ҳимоялаш Оллоҳ тарафидан буюрилган дедимми? Нечун кабутар мендан ҳимоя сўраса-ю, мен уни ҳимоя қилмай, калхатга ҳадя этиб, ўлимига сабаб бўлсан.

— Кўз эвазигамас-да, ахир.

— Йўқ, биродарлар, менинг оғзимдан учган сўзим, икки кўзимдан ҳам азизроқдир. Энди сизлар нарироқ туринглар, шу йиртқич калхат кўзимни ўйиб есин-да, кабутарни тинч кўйисин.

Шундай деб Айюб алайҳиссалом ерга узала ётиб, осмонга боқибдилар. Шу пайт кабутар ҳам, калхат ҳам пир этиб кўкка кўтарилибди. Пайғамбар бундай қарасаки, улар бири кабутар, иккинчиси калхат шаклидаги фаришталар экан. Оллоҳ уларни боринглар-чи, Айюбнинг сўзи билан иши бирмикан, синанглар, деб юборган экан.

Тили узун, сўзи ўткир ва кескир одамларнинг ана шундай тили билан иши, дили амалига монанд бўлади.

Яна бундай одамларнинг ошиқча бойликларга, лаблабаларга нисбатан нафси ўлик, қўллари тийилган бўлади. Нашриётимизда Фаттоҳ Абдураҳмонов деган муовин бўларди. У киши жудаям камгап эди. Суҳбатлашиб қолинса, «ҳа» ва «йўқ»дан нарига ўтмасди, раҳматлик. Лекин жамоамиз орасида тили узун, сўзи ўтадиган, талабчан одамлардан эди. Одатда муовинларнинг раҳбарликдаги тоши ҳам бир хил бўлади. Бириники баланд, бириники паст бўлмайди. Нимагадир бошқа муовинлар Фаттоҳ акага ён бериб туришарди. Ўзи қорачадан келган, жиккаккина одам бўлгани билан сирли, салобатли эди. У кишига ходимларимиз ҳам, буюртмачиларимиз ҳам дудмал, илтимослар билан рўбарў бўлишмасди. Чunksи у, белгилаб қўйилган жамоа тартибидан бир баҳя бўлса-да, нари чиқмасди. Тўйларга, маъракаларга борарди-ю, зиёфатларга деярли бормасди. Зиёфатбозликларнинг ишга касри уради, кўпчилик олдида обрўйим кетади, дерди.

У кишининг бирор-бир нарсага бирордан ошиб, кўпдан яшириб қўл урмаслигини кўпчилик яхши биларди.

Оллоҳга шукр, менга ҳамиша ана шунаقا нафси бутун, қўли қисқа, сўзи кескир муовинлар учради. Балки ўзимнинг феъл-атворминг яраша Оллоҳ мени шундай инсонлар билан яқин қилиб, ярла-қагандир??!

Яқинда ёмон иш бўлди, Шарофжон. Қирқ йил бирга ишлаб, ҳаётнинг энг танг пайтларида ҳам бир-бишимизни суюб, аяб туғишгандек бўлиб кетган бир одамдан ихлосим шундай қолдики... Кўзим-

ни чирт юмиб, ишдан бўшатиб юбордим уни. Бундай кескинликни кутмаган чоги, қабулимга келди, ўша одамнинг ҳатто юзиниям кўргим келмади. Нима қилибди дегин, менинг номимни сотиб, курилишга оид ул-бул материаллар ва мебелларни рухсатсиз уйига олиб кетибди. Аслида ўша матоҳлар арзимаган нарсалар, пулга чақсанг, сариқ чақадек гап. Лекин гап унинг арзир-арзимаслигига эмас, балки бошлиқнинг номини сотиб, ҳужжатсиз олиб чиқиб кетганида. Бунаقا иллатлар супуриндиндек фош бўлмай бир чеккада қолиб кетса экан. Йўқ, кўп ҳолларда уни титкиловчилар, пашшадан фил ясовчилар топилади. Қингир ишнинг қийифи қирқ йилни кутиб ўтирамайди, дарровда кўзга ташлана қолади. Нафс йўлига кириб қолган одамнинг йиллар давомида орттирган обрў-эътибори зумда бир пул бўлди. Нафс деган бало кимда йўқ дейсан. Инсон Оллоҳнинг фаришталаридан ана шу нафси билангина фарқ қиласди. Балойи нафси бўлмаса, инсон ҳам фариштага айланиб қоларди. Оллоҳнинг барча буйруқларини шакшубҳасиз, итоат билан бекаму кўст бажааради. Нафси борки унинг қўйига кириб, тўғри йўлидан озади, қингир ишлари, ношукрлиги учун Оллоҳнинг қаҳрига учрайди. Агарда нафсини тиёлса-чи?.. Албатта Яратган эгам унга шунга яраша сийловларини беради.

## ҲИММАТ

**Б**у воқеа рўй берганига анча йиллар ўтди, Шарофжон. Ўшандан шаҳарликлар ташқарига чиқиб боғ ҳовли-(дача)лар қура бошлишганди. Ҳа, ўша даврда шундай ишлар урф бўлган эди. Албатта, боғ ҳовли куриш учун ҳосилдор ерлар берилмасди. Ташландиқ майдонлар, сув чиқариш қийин бўлган беқаров жойлар ажратиларди. Мехнатига, сарфига чидаган одамларгина ана шундай ерларни ўзлашибарди. Қимирлаган қир ошар дейишади-ку, шу йўсин чўллар ҳам обод бўларди.

Бир куни бизнинг ишхонамиз ишчилари, журналистлар, ноширларнинг соғлигини сақлаш, дам олишини кўнгилли ўюнтириш мақсадида оромгоҳ куриш учун ер ҳам ажратилди. У ўн олти гектарлик ўрикзор — боғдан иборат бамисоли Боги эрам эди. Ерни ҳужжатлашибириб олиш учун юқори идораларга чиқдик. Ишлар бошқармасининг бошлиғи қарорни қўлимга тутқазар экан:

— Энди бир зўр бериб санатория-профилактория курасиз, ичидагу мукофотиям бор, — деб қолди.

— Турсун Умарович, қанақа мукофот ҳақида айтяпсиз? — қизиқ-синдим мен.

— Ўн олти гектар ер, э ҳа... бу жуда катта майдон, меҳнатиям катта.

— Албатта, бу гапни жамоа аъзоларига, лойиҳачиларга, қурувчи-ларга етказаман, эътибор учун ташаккур.

— Ана шу ўн олти гектар жойдан ўн олти сотихи сизники, дача қуриб олинг. Ёшсиз, бола-чақалисиз. Бирор бир нима деса, мана мен турибман. Ё унгаям ҳужжат қилдириб берайми?

Ташаккуримни айтиб, чиқиб кетдим.

Оромгоҳни қуриш ишлари жадаллик билан бошлаб юборилди. Маблаг қурилишдан ташқари, даволаш ускуналарини сотиб олиш учун ҳам етарлича ажратилган эди.

Орадан бир йил ўтиб, болалар оромгоҳини, яна бир йилдан сўнг санатория-профилакторияни очилиш маросимлари бўлиб ўғди. Унга Турсун Умаровичнинг ўзлари келдилар. Биноларнинг қўғир-чоқдек чиройини кўриб беҳад қувондилар. Кўпчилик ишчи-хизматчиларни маҳаллий аҳоли орасидан жалб этганимизни, маҳаллаларга ичимлик суви ўтказиб, аҳолига ёрдам берганимиз, йўлларни асфальтлаб ободонлаштирганимизни эшишиб, янам мамнун бўлдилар. У киши табиатан нима бўлса ҳам кўпга бўлсин, дейдиган сахий инсон эдилар. Ўзбекистон учун Масковдан маблаг ундиришга (ўша даврда шундай эди) устаси фаранг эдилар. У киши боғни айланар эканлар:

— Энди чойни дачангизда ичамиз-да, қани кўрсатинг, бинони қаерга курдингиз? — деб қолдилар.

Мен у кишига ўрикзор ичида қатор қад ростлаган ўн олтида уй-павильонларни кўрсатдим. Улар уч кишилик, беш кишилик бўлиб, оиласлик дам олувчиларга мўлжалланган эди. Улар Финляндиядан буюртма қилиб, олиб келинган ёғоч уйлар эди.

Турсун аканинг дачангиз қайси бири деган саволларига:

— Дам олгим келса шуларнинг биттасида бола-чақам билан дам олиб кетавераман-да, — дедим.

У киши менга шундай бир меҳр билан қарадики, Шарофжон. Ҳалигача эсласам у кишининг нигоҳи кўз олдимдан кетмайди. Чунки Турсун Умарович мени биринчи марта кўраётгандек тикилиб қолди. Юзларидан болаларга хос маъсум бир ифода ёғилар эди. Ҳайратта тўла синовчан кўзлари нимагадир ёшлангандек бўлди. Кейин ўнг қўлини елкамга ташлаб, ўзига тортди-да, олдинга юра бошлади. У кишининг бўйлари пастроқ эди. Мен бўлсан сал эгилиб, нокулай бир аҳволда қадам ташлардим. Турсун Умарович беихтиёр қулоғимга шивирлади:

— Қанийди ҳамма ҳам сиздек бўла олса, балли, ука. Барака топинг, бу хислатингиз бир умр Сизга йўлдош бўлсин, — дедилар.

Ўша пайтларда, Шарофжон, шайтон мениям йўлдан урмоқчи бўлган. Кимсан Шароф Рашидовнинг ўнг қўли бўлган бир одам дача

кур деб турибди-ку, кур данғиллатиб, деган васвасалар бўлган. Шайтонга ҳай берганман.

Ўшанда отам тенги одамнинг «қанийди ҳамма ҳам сиздек бўла олса», деган сўзи мен учун ўнта дачадан ҳам қимматлироқ бўлган эди. Ўзига хос мардларча тан олиб айтилган бу ширин сўз камина учун бир умрлик яшаш шиори бўлиб қолди.

Мен бир умр нафс йўлида айрим шайтонларга ўхшамасликка ҳаракат қилдим. Одам якка ўзи таомланса иштаҳа билан овқат емайди. Иштаҳа нимагадир кўпчилик билан очилади. Данғиллама уйлар куриш, қўша-қўша машиналарга зга бўлиш, бойлик орқасидан қувиш ҳам ўша очилган иштаҳадек гап. Кўряпсанки, кўпчилик бир нарсанинг орқасидан қувялти. Бу нафс пойгасидир. Кучинг етса ўша пойгадан ўзингни тий. Кўпчилик шираға ёпишяпти-ку, менинг улардан ортиқ ёки кам жойим борми дема. Нафсингни тий, ҳосилини кейин терасан.

Эшитгансан-ку, бир вақтлар менинг устимда чунонам қамчи ўйнатишиди, у ерга дача қурган, бу ерга уй қурган деб далаю тоғларни илма-тешик қилворишиди. Ўшанда менам бўш келмадим.

— Тўғри, қурдим, яширмайман, бир йилда уч мингта бола дам оладиган болалар оромгоҳи, ота-оналари дам оладиган дам олиш уйлари курдим, — дея уларнинг пешонасига тақиллатдим.

Агарда ўзим учун деб икки хоналиқ уй қуриб, атрофини қўрғон қилиб олганимда борми, уларнинг қўлидан омон чиқолмасдим. Ана шунга айтишади, Шароффон, қўли қисқанинг тили узундир деб. Нафақат тили, балки умри ҳам узун бўлади, иншооллоҳ. Сен буларнинг магзини чақ, болам... Худо хоҳласа, кам бўлмайсан!

## ЖАМОА — РЎЗФОРИНГ, БОЛАСИ — БОЛАНГ...

**Ш**ароффон, доим ёдингда бўлсинки, ҳаётда билимдон, тадбиркор одам, албатта, бирор-бир жамоага раҳбар бўлиб қолиши мумкин. Ҳа, ажабланма, кечагина оддий бир ишли ёки хизматчи бўлиб юрувдинг. Бугун қўлингга шундай бир сирли жилов тушганки, уни қаёққа қараб тортсанг, бутун бир жамоа шу ёққа қараб юради. Билиб қўй, бу шунчаки жилов эмас, Шароффон, бу илоҳий жиловдир. Унинг ўнг тарафида Раҳмон, чап тарафида шайтони лаъян туради. Кибрга берилсанг, боз устига нафс йўлига кирсанг жиловни сен эмас, сени қўлинг билан уни шайтон ўйнатади. Қарабсанки, бутун бир жамоани беихтиёр тентсиз ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйибсан. Кечикиб бўлса-да, хатоингни тушунасан. Лекин вақт ўтган бўлади. Чунки илоҳий жилов қўлингда эмас. Уни эгаси олиб қўйган. Бундок эътибор берсанг, бирорлар жамоаларга узоқ йиллар бош бўлиб юри-

шаверади. Баъзилар эса ношудликлари, лоқайдликлари сабаб бўлиб, кўз очиб юмгунча эталлаб турган лавозимларидан учиб кетади-да, ўзидан эмас, ўзгалардан ўпкалаб юради.

Бир жойда кўп йиллар мобайнида муқим ишлайдиган одамлар қандай одамлар? Уларнинг бирор-бир ҳеч ким билмайдиган сирлари, иқтидорлари борми? Улар қандай қилиб шайтон йўлига кирмайдилар? Шайтон нима сабабдан уларга ўз найрангларини ўтказа олмай гаранг бўлади?

Одил, иқтидорли раҳбарлар жамоа деганда унга ўз оиласам деб қарайдилар. Оила аъзолари жамоага, жамоа эса оила аъзоларига қўшилиб кетгандай гўё. Болам-чақам бешта ёки олтида демайди, жамоа аъзолариники билан қўшилиб, бир минг бешта ёки бир минг олтида деб ҳисоблади. Раҳбар одам жамоасига шундай тушунчани сингдира олсагина у чинакам саркор, жамоанинг отаси даражасига кўтарилади.

Рисоладаги бошлиқ ишчиларидан кўра уларнинг болалари, шарт-шароитлари ҳақида жон куйдирсагина унинг муаммолари хамирдан қил суғургандек осон кечиб, кўпчиликнинг ишига айланади.

Биласан, Чимён тоги бағрида болаларнинг ажойиб оромгоҳи бор. Болалар у ерда уч ой ёз давомида дам олишади. Лекин шу уч ой учун мен бир йил мобайнида тинимсиз жон куйдираман. Қанча гапирма, бунга мутасадди бўлган ходимлар ишга барибир мавсумий деб қарашади. Ҳа, уч ой амал-тақал билан, кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади деб ўйлашади. Ваҳоланки, уч ойлик дам олиш кунларини болаларимиз, ота-оналар ҳам бир йил давомида интиқлик билан кутадилар. Болам бир ой бўлса-да, тоғ ҳавосида мириқиб, дам олиб, чиниқиб, соғлигини мустаҳкамлаб олармикан деб умид қиладилар. Шундай бир масъулиятили ишга ланжа орасидан қараб, кўл учида иш қилиб бўладими? Йўқ, албатт! Шунинг учун ҳам, дам олиш мавсумининг очиши ва ёпилиш тантаналарида ўзим қатнашаман. Ҳа, уч ой ёз эса камида олти-етти марта оромгоҳда бўламан. Ҳар бир навбатнинг хайрлашувида болалардан сўрайман, кўнглинглар тўлиб уйга қайтаяпсизларми, мириқиб дам ололмаган бўлсанглар, айтинглар, эртага ўрнингларга бошқа болалар келишади, камчиликлар тузатилмаса улар ҳам норози бўлишади, дейман. Бола ҳалқи рост сўзлайди. Тап тортмай, юзхотир қилмай очигини айтишади. Мен уларнинг эътироз ва талабларига қараб, оромгоҳ раҳбарлари, тарбиячилари ва хизматчиларнинг ишларига баҳо бераман, зарур чора-тадбирлар кўриб, мавжуд камчиликларни тезда тузатиш чораларини биргаликда амалга оширишимиз зарурлигини тушунтираман.

Бир сафар иккинчи навбатнинг очишига боролмадим. Аксига олиб ҳаво ўқтин-ўқтин булут бўлиб, ёз киришига қарамай ёмғир

кетидан ёмғир ёғавериб соғлиққа сал таъсирини ўтказған эди. Шашарда туриб, уйда күрпа ёпиниб ёттан бир пайтда тоғдаги болалар-нинг ахволи нима кечяптийкин? Албатта, у ерда ҳарорат бу ердаги-дан ҳам анча паст бўлади.

Ҳеч кимга айтмай кечга томон тоққа қараб жўнаб қолдим. Бордиму болаларнинг жунжикиб юришини кўриб, баттар иситмам ошиб кетди. Биринчи навбатда ота-оналарнинг беғамлигидан хафа бўлдим. Ахир тог шароити ҳаммага маълум-ку, бирор-бир иссиқ кийимни ҳам жомадонга солиб юборишлари мумкин эди-ку! Биттамас, учтадан адёлга ўралса-да, енгил кийим билан бола совқотади, ахир. Кеч кирганда борганим учунми, лагер хизматчиларининг бири билиб, бири билмай қолищи.

Кечқурунги ўйинлар, машғулотлар тугаб, ётишга буюрилди. Деразадан қараб турсам болалар ётоқхоналарига эмас, ошхона тарафга қараб югуриб ўтишяпти. Улар эшикни тортиб кўришар, кулфлигини кўриб, орқаларига маъюс қайтиб кетишарди.

Мен болалар нимага бундай қилишаётганини тун ярмида англаб етдим. Оҳ, дейман, нимага дарровда фаҳмламадим. Ҳайратдан уйқум учиб кетди. Ахир кун совуқ бўлса катта одам очқайди-ку. Бунинг устига булар ёш гўдак-ку, ўйнаса, югурса... Ошхонанинг эшигига қулф урмай, унинг ўрнига нон билан ширин чой тайёрлаб қўйишиша бўларди-ку. Нимага бу иш оромгоҳ раҳбарларининг, ошпазларнинг, болалар орасида юрган тарбиячиларнинг хаёлига келмади экан?

Ростини айтсан, Шарофжон, шуларни ўйлаб, анчагача ухлай олмадим. Назаримда эшикни тортқираб ноумид кеттан болалар очлиқдан уйқуси келмай тўлғаниб ётгандек туюлаверди. Ўрнимдан туриб кетдим. Ташқарига чиқиб, аста-секин болалар ухлаётган ётоқхоналарни айландим. Баъзи тарбиячилар ухламай уйқусираф устини очиб юборган болаларнинг устини ёпиб қўяётганини кўриб қувонаман. «Умрингдан барака топ», дейман ичимда. Баъзилари болалар қаторида боладек ухлаб ётибди. Ичкарига кириб, усти очилиб қолган болаларнинг устини ёпдим. Тарбиячилар сезишмади ҳам. Йўлим нимагалир тиббий хизмат кўрсатиш хонаси томон бурилди. Хаёлимда мени кимдир бошқараётгандек, бу ёққа юр, мана буни кўр, деяётгандек. Ажабо, кўзимга ишонмадим. Қарасам, тиббий хонанинг эшиги ҳам ошхонанинг эшигидек қулф.

Ўзинг бир тасаввур қилгин, худо кўрсатмасин, болаларнинг биронтаси оғриб қолса, қаёққа чопади? Дўхтири қани? Ҳеч бўлмаса, биронта ҳамшира бу хонада ётмайдими? Қоида бўйича улар кечаси ухламаслиги керак-ку? Бундан маълумки, баъзилар бу ерга ишлагани эмас, шу баҳона дам олгани келиш каби ҳоллар ҳам учраб туради.

Дүхтир билан ҳамширани топиб, ўрнига ўтқаздим. Уйқучи тарбия-чиларнинг ҳам оромини бузишга тўғри келди. Шулар қатори ошпазни ҳам уйғотиб, сўроққа тутдим:

— Ўзинг бола бўлғанмисан? Ўша болалик даврингни эслайсанми, югуравериб, қорнинг тез-тез очиб турармиди?

— Иложим йўқ эди, эрталабки нонуштага яраша нон бор эди, холос.

— Нимага оз? Бундан раҳбаринг хабардормиди?

— Ҳаво совимаганда етиб турувди, энди бу ёғига хушёр бўламан, ишонинг.

Оромгоҳга зарур ишлар учун Тошкент билан тўғридан-тўғри боғланадиган телефон аппаратини ўрнатган эдик. Ярим тунда бўлса-да, Тошкентга телефон қилгим келди. Ҳа, бундай ишларга мутасадди бўлғанларнинг бир уйқусини бузай дедим. Буни қараки, телефон сими оромгоҳ директорининг уйидан ҳали оромгоҳга кўчирилмапти. Мавсумда бу ерда-ю, бошқа пайтда у кишининг уйида турарди. Қишлоқдагилар ҳам телефондан фойдаланиб туришарди...

Ана холос! Болалар кутилмаганда кўричак бўлиши, боши, тиши, қорни оғриб қолиши мумкинми? Юргранда, чопганда бехос йиқилиб, жароҳатланиши мумкинми? Тез тиббий ёрдам чақириш зарурати туғилиши-чи? Бундай ҳолда телефон қилиш учун директорнинг уйига чопиладими?

Ана шунаقا гаплар, Шарофжон! Шу десанг, аҳволни кўриб, касалим ҳам эсимдан чиқиб кетди. Кўпчиликнинг дарди олдида ўзингнинг дардинг ҳеч гап бўлмай қоларкан.

— Бобоҳон, нимага ҳамма ҳам шунаقا жонқуяр бўлолмайди?

— Бир одам уй қураман деб терак эккан экан. Теракларнинг беш-олтитаси салда кўзга кўриниб, ишга ярайдиган бўлиб қолибди. Қолганлари эса кетмон сопидек бўлиб, ривожланмай турганмиш. Етилган теракларни кесиб ишлатай деса етмайди, қолганларни кутай деса — етилган теракларга курт тушиб, яроқсиз бўлиб қоладиган. Бечора ҳаммасини бир кунда экувдим, бир хилда парвариш қилувдим деб ҳайрон бўлармиш. Қани энди теракнинг тилини билса-ю, нима гаплигини сўраб олса. Сабаби ёлғиз Оллоҳагина аён. Одамлар ҳам ана шунаقا. Жамики нарсалар сирини ягона Эгам билишини тушунсалар эди.

Шуларни ҳис қиласанг, дунё торликларига чидасант, кўпчиликка бош бўла оласан. Чидай олмасант унда орзу қилмай қўя қол, Шарофжон.

## АДОЛАТ МЕЗОНИ

**К**үпга бош бўлган раҳбар ҳар бир ходимга ишонч билан қараши зарур бўлади. Аммо бу назоратни ўз ҳолига ташлаб қўйиш дегани эмас. Чунки уларни ҳам йўлдан урадиган балоинафс – шайтонлари бор. Баъзилар кирим ва чиқимни ўз манфаатларини ўйлаб «гўё» хато қилиши мумкин, бошқаларининг хаёллари фаромушроқ бўлиши мумкин. Айниқса, жамоа бошлиғи ойлик маошларига, мукофот пулларига имзо чекаётганда қўлидаги ахборотни чуқур таҳлил этиб, кейин имзо чекса ёмон бўлмайди. Эринмасдан ҳар бир исм ва фамилияни кўриб, ҳақини тўғри оляптими-йўқми, бунга ишонч ҳосил қилганидан сўнг буйруққа имзо чеккани маъқул. Бирор-бир эътибор-сизликданми ёки атайлабми бироннинг ҳаққига хиёнат қилинса кимдир айбдор бўлмайди, балки шу буйруққа имзо чеккан кишигинага жавобгар бўлади.

Биласан, бизнинг корхонада уч мингга яқин одам ишлайди. Шундай бўлса-да, барибир рўйхатни кўздан кечириб чиқиш шарт, демоқчиман.

Аммо ишчи-хизматчиларни мукофотлашга келганда янаем ҳушёрроқ бўлиш керак. Бунда уларнинг ишлаган йиллари, умумий ишга кўшган ҳиссалари ҳисобга олинади. Шунга қараб пул мукофотининг умумий ҳажми белгиланади. Корхонада кўп йил ишлаган одам билан бир йил ишлаган ишчининг ёки хизматчининг мукофоти ҳеч қачон бир хилда бўлмайди. Кўп ҳисса қўшган ходим кўпроқ олиши керак. Бу унинг меҳнатига берилган баҳодир. Табиий, кам ишлаган камроқ олади.

Бир куни ўтган йил натижаларига қараб бериладиган пул мукофоти – ўн учинчи маошга қўл қўйиш учун буйруқ тайёрлаб олиб киришди. Бундай ҳужжатни мен қанча ишим бўлсаям нари суриб қўйиб бирма-бир текшираман. Ҳисоб-китоб бўлимидагилар менинг бу одатимга кўнишиб қолишган. Шунинг учун ҳам бундай ҳужжатларни ниҳоятда пишиқ-пухталик билан тайёрлашади. Саволга ўрин қолдирмаслик учун астойдил ҳаракат қилишади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Икки кишининг мукофот пули сал шубҳалироқ туюлди. Биттасига қўйилган пул нисбатан камроқ. Иккинчи сига қўйилган пул жуда ҳам оз. Эътибор қилсан, биттаси бизда бир йилдан бери ишлаётган, иккинчиси яқиндагина келган эди. Лекин ҳар иккалови ҳам бошқа корхоналарда йигирма, ўтзиз йил ишлаб, кейин бизга келган эди. Шундай бўлгач, уларнинг олдинги имтиёzlари, таътил пуллари, мукофот маошлари сақланниб қолиши керак эди-ку. Биз уларни тўлақонли хизматчи қилиб олдикми, демак бу томонлариям жойида бўлиши керак-да. Бу мутахассислар бизга ишга ўтиб, олдинги имтиёzlардан қуруқ қол-

масликлари керак-ку. Аслини олганда адолат деганлари ҳам шу-да!

Буни билиш ниятида қадрлар бўлими ходимларини оёққа тур-ғаздим. Нима бўлган экан дегин? Ишга қабул этиш шартномасидаги «илгари ишлаган корхонасидаги мавжуд имтиёзлари сақланган ҳолда ишга олинди» деган жойи тўлатилмай қолиб кетган экан. Бўлимдагилар ишга кираётган ходимнинг бугуни, эртанги тақдири ҳақида ўйла-маган, бу муҳим вазифага совуққонлик билан қарашган. Ишга кир-ганлар ҳам бу идорада тартиб шунаقا экан-да деб, андишага бориб, индамай қўя қолишган.

Ёдингда бўлсин, Шарофжон, ҳар бир топширилган вазифага адолат нуқтаи назардан ёндошсанг, ишинг ўнгидан келиб, олдинга қараб силжийверасан. Адолат мезони бузилмасин десанг, қўл учиди иш қилма.

## ХОТИРА ВА ЗАХИРА

**Б**обо, нимага хотирадаги бир хил воқеаларни сирайм эсдан чи-қариб бўлмайди?

— Нима мақсадда бундай деяётганингни тушуняпман, болам. Вақт ўтса-да, аданг билан боғлиқ фожиани сира эскита олмаяпсан. Айни пайтда мени ҳам ранжитмасликка уриняпсан. Сени су-йиб бағримга босганимда, адангнинг қайсиdir жиҳатларини сен-дан излаётганимни ҳам сезиб турасан, бу ҳақиқат. Нима қиласай, фожиадан сўнг мен ҳам кун бўйи адангнинг ёди билан яшайдиган бўлиб қолдим. Фарзанд доги адоги йўқ дард экан. Айниқса, вояга етиб, азамат йигит бўлганда... Ҳа, етук инсоннинг доги ҳам ўзига яраша бўларкан.

Биласанми, сал жўнроқ қилиб айтганда инсоннинг ёди хотираплар қабристонига ўхшайди. Инсон кўз ўнгидан кечадиган ҳар бир воқеа-ҳодисалар дақиқа сайин хотирага айланади ва бош мия хужайралари-га сингиб гўё унга фарқ бўлади. Лекин хотирага кўчган воқеалар бир-бирига ўхшashi мумкин. Аммо айнан такрори бўлмайди. Кинода бир ҳолатни такрор-такрор олишлари мумкин. Аммо инсон ҳаётида бундай бўлмайди. Воқеа қандоқ бўлса шундоқлигича ёзилиб қолади-да, хотирада яшайверали. Бундай қарасант, хотира одамдан бирон нарса-ни талаб ҳам қилмайди.

Мана сенга бир мисол. Мустақил бўлганимиздан кейин пойтак-тимиз — Тошкент мутлақо ўзгариб кетди. Юнусобод теннис корти атрофи, Бешоғоч майдони, Хадра майдони, Олой бозори атрофидаги қурилишлар... Бу тўзал боғлар, ажойиб биноларни энди дунёга келаётган болалар қадимдан шундай бўлган деб ўйлайдилар. Лекин бу

ерларни билган ва шу маҳаллаларда яшаган кишиларни сұхбатта тортсанг борми, йиллағ гапирсалар ҳам хотиралари тугамайды.

Айниқса, инсон ҳақидағи хотиралар жонланғанда... Инсон миясига нимаики мұхрланиб қолған бүлса барини юзага чиқарып беришта уринади, күпинча беихтиёр шундай бўлиши ҳам мумкин, гёё бирор ичингга кириб олади-ю, воқеаларни пешма-пеш узатиб турғандек туюлади.

Инсон хотираси шундай мужассамки, ундан бирор-бир воқеани уриб, чегириб ташлаб бўлмайди. Хотираға нарсани минг бор яширсанг ҳам бир куни бехосдан тилингдан чиқиб кетганини ўзинг билмай қоласан. Хотира инсон умрининг фаят ўзигина ўқий оладиган маҳфий, тилсім китобидир. Инсон бу китобни бирон-бир ишга киришганида, билмай хатога йўл қўйиб, қоқилганида, тушкунликка тушиб қолган дамларида албатта ўқийди, варақлади... Хаёлида тикланған хотиралари унга тўғри йўлни кўрсатиб беради. Инсон ўз хотирасида ўзини кўзгуда кўргандек кўриб туради.

Хотира Оллоҳ томонидан бандасига берилган улуғ неъматдир. У қачон чинакам неъматга айланади? Қачонки инсон бир вақтлар йўл қўйған хатоларини қайтармаса. Ўзи оламдан ўтиб кетган тақдирда ҳам ажойиб ишлари бошқалар хотирасида мұхрланиб, шунга яраша зъоз топса. Бу ўша одамнинг қандайлигидан далолатдир. Айниқса, тириклар ўтганларни ёддан чиқармасалар. Ҳа, хотира яшайверади, авлоддан авлодга ўтаверади.

Тангрига шукрлар бўлсинки, мустақиллигимиз туфайли бизда хотира куни нишонланадиган бўлди. Хотира майдонлари бунёд этилди. Мармар тахтачаларга Ватан учун, тинчлик учун, келажак авлоднинг баҳт-саодати йўлида қурбон бўлганлар исм ва оталарининг исми ёзиб қўйилди. Иймонли, диёнатли одам шаҳар айлангани чиққанда сайрни шу хотира майдонидан бошлиши зарурлигини сезади. Ҳа, ўтириб бир калима Куръон ўқиб, савобини ўтганлар хотирасига бағишлайди. Эътиқодли, эртасини ўйлаган иймонли инсон шундай қилаади. Бу зиёратгоҳга болаларимизни, набираларимизни олиб келиш, уларни шунга одатлантириш ҳам фарз, ҳам қарзdir. Бу тош устидаги ўчмас исмлар кимларники? Бу ҳақда уларга ҳикоя қилиб бериш керак. Бунинг учун эса уларнинг тарихини, қаҳрамонликларини озими-кўпми ўзимиз ҳам билишимиз керак.

Кўпинча бундай муқаддас даргоҳларда одамлар сийраклигини кўриб, ич-ичимдан ачинаман. Аксарият келин-куёвлар суратта тушиш учун бу ерларга келишади. Ҳаётга қадам қўйиб, турмуш қураётган ўшларнинг кўплари бу муқаддас даргоҳни билмайдилар. Билганларида бу ерда суратта тушишмасди. Балки бир калима Куръон ўқишиган, уларга шундай саодатли дамларни яратиб кетган ва бу йўлда жонини тикиб ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотираларини эсга олган бўлардилар...

Шундай, Шарофжон, хотира бу инсоннинг бебаҳо захирасидир. Бу захирага нисбатан кимки бефарқ бўлса, унинг эртанги куни ҳам бефарқлик билан ўтади. Бундайлар бирорни хотирламайдилар, уларни ҳам келажак хотирламайди. Бундайлар қумга сингтан томчидек изсиз кетадилар, бу тарих ва ҳаёт қонунидир.

## ТИЖОРАТЧИ, ВИЖДОН ВА ХАРИДОР

**X**абаринг бор, кечкурунлари маҳалламиз кўчаларида сайр қиласиз. Шу десанг, Шарофжон, бир куни оқсоқоллар маҳалланинг дўкончисидан шикоят қилиб қолишиди. Танийсан у кишини — кўчамизнинг бошидаги эски бинони таъмирлаб, биноидек дўкон қуриб олган. Ичидаги замонавий жавонлар турли-туман озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирилган.

Дўкон гўзал, ҳавасинг келади. Гузарнинг бошланишида, чор-атрофга кўрк бериб туради. Норозиликнинг сабаби — молларнинг қимматлигига, ҳаддан ташқари юқори нарх қўйилганлигига эди.

— Сотаётган моллари дурустми ўзи, арзийдими? — сўрадим атайлаб кексалардан.

— Молига гап йўқ, сифатли, — дейишиди улар.

— Мол яхши бўлгандан кейин, пулиям шунга қараб бўладида, — кулдим мен.

— Бизам бозор кўрганмиз, Исломжон, нархнинг чидайдигани, чидамайдигани бўлади. Буничи чидаб бўлмайдиган-да!

Оқсоқолларнинг гапидан билдимки, улар бу сўзларни шунчаки айтишмаяпти. «Дўконга бир бош суқиб инсофдан гапириб қўйинг» дейишмоқчи. Буни сезиб, «албатта шундай бўлади» дедим. Маҳалламиз оқсоқоли Ҳамидулла Акбаровният ишонтирдим.

Ишдан кейин киролмаслигим аниқ, сабаби, мен қайтганимда дўкон ёпилган бўлади. Бир куни ишга келаётиб ўша дўконга кирдим. Қизиқиб қарасам, ростдан ҳам молларни тўлдириб ташлабди, азамат. Кўриб, кўз қамашади. Бари моллар четдан, вилоятлардан келтирилган. Мен ҳам юрт кезиб юрганим учунми, баъзи молларнинг ўз жойида қанча туришини билардим. Йўлкираю чиқимларини чамалаб кўрсам, молларнинг устига икки ҳиссадан ҳам ортиқ қўшимча нарх қўйиб юборилган. Дўкончи қилни қирқ ёрадиган, ер тагида илон қимирласа сезадиган савдогарлардан эди. Менинг нима учун дўконига кирганимни дарровда фаҳмлади. Зарур бўлиб қолган тақдирда ҳам бундай молларни охирги кўлдан эмас, биринчи кўлдан, арzonроғини топишимни ҳам биларди.

Шунинг учунми, юлдузни бенарвон урадиган дўкондор сал ти-пирчилаб қолди. Бир пиёла кўк чой тутди. Ҳозир чойдан туриб келяпман деб, узримни айтдим.

— Эрталабки насиба, ака, — деди у ясама мулозамат билан.

— Насиба яхши, лекин насибадан бир оз тийилиш ундан ҳам яхши, — дедим киноя оҳангидা.

Кўпни кўрган савдогар менинг гапимни «Жа беш қўлингни оғзингга тикиб юборибсан-ку», деган маънода тушунди. Аслида гапнинг пайрови шундай куйилиб келганидан дилим бир равшан тортган эди. У тумтайиб олди.

— Бу молларингизни мен сариқ чақагаям олмайман, — дедим унга тик қараб.

— Биламан, олмайсиз.

— Нима учун кирганимни ҳам билиб турибсиз?

— Маҳалладагилар арз қилишган бўлса керак-да, сизга.

— Мен ҳоким эмасман ёки маҳалла қўмитасининг раиси ҳам эмасман арз эшитадиган. Маҳалланинг сизга ўхшаган бир фуқаросиман. Оқсоқоллар иштаҳангиз карнайлигига ачинишяпти. Дўкончимиз молнинг устига ҳаддан зиёд нарх уриб гуноҳга ботяпти. Бу дунёсини ўйлаб, у дунёсини куйдиряпти дейишяпти. Рости, жа унчалик бўлмаса керак, маҳалламизнинг йигити-ку деб гапларига ишонқирамаган эдим. Одатим шунаقا, кўзим билан кўриб, кўлим билан ушламагунча сиртдан ўқилган ҳукмга қўл кўтармайман. Мана, кўрдим, ишонч ҳосил қилдим. Буни куппа-кундуз куни, ҳамманинг олдида маҳалла аҳлини тунаш дейдилар.

— Ахир биласиз, менинг дўконим давлат дўкони эмас, ўз номи билан «коммерческий»...

— Иймон, виждон, эътиқод-чи?

— Тушунмадим...

— Нима, улар ҳам «коммерческий»ми? Оллоҳдан сотиб олганмисиз?.. Инсоф бўлса, қут-баракани, иншаоллоҳ, Яратганинг ўзи беради. Бойлик бандаси хоҳлагандамас, насиб этган кунида келади, сабр таги — роҳат деган гапларни эшитмаганимисиз?

Шунаقا, Шарофжон, пул ширин, жигардан пайдо бўлган дейишади. Бироқ, аччиқ тарафлари ҳам бор.

Айниқса, у нафс йўлида қурбон қилинса. Шу маҳаллада ўсиб вояга етган бир одам мўмай пул ишлайман деб, маҳалланинг қароқчисига айланиб қолтанини сезмабман. Шу маҳаллада вояга етдингми, аввало, маҳалла аҳлини ўйла. Тўйингдаям, азангда ҳам кунингга ярайдиганлар шулар-ку, номард. Тижоратчимисан, харидорнинг пулини рози қилиб ол. Еганинг бундоқ тананнинг ҳазм бўлсин! Кўпчиликнинг орқасидан кун кўряпсан, сен ҳам кўпчиликка қайиш. Қарс икки кўлдан чиқишини унутиб қўйма.

## ҚҰШНИНГ ТИНЧ – СЕН ТИНЧ...

**Г**ап маҳалла-күйчилик ҳақида бўлгач, яна бир гапни айтиб кўйишмуга тўғри келяпти, Шарофжон. Сен қаерда бўлма, ҳеч қаочон якка-ёлғиз яшамайсан. Албатта тўрт тарафингда ёру биродарларингу қўни-қўшниларинг бўлади. Миллатидан, кимлигидан, касбкоридан қатын назар. Инсон ўзи каби инсонлар орасида яшайди. Оллоҳ бандасидан тортиб, жамики мавжудотларни шундай қилиб яратган. Сабаб, ҳаётий жамлик инсоний хотиржамлик калитидир. Сўққабошлик, ёлғизлик доимий беҳаловатлик, хавотирликка асосдир. Жам бўлиб яшашдан мурод, бир-бирини турткилаш эмас. Ўтира ўпоқ, турса сўпоқ, деб, ёзғириш эмас. Балки, оғирини енгил қилишдан иборатдир. Яна қўшнининг ҳурматини ўрнига қўйиш, дардига малҳам бўлиш, борини ўртада баҳам кўриш, иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш дегани. Шундагина Оллоҳ бандаларидан рози бўлади. Шукроналик билан, тинч-тотув умргузаронлик қилган мўминларни Оллоҳ ҳар доим ўз паноҳида асрайди. Бу ҳақ гап.

Мен ана шундай Раҳмоний муносабатлар ҳақида кўп ўйлайман. Ҳа, бутун умрим давомида ўйлаб яшадим, десам муболага бўлмас. Баъзан назаримда одамларга қараганда тилсиз, забонсиз жониворлар бир-бирига меҳрибонроқдек кўринади менга. Улар бир-бирини куткилашдан узоқдек.

Биласанми, бу гапларни сенга нима учун гапирияпман? Яқинда маҳалла оқсоқоллари бир жиддий масаланинг ажримига тўпланишилик. Шунақа файриоддий, мураккаб, машмашали ишлар кўрилаётганда мениям чақириб туришади.

Қара, икки қўшни ўрталарида яшайдиган қўшниси устидан маҳалла қўмитасига арз қилишибди. Нима эмиш, қўшнилари нонвойчилик билан шуғулланар экан. Ноn ёпаётганда тандирга ўтин эмас, тошкўмир ишлатар экан. Унинг иси шамол шарқдан эssa у қўшнини, гарбдан эssa бу қўшнини безовта қиларкан. Ана сенга каттакон жумбоқ. Кўлингдан келса, шамолнинг йўлини ўзгартириб бер. Ё умуман бу ҳовлилар устидан шамол эсмайдиган қил. Кўп йиллардан бери ўртадаги қўшнининг куни нонвойчилик билан ўтишини бутун маҳалла аҳли яхши билади. Бунинг устига эр ўлиб кетган. Аёл бечора ёш болалари билан қолган. Бахтига қўлидан нонвойлик келар экан, шу билан кунлари ўтятти.

Шикоятчилар бўлса ўрта қўлдек, ўзига тўқ оиласалар.

— Хўп, — деди аёл ўрнидан туриб, — мен эртадан нонвойчиликни бас қиламан. Лекин битта шартим бор.

— Гапиринг, — деди маҳалла оқсоқоли.

— Ўнг тарафдаги қўшним учта боламни, чап тарафдаги қўшним учта боламни ўзларига олишсин-да, болалари билан бирга боқишиш

син, кийинтиришсин, ўқитишин, ўзим бўлсам шу икки уйнинг чўриси бўламан. Мабодо шундай қилмасам отимни бошқа қўяман.

Оқсоқол бу гапдан бир зум ҳайрону лол бўлиб турди-да, атайлаб шикоятчиларга савол берди:

— Нима дейсизлар? Яхши гап бўлди, шундай қилсанглар бир умрга савобнинг тагида қоласиз.

— Болаларим меҳнаткаш, еган нонини ҳалоллаб ейишади. Қўшниларимга жудаям товон бўлишмайди, — қўшимча қилди аёл.

Ҳа, болаларни туғиб, ўстирган она учун бундай аламли гапларни айтиш осон эмас, Шарофжон. Азбаройи пичоқ сўнгагига етиб боргани сабабли шундай деяёттани сезилиб турарди. Онаизорнинг кутилмагандаги бу қарори шикоятчи икки эркакни икки замбил лойга айлантирди-қўйди. Онанинг масалани бундай кўндаланг қўйиши маҳалла оқсоқолини ҳам бирдан ҳушёр торттириди.

— Бу бўлмайдиган иш, — деди охири шикоятчилардан бири минғирлаб.

— Бўлмайдиган иш бўлса, нега тандирга ўт ёқсам жанжал бошлисизлар. Мени ўз ҳолимга қўйинглар, қўшнижонлар. Бир амаллаб болаларимни оёққа қўйиб олай. Шундоғам тандир ичига кириб чиқовуриб, косовга айланиб кетдим. Ахволимни қўриб турибсизлар-ку, жон қўшнилар. Икки ёндан сиқаверсанглар, билмадим, ҳолим нима кечади... Яна болаларимнинг уволига қолиб кетманглар. Сизлар икки тарафдан ярим тунгача «модний» мусиқаларни бақиртирасаларинг ҳам ғиrint демаймиз-ку. Буни ўзларинг ҳам яхши биласизлар-ку.

Аёл гўё икки қўшнисига эмас, бутун маҳаллага гапиргандек ҳаммамиз ерга қараб қолдик. Нимага бунчалик бефарқмиз? Ахир оила бошлиғи ўлиб, олти бола етим қолганини ҳаммамиз билардик-ку! Қани меҳр-оқибат, қийналғанларга раҳм-шафқат. Етимнинг бошини силанг, мискиннинг қорнини тўйдиринг, деб амри маъруфларда ваъз айтилади-ку, амални юзага чиқариш кимларга топширилганлигини гўё сезмаётгандекмиз.

Аёлнинг жон-жаҳди билан айтган юрак сўзлари оқсоқолларни ҳам уйқудан уйғотгандек бўлди. Кўрдингми, Шарофжон, биз одамлар қанақамиз? Бир бечорага ёрдам бериш у ёқда турсин, ўзича амал-тақал билан яшашига ҳам қўймаймиз.

Ҳар бир инсон, ўз роҳат ва фарогатини ўйлашдан олдин, бошқалардан ҳам хабардор бўлиши керак. Бу дунё бирлик, дўстлик, жамлик асосига қурилган асли, Шарофжон. Ҳамма нарса бир-бирига занжирдек боғланган. Эътиборсизлик, бир-бирини нари тур, бери тур дейиш, дўстлик, ҳамжиҳатлик занжирларини узишга уринишлар

инсон эътиқодига бутунлай тескаридир. Занжир ҳалқалари узилганда қанчалар парчаланиб кетса, жамоалар ҳам ана шундай сочилиб кетади. Буюк умид ва ниятлар ҳавога учади. Бундай ҳолларда одамлар охират шу бўлса керак дейдилар.

## СЎЗИНГ – КИМЛИГИНГ ИСБОТИ

**Х**а, Шарофжон, яна «сўз» ҳақида гапиришга тўғри келиб қолди. Бир сухбатда сўз нима эканлигини чукур таърифлаб: «Оғиздан чиқдими у бамисоли отилган ўқ» деган эдим. Ўйлаб қарасам, сўз қурдатини таърифлашда бундай сифат ночорлик қиларкан. Ўқ узилганда у бир чизиқ бўйлаб ҳаракат қиласди. Ўнгга, чапга бурилиб кетмайди. Кейин бир жойга боргач нишонга тегадими-йўқми, совуб, ерга тушади. Оғиздан чиққан сўз эса ўнгдаям, сўлдаям изғиб юраверади. Пастгаям тушаверади, осмони фалаккаям чиқаверади. Бунинг устига бемаврид айтилган бир оғиз сўз эса болалаб, минг, миллион оғизга айланисиб, ўзга қулоқларга етиб боради. Милтиқдан чиққан ўқ нишонга бир марта тегиши мумкин. Аммо оғиздан чиққан бир оғиз сўз нишонга бир неча марта, баъзан йиллаб, ҳатто умр бўйи тарсиллаб тегиб туриши мумкин. Ҳатто инсон дунёдан ўтгандан кейин, гўрида ҳам руҳини тинч қўймас экан-да! Қара, ўз замонасида худоликка даъвогар бўлған Миср подшоси Фиръянни одамлар уч минг йилдан бери лаънатладилар. Чингизхонни-чи, Гитлерни-чи?! Сўзга Оллоҳ таоло ана шундай қурдат, куч, жозиба, умр ато этган экан. Сўз билан ўйнашиб бўлмайди.

Халқимизда оддийгина, соддагина нақл бор: «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир». Сўз билан шунчаки ҳазиллашиб бўлмайди.

Бир куни қизиқ бўлди. Саҳари мардондан телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим.

Кўнгироқ қилган кишининг нафас олишигача эшитилиб турибди. Лекин жим.

— Гапиринг, ким керак эди?

Телефон қилгувчи гўшакни илиб қўйди. Ҳайрон бўлдим. Бунақа соқов қўнгироқлар аданг, амакиларинг уйланмаган пайтларида тез-тез бўлиб турарди. Таниш қизлари мендан уялишиб, трубкани тез-гина жойига қўйиб қўйишарди. Ҳозир телефон қилган одамнинг нафасидан сездим, хотиржам эмас, хавотирли. Янглишиб тушиб қолгандир, деб эътибор бермадим. Салда телефон яна жиринглади. Оддим.

Телефон қилгувчи, фалонми деб, телефон номерини сўради.

— Ҳа, шу, — дея фамилиямни айтдим-да, — кимсиз? — деб сўрадим.

— Эй, хайрият-ей! — У шундай деб трубкани қўйиб қўйди. Овоз эгасини танимадим. Лекин овозимни эшитиб, хотиржам сўлиш олганини пайқадим. Баттар таажжубга тушдим. Телефоннинг ёнидан кетмай туриб қолдим. Хаёлимда ҳозир яна кимдир қўнғироқ қиласидигандек. Айтганимдек бўлди. Гўшакни кулогимга тутдим:

— Алло!

— Исломжон, бу сенмисан? — Катта аммангнинг хавотирли овози эшитилди.

— Ҳа, мен, опа, тинчликми?

— Ҳар тутул-ей, ҳалидан бери қўнғироқ қиласман, тушолмайман. Телефоннинг банд. Адоий тамом бўлай дедим-а?

— Ҳа, нима гап ўзи? Ўзингизни босинг, опажон. Ахир сизга бетоқатлик мумкинмас-ку...

— Ҳа, гап ўлсин-а, бемаза ифво гап, заҳарли гап, — дея безовта бўлган амманг бечора телефонда ҳўнг-ҳўнг йиғлаляпти.

Маълум бўлишича, кеча кечқурун шаҳарлик Фуломовлардан биттаси фалокат юз бериб, дунёдан ўтган экан. Қарагинки, шаҳарлик Фуломов деган сўз Шоғуломовга айланаб кетибди. Ана сенга чалачулпа айтилган ёки чала-ярим эшитилган сўзнинг машмашаси.

Кечгача қанча одам қўнғироқ қилди менга, умрингиз узоқ бўлар экан деб. Шунинг учун, Шарофжон, оғзингдан чиқаётган сўзга эҳтиёт бўл. Сўзлашдан аввал яхшилаб ўйла, айтиладиган сўзни ақл тарозусида торт. Айтиб юборсам оғирлик қилмайдими, ҳар хил шов-шув, шубҳаларни уйғотмайдими деб ўйла. Сўзнинг ҳам тарозуси бор. У — қалб, иймон, идрок, ақл фаросат ва ҳоказо... Буларнинг ўз қалити бор, бу эса илму одоб, одамгарчилигу одиллик ва инсонпарварликдир.

Халқимиз ўртасида сўзга эътиборсизлик билан боғлиқ кўпгина латифалар юради. Ҳар қайси жамоа, маҳалла бўладими, бирор-бир корхона бўладими ёки дўкон бўладими, унинг жамоаси, хизматчила-ри сўзга эътиборли бўлсалар ўша ерда барака, тотувлик, дўстлик, мустаҳкам тартиб бўлади, нозик дид ва маданият ҳукм суради.

Бир куни издиҳомда каттакон бир дўконнинг бошлиғи қандай мажлис ўтказишини гапириб берди, ўтирганлар мириқиб кулишиди.

Одатига кўра у киши хоҳлаган вақтда бўлим бошлиқларини тўплар экан-да, мақсадсиз мажлис бошлар экан. Исмини ҳам айтмай:

— «Костюм-шим» ўрнингдан тур, нимага тушум йўқ, савдони ўлдирдинг-ку, ишда «Пайпок»дан ўrnak олмайсанми. «Пойабзal», сендан нимага камомат чиқди? «Палос», қани, ўтган куни нимага мажлисга кирмадинг? Ҳов, «Атир-упа», бор, «Чинни-идиш»ни чақириб ке... — деяркан.

Ўзинг айт-чи, Шарофжон, мана шунаقا ишхонада маданият, бир-бирининг хурматини ўрнига қўйиш бўлиши мумкинми? Йўқ,

бундай ишхонада одамлар эмас «пайпоқ»лар, «пойабзал»лар, «палос»лар, «идиш-товоқ»лар ишлашади. Бу дўкондаги сотувчиларнинг харидорлар билан жавоб-муомаласи шу савиядан нарига кўтарила олмайди. Балиқ бошидан деганларидек, сўз қадри, сўзлашиш маданияти аввало бошлиқлардан бошланиши керак.

Қадим-қадимдан ўзбекларда бу нарса жудаям юқори бўлган. Одамлар бир-бирларига ёшига, илмига, билимига қараб, мулоқотда бўлишган. Уламоларга «ҳазрат», «жаноб», «тақсир» деб мурожаат этишган. Оилаларда «хоним», «бегим», деган лутфлар бўлган. Буюк ўлкамиздан дунё таниган қанчадан-қанча олимлар етишиб чиқсан бўлса, бари ўша сўзлашув, мулоқот, муомала маданиятининг ширин мевалариdir. Шарофжон, одамлар билан муомалада бу гапларга амал қилсанг ҳамиша барака топасан, болам.

## РЕЖА – ҲАЛИ ИШ ЭМАС...

**Б**аъзан ҳаётда шундай бўлади. Сени ёшлигинг, ғайратинг, унчамунча билимингга ишониб, бир жойга бошлиқ этиб қўйишиди. Борасан, кўрасан. Та什қаридан келганинг учун ҳамма нарса кафтдагидек яққол кўринади-қолади. У ишни ундоқ қилиш керак, бу ишни бундоқ қилиш керак деган режалар пайдо бўлади. Ҳа, ўша режалар амалга ошса чиндан ҳам зўр бўлади. Аммо амалга ошироқчи бўлган режани обдан пишитмай, дабдурустдан юқори идораларга олиб чиқма ва у ҳақда катта давраларда оғиз кўпиртириб гапирма. Мабодо режаларинг амалга ошмай қолса, ношуд, вайсақи хаёлпарастга ўхшаб қоласан. Санамасдан саккиз деб юрадиган хаёлпарастнинг сўзига эртакка ўч болаларгина ишониши мумкин. Катталар эртакка ишонишмайди, натижада беобрў бўлиб қоласан.

Бизда ёшгина мұхандис йигит ишларди. Ўта ҳаракатчан, тинибтинчимас. Мажлисларда фойдали таклифлар билан чиқарди. Мұхими, ишбилармон, дадил эди. Шу йигитни қолоқ бир участкага бошлиқ этиб тайинладик. Унинг идораси бизнинг таркибимизда бўлса ҳам, мустақил ҳаракат қилиш, шартномалар тузиш, маҳсулот ишлаб чиқариш мақомига эга эди. Ўша жойга борди-ю, кейинги йиғилишимизга масала киритиб, ўзи бошқараётган кичик корхонасини бир йилда юз миллион фойда оладиган даражага кўтариш мумкинлиги ҳақида шижаот билан гапирди.

Унинг сўзларини тинглаб туриб, ачинганимдан «Ҳаҳ, боласи тушмагур-а, эртакка берилиб кетдинг-а, — дедим ичимда. — Бир сўм пул топиш учун минг битта тешикка кириш керак-ку, миллионларни гапирасан-а? Миллион марта ҳолва деганинг билан оғзинг чучирмикан?!»

Ха, у ҳар ҳафтада бўладиган мажлисимида кетма-кет сўзга чиқиб, миллионлар ҳақидаги режаларини гапираверди. Мен ҳам сукут сақлаб, индамадим. Балки бўладиган ишлардир. Ишонч билан гапиряпти-ку, сўзининг устидан чиқар-да, деб ўйлаб ҳам кўйдим.

Шу йўсинда бир-икки ойча баландпарвоз режалар ҳақида гапириб юрди-да, охири жим бўлиб қолди. Ҳаммани оғзига қаратиб келаётган бу раҳбарнинг бирдан оғзига талқон солиб олиши кўпчиликка ғалати туюла бошлади. Ахир атрофдагилар «буғун нимага жим ўтирибсан, янгилик йўқми?» дегандек оғзига қарайди-да. Охири уни нокулайлиқдан ўзим кутқардим:

— Ха, — дедим, ишлаб чиқариш мажлисимида номини тилга олиб, — ваъда қилган миллионларингиз қани? Уч ой ўтди-ю, бир миридан дарак йўқ. Режа бу қофоздаги қуруқ гап — у ҳали аниқ иш эмас. Иш эса ўз номи билан иш — яъни жараён — ҳали тайёр маҳсулот эмас, сотилмаган тайёр маҳсулот эса пул эмас. Ҳа, ишлаб топилмаган пулни санашга шошилмаслик керак. Үнгача зарур бўлган ишларни тезроқ амалга ошириш учун шошилган инсон ҳар доим ютади.

Бу гапларни эшлитиб турган у киши қизариб-бўзарганча «сиз ҳақсиз» дегандек бош иргаб кўйди. Бироқ обрўсига озми-кўпми путур етиб қолди. Бундай пайтда ёши улуғ одамлар бу ҳолга жудаям урғу беришмайди. Ёшлар ўзи шунаقا шошилишади, хато қилишади, охири чиниқиб, тобланишади деб ўйлайдилар. Бироқ тентқурлари унақа деб ўйлашмайди уни, қип-қизил сафсатабозга чиқариб қўйишади, ишда унга эргашишмайди. Пишмаган иш ҳақида олдиндан гапиришнинг ёмон томонлари ҳам шундадир.

Мана кўрятсанми, Шароффон, бундай ҳолатлар ҳам ўйламасдан сўзлашнинг оқибатида юзага келади. Ҳамиша тилингга эҳтиёт бўл, болам. Билимдон бўлсанг — тилинг эмас, ишинг ўзи кимлигининг кўрсатиб туради. Айтганларидек, қозонда бўлса, чўмичга чиқади. Бу ҳақиқатни ҳам ёдингдан чиқарма, болам.

## ДАРЁ ОҚАР, ТОШИ ҚОЛАР...

**Д**еноно халқимизнинг бу мақолида чуқур маъно бор, Шароффон. Сен бирор-бир жамоанинг чинакам каттаси бўламан десанг, ўз мустақил фикрингга эга бўл. Ўзингдан юқори лавозимдаги раҳбарларнинг қулига айланма. Ҳушмуомалада бўл-у, жудаям апоқ-чапоқ бўлиб кетма. Раҳбарлар орасида халқнинг ғам-ташвишларини ўйлайдиганлари ҳам бўлади, ўз оромию жигилдонини ўйлайдиганлари ҳам.

— Буни қандай қилиб билиб олиш мумкин?

— Кўпчилик ташвиши билан яшайдиганлари сени бўлар-бўлмас иш билан безовта қилаверишдан кўра, ўз ҳолингга қўйишни афзал кўрали. Ҳа, деб жигингга тегавермайди. Қўлидан келган ёрдамини аямайди. Жамоанг тинчми, вақтида маошини оляптими, маҳсулотинг инқизорзга юз тутмаяптими, у шунисига хурсанд бўлади.

Жигилдонини ўйлагани эса хўракка кўз тиккан балиқдек ҳали у ёғингдан, ҳали бу ёғингдан турткилайверади. Устингдан гап-сўзлар юютиришдан ҳам тоймайди. Мақсад аниқ.

Бир куни менга ҳам қўнгироқ бўлиб қолди: «Агар биз билан келишиб ишласангиз жуда зўр бўлади, катта даромад оласиз». Мен бу таклиф корхона ишчиларининг манфаатларига зид бўлса, уни қўллаб-қувватлай олмаслигимни айтдим.

— Майли, шунчаки фикрингизни билмоқчийдим.

— Менинг шунчаки фикрим йўқ.

— Нима бу ишга қаршимисиз?

— Менинг на қаршилигим, на хайриҳоҳлигим масалага ойдинлик киритолмайди.

— Нимага энди?

— Бу ҳалқнинг — уч ярим минг кишилик жамоанинг мулки. Шунча одам шу мулк устидан бола-чақа боқяпти, рўзгор юритяпти, бу мулк нафақат уларга, келажакда бола-чақаларига ҳам асқотиши керак. Унинг тақдирини мен ёки сиз эмас, ўшалар ҳал қилишади.

— Давлат-чи, давлат?

— Мен сиз айтаётган хуфия давлатни танимайман. Ҳалқининг бугуни ва эртасини ўйлайдиган, у билан ҳисоблашадиган адолатли, мустаҳкам интизомли давлатни танийман. Модомики, бу гап жиддий экан, мен эртага жамоани тўплаб, уларни хабардор қилиб қўяман.

— Керакмас, ваҳима кўтармай туринг, балки ўйлашиб кўрамиз.

Бундай хотимадан кейин мен бу иш шунчаки дўй-пўписадан иборат эканини тушундим. Давлат ҳеч қачон ҳеч кимга кўпчиликка нафи тегиб турган мулкни сотмайди. Яна қандай корхонани? Ўз юкини ўзи кўтариб, замонавий, асл босма нашрлар чиқариб, оғизга тушиб турган, давлат хазинасига сезиларли даромад келтириб турган корхонанинг мулкини сотмайди. Ўзини маблағ билан таъминлай ололмаётган, банкрот ҳолатга келиб қолган корхоналар бўлса унда бошқа гап.

Ҳа, Шарофжон, бундай пайтда инсон ҳеч қачон эгаллаб турган амалини, олиб турган маошини ўйлаб, йўлдан тойиб кетмаслиги керак. Кўпчиликнинг насибасини, эртанги кунини ўйла-

ши, уларнинг ўзига бўлган обрў-ишончини ёддан чиқармаслиги керак. Шунда бу одамга Оллоҳнинг ўзи најотга келади, ҳимояси-га олади.

Ҳа, болам баъзи раҳбарлар жигилдонини ўйлаб, кўпчиликнинг, халқнинг манфаатларини четга сўриб қўяди. Албатта, бундай кишилар элдан ажralиб қолаётганини ўзи сезмайди. Оёғи ердан узилади. Бундайлар амал курсисидан тушгандан кейин ёлғизланиб қолади. Уни йўқлаб келадиган инсон бўлмайди. Ҳа, Шарофжон. Мехрда гап кўп. Ҳар бир кишини йўқлаб келадиган, согинадиган, суюнадиган дўстлари бўлсин. Йўқса, яшашнинг қизиги ҳам қолмасди.

Аввало инсоннинг нияти холис бўлсин, болам. Сен бирор-бир жойни бошқарар экансан, ҳеч қачон, ҳа, юзинчи марта айтаман, фақат ўзингнингина ўйлама, доимо кўпчиликни ўйла. Яна сен ишлаётган корхонага алоқадор бўлган-бўлмаган одамлар тақдирини ҳам ўйла. Элинг, юртингнинг манфаатини ўйла. «Элим деб, юртим деб» яшашга бекорга даъват этмаяпти Юртбошимиз. Қадрдон жамоангнинг баҳорий шабадаси ён-атрофга яхшилик уфириб турсин. Бу деганим беш қўлингни оғзингга тиқма, кўпнинг ризқ-рўзини ўйласанг, бу иллатдан тийиласан. Иймони бутун инсонни шайтон ҳам йўлдан уролмайди.

Инсон умри бамисоли оқиб бораётган дарёдир. Буни билиб қўй, болам. Амалпарастлар, игвогарлар, туҳматчилар, товламачилар эса унинг юзида қалқиб бораётган сариқ кўпиклардир. Уларни ҳаёт дарёси бир чеккага итқитиб ташлайди. Савоб ва яхши амаллар эса ҳаёт дарёси тубига садаф тошларидек чўқади, минг хил жилва билан товланаверади. Авлодларни сеҳрлаб оҳанграбодек ўзига торта-веради.

Ота-боболаримизнинг дарё оқар, тоши қолар деганларининг маъноси ҳам шу, Шарофжон. Сен ҳаёт дарёсининг бир садаф тошига айлан.

## НИЯТ ПОК БЎЛСА...

**К**итобнинг ҳар янги бобини ёза бошлаганимда шу қитмир одамларга тегмай қўя қолай, хаёлим чалғиб, хотираларим лой-қаланмасин дейман-у, барибири бўлмайди-да. Нимага десанг, Шарофжон, ҳаётнинг чалкашликлари-ю, бош тўғаноги ҳам шундай одамларнинг чалкаш ишларига келиб тўхтайди.

Гап шундаки, мен дам олгани чет элга кетсам, келгунимча ёрдамчиларим бир дунё ташвишни хирмон қилиб, уйиб қўйишибди.

Солиқ идорасидан нияти пок бўлмаган одамлар келишибди-да, наридан-бери текширув ўтказиб, етмиш олти миллион сўмдан ортиқ

пулни ҳисоб рақамимиздан чегириб олишибди. Тасаввур қил, бир миллионмас, ўн миллионмас, етмиш олти миллион-а? Вой, Оллоҳдан кўрқмаганлар-еї. Саксон йилдан буён солиқ тўлаб, бирор марта тўловда адашмаган корхона бунчага янгишишимиз ёки солиқ тўловларига бунчалик бефарқ қарашимиз мумкинми? Қизиги шундаки, дам олишга кетишдан олдин барча ҳисоб-китобларни кўриб, хотиржам бўлиб кетганман.

Солиқчиларнинг тўлдирган ҳужжатлари ва ҳукмларини кўрсам, бари зўрма-зўраки, асосланмаган, боши, охири йўқ гаплар. Кўнглимга келган фикр шу бўлдики, кимдир хазинадан каттакон пулни ўмарган, қандайdir сабаб бўлиб, вақтида ўрнига кўёлмаган. Хўш, бунақа катта пул қайси сердаромад корхонада бўлиши мумкин? Бизда! Шундан сўнг солиқчилар хазинани ўмарган ўша амалдорнинг буйруғи билан ғайриқонуний равищда иш бошлашган. Бунга менинг йўқлигим уларга янаем қўл келган. Улар шунча пулни хазинага туширамиз, тамом, у ердан қайтариб олиб бўпти деб ўйлашган.

Хивада бундан икки юз йиллар муқаддам қурилган бир масжид бор. Шу масжиднинг қурилиш тарихи қизиқ бўлган. Хоразмлик бир савдогар қайиқлар ва кемаларга ишлатиш учун Русиядан қора сақич обкелиб сотар экан. Бир гал икки юз қоп сақич олиб келса, ичидан бир қопи тўла олтин чиқиб қолибди. Савдогар бу бойлиқдан заррачаям хурсанд бўлмапти. Қайтага жаҳли чиқибди. Ўрис савдогари атайлаб менинг иймонимни синаб кўриш учун қўшиб юборган деб ўйлади ва бу ҳақда ўрис савдогарига хабар қилибди. Ўрис савдогари бўлса ўзбек мени синаяпти, шекилли деган хаёлда ундан хафа бўпти ва «Мен сизга шунча қоп-қора сақич бериб юборганман, ҳеч қанақа олтин бермаганман», дебди. Савдогар бу бир қоп олтинни нима қилишини билмай Хива шоҳига маълум қилибди-да, ундан олтинни давлат хазинасига қабул қилишини сўрабди. У пайтда Хоразмда Оллоқулихон подшо экан. У ўз навбатида хазиначини чақирибди. Хазиначи хазинага фақат солиқдан келадиган даромадлар тушишини, садақалар, топилмалар, даргумон бойликлар бутунлай олинмаслигини, мабодо олинса хазинадан барака кетишини айтибди. Подшо ҳам бу нақдина бойлиқдан воз кечибди. Савдогар юрт қозисига мурожаат қилибди. Қози уламолар билан маслаҳатлашиб бу бойликка битта масжид қуришни таклиф этибди. Агарда бу ишимиш Оллоҳга маъқул бўлса, масжид узоқ яшайди. Маъқул бўлмаса, Оллоҳнинг ўзи салгина сабаб билан масжидни ер билан яксон этади, дебди.

Буни қараки, икки юз йил орасида қанақа кучли зилзилалар бўлган. Бақувват-бақувват арклар тўкилиб тушган. Лекин ўша олтин эвазига қурилган масжид қимир этмаган. Шуниси қизиқки, уламолар қатагон қилинган, масжидлар бузиб ташланган, динсизлик авжига

чиқдан замонларда ҳам Хивадаги ўша масжид Оллоҳнинг қудрати билан ёпилмай қолган. Бу ерда намозхонлар ибодатини қиласаверишган. Мана сенга асил эътиқоду сўнмас чироқдек ёрқин ҳақиқат.

Хўш, сенинг фикрингча бу ерда қандай ҳодиса рўй берди? Олтинни тупроққа ёки қора сакични олтинга айлантириш Оллоҳнинг ишидир. Унинг сиру синоати Ўзигагина аён. У шунаقا мўъжизалар билан бандасини синаб туради. Бирор-бир чордевор тагидан бир хум олтин чиқадими, бироннинг моли олтинга айланиб қоладими; нима бўлганда ҳам Оллоҳ «Қани, бандам нима қиласаркин, иймони бутунмикан, мен кўрсатган йўлдан борармикан ёки шайтон вассасасига учиб, унинг йўлига кириб кетармикан?» — дейди. Мана шу кичкина воқеала — ҳар икки савдогар, подшо ва хазинабон катта синовдан ўтишиди. Оллоҳ улардан рози бўлсин. Уларнинг пок ниятлари у дунёсини ҳам, бу дунёсини ҳам нурафшон қилган бўлса ажаб эмас.

Хўш, бизнинг корхонамизни текширган шоввозлар қайси йўсинда иш олиб боришган? Қалбаки ҳужжатлар ва зўрлик воситасида ҳалқнинг пешона тери билан топган пулинни ҳазинага тушириб, айбларини ёпмоқчи бўлишган. Мен бир куни ана шу текширув билан шуғулланган одам билан бафуржа гаплашдим.

Сұхбатимиз мустақил бўлганимиздан кейин ҳам айрим зўравонлар мустабид давридагидек иш тутаётганликлари ҳақида борарди.

— Бу иш «буюртма» асосида бўлди, ака, қўлимдан ҳеч нарса келмади, — деди сұхбатдошим.

— Энди биз бу пулни, албатта, қайтариб оламиз, — дедим хотиржамлик билан.

— Қайдам, бизга буйруқ берган амалдорга тишингиз ўтмас-ов, ўйлаб кўринг.

— Президентимиз қўл қўйган одил қонун бор-ку...

— Қанийди, ҳаммамиз ҳам буйруқлар, тазииклар, бақириқ-чақириқларсиз, фақат одил қонун бўйича ишлаганимизда зўр бўлардиди.

— Унинг учун ҳар биримиз қонунни билишимиз, бошқаларниям билиб олишга ўргатишимиш керак. Бўлмаса муттаҳамлар на қонуннинг ишлашига ва на юртнинг гуллашига йўл қўйишади. Мана кўрасиз, биз пулимишни қайтариб оламиз. Ҳақиқат юзага чиқади, шундай бўлишига иймоним комил. Яна зўравонлик қилишса Юртбошимизгача чиқамиз. Ишни ижобий ҳал этишларини сўраймиз.

— Сизга ҳавасим келяпти. Жудаям оптимист одам экансиз.

— Қизиқ экансиз, бу кўпчиликнинг, ҳалқнинг пули-ку. У қандай қилиб у чўнтаккамас, бу чўнтакка ўтиб кетиши мумкин? Оллоҳ кўриб турибди-ку, ҳақиқат қай тарафдалигини.

Сұхбатдошим менинг «оптимизмимга» ишонмади. Қўлидан ҳеч нарса келмайди, деб ўйлади. Биз солиқ идорасининг ноқонуний иши

ҳақида Конституция судига ариза бердик. Иш бошланди. Оллоҳнинг Қурратини қарагинки, суд жараёни кетаётган бир пайтда яна бир воқеа юз берди. Солиқ идорасининг дарғасиман деган бир гуруҳ зўравонлар учун сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди. Ҳа, бир тўй сабаб бўлиб, уларнинг мудҳиш башараси фош бўлди. Яратган эгам нафс йўлида чўзилган узун қўлларини бир кундаёқ қисқа қилиб қўйди. Ҳимоячилари ҳам мум тишилаб қолишиди. Бизнинг пулимиз ҳам уларнинг қінғир ишларини фош этувчи бир дастакка айланди.

Биз ноқонуний йўл билан олиб қўйилган пулнинг ярмини қайтариб олдик. Қолганини кейин қайтарадиган бўлишиди. Ҳа, ҳақиқат қарор топди. Сен, Шарофжон, нимаики иш қиласанг кўпнинг тақдирини биринчи ўринга қўйсант, тўғри иш қилган бўласан. Шунда ўзинг ҳам, оила аъзоларинг ҳам, эгаллаб турган амалинг ҳам ҳимояда бўлади. Кимнинг ҳимоясида? Албатта, кўпчиликнинг, ҳаммамизни яратиб қўйтан Яратувчининг ҳимоясида!

Ановиларнинг ишлари нима учун юришмади? Чунки уларнинг ниятлари бошиданоқ нопок эди, ниятлари олдиндан бузук эди! Бу гапларни ҳеч ёдингдан чиқарма, «ҳақиқат эгиладио синмайди» деб бежиз айтишмаган. Ҳақиқатга сен, сенга ҳақиқат йўлдош бўлсин, болам.

## ИШОН! НОПОК ИШ — ОЁҚҚА КИШАН!..

— Қолган пул нима бўлди, қолганини ҳам қайтариб олдингизми, бобожон.

— Ҳа, янги келган раҳбарга қарзларини эслатиб қўйишни бурчим деб билдим. У киши менинг талабларимга афсус ва надоматдан бўлак ҳеч нима дея олмади. Лекин қарз қайтарилиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Қачон? Буниси мубҳам бўлиб қолаверди.

Бир куни ўша идорадан бир одам мента учраб, навбатдаги текширувга келишаётганини айтди.

— Нега, — дедим мен унинг гапларига тушунмай, — яна қанақа текширув?

— Одатдаги, режа, тартиб бўйича, — деди у.

— Одамларимизнинг кўзига қандай қилиб қарайсизлар? Ҳали уларнинг қирқ тўққиз миллион сўмини қайтармадинглар-ку?

— У ўтган иш, эски гуруҳнинг иши. Биз янги гуруҳмиз.

— Одамларни гурухларнинг қанақалиги қизиқтиrmайди. Идорангиз буйруқни бажаряпмиз деб ишчиларимиз олдида ишонч ва обрўсими йўқотиб қўйган. Олдин мардларча қарзни қайтариб беринглар-да, зарур бўлса кейин хоҳлаганингизча текшираверинглар, чўчидиган жойимиз йўқ.

Ҳалиги одам елкасини қисиб, хоҳишиңгиз деб чиқиб кетди. Үндан кейин мен солиқ идорасининг янги раҳбарига яна сим қоқиб, қарзни қайтармасдан туриб, текширув ўтказиш мантиқдан эмаслигини айтдим.

— Албатта, — деди у киши мени қувватлаб, — ҳалиям биз режадаги текширувни орқага сурәмиз. Ҳа, шунга мажбурмиз.

Мен ҳузуримга келган у кишининг вакилини айтдим.

— Янглишмовчилик бўпти, мен ходимларимга тушунтириб қўяман, — деди у хотиржам оҳангда. Кейин қўшиб қўйди: — Қаранг, биздан олдингилар ҳамма ташкилотлар билан алоқамизни бузиб қўйишган экан, бирортаси бизга ишонч билдириб очиқ гаплашмаяпти, мени тушунинг, ака, — деди.

Мен у кишига мутлақо ҳақ гапни айтганлигини таъкидладим.

Қарагин, нафс йўлида қасд билан содир этилган битта нопок ишнинг силсиласи неча ой, неча йилларга татииди. Режа бўйича текширай деса ўртада қарз бор. Биз ўша пулни қайтармаслик учун тирноқ ичидан кир қидиргани келишяпти деб ўйлашимиз табиий. Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади-ку. Аммо текширувчилар, тафтиш охирида ҳаммаси жойида экан деб камчилик топмай кетиниса: «Тиллари қисиқ-да, шунинг учун камчиликларни хастпўшлаб кетишид», деган гаплар ҳам чиқиб қолиши мумкин. Ҳуллас, солиқ идораси дейсанми, ҳуқуқ идоралари дейсанми, уларнинг ҳалқ олдида юзлари доимо ёруғ бўлиши шарт. Бу қонун талаби, ғараз деган тушунча ҳеч ўртага тушиб қолмаслиги керак. Қонуншуносларнинг бажараётган ишлари ҳукumat олдида, Оллоҳ йўлида пок, ҳаққоний, одил бўлиши зарур.

Сен пайғамбаримизнинг күёвлари ҳазрат Али ҳақида эшитганмисан? У киши ниҳоятда кучли ва моҳир жантчи бўлганлар. Ҳазрат Али бир кўлида кўтарган катта дарвоза қанотини қирқ киши ўрнидан қўзғата олмаган экан. Ҳазрат Али жанг қилаётib, бир худосизнинг бошига қилич туширмоқчи бўлиб турганда, кофир у кишининг юзиға тупуриб юборади. Шунда сергак тортган ҳазрат Али қиличини унинг боши устида бир ўйнатибдилару ўлдирмай нари кетибдилар. Бундан ҳайрон бўлган мушрик унга депти:

— Ҳой, Али, нечун жонимни қайтариб бердинг?

— Сабабки, сен менинг юзимга тупурдинг.

— Бу сен учун минг бора ҳақорат-ку, бир эмас, минг марта бошимни олишнинг керак эди-ку?

— Мен сенинг бошингни Оллоҳ йўлида олмокчи эдим. Тупурганингдан кейин, ўртага ғараз тушиб қолди. Шунинг учун бошингни олишдан воз кечдим...

Бундай олижанобликдан ҳайратга тушган ҳалиги кофир шу заҳоти иймон келтириб, мусулмон бўлган экан.

Қанийди биз хом сут эмган бандалар ҳар бир ишимизни Оллоҳ белгилагандек, Оллоҳ йўлида бажарганимизда эди. Бунчалар чалғиб, ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам боши берк кўчаларга олиб кириб қўймаган бўлардик. Ҳаётимизга, бир-биrimiz билан бўладиган дунёвий ишларимизга гараз аралашмаган бўларди.

Қўшни билан қўшни қачон бир-бирига очиқ ва самимий муносабатда бўла олади? Ёки бир-бири билан аччиқлашиб қолса, кези келганда тортиномай, ҳақиқатни очиқ айта олади? Қачонки ораларидан бирор-бир низо, ҳақоратомуз гап қочмаган бўлса. Гараз деган нарса аралашмаган бўлса. Надоматлар бўлсинки, бундай низони ака билан ука ўртасида ҳам, ота билан она ўртасида ҳам, бъязан ота-она ва бола ўртасида ҳам учратиб ҳайратта тушасан киши. Айрим бетав-фикарлар «ота-она амри вожиб» деган каломни ҳам тан олгилари келмайди.

Шунинг учун ҳам доимо ёдингда бўлсин, Шарофжон, инсон боласи ўйнаб гапирса-да, ўйлаб гапирса дуруст бўлади. Биров билан ҳазил қилмоқчи бўлса ҳам чегарадан чиқиб кетмасин. Ҳазилнинг таги зилга айланиб кетиш хавфи бор. Агар бирор-бир ишга қўл урмоқчи бўлса етти ўлчаб, бир кессин. Фийбатдан ўзини тийсин — деворда ҳам қулоқ бор деганлар. Олишдан олдин қайтариш зарурлигини ўйласин. Шундагина одамнинг қилмиш ва қидирмишлари ёғига кишан бўлиб, юзини шувит этиб ерга қаратмайди. Бу гапларга амал қилсанг юзинг ёруғ, сўзинг ўтқир бўлади, болам.

## ЯНА НИЯТ ҲАҚИДА

**III** арофжон, биз сен билан «ният» ҳақида кўп гаплашамиз. Лекин кун бўйи каттаю кичик воқеаларни, айрим кунлари фожиаларни кўравергач, «аслида бошида нияти бузуқ экан-да», «шум нияти бошига етибди-да» деган аччиқ гапларни ҳам эшиштамиз. Биласанми, ният ҳақидаги мавзуга бир ёки иккита ҳикоя билан нуқта қўйиб бўлмайди. Шу сабабдан бу мавзуга яна мурожаат қилишга тўғри келяпти.

Бизда бир ишли бор эди. Хушмуомала, ишнинг қўзини биладиган, зийрак эди. Бир ерда узоқ вақт раҳбар бўлиб ишлаганингдан кейин, вужудинг кўзга айланиб қолади. Ким-кимлар билан хушмуомала-ю, ким тескари, ким бефарқ, учрашавергач, билиб қоларкансан. Назаримда ҳалиги ишли ҳамма билан аҳиллашиб, тил топишадигандек туюлди. Чунки мен унинг ким билан гаплашиб турган бўлса доимо юзида ҳурмат ва табассум кўрардим-да. Айни пайтда суҳбатдининг ҳам юзларида мамнунлик ифодаси балқиб турарди. Уни бир бўлимнинг бошлиқлигига тавсия қилдим. Ҳеч ким таклифимни рал

этмади. Аксинча, құллаб-қувватлашди. Ўзининг эса қўли қўксидай «Ишончнингиз учун ташаккур, қўлимдан келганча оқлайман», деб турибди.

Бу сертакаллуф ходим ўша жойга ишга ўтгач, аҳвол яхшиланмади, қайтага орқага кета бошлади. Суриштирсам, ишни ўринбосарига топшириб қўйиб, ҳафталааб майшатнинг орқасидан қуваркан. Шунинг учун ҳам зукко, талабчан ҳамкасларига кўринишга уяларкан. Нимага десант, улардан қарзи кўп экан. Аста суриштирсам, кўпчилик унга қарз берган-у, ололмай, орқасидан чопиб юришаркан. Қизик, бирор бирордан қарз олса-ю, вақтида бермаса дарровда атрофдагилар бу гирромликтининг олдини олади. Оқибатда ўша одам билан эҳтиёт бўлиб муомала қилишга ҳаракат қилишади. Тўғрироғи, ўша одам бошқа бирордан қарз сўраса, рад этади, қарз бермайди. Нимага энди билиб туриб бу одамга қарз беришаверади? У бўлса қарз олиб, вақтида бермай чўзиб юраверар экан. Қисқаси у отнинг қашқаси бўб қолган экан. Қайси йўл билан у одамларнинг пулини олади? Сеҳрабадми, бир нималар ваъда қилибми ёки қўрқитибми? У одамнинг тутган йўли мен учун жумбоқ бўлиб кўринди. Охири ўзини чақиртириб бафуржা судбатлашдим.

— Мен ҳеч кимдан зўрлик билан қарз олмайман, ўз қўллари билан рози бўлиб беришади.

— Нима, қарз олмасанг кунинг ўтмайдими, маошинг етмайдими?

— Етади, лекин буям бир касаллик-да, ака.

— Э, касаллигиндан ўргилдим, одамларнинг қарғишига қолиб-а?

— Уларнинг қарғиши менга ўтмайди.

— Чунки сен қарғишига ишонмайсан, эътиқодинг йўқ. Шу сабабли худодан ҳам қўрқмайсан...

— Аксинча, қарғишига ишонаман, Худодан ҳам қўрқаман.

— Бўлмаса бу лўғтибозликни қандай тушуниш мумкин?

— Сабаби шундаки, улар менга шарти билан қарз беришади.

Шартсиз бирортаси ҳам қарз бермайди.

— Шарти деганда нимага ишора қиляпсан?

— Фойизга-да! Қарз бериб туринг, фалон сўм фойдаси билан қайтараман дейман. Натижада ўзлари рози бўлиб беришади.

— Демак, ҳожат чиқариш учун эмас, фойиз олиш учун қарз беришаркан-да.

— Шундай, тўғри топдингиз.

— Судхўрлик дегин. Ахир бу кўриб туриб гуноҳга ботиш-ку.

— Уларми, менми?

— Албатта улар, сен бўлса сабабчисан.

Кўрдингми, Шарофжон, одамлар қанақа? Қарзга берганини та-пиради, аммо судхўрлик қилаётганини яширади.

Яратган эгам ҳар қандай гуноҳларни кечиши мумкин, аммо қаллоблик, судхўрлик гуноҳларидан кечмайди. Оллоҳ ҳаром қилган иш ҳеч қачон ширин мева бермаган. Қарз фойда кўриш учун берилмайди, бирорвнинг ҳожатини чиқариш учун Оллоҳ йўлида берилади.

Савобни пулга сотиб унинг дўпписини бунинг бошига кийдириб юрадиган кишилар ҳаётда кўп учрайди. Оллоҳнинг ўзи уларни жазолаб кўйганини сезмай ҳам қоладилар.

Оллоҳ нима учун бирорвга бойлик беради-ю, иккинчисини қашшоқ қилиб, тўрт тангага зор қилиб қўяди. Бойлик эгаси зориқсан биродарига ёрдам, жила курса беғараз қарз берармикан дейди. Агарда бой бўлмиш саҳиyllиги билан Оллоҳнинг синовидан ўтса, унинг мулки ортса ортадики, кам бўлмайди. Оллоҳ унинг бирига минг, мингига туман бойлик беради. Чунки асл хазина эгаси Оллоҳнинг ўзидир. Бунинг учун инсоннинг қўли очиқ, нияти холис бўлиши керак. Ниятда заррача кир, гараз, шубҳа, ҳасад бўлмаслиги лозим.

## ГУНОҲ ВА ЖАЗО

**И**нсон зоти гуноҳига кўра жазосини олиши — ҳақиқатдир. Гуноҳ каттами-кичикми бундан қатъи назар жазоси бўлади. Агарда гуноҳкор жазосиз қолса бу ҳол жавобсиз қолган саволдек бирингчи галда ўша инсонни, кейин эса жамоани, охир-оқибатда бутун жамиятни ҳалокатта олиб бориши мумкин. Одам аввало билмай туриб гуноҳга йўл қўйди. Лекин шунга яраша вақтида жазосини олмади. Энди у кейинги сафар билиб туриб, гуноҳга қўл уради. Шундаям жазоланмаса тамом, бу қусур унинг доимий касалига айланниб қолади. Бундай одамни тарбиялаш катта муаммодир. Вақти ўтгандан сўнг эгри ўстган дарахтни тўғрилаб бўлмаганидек, инсоннинг қинғир ишларини тўғрилаш осон кечмайди.

Албатта, гуноҳнинг тури кўп бўлганидек, жазонинг ҳам тури кўп. Жазонинг оғир ва енгиллиги гуноҳнинг оғир ёки енгиллигига қараб бўлиши керак. Шундагина белгиланган жазо инсонни тарбиялаш воситасига айланади. Агарда енгил гуноҳга оғир жазо берилса, унда жазо тарбияловчига эмас, гуноҳкорни жамиятга қарши қўювчи энг хавфли куролга айланниб қолади.

— Сиз қандай гуноҳ ва қандай жазони назарда тутяпсиз, дейсанми?

— Масалан, ўғирлик. Жамоанинг мулкига кўз олайтириш. Бу ишла жамоа жабрланяптими, демак айбланувчига ҳукмни ҳам жамоа чиқариши керак. Шундай бўладики, нопок одам жамоа мулкига кўз олайтириб қўлга тушиб қолади. Ўзини койитмайдиган раҳбарлар бу иш билан тергов идоралари шуғуллансин дейишади-да, айборнинг қўлига

кишан солиб, милицияга бервoriшади. Бундай раҳбарлар ўз жамоасида шов-шув күтаришни ёқтиришмайди. Ёки бўлмасам ёниглиқ қозон ёниглигича қолсин дейли-да, ими-жимида ўз аризасига биноан ўғрини бўшатворади. Унисиям, бунисиям бўлмагур иш, узоқни ўйламасликдир. Кимдаким жазо нўрмаларига тарбия кўзи билан қарасагина бундай хатога йўл кўймайди.

— Масалан, Сиз нима қилган бўлардингиз, демоқчимисан?

— Бизда ҳам ўғирлик билан боғлиқ нохуш воқеа юз берди. Тўртта одам тил бириктириб жамоа мулкини босмахонадан олиб чиқиб кетмоқчи бўлишган. Дарвозахона қоровули буни пайқаб қолган. Ўмариллаётган нарса бир юзу етмиш минг сўмлик мол бўлган. У бозорда икки баравар нарҳда сотилиши мумкин. Агарда улар ўз қора ниятларига етиб, молни ўмаридек кетишганда жамоанинг ҳар бир аъзоси ўртача йигирма сўмдан зарар кўрган бўлардилар. Бундоқ қаралса жудаям ваҳима қиладиган даражада эмас, тўғрими?

Кел энди, мана шу гуноҳнинг қанчалик оғир ва енгиллигини ўзимизча мулоҳаза қилиб кўрайлик. Агарда бу ўғирлик бир киши томонидан қилинса — нафс йўлига кирибди, қўли эгри экан, катта жамоада битта-иккита шунақаси ҳам бўлади-да, деб ўзингта таскин беришинг мумкин. Бордию улар кўпчилик бўлса-чи, ўғирликни уюшиб, режалаштириб амалта оширган бўлса-чи? Масаланинг энг даҳшатли тарафиям шунда. Бундай одамларга йўл очилса сал кунда корхонани форат қиладилар. Улар нафс йўлида нафақат корхонани, балки Ватанини ҳам сотишга тайёр турадилар. Ўгри билан қароқчининг ўртасида фарқ бўлганидек, якка ўғирлик билан уюшиб қилинган ўғирлик орасида ҳам катта фарқ бор.

Қонунга биноан биз бу қинғир ишни жамоа ўртасида муҳокама этдик. Вазиятнинг муҳимлигини инобатга олиб мен уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида гаплашдим. Фиринг демай, ерга қараб тураверишди. Ҳа, эгилган бошни қилич кесмас қабилида. Суҳбат давомида шуни сездимки: «Бош директор бу ишни шов-шув қилмайди, корхона ва ўз обрўсини ўйлаб, бизни кечириб юборади», деган ўйда эдилар.

Кўпчилик муҳокамасига тушгандан кейин-чи... э, ҳа... кўпчиликнинг ғазаби олдида... ҳар қандай киши ҳам оғзига келганини ўзи сезмаган ҳолда валдирай бошлайди. Ҳа, охиз ва нотавон бир тўдакка айланади. Кўзлари жовдираб, ўзини ўзи фош этади. Гавдаси ҳам ўзига бўйсунмай у ёқдан-бу ёққа чайқала бошлайди. Гўё у ҳамкаслари олдида эмас, охират куни Оллоҳнинг ҳузурида жавоб берадигандек бир азобли ҳолга тушади.

Бундай дақиқаларда салгина фурури бор одам ўлимига ҳам рози бўлиб кетади. Ҳа, таъна ва дашномлардан ер ёрилса-ю, ерга кириб кутила қолса. Мўъжиза содир бўлса-ю, кўпчиликнинг таъқибидан кутилса.

— Нимага шундай бўлади, бобо?

— Нимагаки ҳар қандай одамнинг ҳам ўзига яраша озми-кўпми фурури бўлади. Жамоа орасида дўстиям, ғанимлариям топилади. Дўстлари олдида уялса, душманлари олдида ер билан битта бўлади. Четдан қаратанда у худди белибос, совуқда жунжикиб турган одамга ўшаб қолади.

Лекин айбдорни таҳқирлаш ёки устидан кулиш учун шундай қилинади деб зинҳор-базинҳор ўйлама, Шарофжон. Йўқ, асло ундаи эмас.

Пайғамбаримиз Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, одил одамлар бир-бирларига кўзгудирлар. Бу ҳақда сен билан гаплашганмиз, эсласанг. Биласан, кўзгу одамда нима бўлса, шуни кўрсатади. Инсон ҳам бир-бирига нисбатан шундай бўлиши керак. Токи дўстининг аччик, аммо рост гапи билан қинғир йўлга қадам кўяётган бўлса қадамини тортиб олсин. Нафси ҳакалак отиб бораётган бўлса, нафсини тийсин. Ўзини хавфдан огоҳ қилган дўстидан миннатдор бўлсин.

Мусулмончиликда қирқта фарз амали бор. Шулардан бири «нахий мункар»дир. Бу нима дегани? Инсонни ёмон ишлардан қайта-ришидир. Мўмин инсон ҳамиша биродарларини ёмонликдан қайтариши керак. Бу панд-насиҳатдан иборат бўладими, очиқ, аччиқ сўздан иборат бўладими, бунинг фарқи йўқ. Мұхими, ёмон йўлдан қайта-ришидир.

— Хўш, анови ўғриларга қандай жазо берилди дерсан?

— Жамоа мажлисининг ўзидаёқ ишдан ҳайдалишили, (ҳа, ишдан бўшатилмади) залдан чиқарип юборилди. Кўпчиликнинг қарори шу бўлди.

Залдан бош эгиб чиқиб кетаётган одамнинг аҳволини бир тасаввур қилгин. Уни кузатиб қолаётганларни-чи? Қара, у кечагина шу жамоанинг ажралмас бир аъзоси эди. Энди-чи, жамоа уни бағридан юлиб, ҳа зарпечакни юлгандек, ташқарига улоқтириди. Инсон ҳаётида бундан-да даҳшатлироқ, бундан-да аянчлироқ манзара бўлмаса керак, Шарофжон.

Шу кетишда, шу юзи шувутликда у энди қайси жамоага бориб қўшила олади? Бу воқеадан боҳабар қайси жамоа уни ўз бағрига олади? Дардлар орасида «моҳов» деган дард бор. Бундай дардга чалинган одам билан бирор соат бирга бўлса уни ўзига юқтиради ва бадани ирий бошлайди. Бундай беморларни дарровда кўпчиликдан ажратишади. Жамоадан ажралган анови ўғриларнинг моҳовдан нима фарқлари бор. Аксинча, моҳов улардан кўра яхшироқдир. Иложи қанча, дард туфайли шу кўйга тушиб қолган, уларни ҳеч ким таҳқирлайди, ачинади. Ановилар-чи?! Улардан одамлар ошкора ҳазар қилишади.

## ИККИНЧИ БОР НИЯТ ҲАҚИДА...

**Б**иласанми, Шарофжон, инсон зоти ниятига қараб уч тоифага бўлинади: пок инсон, ҳардамхаёл инсон, нопок инсон! Бундай тоифаларни ҳамма жойда учратиш мумкин. Шуниси ажабланарлики, бу уч тоифа одамларнинг ҳётда ўз юриш йўлкалари бор. Унисининг йўлагидан буниси юролмайди, бунисиникидан униси юришни ўзига эп кўрмайди. Оллоҳ ҳар бир йўлак эгасига ниятига қараб ризқ-насиба беради, номаи аъмолига эса савоб ва ажрларни ёзиб боради. Нияти пок одам ҳеч қачон бирон-бир тазийқдан, дўқ-пўписадан қўрқмайди. Сабаби у Оллоҳ йўлини мукаммал тутган бўлиб, тақдирини Оллоҳга топшириб қўйган. Ҳардамхаёл одам бўлса, бир умр аросатда, таҳликада яшайди. Ҳалолга қўшилиб қолса ўзини ҳалол қилиб қўрсатишга уринади. Нопок одам билан бўлиб қолса бир зумда унга ҳамтовоқ бўлиб олади.

Доно ва оқил кишилар жамоа ва одамларга баҳо беришганда уларнинг ишларига, ниятларининг поклигига қараб одилона баҳо беришган. Пок ниятли одамлар бошқараётган жамоаларда қандайdir ўзига хос файзу барака бўлади. Гўё бу жамоа устида илоҳий бир нур парпираб тургандек. Одамлар нурга интилгандек ўша жамоани орзулаб, унга талпиниб яшайдилар.

— Бу нур қандай нур, уни қандай қилиб кўриш мумкин, бобо?

— Бу ҳеч бир иккиланишсиз айтиш мумкини, иймон ва эътиқод нуридир, болам. Пок ниятли одамларнинг ишлари, амаллари ва ибодатларидан тараладиган иймон нуридир. Пок ниятли одамлар қанча кўп бўлса, илоҳий нур ҳам шунчалик маҳобат билан намоён бўлаверади. Агарда акси бўлса-чи, нияти ёмон одамлар кўпайса, бу нур ўз-ўзидан, секин-аста сўниб боради.

— Наҳотки нопок, ҳардамхаёл одамларни жамоадан бутунлай четлатиб бўлмайди? Четлатиб бўлмаганга яраша тарбиялаб ҳам бўлмайдими?

— Инсоният дунёга келибдики, шу муаммо билан тўқнашади, ҳайронлигидан ўзига ўзи бу савонни бераверади. Менинг бир сирдош жўрам бор. Танийсан. Кимлигини айтиб ўтирумайман. Унинг уч ўғли бор. Ёшлари катта. Таъба қўлдим, учовини учта дунё деса бўлади. Бир ота ва бир онанинг фарзандлари. Ташқи қиёфаларидан кўрсанг бир-бирларига ниҳоятда ўхшашади, қараб туриб худди эгизакларми дейсан. Лекин одоблари, қиликлари, юриш-туришлари бири бирига сираям ўхшамайди. Энг каттаси ниҳоятда дангаса ва айни пайтда хаёлпараст. Гаплашиб ўтирсанг шунақсанги чиройли орзу ва ниятлар қиласиди... Эшитиб ҳайрон қоласан. Лекин амалга келганда ҳеч вақо йўқ. Уй тутумларининг ўлда-жўлдалигини кўриб ҳафсаланг пир бўлади. Ундан кейингиси, ҳавас қиларли даражада

мөхнаткаш, тадбиркор, сахий, ота-онасиям, ака-ука, қариндош-уруғлариниям унутмайды, энди йүлга кираётган фарзандлариям отасыга ўшаб кетади. Учинчиси бўлса ниҳоятда ўзини ўзи яхши қўради, ўлардек худбин, олифта, акалари уйланиб, бола-чақали бўлганига бир неча йил бўлганига қарамай, у ҳалиям бўйдоқ. Ҳа, бола боқиши, рўзгор тебратишни ортиқча ташвиш деб билади. Дўстим уни ўйлантиролмай жиғибийрон, уйида тинчлик йўқ, хотини уни ношудликда айблаб, ўз фарзандингизга сўзингиз ўтмайди, қанақа отасиз деб, ҳоли-жонига қўймайди.

Ҳаёт шунаقا экан, Шарофжон, ёшинг бир жойга борганда «нимага у болам ундоқ, буниси бундоқ» деган саволни тез-тез ўзингга берадиган бўлиб қоларкансан. Шундай алфозга тушиб қолган яқин жўралар учрашиб қолишича бехосдан ўз болаларидан нолиган бўлиб «ғийбатлашиб» ҳам оладилар. Ахир, хом сут эмган бандамиз-да, Шарофжон, эс-хушимиз каттами-кичикми барибир ўзимиз ардоқлаб ўстирган болаларимизда бўлади.

Бир куни ўша жўрам билан гаплашиб ўтириб, ҳазил-хузул билан ҳиссиётга берилиб кетганимизни сезмай қолибмиз. Қара, учала ўғлига ҳам ўзимча ташхис қўйиб юборибман. Жўрам институтда ўқиб юрган пайтларида шунақанги режалар тузардики, тинглаб туриб ҳайрон қолардим. Сен журналист эмас, бирор-бир аниқ фан бўйича забардаст олим ёки фантаст ёзувчи бўласан деб кулардик. Аста-секин у амалиётчига эмас, хаёлпаратста айланди-қолди. Нимага десанг, айтганинг биронтаси ҳам амалга ошмади. Бу орада бизлар уйлижойли бўлдик, ер олиб иморатлар қура бошладик. У ҳам уйланди, биринчи фарзанди туғилди. Турмуши анча тангроқ эди. Орадан вақт ўтиб, у бирдан ишга берилиди. Тўғри, журналистикадан кетмади. Савдо йўлини тутди. Салда ўзини ўнглаб, қаддини ростлаб олди. Ўнгланда ҳам дурустгина бойликка эга бўлди. Борган сари топиш-тутишлари кўпайди. Бироқ мол-дунё уни бутунлай ўзгартириб юборди. Буюк хаёлпаратдан улдабурон молтопарга айланди. Кейин эса фақат ўзини ўйлайдиган худбинга айланди-қолди. Ўйлаб қарасам, жўрам ўз бошидан уч хил даврни кечирибди. Ажабо, фарзандларининг дунёга келиши ҳам ўша даврларга тўғри келган. Бу уларнинг феъли, дунёқарашида ойнадек кўриниб турарди.

Мен ҳеч ажабланманг дедим-да, ўзим чиқарган хулосаларимни дўстимга очиқчасига айтдим. Айтдим-у, жўрамни хафа қилиб қўйдим-микан деб маъюс тортиб қолдим.

— Э, ўлманг, — дея жўрам ҳаяжонланганидан дик этиб ўрнидан туриб кетди. — Ичимдаги гапни айтдингиз, миннатдорман.

Донолар йўқотган нарсангни юриб келган йўлингдан қидир, дейишган экан. Биз катталар болаларимизга қараб сираям ажабланмаслигимиз керак. Аслида мақсад ва ниятларимиз, ҳаётдаги барча хатти-

ҳаракатларимиз болаларимизда ўз аксини топади. Биз қайси йўлдан юрдик, поклик йўлиданми, ҳардамхаёллик йўлиданми, нопоклик йўлиданми — уларнинг бари йўқотиб бўлмас ҳужжатдек, болаларимизнинг одат ва одобларида намоён бўлади.

Қани айт-чи, Шарофжон, одам ўз боласига ҳеч қачон қилич кўтара оладими, тўппонча ўқтала оладими? Ёки бўлмасам ўзининг у ер-бу ерини ортиқча деб, шартта қирқиб ташлай оладими? Сен бўлса ўз билгингча ёмон одамларни жамоадан четлатиш, уларга қарши курашиш, тарбиялаш ҳақида гапирансан.

Ўйлаб кўр, биз афсус ва надомат билан гапираётган нарсалар фарзандларга қонимиздан ўтган бўлса-чи?! Аччиқданак ўрикни минг парвариш қил, меваси ширин бўлгани билан магизи икки дунёда ҳам ширин бўлмайди. Одам боласи ҳам худди шундай.

Ана энди биродаримнинг хаёлпарастлик даврида дунёга келган фарзанди, ўша тахлитда, уддабурон, меҳнаткаши эса эл қатори чиройли, фаровон яшайди. Энг хавфлиси учинчиси — худбини! У шамол ҳам менга қараб эссин, қуёш ҳам фақат менгагина чиқсин дейди. Меҳнатсиз, текин бойлик — фақат менинг ҳамёнимга қараб оқсин дейди. Бундай кимсалар қаерда бойлик кўрса ўша ердан ҳид олиб юради. Худди ширахўр хира пашшага ўҳшаб. Улар каттароқ амалга этишганда ҳам катта ишларни қилиш ўрнига, зўр бериб, катта-катта ўмаришларнинг пайдан бўлишади. Ўмарганда ҳам атрофдагиларни гўё «рози» қилиб ўмаришади. Бундай муттаҳамлар шароитга ниҳоятда тез мослашиб, ҳамтовоқларини ёнларига чақириб, ҳаммаёқни хона-вайрон қилишади.

Юртимиз мустақил бўлиб, эшикларимиз дунёга очилгач, худбин ва ҳасис, молпарастларнинг куни туғиб қолди. Улар «ҳамма нарса ташқарида зўр, ўзимизда фўр» деган номаъкул шиорни дастак қилиб олишди. Бундайлар бирор марта ҳам ўша фўрни зўр қилиш ҳақида ўйлаб ҳам қўришмади. Бунинг учун улар меҳнат қилиш, озгина бўлсада бош қотириш зарурлигини биладилар-у, ноҳақликлари, текин томоққа ўрганиб қолганликлари сабабли меҳнатдан қочиб юраверадилар.

Мен нима учун бу гапларни сенга айтяпман. Эсингдами, сенга Голландиядан келтирилган картошка воқеасини гапириб берувдим. Голландияда овқатга ишлатиладиган картошка билан уруғлик картошканинг бир-биридан фарқи бўларкан. Албатта уруғлик картошка нархи ҳам баландроқ бўлади. Нафси ҳакалак отган кўштироқ ичидаги ишбилармонлар давлатдан уруғлик картошкага деб пул ундириб, ўрнига овқатга ишлатиладиган арzon картошкани олиб келишган. Устидаги фойдаси — «қалпоғи»ни чўнтакка уришган. Шу сабабли «урұғлик» деб олиб келинган картошка ердан униб чиқмади. Устаси франг, юлғичларнинг сири очилиб қолди.

Худди шунга ўхшаган ҳодиса биз матбаачиларнинг ҳам қулогига этиб келди. Гап давлат аҳамиятига молик бўлган нодир китоблар ҳақида боряпти. Бизнинг босмахоналарда бундай нафис китобларни босишга йўл бўлсин, ускуналар ҳам, мутахассислар ҳам йўқ деган баҳоналар билан айрим китобларни четда бостириб кела бошлиди. Аслида-чи, бу ўзларини ясама фидойи тадбиркор этиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас.

Албатта илгарилари биз бундай ўзиникини ёмон деб, ўзганикини яхши дейдиганларнинг ишларига аралаша олмасдик. Фақат керакли жойларга мурожаат этиб, бизга ҳам шундай нафис китобларни чоп этишга буюртмалар беринглар, бизда ишлаб турган босма машиналар ҳам ўша чет элдан олиб келинган, улардан фарқи йўқ, бир меъёрда бажаради, бизда нашр этилса четга қараганда ўн баробар арzonга тушиши мумкин, валюта ҳам ўзимизда сақланиб қолади деб айта олдик, холос. Баҳтимизга бизни тинглайдиганлар ҳам топилди. Бир неча китобларни чоп этиб, буюртмаларни бажардик. Оқибат нима бўлди? Шу десанг Парижда бўлиб ўтган китоблар кўргазмасида, ҳакамлар бизда тўрт тилда чоп этилган китобни Парижда босилган деб ўйлашган экан. «Шарқ» концерни деган ёрликдан кейин Ўзбекистонда нашр этилганлигини билиб қолишган. Китобларимиз бутун дунё китоблари кўргазмасида юқори баҳодати мукофотли ўринни эгаллади. Каминани эса шундай матбаа корхонасига асос соглани ва ривожлантиргани учун олтин нишон билан тақдирлади. Шундан кейин ўз имкониятларимизга беписанд қаровчиларга бирмунча чек қўйилди.

Кўрдингми, нияти холис бўлмаган кишиларнинг ишлари ва қилмишлари вақт-соати билан фош бўлади. Тўғри, жамият ҳам, одамлар ҳам айрим ишларда озми-кўпми чалғишиади, ҳазинага зарар етаётганини сезмай қолиб, тараққиётдан орқада қолишга билиб-билмай йўл қўядилар. Аммо Оллоҳ таоло яхши ният билан, пок орзу билан меҳнат қилаётгандарни шу қадар сийлаб, шу қадар юзага чиқарадики, ўзининг йўлидагиларни осмон қилиб, нафс йўлидагиларни ер билан битта қилиб қўяди.

Шунинг учун ниятни тўғри қил, ниятни яхши қил, ниятни фақат Оллоҳ йўлида қил, Шарофжон. Шундагина ишларинг доим ўнгидан келиб, юзинг ёруғ бўлади.

### ОЛДИГА ҚЎЙГАННИ ЕМОҚ...

**X** азрат Алишер Навоийнинг шундай ибратли ҳикматлари бор, Шарофжон: «Оғзига келганни демоқ нодоннинг иши, олдига қўйганни емоқ ҳайвоннинг иши».

Юриш-туриши, фикр ва ўзи, хатти-ҳаракатлари, мақсад ва

ниятлари, нафсларини қондириш, ейиш ва ичишдан иборат бўлиб қолган шундай одамлар борки, ҳайвонни улардан ақллироқ деб биласан киши. Чунки ҳайвон олдига қўйганнингида ёйди. У ёқдан, бу ёқдан ташмалашни, ғамлашни, ўзгларнинг ҳақига кўз олайтиришни билмайди. Яна еганига яраша сут ҳам беради, гўшт, жун, тери беради. Бутун вужуди оғизга, ошқозонга айланаб кетган анови баъзи кимсалар-чи? Ҳа, уларнинг иймони суст бўлади. Доим диккайиб туралиган қулоқлари фақат мўмай ўлжа ҳақидагина эшитсан дейди, кўзлари каттароқ ўмарсам дейди, фикр-ёди қўлга киритган ўлжасини исини чиқармай ҳеч ким кўрмайдиган ерга жойласам дейди. Танадаги бошқа аъзолар ҳам шунга қараб бетиним ҳаракат қиласеради.

Инсонга бу аъзолар шу мақсадда ишлатиш учун берилмаган-ку, ахир! Аксинча, синов дунёсида шайтоний нафс билан курашиш учун берилган. Ҳа, бу аъзолар Оллоҳ томонидан инсонни дўзах азобларидан қутқариб, Жаннати Фирдавсийга мукаллиф этиш учун берилган. Эртага «Эй кўз, сен ўз вазифангни қандай адо этдинг, сен-чи, эй кўл», дейилиб Яратганинг ҳузурида сўралади.

Шундан маълумки, танадаги ҳар бир аъзонинг инсонда ҳаққи бор. Улар ҳам дўзах ўтида куйишни истамайдилар. Ҳақлари фақат савоб амаллар биландир.

Одам зоти шаҳарнинг бир чеккасига биттагина дўконча қуриб олиб, ҳалол меҳнати билан пок яшаса ҳам Оллоҳ унга ризқ-насиба, ажру савоб бераверади. Агарда у нафсига бир уриб, шаҳардан чиқиб, инсон қўли тегмаган бир парча ерни ўз меҳнати билан обод этиб, сув чиқариб, дараҳт ўтқазиб, бое-бўстон яратса-чи? Э-ҳа, унинг бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам обод бўлади. Мартабаси минг чандон ортиб, ҳаёти фаровон кечади. Кўзнинг ҳаққи нима? Кўзнинг ҳаққи — ҳалолга назар, ҳаромдан ҳазардир. Бир жойда киши табиатини хира қиласидиган бирор нарса кўзга ташланяптими, уни дарров кўздан нари қилиш одобдандир. Бу ишни қилгандა ҳам миннатсиз, Оллоҳ йўлида қилиш керак бўлади. Кўрдингки, бир бечоранинг иши битмаяпти, қилай деса — билагида кучи йўқ, бирорвни ёллай деса ҳамёни бўмбўш. Бир соатми, икки соатми, зарур бўлса, бир кунми ёки икки кунми унга қарашиш Оллоҳ ҳузурида қанчалар улуғ ишдир. Ҳа, чоратрофда қанчадан-қанча кексалар, ногиронлар, беморлар бор. Оллоҳ уларнинг юкини тўрт мучаси соғ, бақувват бандалари зиммасига юклаб қўйибди. Қани мен берган аъзоларнинг ҳаққини адо этармикан, шу билан ўзини-ўзи савобга кўмарамикан, деб.

Тўрт мучамиз доимо савоб ишларга чоғлансангина, чархланган кетмондек ишга шай турсагина Оллоҳ ҳузурида мақбулдир. Бўлмаса, улар ҳам «занглаб», меҳнатта лаёқатсиз иш куролига ўхшаб қолади.

Мана сенга яна бир мисол, Шарофжон. Биласан, Қувайт, Араб амирлиги деган давлатлар бор. Ўз табиий бойликлари билан улар жуда бой давлатлар қаторида туради. Асосий бойлик нефт, тижорат ва бинолар изярасидан тушади. Бу араб давлатлариға сайёхлар кўп келади. Битта оила қўшимча битта уй ёки уч-тўрт кишилик меҳмонхона қуриб қўйса борми, шу жой уни бутун авлоди билан боқади. Шу сабабли уларни бирор жойда жон койитиб ишлашлари шарт эмас. Бойваччаларнинг кўпчилиги шу йўлга ўтиб олишган. Ҳўш, уларнинг ўртача яшаш умри неча йилга тенг? Жонини койитмагандан кейин умри узоқ бўлади-да, дерсан. Қайда! Бегам, меҳнатсиз ўтган ҳаёт йўллари узоги билан эллик олти, эллик етти йилга тенг келар экан.

Кўпинча Оллоҳ одамнинг умрини ўлчаб берган дейишади. Бу гапга шак-шубҳа йўқ. Лекин ўша ўлчангандан умр ҳам ҳар бир инсонга савоб амаллари билан қўшиб берилган. Мен умрим давомида меҳнат қилмай фақат еб ётиб, саксонга, тўқсонга кирган одамларни учратганим йўқ. Бир сухбатда айтган эдим сенга сув оқиши билан тирик ва шифобахшдир деб. Одам ҳам шундай! Меҳнат қилишдан тўхтаса кўлмак сувдек яроқсиз бўлиб қолади.

Инсон ҳайвондан жуда кўп томонлари билан фарқланади. Лекин салгина нафсининг бузуклиги, дангасалиги, шайтон йўлига кириши билан ҳайвондан фарқ қилмай қолиши ҳам мумкин. Оллоҳ сени ҳам, барча бандаларини ҳам ана шундай фалокатдан ўзи асрасин!

## ОЙМОМАНИНГ ОРҚА ТАРАФИ...

**Б** аъзан ҳаётнинг пасту баланд томонларини ўйлаб тубсиз ҳаёлларга толиб қоламан, Шарофжон. Нимага? Нима сабабдан деган саволлар миямни кемира бошлайди. Ҳа, аёвсиз кемиради. Бошларимга оғриқ қуриб, тишларим зирқираётгандек бўлади. Қизиқ, гоҳо ўйлаб қоламан. Эсимда, мен бундай саволларга болалигимда, дунёни энди таний бошлаганимда ҳам дуч келардим. Энди-чи, менинг ёшимдаги одам бундай саволларга аллақачонлар жавоб топган бўлиши керак-ку аслида. Одам минг йил яшаса ҳам «Нима-нималигича» қолаверар экан. Бу саволларнинг тагига етиб бўлмас экан. Буюк олимлардан бири айтган экан: «Бир умр ўқиб, ўргандиму, оқибатда ҳеч нарса билолмаганимни англадим» деб.

Бир куни бир машмашани эшишиб «ё тавба» деб ёқамни ушлабман. Қара, ёши бир ерга борган, дунёнинг аччиқ-чучугини кўрган, буни устига ҳожи бўлиб келган бир одам ҳовлисини бир метр кўча томонга суриб олибди. Тавба, етимнинг ҳақидан, қўшнининг ҳақидан қўрқиши ҳақида бошқаларга таълим бериши керак-ку бу одам. Ҳожи буванинг

янги уйи күчага бир метр туртиб чиқса бошқалар жим ўтирадими? Хуллас, у кишининг ишидан маҳалла, ҳокимлик норози бўлди. Яна қизиги шундаки, у киши ҳажга кетаётганиларида «Энди биз учун дунёвий қайгулар тугаб, буёғида қанча умр қолган бўлса барини ухровий ишларга сарф этамиз» деганини кўпчилик эшитмаган бўлса ҳам бошқа гап эди. Оқсоқоллар «Нимага бундай қилдингиз Ҳожи бува?» — дейишса: «Ҳа, энди бизам бир катта ҳовлида яйраб яшайлик дедим-да», дермиш. Ажабо, кўча ҳисобига яйраб яшаб бўлармикан?

Бундай ўйлаб қарасам, бугун ишхонада қабул қилган ўнта ходимнинг саккизтаси фаровон, яйраб яшаши кераклиги ҳақида арзидод қилишди. Бири ҳокимлиқдан ер олиб беринг деса, бири ўйжойимни кенгайтириб беринг дейди, яна бири жамоат жойига берухсат қуриб олган гаражини қолдириб беришимни сўраяпти. Ёрдам пули беринг, уй ремонтига кўмаклашиб юборинг деганларнинг сонсаноги йўқ.

Қара, бу дунёда ҳеч ким ёмон яшашни хоҳламас экан. Фақат яхши яшаш ҳақида ўйларкан. Яхши яшашнинг эса чеки-чегараси йўқ. Шуниси қизиқ-ки, ҳамма ҳам фаровон яшаш учун тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилишим керак деган талабни ўз олдига қўймас экан. Фаровон ҳаётнинг қалити ҳам шунда-ку аслида. Агарда ҳамма бараварига, ўзини у ёқдан бу ёққа бемақсад урмай вижданан тер тўкиб ишласа ҳаёт деганлари ўз-ўзидан тўкин-сочин бўладими-йўқми? Қирқ киши кўтарадиган юкни йигирматаси кўтариб, йигирматаси четда ҳайбара-каллачи бўлиб турса енгил бўладими? Ҳеч қачон! Ана шунаقا ҳайбара-ракаллачилардан худо асрасин, Шарофжон. Яна энг қизиги, ўша ҳайбараракаллачилар уялмай-нетмай нолиб юришади, фаровон яшашга даъвогарлик қилишади.

Инсон зоти шунаقا экан, Шарофжон. У ойноманинг орқа томонини кўролмагандек, ким бўлишидан қатъи назар ҳаёт мўъжизасининг таг заминини кўришга қодир эмас экан. Биз дарё сувининг юзинигина кўрамиз, аммо тагини кўролмаймиз. Ваҳоланки сувнинг ўзани бўлмаса у оқмайди, жилваланиб, жавлон урмайди. Аслида дарёнинг дарёлигини кўрсатиб турадиган, уни олис-олис манзилларга элтадиган ҳам унинг ўзани-ку.

Инсон зоти фаровон ҳаёт заминида ҳалол ва тинимсиз меҳнат, қатъий интизом туришини тасаввур этмагунча фаровон ҳаётга ета олмайди. Буни ёдингда тут, Шарофжон.

Мусулмончиликда бирор оламдан ўтиб, омонатини топширса, қабрга кўйишади-да, жамоа тарқашидан олдин оқсоқоллардан бири баралла овозда дейди:

— Ҳалойиқ, марҳум қанақа одам эди?

— Оллоҳ раҳмат эттур, мусулмони комил, яхши одам эди, — деган жавоб бўлади.

Бу жавоб Оллоҳ ҳузурида қачон мақбул бўлади? Қачонки ўша одам поклик билан ҳаёт кечириб, шукроналик билан яшаган бўлса. Оллоҳ йўлида савоб ишларни қилган бўлса. Яна ўғини Яратганинг ўзи билади. Биз ожиз бандалармиз, Шарофжон.

## УШОВИГА ҶАРАБ ТУШОВИ...

**X** алқимизда шундай ибора бор, Шарофжон. Унга бирор эътибор беради, бирор йўқ. Танбаллар жилла қурса нимага бундай дейилишини ҳам ўйлаб кўрмайдилар. Ушов дегани бу — ушлаш, бирор нарсани ушлаб кўриш деганидир. Бундан ташқари айни пайтда ўзни тутиш, идора эта билиш деган маъноларни ҳам англатади. Бирор жуда ҳаддидан ошиб, ўзидан кетса «ўзингни ушла» деб кўйишади-ю... Шу йўсин ҳалиги одамга одоб ва ахлоқдан дарс берган бўладилар.

Энди «тушов» деган сўзнинг мағзини чақиб кўрайлик. Тушов бу — тушовлаш, банди қилиш, тўхтатиш, чегаралаш каби маъноларни беради. Масалан от узоққа кетиб қолмаслиги учун оёғи тушовланиб, далага қўйиб юборилади. Бундай вақтда ўтлаб юрган отнинг олдинги икки оёғи бир-биридан икки қарич оралиғида чилвир билан боғланади. Натижада от олдинги икки оёғи билан сакраб-сакраб юради, аммо узоққа кетолмайди. Яқин ўртада ўтлаб юраверади.

— Нима учун отнинг орқа оёқлари тушовланмайди?

— Орқа оёқлари хавф тугилганда ўзини ҳимоялаши учун қолдирлади. От, туя, эшак, хачир, умуман узоққа дайдиб кетиб қолиши мумкин бўлган туёқли ҳайвонлар шу йўсинда тушовланадилар.

— Яна-чи?

— Янами? Яна товуқлар ҳам тез-тез катакларга қамалиб турилади. Чунки уларни ҳовлига қўйиб юборилса экинларни титиб, пайҳон қилиб ташлайдилар. Эчки деган жонивор ҳам ўзини тутишни билмайди. Дуч келган дарахтта сакрайверади. Ниҳолларнинг пўстлогини арчиб, қуритади. Шунинг учун кўпинчча эчкилар бойлоғда туради. Қуён-чи? Қуён дарахтларни кемиргани учун ертўлаларга ташланади. Ё маҳсус қафаслар ясалиб, у ердан чиқарилмай боқиласди. Қопағон ит доимо занжирбанд бўлади.

— Тушунмай қолдим бобо, нимагадир гап мавзуси ўзгариб ҳайвонлар дунёсига ўтиб кетдингиз дейсанми?!

Балли, ўғлим бу гапларни айтишдан муродим — биз ақлли-хушли одамлар орасида ҳам шунаقا тушовга муҳтоjlар борлигига ишора қиляпман. Уларнинг оёғига вақтида тушов урмасанг, сени кўп овора-ю сарсон-саргардон қиласди. Мен ҳаётим давомида инсон зоти-

нинг ҳар қанақасини кўрдим, учрашдим, ишлашдим, дангаса-ю иш-еъқмаслари билан хайр-хўшлашдим. Ҳозир ҳам кўраман, Оллоҳ умр берса бундан кейин ҳам кўравераман.

- Сиз ишхонадагиларни назарда тутяпсизми, бобо?
  - Нимага энди фақат ишхонадагилар бўларкан, улар фарзандлар, набиралар орасида ҳам, қариндош-уруғлар орасида ҳам учраб туради.
  - Бундан чиқди, улар кўп экан-да, мен унақа одамлар ишхонадагина бўлади, деб ўйлардим.
  - Кўп дейишга кўрқаман, ҳар қалай бор.
  - Унақа одамларни билиб олиш қийинми, осонми, бобо?
- Бунинг учун анча-мунча ҳаётий тажриба керак.
- Ҳаётий тажриба деганингиз нима ўзи у?
  - Мана, Худо хоҳласа ўқишиларни тугатиб, бирон жойда ишлайсан. Тажриба ортирасан. Кўпнинг ишончига, меҳрига тушсанг улар сени ўзларига сардор қилиб кўтаришади. Иш жойингда худди боғбон боғига ниҳол эккандек фикрлар, ғоялар уругини экасан. Улар аста-секин самара, мева бера бошлайди. Ишхонадаги одил инсонлар ишингдан суюнишади. Шунда эчкисифат бир одам сен «эккан» ғояларни кўкартириш ўрнига бир четдан мутаётганини кўриб қоласан, қўёнсифатлиси ҳам ўзини намоён қилиб қолади. То-вуқсифатлиси эса ҳаммаёқни титкилаб, ишхонада бўлиб турадиган майда-чўйда гапларни достон қилиб юради. Ишсифатлиси эса кутуриб бирданига илигингдан олиб қолади. Шундай қилиб сен инсониятнинг ёзилмаган китобини ўқий бошлайсан. Тажриба деганлари ана шундай туғилади.
  - Бундан чиқди улардан кутулиб бўлмас экан-да?
  - Сен нукул, жининг сўймаганлардан фақат қутулиш ҳақида ўйлайсан. Айт-чи бир грамм олтинни ажратиб олиш учун қанча кум сарф бўлишини эшигтганмисан? Бир тонна кум сувда ювилади. Бир сават сара қизил олма териш учун бутун боғни айланиб чиқиш керак. Сарасини меҳмонга кўйсанг, бундайробини ўзинг ейсан ёки қоқи қилсанг қиши кунлари асқотади. Одамлар ҳам шунга ўҳшаган. Мутаётганини йўлга соласан, қопонғичидан эҳтиёт бўласан. Муроса-ю мадора билан ишни яхши томонга қараб юритасан. Лекин...
  - Ҳа, бобожон, нимага ўйланиб қолдингиз?
  - Бундайлар орасида ўз дўстинг ёки фарзандинг, қариндошинг бўлиб қолса ишнинг пачаваси чиқди, деявер. Шунинг учун сен бошқараётган жамоада яқин кишиларинг ишламагани маъқул. Улар ҳалигиндай қилиғи «қінғир» одамларнинг қалқонига, пушти паноҳига айланиб қолишлиари мумкин. Ўзингники кемирияпти-ку, мутаяпти-ку бизга нима деб ишни орқага тортаверадилар.

— Шундай воқеалар ҳам бўлганда-а, сизда.

— Бўлганда қандоқ. Шунинг учун ҳам яқинларимни ишхонамга яқинлаштирумайман. Лекин баъзан қўйишмайди. Ота-оналари «юзингизни ерга қаратмайди» деб қаттиқ туриб олишади, ялиниб-ёлворишиади. Яқинда шундай воқеа бўлди. Жиянимнинг ўғлини босмахонага шогирдликка ишга олдик. У ишга келгунча «тогангни хижолат қиласидиган иш қилма, у киши кечирмайди» деб тайинлашган.

Аммо у нима қилди? «Мен фалончининг жияниман, у киши онамга тоға, менга катта тоға бўладилар» деб мақтанибди. Ҳа энди болалик қилиб, мақтанса, мақтангандир-да, дедим. Аслида-ку тоғажиянлик ишхонадан ташқарида бўлгани дуруст. Бу ерда у жиянмас, ҳамма қатори ишчи-да, ахир. Яна қандай ишчи? Энг ҳалол, энг меҳнаткаш, энг фидойи, энг интизомли...

Мен ишхонани гўзал бир гулзорга ўҳшатаман. У ерда ишлаётган кишилар кимлигидан қатъи назар гулларни меҳр билан парвариш қилсин, туркиратиб ўстирсан. Гулларнинг бирортаси сувсизликдан, қаровсизликдан қуриб қолмасин. Ишхонадаги фикрлар, гоялар ниҳоли қачон қурийди? Меҳр билан меҳнат қилиш ўрнига «мен фалончининг фалончисиман» деб раҳбарнинг номини асоссиз суистеъмол қилинганда. Иш интизоми бузилганда.

Менинг жиянчам нима қипти дегин? Соғ бўла туриб «касал» бўлиб олибдилар. Ҳа, онаси орқали касаллик варақасини очтирибди. У болалигига бориб, тогамнинг соясида мазза қилиб юраман деган. Йўқ, биласан, бизда ҳамма бирдек, ишми — иш! Баҳона излаб, ўзини ўёқса, бу ёқса ташлашлар йўқ. Онасига бориб иш оғир экан деган бўлса, онажониси дарровда жони ачиб, касаллик варақасини очиб берган. Нимага десант онаси поликлиникада ишлайди-да.

Биласан, алдам-қалдамликка тоқатим йўқ. Боласини бузган онаси деб, шартта ишдан бўшатиб юбормоқчи бўлдиму, бир оз сабр қилиб, тарбиялашни эп кўрдим.

— Бу сафар ҳам тарбиялаш йўлидан бормоқчимисиз, бобо?

Агарда у қариндошим, жигарим бўлмаганда бундай қилмаган бўлардим, Шарофжон. Бир сафар сенга айтган эдим, бобоникидан кўра отанинг сўзи боласига ўтиши мумкин деб. Энди бу ерда менинг сўзим жигаримга ўтиши керак. Ота боласини қанчалар жазолашга ҳақли бўлса, мен энди қариндошмас, раҳбар сифатида ҳақлиман, Шарофжон. Бу билмасликдан эмас, билиб туриб қилинган ишдир. Ахир барча қариндош-уруғлар менинг иш интизомига муносабатимни беш қўлдек билишади-ку. Авлодимизда раҳматли отамдан кейин мен йўлга қўйган тартиб уларга бир мактаб бўлиши керак-ку. Қолаверса, шу ёнда ўзимни ҳам, ишхонани ҳам ҳамма тарафлама, му-

каммал ушлаб турган омил мендаги мустаҳкам, ўзгармас тартибdir. Шуни тушунмаган, тушунишга ҳаракат қилмаган, аксинча уни оёгини тагига олмоқчи бўлган жигаримга аслида менинг бағримда ўрин бўлмаслиги керак. Модомики ўрин берибманни, ўзини ушлай олмаган жигар қаттиққўллик билан ўз вақтида тушовланиши зарур. Токи у бошқа жиянларга ҳам, ишхонадаги тенгкур ёшларга ҳам интизоми илиа намуна бўлсин. Мен жиянимни онасининг қўштириноқ ичидаги ғамхўрлиги учун бўшатвормоқчи бўлганлигимни йиғилишда жамоага айтдим, Шарофжон.

— Айтиш шартмиди, бобожон?

— Шуни билгинки, жамоага раҳбармисан, сенинг ҳар бир хатти-харакатинг умушишга хизмат қилсин ва ундан жамоа огоҳ бўлсин. Шунда сен чинакам раҳбарсан, бизнесменсан, тижоратчисан ва ҳоказо...

## ЮК КЎТАРГАН ЮЗАГА ЧИҚАР...

**С**ен қаерда бўлма, қайси жамоада меҳнат қилма, ҳар доим Шарофжон, елкангни юқдан олиб қочма, уни кўтаришга чоғлан. Тўрт мучанг бутми, тани-жонинг соғми, тер тўкиб меҳнат қил, фидойилар қаторида бўл. Албатта «юк» деганда мен кўпроқ рамзий маънони назарда тутяпман. Лекин том маънодаги юкни кўтаришгандан ҳам бир чеккада қараб турма. Биронга бир нимани кўтаришириб юбориш керакми, ёрдам бер. Ўзинг кўтаришинг керак бўлиб қолса, дарров иккilanмай, елканга ол. Бу билан таҳқирланиб қолмайсан, амалингга, обрўйингга путур етмайди. Аксинча, мартабанг ошса-ошадики, кам бўлмайди. Кўрганлар балли азamat, отасининг боласи экан десин. Раҳматлик аданг Алишер ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш, уларга беғараз ёрдам беришни энг ноёб хислат деб биларди. Шу йўсун у кўпнинг ҳурматига, иззатига сазовор бўларди.

Аслида кўпнинг юкига елка тутиш ҳам ана шу бизнинг, сенинг назарингда арзимас иш бўлиб кўринган тасодифлардан бошланади.

Қадимда юк кўтариш, юк ташиш дейилса одамларнинг кўз олдига от-аравалардаги уйиб ташланган қоп-қанорлар келарди. Энди эса уларнинг ўрнини юк кранлари, турли-туман катта-кичик, оғир, енгил машиналар, самолёт, темир йўл вагонлари, пароходлар эгаллади. Ҳозир камдан-кам одамнинг қоп орқалаб кетаётганини кўрасан. Ҳар қадамда енгил машиналар зувиллаб қатнаб, одамларнинг оғирини енгил қилиб турибди. Аммо юқорида айтганимдек, гап оғирми-енгилми айнан бирор юкни ташиша эмас!

— Бундан чиқди «юк кўтарган юзага чиқар» деган мақол умрини яшаб бўлибди-да, бобожон? Энди кўтармасак ҳам бўларкан-да?

— Йўқ, бу жудаям сен ўйлаганчалик эмас. Мен сенга «юқ» рамзий маънода эканлигини олдинроқ айтдим. Бу ўхшатишнинг асл мазмунини тўғри тушунишинг учун сенга ўз ҳаётимдан бир мисол келтирай. Биласан, бизнинг жамоа илгарилари газета ва журналарни чоп этишга мослашган эди. Лекин ўша даврда кам нусхада бўлса-да, китоблар ҳам чиқариб турадик. Асосан мумтоз адабиёт намуналаридан нодир китоблар, сайланмалар, турли хил ранги альбомлар тайёрланарди.

Ўзбекистонимиз мустақилликка етишиб, бозор иқтисодиётига ўтилгандан кейин, китоб чиқариб келаётган кўпгина нашриёт ва босмахоналар иқтисодий рақобатга бардош беролмай, қоқилиб қолишиди. Чунки улар неча йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган бўлсалар қизил империя давридаги давлат буюртмаларини бажарышган, молиявий харажатларни ҳам ўшалар кўтарган эди. Империя тугагач...

Ўз маблағига эга бўлмаган жамоаларнинг молиявий аҳволини қай даражага тушиб, камбағаллашиб қолишини тушуниш қийин эмас. Босмахоналар ўз-ўзини эплай ололмагач, чоп этиладиган китобларнинг сони ҳам камайиб кетиши табиийдир. Китоб миллатнинг маънавий-маърифий озуқаси, қалб чирогидир. Инсон китобсиз ҳаёт кечирса қалби қораяди. Ҳа, маърифат маънавиятсиз олдинга қараб илдам қадам ташлай олмайди. Буни илм нури билан машғул бўлаётган одамлар жуда яхши билишади.

Худди шу нуқтаи назардан мамлакатимиз, ҳалқимиз олдида турган буюк ва савобли илм юкига елка тутишни ўзимиз учун шарафли деб билдик. Китоблар чиқаришни кўпайтирдик. Сифатини сақлаган ҳолда нархини арzonлаштиридик.

Кўпроқ фойда кўришга интилмадик. Маънавият ҳеч қачон пулга чақилмайди. Ундан иқтисодий фойда кўраман деганинг косаси оқармайди.

Шунга кўра китобларимиз харидоргир бўлиб тез тарқала бошлиди. Синган нашриётлар, босмахоналар, монополистликка даръвогар бўлган баъзи идоралар энди бизни монополист деб айблай бошлишади. Чунки муаллифлар китобларини бизга олиб кела бошлишади-да.

— Бобоҷон, нимага Сизнинг ишхонангизда китоблар ҳам сифатли, ҳам арzon? Бошқаларда эса ҳам сифатсиз, ҳам қиммат?

— Сабаби — уларда машиналар, технология эски, шароит ночор. Жуда кўп жараёнлар қўл кучи билан бажариларди. Биз эса немисларнинг, шведларнинг янги машиналарини ўрнатиб ултургурганимиз. Бу замонавий машиналар дунё ўлчовлари даражасида маҳсулот беради.

Шундай қилиб биз оғир ва вазминаллик билан ишлайвердик. Китобларимиз арzon, сифатли деб айюҳаннос солмадик. Бошқа босмахона-

ларнинг нонини яримта қилишни ўйламадик. Лекин бозор муносабатининг ўзи бизни қидириб топди.

«Китоб чиқарсанг киройи «Шарқ» концернида чиқар» деган гаплар катта-катта йиғилишларда барадла айтила бошлиди. Бу ўртада, бир, икки номда бадиий китобдан ташқари «Ўзбекистон тарихи», «Умумий биология», «Алифбе», «Ўқиш» дарслклари чиқариб республика танловида биринчи ва иккинчи ўринларни эгалладик.

Хаётда Шарофжон, одам боласи аввало, меҳнати билан танилади. Кўпнинг эътиборига ва назарига тушади. Бақириқ-чақириқ, шов-шувлар, куруқ рекламалар билан эса узоққа бориб бўлмайди.

Кунлардан бир кун Президентимизнинг мактаблар учун дарслик китобларини чоп этиш ва жойларга вақтида етказиб бериш тўғрисидаги Фармонлари чиқди. Ҳужжатда нашр ишлари билан банд бўлиб кетаётган давлат идораси қаторида бизнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг номи ҳам ёнма-ён турарди. Ўқидим-у, қалбим болаларча бир фурурга тўлди. Энди биз ҳам дарсликларни чоп этишга масъул бўлган жамоалардан биримиз. Ҳа, газета, журналлар, бадиий, иқтисодий китоблар қаторига яна бир мураккаб, шарафли вазифа — мактаб дарсликлари ҳам қўшилди.

Меҳнат қилган юзага чиқар деганлари шу бўлса ажаб эмас, Шарофжон. Буни ҳам доим ёдингда туттгин.

## УЙНИНГ ГАПИ КЎЧАГА ТЎФРИ КЕЛМАС...

**И** шлаб юрибман-у, Шарофжон, сенинг «бизнесмен бўламан» деган гапларинг тез-тез ёдимга тушаверали. Кечаям шундай бўлди. Бир чалкаш ишдан пешонам тиришди-ю, дарров сени эсладим. Менинг ҳам неварам шунаقا ҳолларда қош қўяман деб кўз чиқариб ўтиrsa-я, деган ўринли шубҳа қўнглимдан кечди.

— Нима бўлган эди, бобожон, сир эмасми?

— Сирли жойи йўқ. Ҳамма ёшларда, айниқса, дурустгина лавозимдаги ёшларда тез-тез учраб турадиган одатий ҳол. Хонамда ўтирам, қўнгироқ бўлиб қолди. Нуфузли бир идорадан катта ҳажмдаги бир китобни нашр этишга буюртма беришмоқчи.

— Келинглар, гаплашамиз, — дедим.

— Биз ходимларингиз билан гаплашганмиз, сиз рози бўлсангиз бас, — дея қўнгироқ қилувчи каттагина суммани ҳам айтди. Лекин у таклиф қилаётган иш ҳажми суммага тўғри келмаётган эди. Сабабини бир зумдаёқ фаҳмлаб етдим.

— Мен китоб матнини кўриб чиқмасдан туриб оқ йўл беролмайман, сиз айтиётган нархда китобни чиқариб бўлмайди, масала-

ни мутахассислар билан биргаликда кўриб чиқишимиз шарт, — дедим.

— Биз сизнинг ходимингиз берган нарх-наво бўйича ҳисоб-китоб қилдик, шунга асосланиб, юқори идоралардан зарур маблагни ҳам ундириш, ошигини ундирилмаймиз, шунга рози бўлинг, — деди.

Ҳайрон бўлдим-да, бундай нарх-навони ким қўйган экан, деб суриштиридим. Ахир гап бир миллион, икки миллион устида эмас, олтмиш миллион устида бораради-да. Бу сумма биз бажарадиган буюртма баҳосининг салкам учдан бир қисмига тўғри келарди, холос. Шунинг учун ҳам бу масалани чуқурроқ таҳлил этишга киришдим.

— Кейин нима бўлди?

— Бизнинг режалаштириш бўлимимизда тиришқоқцина, ёшгина йигит ишларди. Буюртмачиларга бундан уч ой муқаддам маълумотни шу йигит берган экан. Уч ой мобайнида эса ишлатиладиган ҳом ашёларнинг нархи ошиши сабабли харажатлар салкам эллик фоизга кўтарилилган эди. Чунки биз ишлатиладиган ҳом ашёларнинг нархи чет эл бозоридаги нарх-наво билан боғлиқ. Қофоз, бўёқ, пластинкаларга-ча четдан олиб келинади-да. Шунинг учун ҳам йигитимиз ҳисоблаб берган маълумот эрта учун эмас, ўтиб кетган кечаги кун учун таалуқли эди. Шартномада нархнинг кўтарилиб кетиши ёки тушиб кетиши ҳисобга олинмаган эди. Кейин буюртмачининг иши бугун бериб, эртага оладиган миёнагина иш эмас эди. Уни чоп этиш учун камида уч-тўрт ой вақт керак бўларди. Шунча вақт орасида нарх бир ерда турадими? Бозор деб қўйибди буни!

Шунинг учун ҳам доно ҳалқимиз «уйнинг гапи кўчага тўғри келмайди» деб билиб айтган. Уйдан фалон сўмга фалон нарса олиб келаман деб кўчага чиқасан. Олиб кўр-чи! Йўқ, ололмайсан!

Доим ёлингда бўлсин, Шароффон, чув тушиб қолмаслик учун, эртанги кун учун молга нарх белгилама. Бу ташхис нотўғри чиқиб қолиши мумкин. Эртанинг нархини эртанинг ўзи чиқаради. Хоҳлайсанми-ҳоҳламайсанми, ўша нархга кўнишдан бошқа иложинг қолмайди. Бу ўринда бундан уч ой аввалги нархда буюртмасини қабул қилишни даъво этаётган ташкилот бутунлай ноҳақ. Ахир унинг ўзи ҳам шу нарх-навонинг ичиди юрибди-ку. Агарда биз бундан уч ой олдинги нархда буюртмани қабул қилиб, пулини чўнтақка урганимизда унда фиринг демай зарарига бўлса-да, бажаришга мажбур эдик.

Хуллас, харажат-маблаг масаласи етти ўлчабмас, етмиш марта ўлчаб, бир кесиладиган нозик ишдир. Эҳтиёт бўлмасанг ўзинг ҳам, ҳожатманд киши ҳам нокулай аҳволда қолади. Кўчанинг гапи уйга, уйнинг гапи кўчага тўғри келмаслигини ҳамиша ёдингда тут ва шунга қараб иш юрит, каллангни ишлат, кам бўлмайсан, болам.

## ТУЯДАН СҮРАШГАН ЭКАН...

**Б**у қизиқ воқеага ўхшайды, нима деб сўрашган экан, бобо?

— Бўйнинг нимага қийшиқ, деб сўрашган экан.

— Туя нима деган экан?

— Айт-чи, танамнинг қаери ўзи тўғри, — деб жавоб берган экан.

— Рост, ҳайвонлар орасида энг беўхшови, эгри-бугриси ҳам туя.

Ҳайвонот боғига боргандга кўрганман. Бироқ шундоқ бўлиб қолишига туя айбдор эмас-ку, ахир?

— Ҳамма гап шунда-да! Ўша сен билан мен хунук деяётган жонивор йигирманчи аср, техника асири бошлангунча қуруқликнинг кемаси, поезди, юқ машинаси, самолёти ҳисобланган эди-да. Юклар у юртдан бу юртга сувда кема орқали ташилса, қуруқликда фақат от аравада, асосан туяларда ташилган. Аслида гап түянинг тузилиши ҳақида бормаяпти...

— Ўзимам ҳозир шундай десангиз керак деб турувдим.

— Сир бўлмаса айт-чи, фикр-ўйинг яна нималар деяпти?

— Биринчидан, туя гапирмайди-ку...

— Иккинчидан-чи?

— Иккинчидан, туя фикрлай олмаганидек, ўз гавдасининг қинғир-қийшиқлигидан ор қилишни ҳам билмайди.

— Унда гап нима ҳақида экан?

— Инсоннинг фикрлаш қобилияти ҳақида...

— Ҳа, яшавор, фаросатингга балли, ўслим.

Шу десанг Шарофжон, одамлар орасида туяга ўхшаганлар ҳам учраб туради. Мажозий маънода эмас, тўғри маънода айтяпман. Бу нақа одамлар умрида ёқаси крахмалланган, дазмол урилган кўйлак киймаслиги, бўйнига галстук боғламаслиги, ялтироқ туфли киймаслиги мумкин. Лекин кўпнинг иши уларсиз битмайди. Қозонлари қайнамайди, дастурхонлари тўкин бўлмайди. Яна улар шундай инсонларки, елкасига тоғдек юкни ортиб қўйсанг ҳам «их» дейишмайди. Сабр ва тоқатли бўладилар. Нолиш нималигини, жимжимадор гаплару баъзилардек пакта қўйишни ҳам билишмайди.

Шарофжон, бундай инсонларнинг қадрига етмоқ керак. Улар ҳар бир жамоада топилади. Ишни дўндириб қўйишади-ю, ўзлари пойгакда ўтиришади.

Одил раҳбар уларни ҳамиша юрагига яқин тутади, дастурхоннинг тўрига ўтқазади. Меҳнатига яраша мукофотлайди. Доимо эътиборли бўлади. Худди аравакаш чап тарафдаги отга эътиборли бўлган-дек, раҳбар ҳам жамоа аравасини беминнат тортадиганларга яқин бўлади.

— Нимага энди отнинг чап тарафдагисига, ўнг тарафдагиси-чи, бобо?

— Ҳа, сен ва сенинг тенгдошларинг бу гаплардан узоқлашиб кетдинглар. Нимага десанг аравани киноларда, отларни пойгаларданга кўриб қоласизлар. Бир вақтлар отлар ҳам худди туялардек транспорт воситаси бўлган. Ҳозир одамлар енгил машина сотиб олишнинг пайдан бўлсалар, илгари от сотиб олишни орзулашарди. Отсиз кўпчиликнинг, айниқса, дэхқоннинг иши битмасди.

Гап шундаки, одатда аравага қўшиладиган икки отнинг биттаси айёроқ бўлади. Иккинчиси биринчисининг акси бўлади. Аравага қўшилдими, «чу» дейилса бас, юкни тортиб кетаверади. Айёри эса ўзини урнтирумай, тайсаллаб тураверади. Ўзи тортиши керак бўлган улушини ҳам шеригига оширишнинг пайдан бўлади. Бунақси, албатта, араванинг ўнг томонига қўшилади. Чунки қамчин ҳамиша аравакашнинг ўнг қўлида бўлади. Айёрнинг сағринига қарсиллатиб тупшириб туради. Бўлмаса анови инсофли шеригининг шўри қурийди. Чап томондаги отга камдан-кам қамчи тушади. У аравакаш тарафидан алоҳида парваришланади, от жонивор хизматига яраша этасидан меҳроқибат кўради. Нимага десанг, аравакаш сафарга чиқар экан, кўпроқ ўша чап тарафдаги меҳнаткаш отта ишонади.

Бир қараганда ишхона ҳам худди манзил сари кетаётган аравага ўхшайди, Шарофжон. Уни икки хил тоифадаги одамлар олдинга тортади. Лекин «аравакашга» кўп нарса боғлиқдир. Үқувли, диёнатли, инсофли бўлса хўл-хўл, бўлмаса эрта кунда «арава»ни бир ботқоққа обориб қўиши мумкин. Оллоҳ жамоаларни, оилаларни ана шунаقا «аравакаш»лардан асрасин.

## ЖАБР ВА ҲУКМ

**Б**ир куни уйга борсам, Алишер кўрпа-тўшак қилиб ётиб олиди. Кизим Гулнора, сенинг аммант ҳали жуда ёш эди. Ўзича нималарнидир чулдираб, акасининг бошида парвона эди. Мени кўриши биланоқ Гулнора акасини ҳимоя қилган бўлиб, қўлчаларини мушт қилиб, кимлар биландир ўзича уришган бўлиб, арз қила кетди. Кичик ўғилларим Фанишер билан Баҳром ҳам нимадандир хавотирлангандек қовоқ уйиб жимгина ўтиришарди. Алишер бўлса мени кўриши биланоқ кўрпага бурканиб олди. Мен эса унинг юз-кўзларини кўкариб кетганини кўриб улгурган эдим. Кутимаган бундай нохуш манзарадан эсанкираб қолдим. Баҳром билан Фанишернинг болалар билан дўппослашиб

юришини билардим. Ҳа бу шоввозлар бирорга ҳақларини бериб қўядиганлардан эмас эди. Аммо Алишер бирор билан муштлашиш у ёқда турсин, бундоқ чапаничасига сўкишни ҳам ўзига эп кўрмасди. Кўчамиздаги энг урушқоқ болалар билан ҳам тил топишиб, уларни ҳам мулоийим, хушмуомалага ўргатиб қўярди. Ишқилиб, Алишер бор даврада ҳеч қачон тўполон чиқмасди. Бирорлар бир-бiri билан урушиб қолишса ҳам тезда келиштириб қўйишга уста эди.

- Ҳа, Алишер, тинчликми ўзи? — дедим ёнига бориб.
- Ҳеч гапмас, тинчлик адажон, — деди у синиқ овоз билан.

Мен ҳайрон бўлиб Баҳром билан Фанишерга қарадим.

— Безорилар акам билан яккама-якка чиқишмагандা, бўлмаса акам уларни таъзирини боплаб бериб қўядилар, — деди Фанишер акаси тараф бўлиб.

— Акаларингни урдириб сенлар қараб турдиларингми, — дея уларни қизитиб, воқеанинг асил тафсилотига қизикдим.

— Биз йўқ эдик-да, кўрмадик, — шошиб жавоб берди Баҳром.

Воқеани бир оз тушунганимдан сўнг анча тинчланган бўлдим.

— Дўхтирилик иши йўқми, танинг соғми болам, — дея Алишернинг оёқ-қўлларини ушлаб, белини пайпаслаб кўрдим. Мен ўзими қанчалик босиқ тутишга уринмай, барибир зўравонларни топиш, улар билан очиқчасига гаплашиб олишни тинмай ўйлардим.

— Қайси зўравонларнинг иши. Маҳалламиизда шундайлар ҳам бор эканми?

Алишер атайлаб юзини ўтириб, бошқа томонга қаради. Сезиб турибман у айтмайди.

— Нима талашшиларинг, ҳеч бўлмаса сабабини айт! Мен ҳам билай ўғлим.

— Магнитофон. Сиз Япониядан олиб келган магнитофонни музика қўйиб эшиттираман деб кўчага олиб чиқувдим. Мендан каттароқ бир тўда йигитлар, магнитофонни бизга бериб тур, деган баҳона билан тортиб олишмоқчи бўлишди. Мен уларга бермай қаршилик кўрсатган эдим...

— Бундан чиқди, очиқдан-очиқ босқинчилик қилишибди-да. Куппа-кундуз куни сени тунамоқчи бўлишибди-я. Қонунда бундай ҳаракат бирорнинг молига, жонига тажовуз қилиш дейилади. Бу муттаҳамларни кимлигини айтсанг бас, ҳозир дўхтирилган чиқирамиз, милицияга хабар қиласмиз.

— Адажон керак эмас, — деди Алишер жон-жаҳди билан. — Айб ўзимда, улардамас. Кўзларини ўйнатиб магнитофонни кўчага олиб чиқмаслигим керак эди. Ойим огоҳлантирувдилар, қайсарлик қилиб қулоқ солмовдим. Шунга яраша жазойимни олдим.

Алишернинг ўзи учун чиқарган бу ҳукмига кап-катта одам мен ҳам кўндиндим. Кўнмай иложим ҳам йўқ, чунки у ҳақ эди. Била туриб хатога йўл қўйган одам ўзига жабр орттиради, деганлари шу-да. Кўшиқда ҳам айтилади-ку, «бilmайин босдим тиканни, тортадурман жабрини», деб.

Отанг раҳматлик болалигиданоқ ўзига-ўзи танқидий қараб, жўяли фикрларди. Кундалик ҳаётда бирор-бир жазо олса ёки хатоликка йўл қўйса, албатта, аввало айбни ўзидан изларди. Агарда айби бўлмаса ҳақиқат изига тушиб, адолат қарор топмагунча тиниб-тинчимасди. Ундаги бундай асил инсоний интилишларни кўриб беҳад қувонардим. Чунки ҳақиқат, адолат, қонун ҳимоячиси бўлишдек фазилат етук инсонларгагина хос хислат эди. Бундай олий фазилат унинг йўлчи юлдузи бўлиб, бир умрга дилига муҳрланиб қолганди. Яратганинг унга бўлган марҳамати эди бу.

## ВАФОДОР ИТ ЭГАСИГА ИНТИЛАДИ

**Б**иласанку, Шарофжон, ҳовлимизда «Лорд», «Атос» исмли итлар яшаган. Отанг вафотидан кейин биз ит боқмай қўйдик. Умуман шаҳар ичидағи уйларда ит боқиш миллатимизга одат бўлмаган. Айрим хонадонлар эса болаларининг азбаройи жониворларга қизиқишилари, қандайдир зарурат туфайли ҳовлиларида ит саклаганлар. Бизнинг ҳовлимизга ҳам немис овчаркаси «Лорд» дастлаб отанг раҳматликнинг жониворларни хуш кўриши оқибатида келиб қолганди. «Лорд» зотдор итлардан бўлиб, жуда чиройли, ақули ҳам зийрак эди. Ҳовлидаги каттаю-кичикни, ҳатто бир-икки маротаба кўрган қариндош-уругларнинг деярли ҳаммасини танирди. Қизиги шундаки, у кўнгли юмшоқ, меҳрли киши билан қаҳри қаттиқ одамни бир-биридан ажрата оларди. Чапанироқ, дўлворроқ одам бўлса у билан ўйнаб, олишиб, иргишлаб хуморини ёзиб олишни ҳам биларди.

Кунларнинг бирида қизиқ бир воқеа бўлган. Алишер китоб ўқиб ўтирганида Гулнора амманг кечагидан қолган овқатни «Лорд»нинг товоғига ташлаб келинг, деганида Алишер китобдан кўз узмай, бош-қа идишга сузиб қўйилган икки кило пишган гўштни итнинг товоғи-

га ташлаб келганини, ўша куни овқатсиз қолишганини кула-кула айтиб беришганди.

Алишер билан «Лорд» ўртасидаги бир-бирларини тушуниш сирлари уйдагиларга ҳам, бошқаларга ҳам ғалати туяларди. Улар бир-бирлари билан ўзаро күз уриштириб гаплашишарди. Алишер келаётганини «Лорд» анча олисдан сезиб ўйноклашга тушарди. Бироқ Алишер ҳовлига кириши биланоқ жонивор жим бўлиб қоларди. Бошини олдинги оёқларининг устига қўйиб, бир нимани пойлагандек, мўлтираб ётарди. Жимгина ётса ҳам барибир кўзлари Алишер томонга термулгандек ўзгача сирли маромда ўйнаб турарди.

Алишер эса табиатан босик, бўлар-бўлмасга «Лорд»ни эркалаб, сийпалайвермасди. Лекин бир оздан кейин барибир итнинг рўпарасига бориб бир зум чўнқайиб ўтиради-да, бошини иргиб «қалайсан?» деб уни бир эркалатиб қўярди. Шуни ўзи «Лорд»га катта мукофот эди.

Кунлардан бир кун «Лорд» касал бўлиб қолди. Ҳа, амакинг Фанишер «Лорд»ни «Оқ тепа» каналига чўмилтиргани олиб бориб, сувга баланддан ташлаганда итнинг қулоғига сув кирган экан. Буни биз кейинроқ билдик. Жонивор оғриқнинг зўридан инграб ҳеч бир жойда туролмасди. Шунча зўрласак ҳам овқатга қайрилиб қарамасди. Жониворнинг тили йўқ, қани энди «фалон ерим оғрияпти» деёлса. Биринчи куниёқ итнинг қулоғига сув кирганини билганимизда, дарҳол чорасини кўрардик. Биз буни кечроқ сездик. Ҳа, бу ҳақда мол дўхтирига анча кеч мурожаат қилиб, вақтни кўлдан бериб қўйибмиз.

«Лорд»нинг касалланиши Алишерни тамоман ташвишга солиб қўйди, укалари Фанишер, Баҳром ва Гулноралар ёрдамида итнинг қулоғига дорилар қуяр, қандайдир ўтларни қайнатиб ичирар, атрофида парвона бўлишарди. Бундай ҳамдардликни сезгандай «Лорд» ҳам ёнига Алишер келиши биланоқ дарров жонланиб, думини ликиллатарди. Биз онаси билан бу ёқдан туриб:

— Ҳой болам, итнинг жони оғриб турганда ҳадеб ёнига бораверма, аламзада ҳайвон тишлаб олмасин тағин, — деб уни қайтармоқчи бўлардик.

Алишер кулиб қўярди-ю, ўз муолажасини давом эттираверарди. Шундан билдимки, бу тўрт оёқли жонивор ўзига ким шунчаки овунчоқ деб қарайди-ю, ким эса ҳақиқий дўст эканлигини сезиб туради.

Оғир касалликдан сўнг бир мунча оёққа туриб олган «Лорд» сал ўзига келгандек бўлди-ю, лекин барибир белини тик кўтаролмай

ётиб қолди. Юрса ҳам минг азобда, қорни билан эмаклаб юрарди. Алишер шунга ҳам хурсанд эди. Бошқалар эса бу мажрух итдан бир амаллаб воз кечиш керак, деган хulosага келиб қолган эдилар. Дўхтири ҳам шу фикрда эди. Бироқ Алишернинг ташвиш чекиб «Лорд» атрофида парвоналигини қўриб, бирор гап айта олмасдик. «Лорд» чекаётган азобни сезган Алишернинг боши қотиб безовтала-нар, доим ташвишланарди.

Бу орада тарааддуллар ниҳоясига етиб, Алишернинг тўйи бошла-ниб қолди. Бетоб ётган «Лорд»ни яқинимизда турадиган Марямхон қайнонамнинг боғ ҳовлисига элтиб қўйдик. Тўй куни келди-кетди билан сал ўзимни чарчагандек ҳис этардим. Юрак хасталигидан бир-мунча соғайиб энди ўзимга келаётганлигим сабабли менга уйдаги шовқин-суронлар ҳам ёқмасди. Бир оз бўлса-да, шовқин-сурондан нари деб кўчаларни айланиб, юриб, бувинглар турадиган ҳовлига яқинлашиб қолибман. Шу пайт қулогимга бир таниш овоз чалин-гандек бўлди. Ногоҳ бетоб «Лорд» эсимга тушди. Жониворга овқат-повқат беришдимикан, меҳрибони Алишер ўзи билан ўзи овора деган хаёл билан боғнинг катта дарвозаси эшигини очдим. Қарасам «Лорд» дарвоза тагида ётиби. Ҳа, ўз уйига интилаётган жонивор боғ этагидан эмаклаб, судралиб, дарвозагача келибди. Мен уни «юр» дегандек имо-ишоралар билан боғнинг четига, ётган жойига олиб боришга ҳаракат қилдим. Йўқ, у айтганимга юрмади. Бу баҳайбат итни кўтарай десам, менга оғирлик қиласарди. Инграб турган жонивор худди тўйдати шодликни сезаётгандек оғриқ, азоб билан бўлса ҳам ташқарига чиқишига интиларди. Нима қилишимни билмай бўзрайиб бошим қотиб туриб қолдим. «Лорд» бўлса судралганича жон-жаҳди билан кўчага тўйхонага қараб интиларди. Жонивор судралганча кетаверди. Секин унинг ортидан боравердим. Албатта, итдир, мушукдир уч ойлик йўлдан бўлса ҳам яшаган уйини топиб келади. Бу ҳақда кўп эшитганман ва ўқиганман. «Лорд» ҳам бениҳоя жони оғриганига қарамай, уйига ўз хонасига интиляпти-да, бу жониворнинг ҳам уйи, севган кишилари бор. Боз устига унинг эгаси Алишер янги ҳаёт қураяпти. Мени бошқа бир ташвиш безовта қила бошлади. Ҳовлида тўй, ит ётадиган жой банд-ку! Умуман ҳовлига ўрнатилган столлардан оёқ қўйишга жой йўқ-ку. Судралиб бўлса ҳам «Лорд» ҳовлимииз дарвозасига яқинроқ борди-ю, тақقا тўхтади. Девор тагига узала тушганича бошини олдинги оёқлари устига қўйиб дарвозамиз тагида жимгина ётаверди. Ҳа, фаросатли жонивор ичкарида, ҳовлида қутлуг бир шодиёна бўлаётганини сезгандек ҳовлига кирмай остона яқинида ётаверди. Ким билади балки Алишернинг уйланаётганини, шу-

нинг учун уни холироқ жойга элтиб қўйишганини ҳам сезиб турган-дир. Ҳайвонлар воқеа ва ҳодисаларни одамлардан ҳам олдин сезишида дейишгани бежиз эмас эканда. Бўлмаса не азобда, нимага ишониб, шунча йўлдан судралиб, бу ерга келди экан?

Бу гаройиб воқеани кузатиб туриб, бир фикр миямда чарх ура бошлади. Бу вафодор ит ўз меҳрибони, қадрдони Алишерни соғинган. Алишерни шу ерда кутишга қарор қилган, деган ўй-хаёл билан ичкарига кирдим-да, тўрда ўтирган күёвтўрани секин-аста ўзим томон чақирдим. У қайлиfiga бирор баҳона топиб, тинчликми дегандек, ҳайратомуз ёнимга келди-да, меҳрибончилик билан деди:

— Адажон уриниб, чарчаб қолмадингизми, оёқ устида кўп тураверманг, ўтириңг. Кузатиб турибман кўпдан бери ҳовлида кўринмай қолдингиз, тинчликми ўзи?

— Сени ташқарида бир дўстинг кутиб турибди, — дедим кулим-сираб.

— Ие, нимага киравермайди, ким экан у? — шошиб қолди Алишер.

Алишер шошиб ташқарига қараб юрди. Мен ҳам ортидан се-кин бордим. Алишер дарвозахона олдидағи столда ўтирган қария-лар билан саломлашар экан, сўраб келган «дўстини» қидирган бўлиб, атрофга аланглади. Шу пайт «Лорд» бошини қўтарди-да, ғалати инграган овоз чиқариб, думи билан ер супириб Алишер томон талпинди.

Шундагина Алишер ҳазилимни тушуниб, «Лорд»нинг ёнига чўккалади. Уни эркалатган бўлиб, бошини силаб қўйди. Ҳабар ололмагани учун ундан кечирим сўрагандек, йўқлаб келгани учун миннатдорчилик билдириб, бир нималар деди. Ҳа, Алишер у билан худди одам билан мулоқот қилгандек гаплашди. «Бу ерда ётмасдан жойингга борсанг бўларди», деди-ю, Алишер ўрнидан турди. Биз атрофлагилар натижаси нима бўларкин дегандек, воқеани кузатардик. Жонивор бир амаллаб ағдарилиб чапга ўтирилиб олди-да, келган изига яна қайта эмаклаб кета бошлади. «Ҳа, баракалла, яша, шундай қилсанг мен хотиржам бўламан», деди Алишер, жонивор-нинг ортидан фамгинлик билан қараб.

Бу воқеанинг гувоҳи бўлиб турганлар кўз ўнгларида инсон билан ҳайвон орасида юз берәётган муносабатдан таъсирланиб ҳангуман-қолдилар.

Алишер тўйдан кейин ҳам тўртоёқли дўстини сафга қайтараман деб кўп уринди. Аммо бўлмади, «Лорд» тўйдан сўнг кўп ўтмай ўлди.

Үмр деганлари поёnsиз оқар сув экан-да, Шарофжон. Сен ҳам улгайиб, оқ-қорани ажрата бошлагач, отангта ўхшаб ит боқиши ёқтириб қолдинг. Отанг «Лорд» ўлгандан кейин ҳам уни эслаб, одат ва қилиқларини кўп гапириб юрар, «бунақа ақл-фаросатли ит хонадонимизга бошқа келмаса керак», дегандек ўксиниб қўярди. Сен қаердадир кўрган итингни вовуллашларини жуда ўхшатиб кўрсатаверганингдан кейин, аданг билан Баҳром амакинг бир ажойиб кучук боласини олиб келишиди. Сен дўмбоққина пахмоққина жониворни кўриб шундай қувондингки... Унга ака-укаларинг билан келишиб «Атос» деб ном қўйдинглар. Агар одамнинг исми бўлса «Атос» деб қўйманглар. Инсон номини ҳайвонга қўйиш, бу тўғридан-тўғри одамларни камситиши мумкин, бу эса инсонга беҳурматлик бўлади. Яна ўзларинг ўйлаб кўринглар деб уқтиридим. «Атос» ит зотининг номи, ўзининг асиш номини қўймаса унинг зоти йўқолиб кетармиш, лейишди болалар. Шундай қилиб, сен ҳам «Атос» ҳам бошқа укаларинг қатори аста-секин ўсиб, улгая бошладинглар.

Худди «Лорд» каби отанг ҳам унга ўрганиб қолганди. Аммо... 1993 йилнинг 29 апрелида содир бўлган мудҳиш фожиа олдидан ўша куни тунда юрагим безовта бўлиб, сира уйқум келмади. Уйга кираман, ҳовлига чиқаман. Кўлимга китоб оламан ҳеч бўлмайди. Дўхтир чақирай десам дардим ўзимга аён, яна тинчийман. Карапасам дори-дармонлар жовоңда турибди. Ҳовлига разм солиб қарапасам мендан бўлак яна бир тирик жон ўз згасининг дардини сезгандек ўта безовта эди. У ҳам бўлса «Атос»! Овоз чиқариб хурмайди-ю, бўйинбогини узгудек ўзини у ёқдан бу ёққа уради. Доим жимгина ётадиган бу баҳайбат жонивор ҳовлига сифмас эди... Назаримда ит ҳар тун шундай безовта бўлиб чиқади-ю, азбаройи чарчаганидан кундуз куни уйчасида жимгина ётадигандек туйиларди. Ҳовлига чиқиб, унга сув, овқат бердим. Аммо у овқатга қайрилиб ҳам қарамади. Нуқул менга қараб, бир нималарни англатмоқчилик талпинди. Бир кўнглим бўйинбогидан бўшатиб юбормоқчи ҳам бўлшим. Ҳозирги важоҳатида у девор ошиб ҳовлидан чиқиб кетади-ю, кўчада адашади, кейин Алишердан надоматга қоламан, деб ўйладим.

Чунки, «Атос» аввалги итимиздан ҳам бошқачароқ, сезгир ва баҳайбат бўлиб етилганди. Айиққа ўхшаган келбатли эди. Баъзан Алишер, Баҳром, айниқса Фанишер амакинг маҳсус жомакорини

кийишиб олиб у билан росмана курашга тушишарди. Гоҳо бизлар ҳай-ҳайласак: «Буни шу йўл билан сал совитиб туриш керак, бўлмаса оғирлашиб, тезда қариб қолади, хавотир бўлманглар», дейишарди. Бу тўрт сўёкли жонивор ҳам Алишерга жуда ўрганганд эдик, бирон ёқса сафарга кетиб қолса, уч кун кутарди, уч кундан ошса овқат емай, ёшли кўзи кўчада бўлиб дарвозага қараб ётарди. Биз Алишерга уч кундан кеч қолма болам, «Атос» ҳам болаларинг каби сенга ичикиб қолади, деб кулардик.

Албатта, шу тунги безовталикнинг аломати эртасига тонгдаёқ маълум бўлди. Отанг, амакиларинг Эркин ва Рағшанлар билан бир вақтда автоҳалокатга учраганлиги ҳақидаги мудҳиш ҳабар барчамизни ҳушимииздан айриб, даҳшатга солди. Бундан кейин бўлиб ўтган гаплардан ҳабаринг бор, Шарофжон.

Бу мудҳиш айрилиқ билан баробар яна бир нарса менинг юрагимга ўрнашиб қолганки, бу «Атос»нинг ўлими билан боғлиқ.

Алишернинг жасадини ҳовлимизга олиб киришганида жамики йифи-сифиларни битта овоз босиб кетганлигини, у борлиқни эгаллаб, вужудимизни мажақлаб ташлаганини, бу «Атос»нинг нолаю фифони эканлигини, кейинчалик зўрга хаёлимда тикладим. Ўша куннинг эртасига қарасам, ҳовлида «Атос» йўқ бўлиб қолибди. Маълум бўлишича, уни бир аёлникига вақтинча олиб бориб қўйишган экан. Аёл шунаقا зотли ит боқар экан.

Бошимизга тушган жудоликка кўнига бошлаганимизда «Атос»ни уйга олиб келмоқчи бўлдик. Аммо уни излаб борганлар у ердан хомуш қайтиб келишди. Маълум бўлдики, «Атос», янги жойга боргач, бошини олдинги оёқлари устига қўйиб ётганича етти кунгача сув ичмай, овқат емай, саккизинчи куни ўлиб қолган.

Ана шундай Шарофжон, айрилиққа биз ота-оналар, қариндошурӯгулар сен, синглинг, онанг, амакиларинг, тоғаларинг кўнишишга мажбур бўлдик, аммо Алишернинг вафодор ити кўниколмади. Бунинг сабабини қандай қилиб таърифлашга қалам ҳам, тил ҳам ожизлик қиласди.

Мен шуни сенга таъкидламоқчиманки, отанг раҳматлик ҳаётлигига нафақат инсонларга, балки жониворларга ҳам чинакам меҳршафқат кўрсата олган. Алишерда бағритошлик, лоқайдлик ва бепарвоникдан асар ҳам йўқ эди. Сен ва сенинг тенгдошларинг, ҳамма жиянларинг, укаларинг отангдек бўла олишадими? Иймоним комил, бўлишади. Бунинг учун доимо интилиб яшаш керак.

## ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР...

**III** арофжон, бугун менинг энг қувончли кунларимдан биридир. Буни ўзинг ҳам сезаётган бўлсанг ажаб эмас. Менинг яна бир набирам, сенинг амакиваччанг, дўстинг, укажонинг Фарҳоднинг жасоратини айтяпман-да! Ҳа, сен ҳам таъсиirlаниб кетган бўлсанг керак унинг ишидан. Балки Фарҳоднинг ўрнига ўзингни қўйиб ҳам кўргандирсан, мен ҳам ўшандай йўл тута олармидим деб. Ким билади, мен ҳам бу набирамдан шунаقا дадил шижаотни кутган эдим, десам — ёлғон гапирган бўламан. Чунки у бир неча йиллардан бери ота-онаси билан Швейцарияда яшаяпти, ўқияпти. Йилда бир-икки марта, таътил кунларида келади. Ўшанда ҳам бундоқ кундалик ишлардан ортиб, бафуржা гаплаша олмаганман. Набиralарим ҳамма қатори ўқиб юргандир-да, деган ўйда эдим.

Ўзи, одатда шунаقا бўлади. Йўқ жойдан бир булоқ сизиб чиқади-ю, сувга ташна бўлиб ётган чор-атрофни яшнатиб юборади. Кўпчилик эътиборига тушади. Менинг назаримда Фарҳоднинг дадиллиги нуфузли бир жойда, нуфузли идорада, нуфузли одамлар орасида ўзини нуфузли даражада тута олиши ўша «йилт» этган булоқ сувини эслатди.

— Бобожон, мен жигардошим, дўстимнинг жуда бир катта одамнинг қўлидан катта мукофотни қабул қилиб олаётганини фотосуратда кўрдим. Лекин бу суратнинг асл моҳиятига тўла тушунмадим. Қанақа мукофот эди у?

— Швейцариянинг Женева шаҳрида «Сифат учун Ҳалқаро Олтин Юлдуз» Конвенцияси иш олиб боради. Бу ташкилот ҳар йили дунёдаги энг таниқли, зўр мубаффақиятга эришган оммавий ахборот воситалари, матбаа нашрларининг олий сифати учун танлов зълон қиласди. Энг зўрларини ўзининг «Олтин Юлдуз» мукофоти билан тақдирлайди. Бу танловда бизнинг нашриёт-матбаа концернимиз ҳам «Амир Темур», «Бухоро», «Хива», «Ал-Бухорий», «Алпомиш», «Зафарнома» каби альбомлари билан қатнашган эди. Албатта, хабаринг бор, бу асарлар-альбомлар ўзбек, ўрис, инглиз, француз тилларида нашр этилган эди. Улар биринчи навбатда жаҳон талабларига жавоб берадиган даражада чоп этилган ва ундаги маълумотларнинг ҳаммаболлиги ҳакамлар эътиборини тортган ва олий мукофот — «Сифат учун Ҳалқаро Олтин Юлдуз» мукофоти билан тақдирланганди.

Мен мазкур мукофотни олиш учун Женевага боришим керак эди. Бундан Баҳром амакингни ҳам хабардор қилган эдим. Менга қўнғироқ қилиб: «Аэропортда невараларингиз билан кутиб оламиз, жудаям соғинганмиз», деди.

Мен унга бунинг иложи йўқлигини, улар билан ўша мукофот топшириладиган жойда учрашишимизни айтдим. Бироқ ўзингнинг хабаринг бор, бу олис сафарга иш кўплиги, бунинг устига тобим қочгани сабаб бўлиб боролмадим. Албатта, мукофот топшириладиган муҳташам жойга амакинг ўғиллари ва келинойинг билан биргаликда келишган. Тақдирланиш маросими бошланган. «Ўзбекистон, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, бошқарув раиси Ислом Шоғуломов» дейилиши билан нимагадир Фарҳод ўрнидан «дик» этиб туриб кетган. Залдагилар ярим ҳайрат, ярим ҳайронлик билан Фарҳодга қарашган ва қарсак чалиб юборишган.

— Хўш, йигитча, сиз ким бўласиз, концерн вакилеми? — сўраган ҳакамлар раҳбари, жаноб Жозе Прието.

— Йўқ, мен Ислом Шоғуломовнинг набираларидан бири — Фарҳод Шоғуломов бўламан. Женевада ўқийман, таниқли ижодкор бобом ва у кишининг Ўзбекистонда машҳур матбаачилик ишхонаси билан фахрланаман. Бобом келмоқчи эдилар, ишлари кўпайган шекилли...

— Афсус, ҳим... Сиз билан қайси тилда bemalolroq таплашганимиз маъқул, мистер Фарҳод Шоғуломов?

— Европанинг хоҳлаган тилида.

— О кей, масалан?

— Инглиз, француз, испан, немис, ўрис тилларида. Яна албатта ўз она тилимда, уни жуда севаман.

— Ў-хўй, яхши, яхши! Айтинг-чи, мистер Фарҳод Шоғуломов, Ўзбекистонда қандай давлат қуриляпти, социалистикми, капиталистикми, исломийми?

— Биз социалистик давлат ҳам, капиталистик давлат ҳам, исломий давлат ҳам қурмаяпмиз.

— Ажабо, унда қанақа давлат қуряпсизлар?

— Ҳурматли президентимиз асарларини севиб ўқийман, Ислом Абдуғаниевич Каримов сўzlари билан айтганда, бизнинг Ўзбекистонда ўзимизга хос бозор иқтисодига мос ўзбекона, демократик давлат қуряпмиз!

— О кей, қайси миллатдансиз? Кўрининингиз европаликларга ўхшаб кетяпти?

— Алҳамдуиллоҳ, ўзбекман.

— Сиз чиндан ҳам бобонгиз Ислом Шоғуломовнинг набираси, Ўзбекистоннинг келажаги экансиз, мистер Фарҳод Шоғуломов. Мен Сизга катта хоҳиш, зўр мамнуният ва миннатдорчилик билан ушбу мукофотни топширишдан баҳтиёрман. Назаримда уни ҳақиқий эгасига топшираётгандекман. Бунақаси менинг ҳаётимда биринчи марта юз бериши...

Ана шунақа гаплар, Шарофжон. Мен Женевага боролмаганимдан ачиниб турган эдим. Аммо бу гапларни эшиттандан, фотосуратлари ни кўрганимдан кейин боролмаганимга қайтага хурсанд бўлиб кетдим. Борганимда ҳаммани ҳаяжонга соладиган бунақа тасодифий воқеа юз бермасди-да, тўғри эмасми?

— Барибир мукофотни ўзингиз қабул қилиб олганингиз яхши эмасмиди, бобожон?

— Сен бу ерда нозик, мен учун жудаям қимматли бўлган бир ҳолатни англаб етмаяпсан, Шарофжон.

— Айтинг бўлмаса, билиб олай?

— Билсанг, Шарофжон, Фарҳоднинг шихоати, ладиллиги, ўзи-ни йўқотмай катта бир издиҳомда, бобом билан фаҳрланаман дейиши, билими, салоҳиятини намойиш қила олиши мен учун катта мукофотdir. Бу масаланинг биринчи тарафи бўлса, иккинчи, асосий томони издиҳомда қатнашаётганларда «Ислом Шоғуломовнинг ёшгина набираси ҳаммани оғзига қаратиб ўтирибдими, демак бу оиласа бир гап бор», деган таассурот уйғотиши мени кувонтиради. Учинчидан, Фарҳоднинг тимсолида келажаги буюк дейилаётган Ўзбекистон ёшларининг эртасини ёрқинроқ тасаввур қилиш-чи?!

Кимларгадир арзимасдек туюлиши мумкин бўлган бу воқеа мен учун Оллоҳнинг буюк тухфаси бўлди. Яратган Эгам қилаётган савоб ишларинг учун сени бир кувонтирай деганига, иншооллоҳ, дилдан суюндим.

Шуларни ўйлаб, беихтиёр, доно ҳалқимизнинг «От изини — той босар», «Нима эксанг, шуни ўрасан» деган мақолларини эсладим.

Илоҳо, сен ҳам, Фарҳод ҳам, бошқа набираларим Фулом, Зиёда, Диёр, Ширин, Саида, Сарвар, кичик Алишер, болаларим, Фанишер, Гулнора, Баҳром, Ўзбекистонимиздаги жамики болалар, барча-барчангизгиз Ўзбек деган буюк номга, маҳаллангизга, шажарангизга, қолаверса, жаҳонга ўнлаб, юзлаб буюк кишиларни тухфа этган ўз ҳалқингизга, Ватанингизга содиқ бўлинг. Менинг Яратгандан сўрорим шу, Шарофжон.

Бош фарзандим Алишер ёзиб улгурмаган китобни ёзиш менинг чекимга тушган бўлса на илож, бу ҳам Яратганднинг ўзигагина аён. Буваларим, бувиларим, отам, онам, Зикрилла акам, жигарбандим Алишер ва бутун авлодимиздан ўтганларнинг руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин, дея дуога қўл очаман.

## МУНДАРИЖА

Сув юзидан сакраб ўтган тош . . . . .	4
Бош фарзанд — бош битик . . . . .	8
Ота ўқига нишон . . . . .	11
Исмнинг маъноси . . . . .	17
Журналист бўлмокчиман! . . . . .	24
Дўстингни кўриб, кимлигингни айтаман . . . . .	28
Жаннатнинг таъми . . . . .	30
Онали етим — гул етим . . . . .	36
Ширина . . . . .	38
Тўк фикр — ўқ фикр . . . . .	40
Саломга яраша алик . . . . .	43
Катикнинг пули ёнга колди . . . . .	45
Бозорнинг «сир»и . . . . .	48
Бозор кўтариپтими, сотовер, бирок . . . . .	51
Дарвоке, сенинг ким бўлишинг хақида . . . . .	53
Ишдан кочма, барибир у сени кувмайди . . . . .	58
Атрофингда яхши одамлар . . . . .	62
Одиллик бор жойда . . . . .	64
Ўзим бўлай деган одамдан коч! . . . . .	69
Бир калла яхши, иккиси ундан ҳам аъло . . . . .	71
Ҳак роҳатини, ноҳак жазосини топади . . . . .	74
Ишхона раҳбарнинг иккинчи уйи . . . . .	75
Эътиқодли бўлиш — ўздан кечишdir . . . . .	76
1956 йил, 9 сентябр . . . . .	81
«Қайтар дунё» дейдилар . . . . .	95
Ҳамма той ҳам от изини босмайди . . . . .	99
Ҳар ерни килма орзу . . . . .	104
Лутф . . . . .	105
Тадбиркор болам . . . . .	107
Ғалвасию меҳнатининг поёни йўқ . . . . .	109
Яхши иш хаммага ёқади, ёмони-чи? . . . . .	113
Пул топиб, акл топмаган . . . . .	115
Инсонга икки кулоқ етарли, аммо икки кўз камлик килади . . . . .	116
Локайдлик энг ёвуз душман . . . . .	120
Нокулайликдан — куляйлик изла . . . . .	123
Барака харидорнинг пулидамас, юзида . . . . .	128
Мехрнинг ўзи бойлик . . . . .	132
Халқ донондири, унга кулоқ тут! . . . . .	135
Бир кун туз ичган жойга . . . . .	137
Армон . . . . .	141
Ишнинг вақтинчаси бўлмайди . . . . .	144

Оллохнинг хоҳиши . . . . .	146
Тилим узун бўлсин, десанг . . . . .	149
Химмат . . . . .	152
Жамоа — рўэворинг, боласи — боланг . . . . .	154
Адолат мезони . . . . .	158
Хотира ва захира . . . . .	159
Тижоратчи, виждон ва харидор . . . . .	161
Кўшнинг тинч — сен тинч . . . . .	163
Сўаинг — кимлигинг исботи . . . . .	165
Режа — хали иш эмас . . . . .	167
Дарё оқар, тоши колар . . . . .	168
Ният пок бўлса . . . . .	170
Ишон! Нопок иш — оёққа кишан! . . . . .	173
Яна ният ҳакида . . . . .	175
Гуноҳ ва жазо . . . . .	177
Иккинчи бор ният ҳакида . . . . .	180
Олдига кўйганни емоқ . . . . .	183
Оймоманинг орка тарафи . . . . .	185
Ушовига қараб тушови . . . . .	187
Юк кўтарган юзага чикар . . . . .	190
Уйнинг гапи кўчата тўғри келмас . . . . .	192
Туядан сўрашган экан . . . . .	194
Жабр ва ҳукм . . . . .	195
Вафодор ит эгасига интилади . . . . .	197
«Атос» . . . . .	201
От изини той босар . . . . .	203

*Адабий-бадиий нашр*

## ИСЛОМ ШОФУЛОМОВ

**ДИЛДА БОРИМНИ АЙТАМАН...**

**Ёхуд дилбандларим — набираларимга мактублар**

*Тошкент «Маънавият» 2003*

Мухаррирлар: *М. Мансур, А. Жўраев*

Рассом *М. Агламов*

Техн. мухаррир *Т. Золотилова*

*Мусаххих Ш. Илҳомбекова*

Теришга 19.09.2002 й.да берилди. Босишга 18.02.2003 й.да руҳсат этилди. Бичими 60x90  
Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 13,0. Шартли кр.-отт. 16,0.  
Нашр т. 12,42. 5000 нусха. Буюртма № 4046. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Буюк Турон, 41. Шартнома 39-02.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, 700083, Тошкент шаҳри, «Буюк  
Турон» кўчаси, 41. 2003.